

Ш. Наралиева, Б. Турдикулов,  
Н. Корганбаева, Ш. Алиакбарова

# ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Умумтаълим мактабларининг  
5-синфи учун дарслик

*Қозогистон Республикаси Таълим ва  
фан министрлиги тасдиқлаган*

5

ш  
Алматы  
«Жазушы»  
2017

УДК 373.167.1  
ББК 83.3 Узб-922  
Н 34

**Шартли белгилар:**

	<b>назарий маълумотлар</b>
	<b>савол ва топшириқлар</b>
	<b>видеолавҳани томоша қилинг</b>
	<b>матнолди топшириқлари</b>
	<b>якка тартибда ишлаш</b>
	<b>жуфтликда ишлаш</b>
	<b>гурухда ишлаш</b>

**Наурузов А. М. ва бошқ.**  
**Н 34 Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг 5-синфи учун дарслар / Ш.Наурузов, Б.Турдикулов, Н.Корганбаева, Ш.Алиакбарова. – Алматы: Жазушы, 2017. – 228 бет, расмли.**

ISBN 978-601-200-580-6

УДК 373.167.1  
ББК 83.3 Узб-922

© Ш.Наурузов, Б.Турдикулов,  
Н.Корганбаева, Ш.Алиакбарова, 2017  
© «Жазушы» баспасы, 2017  
Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.  
Нашрнинг мулкий ҳуқуқлари  
«Жазушы» нашриётига тегишли.

ISBN 978-601-200-580-6



## БАДИЙ АДАБИЁТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Азиз ўқувчи!

Мана, мураккаб ва серташвиш оламда яшаётганингизга ўн йилдан ошди, мактабда ўқиётганингизга ҳам бешинчи йил бошланди. Одам, унинг дунёдаги ўрни ҳақида анча нарсаларни билиб олгансиз. Сиз кўрасизки, дунёдаги нарсаларнинг бир хилларида жисм бору жон йўқ (тош, қум), бошқасида жон, ҳаракат бору жисм йўқ (фаришталар, шамол) баъзиларида жисм ҳам, жон ҳам бор-да, ақл йўқ (ўсимликлар, ҳайвонлар), баъзи яратикларда жон ҳам, жисм ҳам, бир қадар ақл ҳам бор (маймун, тулки), аммо руҳ йўқ. Биргина одамзотда жисм ҳам, жон ҳам, ақл ҳам, руҳ ҳам бор. Одам – шунинг учун ҳам қудратли, азиз, буюк. Ҳар бир одам ана шу хусусиятларга лойик бўлиши керак. Чинакам одамнинг жисми ҳам, ақли ҳам, руҳи ҳам гўзал бўлиши керак.

Одамни гўзалликка, яхшиликка интиладиган, хунукликдан, ёлғондан, ёмонликдан нафратланадиган хусусиятларга эгалигининг сабаби унда кўнгилнинг борлигиdir. Шунинг учун ҳам әлда: «Кўнгли тоза одам», «Кўнглида ғубори йўқ киши» сингари иборалар бор. Кўлингиздаги «Ўзбек адабиёти» деб аталадиган китоб Сизда ана шу кўнгилни шакллантиришга, уни бойитишга хизмат қиласиди. Чунки у бадиий асар қаҳрамонлари тақдирини кўрсатиш баҳонасида яхшилик ва ёмонлик,adolat ва ноҳақлик, гўзаллик ва хунуклик ҳақида баҳс юритади. Сиз бирорларнинг ҳаёти мисолида одам кўнглида эзгулик қандай из қолдиришини-ю, ёмонлик кишига қай даражада таъсир кўрсатишини билибгина қолмай, ҳис этасиз. Чунки бадиий асар фақат ақл билан эмас, балки кўнгил ва ҳис-туйғулар билан ҳам қабул этилади.




Одамнинг кўнгли ҳамиша гўзалликка ташна бўлади. Шунинг учун ҳам аквариумдаги балиқларни томоша қиласиз, яшнаб турган гулни кўрганда энтикиб кетасиз, чойни дуч келган темир идишда эмас, чиройли гулли чинни пиёлада ичгингиз келади, ҳар қандай кийимни эмас, ўзингизга ярашган лиbosларни кийгингиз келади. Аллоҳ одамларни яхшиликка, гўзалликка, дўстликка чанқоқ қилиб яратган. Бадиий адабиёт бизга яхши одам бўлишни ўргатадиган энг кучли воситадир. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ёшлигидан бошлаб бадиий асарлар билан ошно бўлиши лозим. Билиш, гўзалликни таниш эса китобга меҳр қўйиш орқалигина амалга ошади. Демак, яхши одам бўлмоқчи экансиз, кўпроқ китоб ўқинг ва китобдаги яхши одамларга ўхшашга ҳаракат қилинг.

Адабиёт сизни ўзингизнинг хулқингиз ва гапларингизга ташқаридан қарашга, бирорларники билан қиёслашга ўргатади. Чунки ўқиган китобларингизнинг қаҳрамонлари айтган қайсиdir гаплари, қилган қандайдир ҳаракатлари сизга ёқади ва уларга ўхшашга интиласиз. Баъзан эса айрим қаҳрамонларнинг айтганлари ҳам, қилганлари ҳам яхши инсон деган номга муносиб бўлмайди ва Сиз бундай кимсаларга ўхшамасликка, уларнинг айтганларини айтмасликка, қилганларини қилмасликка уринасиз. Ўқимаган одам эса ҳамма нарсадан бехабар юраверади.

Одамларнинг ҳаётини қизиқарли қиладиган бир восита борки, у санъат деб аталади. Бадиий адабиёт сўз ёрдамида иш юритадиган санъат туридир. Шунинг учун адабиётни сўз санъати, дейишади. Бошқа санъатлар сингари, адабиёт ҳам гўзаллик оламига дахлдор: у баъзан кишиларни қувонтиради, баъзан йиғлатиш йўли билан уларнинг руҳига, кўнглига таъсир ўтказиб, поклайди.

Инсон сўзлай олгани учун ҳам бошқа жонзотлардан фарқ қиласи. Сўз илоҳий қудратга эга бўлган неъматdir. Шунинг учун ҳам унинг имконияти чексиздир. Насиб этса, сиз ўқув йили давомида Тўмарис, Широқ, Ойгул, Бахтиёр, уч оға-ини ботирлар, Фанича, Чакмоқ, Қуёш сингари бир қанча



қаҳрамонларнинг ҳаёт йўли, туйғулари билан танишасиз. Уларнинг ҳаётига сиз бефарқ бўлолмайсиз. Кимнингдир томонига ўтасиз. Адабиётнинг қудрати шунда: Сизга яхши билан ёмоннинг, хунук билан гўзалнинг фарқини кўрсатади ва ўз шахсий ҳаёт йўлингизни танлаб олишга ёрдам беради.

Ўйлаб кўринг: Сизни баъзан уришсалар, койисалар, қаттиқ хафа бўласиз. Баъзан ҳатто йифлайсиз ҳам. Нега? Ахир сизни ҳеч ким қийнагани, танингизга азоб бергани йўқку? Аммо сўз калтакдан қаттиқроқ азоб беради. Баъзи пайларда ота-онангиз, бошқа катталар ёки ўқитувчингиз айтган гаплардан жуда қувонасиз. Нега? Бу ҳам сўзнинг қудрати! Бадиий сўз, яъни адабиётда сўзнинг қудрати юзларча марта ортиб кетади ва сизниң кўнглингизга кириб боради. Уни яхшиликлар, гўзалликлар чаманзорига айлантиради. Шу боис бадиий асар билан ошно бўлиш, уни тинмасдан ўқиб бориш лозим. Бунинг учун дастлабки ишни қўлингиздаги «Ўзбек адабиёти» дарслигини яхшилаб ўзлаштиришдан, ундаги ҳар бир савол-топшириқларни бажаришдан бошлаш керак. Шунда сиз сўз санъатининг катта ва жозибали чаманзорига кириб борасиз, умр бўйи бу гўзалликдан баҳраманд бўласиз.

Сўз ёрдами билан дунёдаги ҳамма нарсани, инсоннинг ҳар қандай ҳолатини ифодалаш мумкин. «Гўзал» сўзини эшлишингиз билан қоп-қора кўзлари ёниб турган, чиройли бир қиз ўйингизга келади. «Қизғалдоқ» сўзи сизни хаёлан табиат қўйнига олиб боради. «Тўй» сўзи бутун қувончу ташвишлари билан ҳаммамиз интиқ бўлган гўзал ва тансик бир маросимни ўйга келтиради. Кўрдингизки, сўзда қудрат кўп. Шу тарзда сўз ёрдами билан табиат манзараларини, кишилар қиёфасини, одамнинг кайфиятини тасвирлаш мумкин.

Бу йил Сиз биринчи марта ўқийдиган «Ўзбек адабиёти» деб атальмиш ўқув фанида ҳар бир бадиий асарни ўқиганингиздан кейин уни ўзлаштириш юзасидан саволлар берилган бўлади. Дастлабки вақтларда бу саволларнинг айримларига жавоб тошишингиз қийин бўлади. Баъзиларига қийналиб ҳам жавоб беролмаслигингиз мумкин. Бундан асло қўрқманг. Билиш



ҳамиша билмасликдан бошланади. Астойдил ҳаракат қилган одам бора-бора жуда кўп нарсаларни ўрганиб олади. Шунингдек, Сиз ҳам ҳар қандай асар юзасидан берилган ҳар қандай саволга жавоб топадиган бўлиб кетасиз. Бунинг учун бадиий асарни астойдил меҳр қўйиб, диққат билан ўқинг. Савол-топшириқларга ҳам синчилаб қаранг. Ўйлашга, чукурроқ фикрлашга ўрганинг.

Бадиий асар ўқиган киши ўзга одамни тушунишга одатланади. Чунки бошқаларнинг ҳам ўзига ўхшаган одам эканлигини китобларда тасвирланган қаҳрамонлар мисолида билб олади.

Хуллас, бадиий адабиёт – ҳар бир ақли расо инсоннинг бир умрли ҳамроҳи. Ушбу ҳамроҳингиз билан қанчалик иноқ бўлсангиз, ҳаётингиз шунчалик нурли, мазмунли бўлади.

Яхши билингки, сиз мустақил Қозоғистоннинг кўрар кўзи, “Мангу Эл” келажагисиз, яхши кунларга етказувчи ёш авлодисиз. Мустақил Ватанимиз Қозоғистон сиздан кўп нарса кутади. Зеро, халқимиз эртанги куни бугунидан ёруғроқ, фаровонроқ бўлишига интилиб яшамоқда. Бунинг учун ватандошлар билимли, кўнгли яхшиликка эш комил инсонлар бўлишлари керак. Комилликка эса астойдил интилиш, ўқиш, ўрганиш йўли билан эришилади.

Сизнинг шундай инсоний сифатларга эришувингизда ушбу дарслик кўмакчингиз бўлади, деган умиддамиз. Ундаги ҳар бир матн, маълумот, савол ва топшириқ Сизнинг ёш идрокингизга қувват беради. Бунинг учун Сиз китобни ихлос билан ўқиб чиқишингиз, талабларини бажаришингиз зарур бўлади. Бу йўлда Сизга сабр ёр бўлсин. Китобни тоза тутинг, эҳтиётлик билан фойдаланинг. Чунки уни укаларингиз ҳам ўқийди.

### Савол ва топшириқлар.



1. Адабиётнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида мулоҳаза юритинг.
2. Бадиий адабиётнинг иш қуроли ҳақида сўзланг.
3. Бадиий асарни ўқиш билан уни тушуниш, ундан таъсирланиш ўртасида фарқ бор деб ўйлайсизми?

# ОЛИС АФСОНАЛАР САДОСИ



Матнолди топшириқлар.

1. Қандаай эртаклар ўқигансиз ёки эшиитгансиз?
2. Эртакларга хос хусусиятларни атанды.

## УЧ ОҒА-ИНИ БОТИРЛАР

Бор экан, йўқ экан, бир замонда бир киши бўлган экан. Бой ҳам, камбағал ҳам әмас экан. Унинг учта ўғли бор экан, учови ҳам ўқиган, оқу қорани таниган, юзлари ойдай, ўзлари тойдай, ёмон билан юрмаган, ёмон жойда турмаган эканлар. Тўнғичи йигирма бир ёшда, ўртанчаси ўн саккиз ёшда, кенжаси ўн олти ёшда экан.

Отаси бир куни уларни олдига чақириб, ҳар бирининг пешонасини силаб:

– Ўғилларим, мен бой әмасман, мендан қолган давлат сизларнинг майшатингиз учун кифоя қилмайди, мендан ортиқ нарса умид қилиб ўтирунглар, ўзимдан кейин баҳтсиз бўлиб қолманглар деб, сизларни ўқитдим. Яхши от қўйдим. Тўй қилдим, вояга етказдим. Бунинг устига сизларни яна уч нарса билан тарбия қилдим. Биринчидан, соғлом вужудли қилиб ўстирдим – қувватли бўлдингиз. Иккинчидан, яроғ билан таништирдим – яроғ ишлатишга уста бўлдингиз. Учинчидан, қўрқитмай ўстирдим – ботир бўлдингиз, яна учта нарсани айтаман, кулоқларингизга олиб, эсларингиздан чиқарманглар. Тўғри бўлинг – бехавотир бўласиз. Мақтанчоқ бўлманг – хижолатга қолмайсиз. Дангасалик қилманг – баҳтсиз бўлмайсиз. Бундан бошқасини ўзингиз билинг. Қора тойни, саман тойни, кўк тойни асбоб-анжомлари билан тайёрлаб қўйдим. Хуржуналарингизни бир ҳафталик овқат билан тўлғиздим. Баҳтингиз йўлда, топиб олмоқ учун дунёни кўргани йўлга чиқинг, дунёни танимай дунё кишиси





бўлмайсиз. Бахт қушини ушламоқ учун бахт овига чиқинг. Хайр ўғилларим, – деб туриб кетди.

Ўғиллари суюниб, сафар тайёргарлигини кўришиб, эрта сахарда отланиб йўлга тушдилар. Уч оға-ини кун бўйи юриб, жуда узоққа кетдилар.

Намозшом вақтида бир жойга етдилар. Кечаси йўл юрмоқни муносиб кўрмай, шу жойда ётмоқни маъқул топиб, отларидан тушиб, истироҳат қилиб, овқат еб, ётиш олдидан ўзаро шу маслаҳатга келдилар: «Бу жой тўқайзор экан, биз йўл босиб келганмиз, чарчаб ухлаб қолсак яхши бўлмас, кечани уч бўлакка бўлиб, ҳар бир бўлагида биримиз навбат билан пойлоқчи бўлиб уйғоқ турайлик».

Тўнғич акаси биринчи бўлиб навбатни олди. Иккала укаси уйқуга кетдилар. Чироқ липиллаб ёниб турарди. Катта ака қўлидаги яроғини ўйнаб, атрофдаги дараҳтларни томоша қилиб бир қанча вақт ўтирди. Атроф жимжит. Ҳеч нарса қимир этмасди. Борлик уйқуда. Кеча ойдин эди. Бир вақт тўқай ичидан бир нарсанинг келаётган шарпаси эштилди. Йигит ҳеч кўрқмай, яроғини чиқариб тайёр бўлиб турди.

Оға-инилар тушган тўқайнинг нариги томонида бир шернинг макони бор экан. Улардан бошқа ҳеч ким бу жойга келмас экан. Шер ака-укаларнинг ҳидини билиб, емоқ учун аста-секин уясидан қўзғалиб чиқиб келди. Тўнғич ботир, шерни ўлдиришига ишонса ҳам: «Укаларим безовта бўлмасинлар», – деб тўқайнинг бир томонига қараб қочди. Шер қувди. Тўнғич ботирпанага яшириниб туриб, шернинг орқа томонига қилич билан уриб, уни яралади. Шернинг ўнг қўлига урди. Шер ботирга қараб, бор кучини тўплаб, ўзини ташлади. Ботир яна чап берди. Бошига қараб қилич солди, шер йиқилди. Яна бир қилич уриш билан шерни қулатди. У шернинг устига миниб терисидан бир тасма қирқиб олди. Ичидан белига маҳкам боғлаб олиб, ҳеч нарса кўрмагандай, яна укалари ёнига келиб ўтирди.

Пойлоқчилик навбати Ўртанча ботирга келди. Ҳеч қандай воқеа юз бермади. Учинчи ботир турди, тонг отгунча



пойлоқчилик қилди, ҳеч нарса кўрмади. Биринчи кеча шу билан тугади.

Эрта билан яна йўлга тушдилар. Кечгача йўл юрдилар, йўл юрсалар ҳам мўл юрдилар, бир тоғнинг бағрига тушдилар. Тоғнинг чап томони кенг қўриқ эди. Ўртада биттагина бақатерак бор эди. Бақатеракнинг тагида бир булоқ, унинг олдида супа, тоғнинг тагида ғор бўлиб, унда илонлар подшоси – аждар султон ёлғиз турарди.

Ботирлар бугун шу ерга тушдилар. Отларини боғлаб, хашак солиб, ҳалиги супага ўтириб, истироҳат қилдилар. Овқатларини еб бўлгач, ухлаш вақтида аввалгидай навбатманавбат пойлоқчилик қилишди. Биринчи навбат Тўнғич ботирга берилди. Ундан кейин Ўртанча ботирга гал келди. Унинг навбатида кеча ойдин, жимжит эди. Бир вақт ҳалиги фордан ваҳимали овоз эшишилди. Ўртанча ботир қўрқмади. Фақат акаси билан укасининг безовта бўлишларидан ташвишланар эди. Кўп вақт ўтмади. Форнинг ичидан боши хумдай, узунлиги харидай бир нарса ўрмалаб, булар сари кела бошлади.

Ўртанча ботир супадан тушиб, қўриқнинг нариги томонига қараб қочди. Одам борини билиб чиқсан аждар Ўртанча ботирга қараб ҳамла қилди. Ботир чап берди ва аждар султонининг думига қилич уриб, уни яралади. Аждар султон боши айланиб қолди. Ботир пойлаб туриб, усталик билан унинг белига қилич солди. Аждарнинг яраси оғирлашиб, ҳансираф қолди, шу чоғда ботир уни яна уриб, ишини тугатди. Терисидан бир тасма олиб, ичидан белига боғлаб олди. Ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб, супага бориб ўтирди.

Учинчи навбат Кенжа ботирга келди. Акаси уйқуга кетди. Тонг отди, уйғондилар. Яна отланиб, йўлга тушдилар. Бугун ҳам йўл юрдилар. Тоғларни, чўлларни, дашт-далаларни ўтиб, кун ботганда бир тепаликка етдилар. Тўхтаб бир кечани шунда ўтказмоқчи бўлиб, отлардан тушиб, тепаликда истироҳат қилиб ўтирдилар. Овқат қилишиб еб, ётишди. Яна пойлаш навбати Тўнғич ботирга, ундан сўнг Ўртанча ботирга, энг



кейин Қенжа ботирга етди. Қенжа ботир тепаликда ақаларини ухлатиб, пойлаб ўтириб әди, шамол келиб чироқни ўчириб қўйди. Ақаларининг қоронғида ухлаши унга нокулай туюлди. Чироқ ахтариб, энг тепа бир жойга чиқиб, ҳар томонга кўз ташлаган әди, узоқдан – кун ботиш томондан ғира-шира учқун кўриниб қолди. Чироқни ёндириб келмоқ учун учқун чиққан томонга қараб отни миниб кетди. Анча йўл юриб, чўлнинг ўртасидаги бир қўрғонга бориб етди. Отдан тушиб, қўрғоннинг тагига келди. Етти пахса девор билан ўралган ёлғиз қўрғон бўлиб, бир томонида эшик ўрни бор әди. Ташқарига отини боғлаб, секин ичкари кирди. Қўрғоннинг ичкарисида бир чеккада ўн бир ёғочли қора уй, дарчалари берк бўлиб, эшиклари очик әди.

Оёқ уни билан секин-секин бориб дарчанинг ёруғидан мўралаб қаради. Кун чиқар томонда катта ўчоқ, қозонда шўрва қайнаб турибди. Бутун қорайиб битган уйда йигирма чоғли одам ўтирибди. Деворларда яроғ-аслаҳа, ўтирганларнинг пешоналари қаққайган, кўзлари чақчайган, кўнгиллари қора, юzlари ола, ўйлаганлари ёмонлик экан. Алҳосил<sup>1</sup>, булар – қароқчилар тўпи эканлиги, бу жой – уларнинг тўпланадиган макони экани маълум бўлди. Қенжа ботир ўзига-ўзи айтди: «Буларни ташлаб кетаверсам, йигитликдан бўлмайди, қандай бўлса ҳам бир йўл билан буларни тамом қириб йўқотмоқ лозим. Бунинг учун бир ҳийла ишлатиб, буларга қўшилиб олай, пайтини топиб, ишимни бажарай», – деди. Орқасига қараб, бир неча қадам юриб, сўнгра чопиб келди. Оёқ овозини эшитиб, ўғрилар яроғларини қўлларига олиб, тайёрлана бошладилар. Шу орада Қенжа ботир ичкарига қириб келди. Салом бериб, ҳаммаси билан сўрашиб, тиз чўкиб ўтирди.

Ўғрибошига қараб:

– Тақсир, мен камина қулингиз, фалон шаҳардан бўламан, ёшлигимдан бери ҳеч устод кўрмай, ўзимча майда ўғрилик қилиб юрар эдим, кўп тажриба кўрганман. Якка ўзим

<sup>1</sup> Алҳосил – хуллас, хулоса.



дурустроқ бир иш қилмоққа кучим бўлмаганидан, бир тўпга қўшилмоқни орзу қилиб юрар эдим. Жанобларингизни бунда деб эшитдим, кеча-кундуз йўл юриб, охирида хизматингизга етиб келдим. Умидим шуки, мени ёш деб қайтармай, ичларингизга олиб, билмаган нарсаларимни ўргатиб, тўпларингизга қўшиб олсангиз эди. Кўп нарсалардан хабарим бор, айниқса лаҳим<sup>1</sup> кавламоққа, олдин тушиб, аҳволни билиб чиқмоққа устаман.

Умидим борки, ишларингизга яраб қоларман, – деб, икки қўлини кўксига қўйиб ёлворди. Ўғриларнинг бошлиғи:

– Жуда яхши, бизга ҳам бир шундай ёш ўғри бола зарур эди. Яхши келибсан, бизга қўшилдинг. Муродингга етдинг, ўғрича, – деди.

Кенжা ботир ўрнидан туриб, қуллук қилиб: «Муродимга етсам баҳтлиман», – деди. Ўзича ичида: «Семиз қўйлар, қассобингиз мен ўзим бўламан», – деб пицирлаб қўйди.

Шўрва келтирдилар, ичиб бўлдилар. Бугун ўғрилар подшоҳнинг хазинасини урмоқчи бўлиб, шу ерга тўпланган эдилар. Маслаҳатлашиб, отландилар. Кенжা ботир ҳам бирга кетди. Кўп ўтмай, ўғрилар шаҳарга кириб келдилар, ўрданинг орқа томонидаги боғчага кирдилар. Отдан тушиб, ўрдага қандай қилиб кириш тўғрисида маслаҳат қилиб, олдин «ўғрича»ни девордан ошириб туширишга, ҳамма ухлаган бўлса, баравар кирмоқ учун девордан бирин-кетин ошиб тушиб, ичкарида тўпланишга гапни бириктириб, олдин Кенжা ботирга: «Сен кириб, аҳволни билиб чиқ, сўнгра девор тепасида хабардор бўлиб тур!» – дедилар.

Ўғрилар Кенжা ботирни кўтаришиб, деворга чиқардилар. У бир илож қилиб, пастга ҳам тушиб олди. Бир оз у ёқ-бу ёққа юриб, хабар олган бўлди. Сўнг бир аравани секин девор тагига келтириб қўйди. Араванинг тепасига чиқиб, бошини девордан чиқариб, ўғриларга қараб: «Ўрдада ҳамма ухлаган экан, қулай фурсат», – деди. Ўғрибоши ўғриларга: «Бирин-

<sup>1</sup> Лахим – ер ости йўли.



кетин девордан ошилсин, овоз чиқарилмасин!» – деб буюрди. Биринчи ўғри девордан аравага қараб тушмоқ учун қорнини пахсага қўйиб, бошини эккан әди, Кенжা ботир қўлидаги қилич билан унинг бўйнига қараб, мўлжаллаб туриб, чунон урди, икки бўлак бўлиб йиқилди. «Тушилсин!» – деди. Тушганинг бўйнини узаверди. Қисқаси, ҳамма ўғрининг калласини узиб битирди. Қиличини артиб, қинига солиб, ўрданинг ич томонига юрди. Аркнинг дарвозасига келса, дарвозабон ухлаб қолибди. Секингина олдидан ўтиб дарвозани очиб, ичкари кирди. Бир катта сарой, унинг уч томонида учта эшик, тўғридаги эшик олдида посбон ухлаган, у секингина – жуда эҳтиёткорлик билан посбоннинг қўлидаги калитни олди. Қулфга солиб, овоз чиқармай очди. Ундан ичкарига, бир ўрта саройга кирди. Ундан яна учта эшик бўлиб, бу бўлмада ўнта чиройли қиз пойлоқчи экан-у, ҳаммаси ҳам ухлаб қолган экан. Чунон усталик билан олдиларидан ўтди-ки, ҳеч бири ақалли сезмади ҳам. Биринчи эшикдан бир бўлмага кирди, унинг деворлари қозиклунгилар<sup>1</sup> билан безалган. Қип-қизил гуллар, ипакдан тикилган ҳар турли уй жихозлари тўла экан. Гул юзли чўри қизларнинг ўртасида, кумуш сўрида бир қиз оқقا ўралиб, ойдай юзини пирпираб ёниб турган шамга қаратиб ухлаб ётган экан.

Секин келиб томоша қилиб, «Сен Тўнгич акамнинг баҳт қушисан» – деб, ўнг қўлидаги узугини чиқариб олиб чўнтағига солди. Орқасига қайтиб, яна ўша ўрта саройга келиб чиқди. «Энди иккинчи уйни кўрайлик-чи, нима сирлар бор экан?» – деб, иккинчи бўлмага кирди. Бунда ҳам хоналар ўзига муносиб ипаклар билан ясатилган, турли қушларнинг сурати билан безалган. Ўн нафар чўри қизнинг ўртасида кумуш сўрида ўн саккиз ёшлардаги бир қиз ётибди. Ой «мендан» деб талашса, кун «мендан» деб талашадиган, оқ ҳарирга ўралган пирпираб ёниб турган шамни томоша қилган каби ухлаб ётибди. Кенжা ботир ўзича: «Сен Ўртанча акамнинг баҳт қушисан, оёғингдан

<sup>1</sup> Қозиклунги – зардўз каштали буюм.



боғлаб кетайин деб», қўлидан секингина билагузугини олиб чўнтағига солди. Орқасига қайтиб, яна олдинги ўрта саройга келиб чиқди. «Энди учинчи бўлмага кирмоқ лозим», – деб сўл томондаги бўлманинг эшигин очиб, ичкарига кирган эди, бунисида ҳаммасидан ҳам зиёда чиройли нарсалар кўрди.





Девор қип-қизил ипаклар билан ясатилган, ипак гиламлар устига шойи күрпачалар солинган.

Үн олти ёшли чиройли чўри қизлардан олтитаси атрофини ўраган ҳолда кумуш сўрида бир қиз ётибди, тилла шамдондаги пал-пал ёниб турган шам билан ўйнашиб тургандай бўлиб ухляяпти. Оқ, нозик баданини оқ ҳарирга ўраб ётган ўн олти яшар қизга чўлпон юлдузи чўриликка тайёр, бунинг учун кун гул теради, ой олма ташлайди. Одам боласи эканлигига ҳеч ким ишонмайди.

Кенжা ботир ичида: «Менинг баҳт қушим сендиран», – деб, унинг ўнг қулоғидан секингина тилла исирғасини чиқариб олиб, чўнтағига солди. Орқасига қайтиб, яна ўша ўрта саройга келиб чиқди.

Булар подшоҳнинг қизлари эди. Кенжা ботир илгари қайси ўйл билан келган бўлса, яна ўша ўйл билан дарвозанинг олдига чиқди. Дарвозабон уйқусидан уйғонмаган экан. Дарвозани қулфлаб, калитини яна дарвозабоннинг қўлига тутқазиб, ўтиб кетди. Ҳалиги пахса девордан ошиб, боғчага тушиб, чироғини ёндириб, отига миниб акаларининг ёнига келди. Акалари уйқудан уйғонмаган эканлар. Чироқни ўз жойига қўйиб, қамчисини ўйнаб ўтираверди. Тонг отди. Ҳаммаси уйқудан туриб, ҳол-аҳвол сўради. Кенжা ботир: «Тинчлик, ҳеч нарса бўлгани йўқ», – деб жавоб берди. Овқатларини еб, отларни тайёрлаб миниб, ўйлга тушдилар. Бир оздан кейин шаҳарга кириб келдилар. Бир карvonсаройга отларини боғлаб, ўзлари бир баланд жойга чиқиб, атрофга қараб, томоша қилиб ўтирган эдилар, шаҳарда ўрданинг<sup>1</sup> воқеаси эшитила бошлади. Шу вақтда жарчи чақириб, ҳаммани воқеадан хабардор қиласи эди:

– Бугун кечаси номаълум одам тарафидан ўрданинг боғчасида йигирма қароқчининг боши кесилган, ички

<sup>1</sup> Ўрда – сарой, қароргоҳ.



ҳарамнинг<sup>1</sup> энг нозик жойларидан бир донадан тилла нарсалар йўқолган. Бу сирли ишларни бажарган ботир ким эканлигини билиш учун подшохимиз әлнинг ҳамма катта-кичигидан ёрдам истайди. Шаҳар халқидан бундай иш келувчи ботирлар бўлмаслигини билиб, кимнинг ҳовлисида четдан келган мусофиirlар бўлса, дарҳол ўрдага олиб борилсин! – деб жар соларди.



### Савол ва топшириқлар.



1. Эртакнинг номини яна қандай ўзгартириш мумкин деб ўй-лайсиз?
2. Отанинг ўғилларига берган насиҳатига ҳозирги даврни назарда тутиб яна нималарни қўшган бўлардингиз?
3. Кенжা ботир ўрнида сиз ўзингизни тасаввур қилиб кўрингчи?
4. “Ота рози-худо рози” мақолини асар мазмунига таянган ҳолда тушунтиринг.



**Ж**ой эгаси бу ботирларга ўрдага боришни таклиф қилди.

Булар пиёда аста-секин ўрдага бордилар. Подшоҳ буларнинг мусофиirlарини билиб, алоҳида бир зийнатланган уйга киргазиб қўйди. Бошқа мусофиir бўлмаганидан, уларга жуда диққат-эътибор билан қараб, сир олмоқни бир вазирга топширди. Вазир: «Булардан тўғридан-тўғри сўрасак, эҳти-мол айтмаслар, ўз ҳолларига қўйиб, ташқаридан қулоқ солиб турамиз, нима десалар, сўзларидан сирини топамиз», – деди. Бу хонада булардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Бир вакт дастурхон ёзилди, хилма-хил ноз-неъматлар келтириб қўйилди. Иккинчи бир хонанинг тешигидан подшоҳ билан вазир қулоқ солиб жим ўтирдилар.

Бир оздан кейин уч оға-ини ботирлар ўзаро суҳбат қила бошладилар. Тўнғич ботир дастурхондаги овқатни кўрсатиб:

<sup>1</sup> Ҳарам – саройнинг аёллар яшайдиган қисми.



– Шу гўшт қўзи гўшти экан, бироқ шу қўзи ит эмиб катта бўлган экан, – деди.

Ўртанча ботир айтди:

– Тўғри айтасиз, подшоҳ дегани ит гўштидан ҳам қайтмайди. Саралаб емоқ фақирнинг иши, қўйни боқиб қўйибдими? Мен ҳам бир нарсага ҳайрон бўлиб турибман, мана шу шиннидан одам иси келади.

Кенжা ботир айтди:

– Тўғри, подшоҳлик – қонхўрлик демакдир. Қон қўшилган бўлса, эҳтимолдан узоқмасдир. Лекин ёмоннинг қони бўлсанку, майли, бегуноҳнинг қони қўшилган бўлмасин. Мен ҳам бир нарсага ҳайрон бўлдим, шу нонни тахлаган кишининг отаси новвой экан, тахловчи новвойнинг ўғли экан.

– Тўғри бўлса керак, – дебди Тўнғич ботир. – Подшоҳ бизни бу ерга ўрда воқеаси билан чақирган. Албатта, биздан савол сўрар, нима деймиз?

– Албатта, ёлғон сўзламаймиз, – дебди Ўртанча ботир, – бу воқеага аралашган бўлсак, айтмоқ лозимдир.

Кенжা ботир:

– Уч кунлик йўлда қандай воқеаларни кўрган бўлсак, ўртага ташлайдиган вақт келди, – деди.

Тўнғич ботир биринчи кечада шер билан олишганини айтиб, белидаги тасмасини ўртага олиб қўйди. Ўртанча ботир иккинчи кечадаги воқеани айтиб, нишона учун тасмани ўртага ташлади. Кенжা ботир учинчи кечадаги воқеани айтиб, олган нарсаларини ўртага ташлади.

Подшоҳ билан вазир сирдан хабардор бўлдилар. Фақат гўшт, шинни, нон тўғрисидаги гапларни текшириб кўрмоқчи бўлдилар. Биринчи қўйчивонни чақиртиришди. Подшоҳ қўйчивондан сўради:

- Тўғрисини айт, кеча сўйилган қўзининг онаси итмиди?
- Подшоҳим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтаман.
- Ўтдим, тўғрисини сўйла!
- Қишининг ўртасида бир қўй туғиб, ўзи ўлиб қолди, шу вақтда бир катта итим ҳам тукқан әди. Қўзичноққа раҳмим



келди. Етим қўзини оч қолдиргим келмади. Ночор ўша итга эмиздриб, катта қилган эдим. Бошқа қўзи қолмагани учун ўшани юборгандим, – деди.

Подшоҳ боғбонни чакириб:

– Тўғрисини айт, шиннига одам қони қўшилганми? – деди.

– Подшоҳим, бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, бир воқеа бўлган эди, айтардим, – деди.

– Айт, ўтдим, – деди. Боғбон:

– Ўтган ёзда, боғдаги узумзорга ҳар кеча бир одам ўғриликка тушиб, сизга олиб қўйган энг яхши узумдан ўғирлаб олиб кета бошлади. Бир куни агар қўлимга тушса, ўлдириб, шу токнинг тагига кўмиб қўяй, деб қасд қилдим. Бир кечада пойлаб ётдим. Яна келди. Шашпар<sup>1</sup> тўқмоқ билан бошига урдим. Боши пачоқ-пачоқ бўлиб кетди. Ҳеч ким билгани йўқ. Шу ток тагига чуқур кавлаб кўмиб қўйдим, келаси йили ток кучланиб, чунон ҳосил қилдики, баргидан ҳам узуми кўп эди. Лекин мазасида озгина ўзгариш пайдо бўлди. Мен узумдан сизга юбормай, бутунича шинни қилган эдим, – деди.

Нонни подшоҳ ўзи тахлаган эди. Бу шоҳнинг отаси новвой эди.

Подшоҳ ҳақиқатлар билинганидан кейин, буларнинг заковатига «офарин» деб, ботирларнинг олдига кирди. Салом бериб кўришди. Ҳеч бир нарса сўрамай:

– Сизларнинг ҳамма айтганларингиз тўғри бўлиб чиқди, менинг сизларга муҳаббатим ортди. Ботир меҳмонлар, ижозат берсангиз, бир арзим бор эди, агар қабул қилсангиз, айтар эдим, – деди.

Тўнғич ботир:

– Айтганларингиз тўғри келса, қабул қиласиз, айтингиз! – деди.

Подшоҳ:

<sup>1</sup> Шашпар – олти бурчли гурзи.



– Менинг учта қизим бор, ўғлим йўқдир. Мен эртага бутун шаҳарни тўйга чақириб, қирқ кун ош бериб, қизларимни сизларга никоҳлаб берсам, менинг ўғилларим бўлиб, бунда қолсангиз, – дебди.

Тўнғич ботир:

– Хўп, яхши айтасиз, лекин бизнинг ҳам шартимиз бор. Бизлар подшоҳ боласи эмасмиз. Отамиз бой ҳам эмас. Сизнинг давлатингиз подшоҳлик билан топилган, биз қўл кучи билан тарбият топганмиз. Элимиз бир бўлса ҳам, тарбиямиз бошқа. Қандай бўлар экан? – деди.

Подшоҳ:

– Мен бир иқлиминг<sup>1</sup> подшоҳиман, сизни отангиз қўл кучи билан тарбия қилиб, сиздай ботирларнинг отаси бўлган экан, мендан нима камлиги бор? Ҳақиқатда мендан ортиқдир. Тарбиянгиз орқасида жаҳон подшоҳлари йиғлаб ошиқ бўлиб юрган қизларнинг отаси сизга ўз қизларини йиғлаб тутади, – деди.

Булар қабул қилдилар. Шаҳарда қирқ кун тўй-томуша бўлиб, ботирлар подшоҳ қизларига уйландилар. Қизлар йўқотган тиллаларига гавҳар қўшиб олдилар. Яхши тарбия орқасида йигитлар баҳт қушини қўлга киргиздилар. Қизлар билан ботирлар ипакдек эшилдилар.

Подшоҳ ҳамма куёвидан ҳам Кенжা ботирни кўпроқ яхши кўради. Қунлардан бир кун подшоҳ бир салқин жойда ухлаб ётган эди, ёнидаги ариқдан бир илон чиқиб, подшоҳга заҳар солмоқчи бўлиб турганди, тўсатдан келиб қолган Кенжা ботир уни кўриб, белидан қиличини суғуриб, чопиб, икки бўлиб ташлади. Яна қиличини қинига солиб турганда подшоҳ уйғониб қолди. Дилида: «Қизимни берганимга қаноат қилмай, мени ўлдириб, подшоҳ бўлмоқ хаёли бор экан», – деб шубҳа қилди. Вазирга чиқиб воқеани айтди. Вазирнинг ботирларга ҳасад-адовати бўлиб, қулай пайтни кутиб юрган экан, яхши баҳона бўлди.

<sup>1</sup> Иқлим – қитъа, қуруқликнинг еттидан бири.



Вазир подшоҳга:

– Шундай бебаҳо қизларингизни, мендан бир маслаҳат сўрамай, яхши тарбия кўрган деб, мусофириларга бериб қўйдингиз, энди мана бир учини сизга кўрсатди. Энг яхши деб севган куёвингиз сизни ўлдирмоқчи бўлган экан, яна бир куни бошқачароқ ҳийла билан сизни ўлдириб қўяр, – деди.

Подшоҳ вазирнинг сўзига ишониб:

– Зиндонга солинсин! – деб буюрди.

Кенжа ботирни зиндонга солдилар. Кенжа ботирнинг қаллиғи жуда хафа бўлди. У ботирни ниҳоятда яхши кўтарди. Йиғлаб-йиғлаб, келинчакнинг юzlари сўлий бошлади.

Бир куни қиз отасининг оёғига бошини қўйиб, йиғлаб, қаллиғини авф этишни сўради. Подшоҳ қизининг юзидан ўтолмай, Кенжа ботирни зиндондан олдириб келди. Қаллиғи жуда соғинганидан куёвини қучоқлаб, юзларидан ўпиб, қўлинни елкасига ташлаб йиғлаб турар экан, подшоҳ Кенжа ботирга қараб:

– Ботир, сиз шундай бевафомисиз? Кўрмаяпсизми, менинг қизим сизга қандай меҳрибон. Шу қизимни ҳам риоя қилмай, қай кўнгил билан мени ўлдирмоқчи бўлдингиз? – деди. Кенжа ботир подшоҳга қараб бир ҳикоя айтди:

### **Ҳикоя**

Бир замонда бир подшоҳ бор экан, унинг яхши кўрган бир тўтиси бор экан. Подшоҳ тўтисини шундай яхши кўтар эканки, бир соат кўрмаса тура олмас экан. Тўти ҳам подшоҳга жуда меҳрибон бўлиб, ҳар турли ширин сўзлар айтиб, хурсанд қилар экан. Бир куни тўти подшоҳдан сўрабди:

– Менинг Хиндистон деган юртда ота-онам, ака-укам, опа-сингилларим бор, фалакнинг гардиши билан сизнинг даргоҳингизга келиб қолган эдим. Шукурлар бўлсин, ақлим, идроким, яхши хулқим, ширин сўзим орқасида сиздай подшоҳга ҳамнишин бўлдим. Энди сўрайманки, мени қафасдан бир бўшатиб, йигирма кун жавоб берсангиз, олти



кун боришим, олти кун келишимга кетса, бир ҳафта, отанам, укаларимни кўриб тўймоғим учун кетар.

Подшоҳ:

– Йўқ, сенга жавоб берсам, яна келмай қолсанг, мен соғинаман, жуда хафа бўламан, – дебди.

Тўти:

– Йўқ, подшоҳим, сизнинг менга кўрсатган илтифотингиз мени номаъқул йўлга юбормайди, қандай бўлса ҳам ваъда деган улуғ нарса бор, бузиш ярамайди. Ваъдани бузмоқ – ёмон нарса. Сўз бераман, сўзимда тураман, – дебди.

– Хўп бўлмаса, агар тезда қелсанг, икки ҳафтага рухсат бераман, – дебди подшоҳ.

– Хайр, энди қандай бўлса ҳам чиқай, – деб тўти ўн беш кунга рухсат олибди. Деворга қўниб туриб хайрлашибди. Жануб томонга қараб учиб кетибди. Подшоҳ орқасидан қараб қолибди. Подшоҳ тўтининг қайтиб келишига ишонмас экан.

Тўти олти кун деганда Ҳиндистон деган мамлакатга бориб, ота-оналарининг олдига етибди. Бечора тўти жуда хурсанд бўлиб, тоғдан-тоққа, боғдан-боққа, дараҳтдан-дараҳтга, шоҳдан-шоҳга сакраб, учиб, ўйнаб-кулиб, ота-онасининг дийдорига тўйди, қариндош-уругига меҳмон бўлиб, уч кунни қандай ўтказганини билмай қолди. Эртаси яна қафас томонга, тутқунликка учмоғи керак эди. Ота-оналари, ака-укалиридан ажрамоқ жуда оғир бўлибди. Бир тарафда ваъда бор, ваъдага вафосизлик хавфи туради. Бечора тўтининг қувончи тугабди. Шодлиги ғамга алмashiбди. Қанотлари сўлибди. Иккинчи қайтиб келиш ё бор, ё йўқ. Қариндош-уруг бир жойга тўпланибдилар. Ҳаммасининг кўзи ғамли тўтида экан. Қандай бўлса ҳам қайтмаслик маслаҳатини беришибди. Тўти айтибди:

– Йўқ, яна қайтмоқ учун ваъда берганман, ваъдага вафо қилмаса бўладими?!

Бир тўти айтибди:

– Ваъда берган подшоҳингда инсоф бўлса, сени уч йил қамоқда сақлаб, фақат икки ҳафтага жавоб берардими?



Сени севар экан, севиклисими қафасда тутмоқ ярашадими? Дунёга қафасда турмоқ учун келдингми? Бир кишининг хушвақтлиги учун әркингни қўлдан берма! Подшоҳ деганинг марҳаматидан қаҳри ортиқдир, подшоҳ билан шерга яқин бўлмоқ ҳикматдан эмасдир.

Подшоҳнинг тўтиси айтибди:

– Менга бир йўл қўрсатинг, мен ҳам эркинликка чиқай, ҳам ваъда ёлғон бўлмасин.

Она тўти:

– Шундай бўлса, мен бир маслаҳат бераман. Бизнинг жойда бир дарахтнинг меваси бор, ҳар ким бир донасини еса, қари чол бўлса, йигитлик ҳолига қайтур. Қампир еса, қиз каби ёш ҳолига келур. Подшоҳга шундан уч донасини олиб боргин, бу бебаҳо мевани бериб, ўзингнинг бутунлай озод этилишингни сўра, шояд инсофга келиб, бутунлай озод этса, – дебди. Бу гап маъқул тушибди. Шу чоқда уч дона мева олиб келибдилар. Тўти уни чангалида маҳкам ушлаб хайрлашиб, шимол томонга қараб учибди. Зўр умид билан орқасидан қараб қолибдилар.

Тўти олти кун деганда подшоҳнинг саройига етиб келибди. Подшоҳ билан кўришиб олиб келган тортиқни унга берибди, хосиятларини бир-бир айтибди. Подшоҳ жуда хурсанд бўлибди. Озод қилмоққа ваъда берибди. Бир донасини хотинига бериб, икки донасини вазирига қўрсатмоқ учун пиёлага солиб қўйибди. Вазирнинг бунга ҳасади келибди. Ичida хафа бўлибди. Ишни бошқача йўлга бурмоқни ихтиёр қилибди.

– Сиз бу парранданинг олиб келган нарсасини емай туринг, олдин бир тажриба қилиб қўрайлик, дуруст бўлса, емоқ қочмайди, – дебди. Бу гап подшоҳга маъқул тушибди, вазир вақтини топиб, пиёладаги икки дона ёшартирувчи мевага ўткир заҳар аралаштириб қўйибди. Бир кундан кейин вазир айтибди:

– Энди ёшартирув мевасини бир тажриба қилайлик.

Бунинг учун қамоқхонадан икки нафар одамни олиб чиқиб едирибдилар. Бу икки одам шу чоқдаёқ ўлибди.



Вазир айтибди:

- Агар сиз есангиз нима бўлар эдингиз?
- Мен ҳам ўлар эдим, – дебди подшоҳ. Бечора тўтини қафасдан судраб олиб чиқиб, калласини танасидан узиб ташлабдилар.

Бир куни, бир одамни подшоҳ ғазаб қилиб, уни ўлдирмоқчи бўлибди. Бу киши кекса экан. Қолган бир дона мевани емоқقا буюрибди. Бу одам еган экан, оқарган соchlари тушиб кетибди, тишлари бутунланиб, кўзларининг нури ортиб, йигирма яшар йигит ҳолига келиб қолибди. Подшоҳ вазирдан шубҳаланиб, пиёлани олиб келиб қараган экан, заҳар қўшилганлиги билинибди. Подшоҳ вазирни ҳам ўлдирибди. Бечора тўтининг begunoҳ ўлганига подшоҳ қайфурибди, лекин иш ўтган экан. Тўти подшоҳга яқин бўлганининг «мукофоти»ни кўрибди.

– Энди мен ўзимнинг қилган яхшилигимни айтай, – деб ариқдан чиқсан илон воқеасини айтди. Ўша жойдан иккига бўлинниб ётган илон танасини олиб келиб кўрсатди. Подшоҳ қилган ишига пушаймон бўлди. Кенжা ботирдан узр сўради.

Кенжা ботир айтди:

- Тақсир, энди бизга рухсат берсангиз, бизлар ўз юртимизга қайтсак.

Подшоҳ ялиниб-ёлвориб, қолмоқларини сўрабди. Қабул қилмабдилар.

– Биз сарой кишиси бўлолмаймиз. Биз меҳнат билан, касб билан яшаймиз, – дедилар.

Подшоҳ:

- Бўлмаса қизларим қолсинлар, – деган эди, қизлари:
- Биз куёвларимиздан ажралмаймиз, рухсат берсангиз, биз ҳам куёвларимиз билан кетсак. Сизни кўргани ҳар йили келиб турамиз, – дедилар.

Подшоҳ ҳайрон бўлиб, ночор рухсат берди. Бутун нарсаларини йифишириб, сафарга чиқдилар. Ботир йигитлар ўз хотинлари билан бирга икки йил деганда оталарининг олдига олти киши бўлиб келдилар. Отаси ҳам уч бўлак ҳовли, боғ тайёрлаб қўйган эди. Қелиб ҳар бири тайинланган жой-



га тушди. Ботирлар оталари билан қучоқлашиб кўришиб, қаллиқларини таништиридилар. Қелинлар куёвлари билан роҳатда яшаб, мурод-мақсадларига етдилар.



**Савол ва топшириқлар.**

1. Сиз ўз отангизнинг қайси насиҳатларига доим амал қиласиз ёки аксинча?
2. МАҚТАНЧОҚЛИК, ДАНГАСАЛИК, ҲАЛОЛЛИК сўзларига «Кластер» стратегиясини қўлланг.
3. “Хозирги ва ўтмишдаги оға-инилар” мавзусида асарга таяниб, кичик баҳс-мунозара ўтказинг.
4. Ўзингизни келажакда ота-она ўрнига қўйиб, фарзандингизга берадиган насиҳатлар рўйхатини тузиб, иш дафтарингизга ёзинг.





## СУСАМБИЛ



### Матнолди топшириқлар



“Сусамбил” мультфильмидан лавҳа қўрсатинг ва шу асосида қўйидағи:

- кўрган мультфильмингиз кимлар ҳақида?
- қаҳрамонлар сизга танишими? (ўрта муддатли режага ҳавола қилинсин) каби саволлар доирасида сұхбат юритинг.

Бор экан-у, йўқ экан, оч экан-у, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчук қақимчи экан, ўрдак сурнайчи экан, ғоз карнайчи экан.

Ўтган замонда бир бой бор экан. Унинг эшаги ва бир ҳўқизи бор экан. Ери кўп экан, қарол-қўшчиларига әкин эктириб кун ўтказар экан. Хўжайиннинг ўғиллари кўпинча эшакни миниб юрар эканлар. Хўжайин эшакка яраша эгар-тўқим қилдириб берган экан. Тўқими гажимли, жуда ҳам келишган экан. Шундай қилиб, бу эшакни хўжайин ҳам, хўжайиннинг болалари ҳам яхши қўриб, сув ўрнига шарбат, ўт ўрнига қора майиз бериб боқишаркан. Хайр, эшак сув ўрнига шарбат, ўт ўрнига қора майиз еб, маза қилаверсин, энди гапни ҳўқиздан эшитинг.

Хўжайин ҳўқизни эртадан кечгача қўшга қўшар экан. Ҳўқиз кечқурун қорни очиб, чарчаб қайтиб келса, унинг олдига бир боғ қуруқ пояни ташлаб қўяр эканлар. Ҳўқиз бечора ҳар куни бир боғ қуруқ пояга йўлиқиб, қорни очиб, қони қочиб, ранги тўзиб, кўп абгор бўлибди. Бир кун ишдан келиб, пояни егиси келмай атрофга қараса, бояги эшак сув ўрнига шарбат, ўт ўрнига қора майиз еб, маза қилиб ётибди. Шунда ҳўқиз унинг овқатидан егиси келиб, эшакдан:

– Ҳой ўртоқ, мен кўп оч қолдим, раҳминг келмайдими?  
Кел, менга ҳам овқатингдан бер, – дебди.

Шунда эшакнинг раҳми келиб, овқатидан берибди. Эшакнинг олдида ҳар доим овқат ортиб ётар экан. Хўжайин



эрта билан чиқиб күрсаки, эшакнинг олдида овқати қолмабди. «Э, эшагимнинг иштаҳаси энди очилибди», – деб кўп-кўп овқат соладиган бўлибди.

Бир куни хўжайин чиқиб қараса, эшакнинг овқатини ҳадеб ҳўқиз еяётган әмиш.

– Ие, ҳали сени қорнинг тўйиб, димоғинг кўтарилиб қолибди-ку, – деб әртаси куни ҳўқизни эшакнинг ўрнига кўйиб, эшакни обориб ҳўқизнинг ўрнига қўшга қўшибди.

Эшак шўрлик умрида қўшга қўшилмаган экан, омочни тортишга кўп қийналибди. Охири тақдирга тан бериб, қўшда юришга ҳам кўнишиб қолибди. Кечгача қўшда юриб чарчаб, қорни очиб уйга борса, аввалги овқатлар йўқ, шарбат ўрнига бир пакир сув, майиз ўрнига бир боғ поя. Эшак бечора начор ейишга тушибди.

Хайр, шундай қилиб, хўжайин эшакни кузгача тоза ҳам қўшга қўшибди. Куз бўлганда эса унга юқ ортиб, узок-узок ерларга борадиган бўлибди.

Бир куни хўжайин эшакни миниб бозорга борибди. Бозордан бир қоп туз сотиб олибди. Тузни эшакка ортиб, устига ўзи миниб, йўлда кетаётса, бирдан ҳаво айниб, ёмғир ёға бошлабди. Ҳаш-паш дегунча дарров йўллар лой бўлиб кетибди.

Эшак бечора устида туз, унинг устига хўжайин минган, боз устига юклар ёмғирда ивиб вазминлашган, ёмғирдан жунлари ивиб, йўлда аранг юриб келар экан. Йўл ёмғирдан ҳаддан ташқари ивиб, сирғанчиқ бўлганидан эшак лойда тойилиб, туртиниб борар экан. Устидаги оғир юки босиб, дармони қуриб, бунинг устига хўжайин:

– Тез-тез юрмайсанми? – деб қўлидаги халачўпи билан бўйнига никтабди, «хих-хих» деб, икки оёғи билан қорнига тепибди. Эшак шу азоб билан бораётиб йўлда бир бузук кўприкка келиб қолибди. Бечора эшак тойилиб-тойилиб кўприкнинг устига чиққанда оёғи тойиб, кўприкнинг тешигига кириб қолибди, устидан хўжайин чалқанчасига ағанаб кетибди. Шунда хўжайнинг қаҳри келиб, чаёндай



захри келиб, кўприкнинг тагидан бир сўйилни тортиб олиб, ўлганнинг устига тепган дегандай: «Мени ағанатадиган сенмисан», – деб бечора эшакни тоза урибди. Эшакнинг оёгини қисган, ўзини юк босган, бунинг устига калтакнинг аччиғи. Эшак бўйини қуи солиб, бошини лойга қўйиб, кўзидан ёшини оқизиб ётиб қолибди. Шунда уч-тўрт йўловчи келиб қолибди. Эшакнинг аҳволини кўриб, йўловчиларнинг раҳми келибди. Йўловчилардан бири:

– Ҳой, ноинсоф! Эшакнинг аҳволига қарасанг-чи, уни уриб нима қиласан? Устидаги юкини ол, бўлмаса ўлиб қолади, – дебди.

Кейин йўловчилар келиб, бири юкнинг устидаги арғамчини қирқибди, бири тузни ағанатибди, бири эшакнинг белидан кўтариб, яна бири думидан ушлаб кўприкдан чиқариб олибди. Шундан кейин хўжайин тузни ортиб яна йўлга тушибди. Эшак бечора шунча азоб билан қорни очиб уйга зўрға етиб борибди. Боргандан кейин уйдагилар: «Хўжайин ёмғирда ивив келибдилар, кўп азобланибдилар», – деб уни иссиқ уйга олиб кириб кетишибди. Эшакни эса очиқ ҳавога боғлаб қўйишибди. Хўжайин ўчоққа қўлларини тоблаб, исиниб, ёғли паловни еб маза қилибди. Эшакка бўлса, «бояги-бояги, бойхўжанинг таёфи», – дегандай бир боғ қуруқ пояни ташлашибди.

Эшакнинг жуда хўрлиги келиб, шу аҳволда юраверишга рози бўлгиси келмабди. «Энди нима қилсам бўлар экан?» – деб ўйлабди. – Мен шу хўжайнинг қўлида токай эзиламан, ахир, хўжайниннидан чиқиб кетсам, очдан ўламанми?! Кел-е, шу ердан бошни олиб кетайин!» – дебди.

«Энди қаёққа борсам экан?» – деб ўйлабди.

Эшак ёшлигига онасидан: «Сусамбил деган мамлакат бор экан, у жойда ўтнинг бўлиғи, сувнинг тинифи мўл экан. Унда бирор билан бирорнинг иши ҳам йўқ, азоб-уқубат ҳам йўқ, овқат мўл, қорнинг доим тўйиб юради», – деган гапни эшитган экан. Онаси бечора кўп орзу қилса ҳам, Сусамбилга боролмай ўлиб кетган экан. Эшак ўйлаб-ўйлаб



шу Сусамбилини топмоқчи бўлибди. Ўрнидан туриб, чираниб тортиб, бошвоғини узиб, осмонга қараб бир ҳанграб олибди. Кейин хўжайиннинг ташқи ҳовлиси билан хайрлашиб, йўлга тушибди.



### Савол ва топшириқлар.



1. Эртакка қандай эпиграф қўя оласиз?



2. Эшак ва ҳўкизга Венн диаграммаси орқали тавсиф беринг.

3. Нима учун хўжайнин эшакни яхши озиқлантиради?

Баҳс-мунозара ўтказинг.

**Б**ир одамнинг бир кам қирқта товуғи, битта хўрози бор экан. Макиёнлар ҳар куни бир кам қирқта тухум қилиб берар эканлар. Бироқ эгаси жуда хасис одам экан. Товуқларга лоақал уч кунда бир марта ҳам дон сочиб қўймас экан. Товуқлар ҳовлида хашакларни ва гўнгларни титиб, шундан овқат топиб, қорин тўйғизар эканлар.

Бир куни товуқлар қўшнисининг ҳовлисида донлаб юрганда унинг хотини уй обрезида<sup>1</sup> оқшоқ ювиб, қозонга солибди. Обрезнинг четига тўрт-бешта оқшоқ тўкилиб қолибди. Буни хўрозда кўрган экан, секин кириб, ҳалиги донларни ея бошлабди. Шуни қўшнисининг хотини кўриб, «кишт-кишт, қирилгурлар, кишт», – деб оташкуракни отиб юборибди. Оташкурак хўрозда тегиб, уни бир неча маротаба юмалатиб юборибди. Оташкуракнинг зарбидан хўрозда кўп алам тортиб, бир чеккага бориб йиғлабди. Хўрлиги келиб: «Хўжайнин ҳар куни бир кам қирқта тухум олса, лоақал, битта тухумнинг пулига дон олиб сочмаса; унинг эшиги ёнига борсак, ўзи ҳам, хотини ҳам «кишт-кишт» деб ҳайдаса, боз устига қўшниларидан ҳам калтак есанг! Менга нима азоб! Кел, шу ерда юрганимдан кўра далаларга чиқиб кетиб, ўша ерда ўзимча тирикчилик қилсам, нима бўлади?» – дебди.

<sup>1</sup> Обрез – уй этагида сув қўйиладиган жой.



Ўрнидан турибди ва «қу-қу-қу» деб қичқирибди. Қейин «пир» этиб деворга қўнибди, ундан учиб кўчага тушибди-ю, далага қараб кетаверибди.

Хўroz дала йўлида бораётган экан, уч кўчанинг бошига бориб қолибди. Уч кўчанинг биридан бояги эшак, иккинчисидан хўroz чиқиб келибди. Хўroz эшакка қараб:

– Ассалому алайкум, эшаквой! – дебди.

Эшак:

– Ваалайкум ассалом, хўрозвой, – дебди.

Хўroz:

– Сизга йўл бўлсин? – деб эшакдан сўрабди.

Эшак:

– Сусамбилга, – дебди.

Хўroz:

– Сусамбил қандай жой? – дебди.

Эшак:

– Сусамбил ўтнинг бўлиғи, сувнинг тинифи, унда азоб-уқубат йўқ, маза қилиб юрасан, – дебди.

Хўroz:

– Мен ҳам борсам бўладими? – деб сўрабди.

Эшак:

– Хайр, битта эдим, сен билан иккита бўламиз, юравер!

– дебди. Иккови бошидан ўтганларини бир-бирига гапириб кетаверибди.

Энди бояги ҳўқизга келайлик. Хўжайнин уни ҳўқизлар билан уриштириб юрар экан. Ҳўқиз жуда уришқоқ бўлиб, ҳамма жойда донғи кетган экан. Бир куни ҳўқиз уриштириш бўлиб қолибди. Шунда бу ҳўқиз етти-саккизта ҳўқизни қочирибди. Энди битта жуда уришқоқ ҳўқиз қолибди. Хўжайнин ҳўқизини бу ҳўқиз билан әртасига уриштиromoқчи бўлибди. Тонгда хўжайнин:

– Энди ҳўқизни уриштиришга бораман. Шохини ёғлаб қўяй! – деб молхонага чиқса, ҳўқизнинг икки кўзи юмуқ, ухлаётган экан. Тушида катта бир йифин эмиш. Ҳўқизни хўжайнин йифинга олиб кирса, ҳалиги ҳўқиз буни йифиндан



қувиб чиқариш учун ҳамла қилиб, югуриб қолибди. Шунда бунинг аччиғи чиқиб, келаётган ҳўқизга даф қилиб уни бир сузибди. Шунда зарба ҳўқиз шохини ёғлаётган хўжайинга тегибди. Хўжайиннинг ёғ косаси бир тарафга, ўзи иккинчи тарафга учиб тушибди.

Хўжайин ҳушидан кетибди, ҳушига келгандан сўнг:

– Ҳали мени сузадиган сенмисан?! – деб ҳўқизни чунон урибдики, қабариб чиқмаган жойи қолмабди. Шунда ҳўқиз ётиб йиғлабди, хўрлиги келибди: «Мен хўжайинга шунча ишларни қилиб, қанча ҳўқизлар билан уришиб, уларни енгиб, пул ютиб берсам, у эса шугина қилиғимни кўттармай мени ўларча урса, бу менга қандай хўрлик?!» – дебди ва: «Бор-е, мен токай хўрлик тортаман, шу хўжайиннидан кетсам, нима бўларди, кетаман!» – деб ўрнидан турибди, бир чираниб бошвоқни узиб йўлга тушибди, юриб-юриб бир жойга борса, бояги эшак кўринибди. Шунда ҳўқиз эшакни чақириб, орқасидан югурибди. Бир вақт эшакнинг қулоғига бир товуш келибди. Орқасига қараса, узоқдан бир ҳўқиз уни тўхтовсиз чақириб келяпти.

Эшак тўхтаб турибди, ҳўқиз етиб келибди. Қараса, ўзининг шериги экан.

Эшак:

– Ҳа, ҳўқизвой, нима қилиб юрибсан? – дебди.

Ҳўқиз айтибди:

– Сендан кейин хўжайин мени ҳам тоза азоблади. Мен ҳам «бор-е» деб, келавердим. Сен қаёққа кетяпсан?

Эшак:

– Мен Сусамбилга кетяпман, – дебди.

Ҳўқиз:

– Сусамбил қандай жой? – дебди.

Эшак айтибди:

– Сусамбил ўтнинг бўлиғи, сувнинг тинифи, унда азобуқубат йўқ, маза қилиб юрасан.

Ҳўқиз:

– Бўлмаса мен ҳам борсам бўладими? – дебди.



### Эшак:

– Келганинг яхши бўлибди. Иккита эдик, учта бўлдик.

Юравер! – дебди.

Ҳўкиз, эшак, хўрор учови бошидан ўтганларини бирбирига гапиришиб, ҳасратлашиб кетаверишибди. Неча кун йўл юриб, чўлу биёбонга етишибди.

Чўлда ҳеч ким йўқ экан. Бир жойда иккита каламуш турар экан. Чўлда озиқ-овқат камлигидан, озгина овқат топиш учун кўп жойларга бориб, кўп ерларни қазир эканлар. Шунда қорин тўяр-тўймас озгина овқат топишар экан. Бора-бора чўлда овқат топилмай қолибди. Бир куни иккала каламуш ейдиган овқати йўқ, қорни очиқиб, энди нима қиласиз деб, уясининг оғзига чиқиб шумшайиб ўтиришганда, узокдан ҳалиги эшак, ҳўкиз ва хўролар кўринишибди.

### Бири айтибди:

– Шу кўринганлар йўловчи бўлади. Юр, улардан овқат олайлик. Зора раҳми келиб, бирор нарса ташлаб кетишса, – дебди.

Иккаласи йўлнинг устига чиқиб турибди. Кўринган ҳайвонлар ҳам етиб келишибди. Шунда каламуш улардан овқат тилабди.

### Эшак туриб:

– Эй биродарлар, биз ҳам сизларга ўхшаб оч қолганларданмиз. Агар овқат керак бўлса, биз билан бирга юраверинглар, – дебди.

### Каламуш эшакдан:

– Қаерга кетяпсизлар? – деб сўрабди.

### Эшак:

– Биз Сусамбилга кетяпмиз, – дебди.

– Сусамбил қандай жой? – деб сўрабди каламуш.

– Сусамбилни асло сўрама! Сусамбил ўтнинг бўлиғи, сувнинг тинифи, унда азоб-уқубат йўқ, маза қилиб юрасан! – дебди эшак.

– Бўлмаса биз ҳам борайлик, – дейишибди каламушлар.

– Учта эдик, бешта бўлдик, юраверинглар, – дебди эшак.



Мана энди булар бешови бошларидан ўтган саргузаштларини бир-бирига гапиришиб, Сусамбилига кетаверибдилар.



### Савол ва топшириқлар.



1. Жониворларни бир-бирига қандай куч яқинлаштирган?



2. Эртак қаҳрамонларининг расмини чизиб, кўргазма ташкил қилинг.

3. “Сусамбил қандай жой?” деган саволга берилган жавобни ёд олинг. Эртак қаҳрамонларини қандай мақсад бирлаштириди, деб ўйлайсиз?

Ўша чўлда бир ари галаси бор экан. Улар ҳам овқат йўқлигидан оч қолиб, нима қиласини билмай, осмонда гўнғиллаб учиб кетаётган эканлар, бирдан ҳалиги Сусамбилига кетаётган беш жониворга йўлиқибдилар.

Арилар буларни кўриб: «Уҳ, мана овқатнинг конидан чиқдик, керагини олиб қол!» – деб, чаққани киришишибди.

Шунда эшак айтибдики:

– Эй, укалар, сизлар ҳам бизга ўхшаб оч қолиб қийналганга ўхшайсизлар. Бизнинг танимизда шира қолгани йўқ.

Сўрганларинг билан ҳеч нарса чиқмайди. Ширамизни хўжайинларимиз сўриб олган. Агар овқат керак бўлса, биз билан юраверинглар! – дебди.

Шунда арилар буларнинг аҳволини кўриб, булар ҳам бизга ўхшаган оч қолганлардан экан, деб қаёққа кетишаётганини сўрабди.

- Биз Сусамбилига кетяпмиз, – дейишибди.
- Сусамбил қандай жой? – деб сўрабди арилар.
- Сусамбил ўтнинг бўлифи, сувнинг тинифи, унда азобуқубат йўқ, маза қилиб юрасиз, – дейишибди.
- Бўлмаса биз ҳам борайлик, – дебди арилар.
- Майли, бешта эдик, кўп бўлдик, – дебдилар.

Шунда булар ҳаммаси: «Сусамбил, қайдасан?» деб бошидан ўтганларини гаплашиб, ҳасратлашиб кетаверибдилар. Йўлда кетаётиб: «Қачон Сусамбилига етамиз?» – деб, юраклари жигиллаб гоҳо-гоҳо эшакдан: «Яна бир гапириб беринг.



Сусамбил қандай жой ўзи?» – деб сўрашар экан. Эшак ҳам Сусамбилни мақтаб, уларнинг кўнглини кўтарар экан.

Булар:

– Сусамбилга борсак ундей қиламиз, бундай қиламиз! – деб ўзларича ширин-ширин хаёллар суриб боришар экан.

Булар йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири димоғларига Сусамбилнинг хушбўй шабадаси урилибди. Сусамбилга ҳам етиб келишибди.

Сусамбил жуда ҳам кенг, бепоён бир жой экан. Ҳавоси жуда тоза, нариги ёқда улкан тоғ бўлиб, унинг шабадаси доим ғириллаб келиб тураг экан. Ерда кўм-кўк майсалар, бедалар яшнаб ётибди. Бир ёқда буғдой, арпалар; бир ёқда қовун-тарвузлар, бир тараф кета-кетгунча боғ: унда узум, анжир, ўрик, шафтоли ва турли-туман мевалар ғарқ пишган. Ариқларда оппоқ сутдай сувлар шарқирайди. Борганларнинг бағрига шамол тегибди.

Шунда бу бечоралар жуда ҳам хурсанд бўлиб кетишибди. Хурсандчиликдан баъзилари йифлаб олишибди. Улар кўп оч қолишиган экан. Ҳар қайсиси истаган овқатини еб, қорнини тўйғазиб, вактларини хушлашиб, сўнгра салқин бир жойга келиб дам олишибди. Йўл азоби – гўр азоби дегандай, кўп чарчаб қолишиган экан, шу салқин жойда ётиб узоқ ухлашибди.

Уйқудан туриб қўл-бетларини ювиб, яна хоҳлаган овқатларини ебдилар. Шу билан булар Сусамбилга келиб анча роҳатланиб қолишибди.

Сусамбилнинг бир томони баланд тоғ бўлиб, унда кийик дейсизми, ишқилиб кўп жониворлар яшар экан. Тоғнинг бир жойида эса бир тўда бўри яшар экан. Бир куни бўриларнинг подшоси уларни тўплаб, базм қилиб, ичкилик ичиб, кабоб қилиб еб ўтирган экан. Шунда бўриларнинг подшоси узоқдан ҳалиги эшак билан ҳўкизни кўриб қолибди:

– Уҳ, бизга барра кабоб топилди, ҳув ана, ўтлаб юрибди. Уч-тўртта бўлиб бориб шуларни олиб келинглар, кабоб қилиб еймиз, – дебди.



Бўриларнинг ичида битта ҳовлиқмаси бор экан, у туриб айтиби:

– Шугина нарсага уч-тўрт кишининг нима кераги бор? Битта ўзим бориб олиб келаман! – дебди.

Бўриларнинг ичида яна битта ҳовлиқмаси бор экан. Ҳалиги бўрининг гапини эшитиб, шартта ўрнидан туриб:

– Ҳой, нима деяпсан ўзинг? Мен турганда сен қаёқقا борасан? Ўтири жойингда! Мен ўзим бориб олиб келаман! – дебди.

Бунга у бўрининг аччиғи келиби:

– Мени писанд қилмаяпсан, сендан нима камлигим бор?! – деб бир-икки даф қилиби. Шу ерда иккови олишиб кетиби.

Шунда бўриларнинг подшоси туриб:

– Ҳой муттаҳамлар, уришманглар! Бор, икковинг бориб олиб кел! – дебди. Шу билан иккови чопқиллашиб кетишиби. Булар кетаётганларида бизнинг сусамбиликларимиз ўтлаб юришган экан.

Бир вақт ҳўқиз ердаги қўкатни еб, оғзини тўлдириб, бошини кўтариб, ўтни чайнаб, тоғ томонга қараб, узоқдан чопиб келаётган иккита бўрига кўзи тушибди. Шунда





хўқизнинг юраги шувиллаб кетибди. У қўрқиб оғзидаги ўтини ерга ташлаб, шерикларини чақирибди. Шериклари ҳам бўриларни кўришибди. «Энди нима қиласми? Қочамизми, турамизми?» – деб маслаҳатлашибдилар.

Эшак:

– Қочсак, қувиб етиб олади, яхшиси қочмаймиз, – дебди.

Ҳўкиз айтибди:

– Башарти олдимизга келса, нима қиласми?

Шунда хўroz:

– Мен дарахтнинг тепасига учиб чиқиб кетаман, – дебди.

Каламушлар:

– Биз ерни кавлаб, кириб кетамиз, – дебдилар.

Эшак:

– Ҳанграб туравераман, – дебди.

Арилар:

– Биз рўпара келганини чақиб, ҳамма ёғини шишириб ташлаймиз! – дебдилар. Ҳўкизга ариларнинг гапи жуда ҳам ёқиб тушибди.

– Бўлмаса сизлар жон борича чақинглар. Қолганларини менга қўйиб беринглар! – дебди ҳўкиз.

Булар маслаҳатни бир қилиб тураверишибди.

Бир зумда бўрилар етиб келибдилар. Бўрининг ҳалиги ҳовлиқмаси шеригига:

– Ҳув анавини сен кўтар! Мана буни мен кўтараман, – деб ҳўкизга қараб югурибди.

Шунда ҳўкиз орқасига қайтиб туриб, бўрига қараб югуриб бориб бир сузганда, бўри «дод» деб етти думалаб тушибди. Буни кўриб шериги югуриб келган экан, ҳўкиз уни ҳам қаттиқ сузиб ташлабди. Каламушлар қўрқанларидан ерни кавлаб кириб кетишга уринибди. Ер тошлок, қаттиқ экан, улар кавлаб киролмабдилар, бир зумда аллақанча жойни ўйиб юборибдилар.

Хўroz бўлса дарахтга чиқиб олиб, ҳадеб «ку-ку-ку» деб қичқираверибди. Арилар ҳар иккала бўрига ёпишиб чақаверишибди-чақаверишибди, бир зумда дўмбира қилиб шиши-



риб ташлашибди. Бўрилар шунда ҳам қочмай жонҳолатда келиб, ҳўкизга ёпишибдилар. Ҳўкиз уларни сузавериб, аъзои баданини яра қилиб ташлабди. Эшак бўлса нарироқда бор овози билан ҳанграб, нари бориб, бери келиб тураверибди.

Бир вақт бўрилар олишиб-олишиб чарчашибди. Қарашса, ҳўкиз билан арилар ўлдириб қўядиган. Шунда дастлаб ҳалиги ҳовлиқма бўри қочишга тушибди, орқасидан униси эргашибди.

Булар шу қочганича подшонинг олдига етиб боришибди. Бу бўриларнинг ҳамма ёғи ёрилган, қонлари оққан, ари чаққан юзлари шишиб, кўзлари қўринмайдиган бир ахволда экан. Подшо ва шериклари буларнинг ахволини кўриб, ранги ўчиб, қони қочиб, ияклари қалтираб, кўзлари ялтираб қолибди.

Подшо:

- Сизларга нима бўлди? – деб сўрабди.
- Эй тақсир, булар барра кабоб эмас, бошга келган бало экан! – дейишибди.
- Ҳа, нима бўлди? – деса, бўрининг бири:
- Булар бизнинг жонимизга қасд қилиб келган экан. Буларнинг ичидагункарнакири, унинг бир жуфт гўркови ҳам бор экан. Мункарнакир гурзиси билан бир урганда, агар шер бўлса ҳам, неча думалаб қетади, – дебди.

Бўрининг яна бири:

- Эй маҳмадона! Сен тек тур! Ўзим гапираман. Буларнинг ичидагункарнакири, унинг бир жуфт гўркови ҳам бор экан. Жонни олиш учун найзасини суқса, аъзои баданинг ачишиб, шишиб кетар экан, – дебди.

Энди буниси:

- Ҳе, сен билмайсан! Булар гўркови билан келган экан. Ҳали биз ўлмай туриб, ҳар биримизга еттитадан гўр қазиб қўйишибди, – дебди.

Униси айтибди:

- Сен кўрмабсан! Булар сўфиси билан келган экан. Ҳали биз ўлмай туриб, дарахтнинг тепасига чиқиб, ҳадеб ҳаммани жанозага чақиряпти.



### Униси:

– Лекин буларнинг ичида бир каттаси бор экан. Униси эшони бўлса керак. Бизга яқинлашмади, лекин нарироқда туриб иш ўргатиб, буларга бақириб турди. Агар униси ҳам келганда, биз мутлақо ўлар эдик, – дебди.

Бўрилар буларнинг афт-ангорини кўриб, гапларини эшишиб, қўрқиб васвасага тушибдилар.

### Подшо:

– Энди нима қиласиз! – дебди. Ҳалигилар:

– Эй тақсир, агар балога дучор бўлайлик, кунимиз битибди, ўлайлик десангиз, тураверамиз. Бўлмаса қочамиз. Булар бизнинг орқамиздан қувса, ҳали замон етиб келади, – дебди.

Буни эшишиб бўриларнинг подшоси яна қўрқибди.

– Бўлмаса туринглар, жўнаймиз, – дебди.

Шунда ҳамма бўрилар, бу жойга келмай, ҳар ёққа тирқираб юрганларини ҳам топиб келиб, Сусамбил тоғини ташлаб қочиб, етти тоғнинг нариги ёғига ўтиб кетишибди.

Сусамбилликлар энди тамом эркинликка чиқиб, оғзи ошга тегиб, сал кунда семириб кетибдилар. Улар гоҳо хўжайинлариникида кўрган кунлари эсга тушса, ўқиниб, бу ердаги роҳатларни кўриб севиниб, Сусамбилнинг овини овлаб, довини довлаб, маза қилиб юришаверибди. Шу билан мурод-мақсадларига етишибди.





**Савол ва топшириқлар.**

1. “Бирлашган ўзар – бирлашмаган тўзар” мақоли қайси қаҳрамон ҳаракатини тасвирляяпти деб ўйлайсиз?
2. “Дўстлик” сўзига “Оқилнинг олти қалпоғи” (оқ – аниқ маълумотлар, қизил – ички ҳис-туйғу, қора – танқид, сариқ – ижобий томони, яшил – янги фикрлар, кўк – хулоса) усулини қўлланг.
3. Кўпчиликнинг бошини қўшган қаҳрамонга хос хусусиятларни таърифланг. (“Кластер” стратегияси асосида)
4. Асаддаги яхшилик ва ёвузлик ҳолатларини «Т-жадвал» стратегияси орқали кўрсатиб беринг. Жадвални тўлдиринг.



«Сусамбил» эртагидаги ҳолат	
Яхшилик	Ёвузлик



## ЭРТАКЛАР ҲАҚИДА

Эртак халқ оғзаки ижодининг энг қадимги оммавий жанрларидан биридир. *Яхши ҳаёт,adolatli turmuš, komil maʼnавиятли инсон ҳақидаги орзу-армонлар ифодаланган, қизиқарли ва кутилмаган сирли-сеҳрли воқеаларга бой оғзаки ҳикоялар эртак* деб аталади. Эртаклар жуда қадимий илдизга эга. XI асрда яшаб ўтган буюк олим бобомиз Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк» (Туркий сўзлар тўплами) асарида эртак атамаси ўша пайтларда «этук» шаклида қўлланилганини ёзади. Ҳозир ҳам турли жойларда яшовчи ўзбеклар эртакни «чўпчак», «ушук», «масала», «варсоқи» деб ҳам аташади. Ўшандан бери бу атама турли ўзгаришларга учради, аммо ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмади. Йўқолиб кетиши мумкин ҳам эмас. Токи, дунёда бола зоти бор экан, эртакка эҳтиёж бўлаверади.

Эртакларда ҳаётий воқеалар кутилмаган, фавқулодда, ҳаёлий ва сирли ҳодисалар билан қўшилиб-чатишиб келади. Қаҳрамонлар ҳайратомуз саргузаштларни бошдан



кечирадилар, жондорлар худди одамлардай ўйлайдилар, сўйлайдилар. Эртакларда атрофимиздаги ҳаёт манзараларидан кўра кишиларнинг ўй-хаёллари, орзу-армонлари кўпроқ, ёрқинроқ ифода этилади.

Эртакларнинг бир қатор хусусиятлари бор. Шулардан *биринчиси* эртакнинг тингловчини ўзига маҳлиё қилиб қўядиган, диққатини жалб этадиган даражадаги қизиқарли воқеаларга бой бўлишидир. Эртакларга хос *иккинчи хусусият* уларда ҳаётда бўлиши мумкин бўлган ҳодисалар бўлиши мумкин бўлмайдиган уйдирма, хаёлий воқеалар билан бирга тасвирланишидир. Шунинг учун ҳам эртакларда қушлар одамлар билан гаплаша олади, эшак ҳўқизни, у каламуши бемалол тушунади ва ҳоказо. Эртакларнинг *учинчи бир белгиси* улар ҳамиша яхшилик билан тугайди. Қаҳрамонлар мурод-мақсадига етишади, ёмонлар доим жазосини олади. *Тўртинчи жиҳат* шундан иборатки, эртаклар маҳсус ижро қолипларига эга ва айтилишда деярли доим шунга амал қилинади. Жумладан, эртаклар ҳамма вакт: «Бир бор экан, бир йўқ экан...» тарзида бошланади. Эътибор беринг, эртакда гап бир бору бир йўқ нарса ҳақида бўлади. Эртакларнинг *бешинчи белгиси* улар ҳамиша ибрат, намуна вазифасини бажаради. Яъни эртаклар доимо тарбиявий аҳамиятга эга бўлади. Тингловчи эртак қаҳрамонларидан, улар кечирган саргузаштлардан ибрат олади, хулоса чиқаради. Сизнинг ўзингиз ҳам юқорида ўқиган эртаклардан қандайдир дараҷада таъсиrlандингиз. Бу ҳақда ўйлаб кўринг. Юқорида айтилганларни жиддий бир мулоҳаза қилиб чиқсангиз, эртакнинг нималигини, унинг қандай хусусиятларга эгалигини билиб оласиз.



#### Савол ва топшириқлар.



1. Эртакка хос хусусиятларни умумлаштириб, қоида яратинг.
2. Нима учун эртакларнинг якуни эзгулик билан тугаши ҳақида мулоҳаза юритинг.
3. Эртак қаҳрамонларининг қайси бирларидан ибрат олдингиз?





## АНВАР ОБИДЖОН

(1947 йилда тугилган)

Ўзбек болалар адабиёти ривожида ўзига хос ўринга эга бўлган ёзувчилардан бири Анвар Обиджондир. У 1947 йилнинг 25 январида Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги Полосон қишлоғида хизматчи оиласида туғилди. Бўлажак шоир қишлоғидаги ўрта мактабни тутатгач, 1964 йилда Самарқанд молия техникумiga ўқишига кирди.

Ҳарбий хизматни (1966–1969) ўтади. Ҳарбийдан қайтгач, 1969 йилдан 1981 йилгacha жамоа хўжалигида ҳисобчи, клубга мудир, туман газетасида, вилоят радиосида журналистик қилди. 1979 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини сиртдан битирди. 1981 йилда Тошкентга келиб, нашриётлар, журналларда меҳнат қилди. Ҳозирги кунда республика телевидениесида катта муҳаррир.

Анвар Обиджоннинг биринчи шеъри олтинчи синфда ўқиб юрганида чоп этилган. «Она ер» номли биринчи шеърлар китоби 1974 йилда босилиб чиқсан. Шу кунгача болалар ва катталарнинг севимли шоири, носири ва драматурги А.Обиджоннинг ўн бешдан ортиқ китоби чоп этилган.

Анвар Обиджон – фоят ўзига хос ижодкор. У дардини кулиб айтишнинг уддасидан чиқадиган ёзувчилардандир. Шунинг учун ҳам бир шеърида:

Мен куйлайман нега гоҳ,  
Ла-ла-лай...  
Йиғламаслик учун оҳ,  
Ла-ла-лай, –



деб ёзган. Анвар Обиджон ўзбек шеъриятига «уччаноқлар» деб аталмиш жанрни олиб кирди. Уч қаторлик кичик шеърларда ғоят чуқур фикрларни эсда қоладиган тарзда ифодалашнинг улдасидан чиқди.

Дўстларингни осиши,  
Сенга қучоқ очиши.  
Демак... демак, сотқинсан! –

дейди бир «уччаноқ»да. Бошқасида эса:

Дор ва тазийқ бор жойда,  
Эркнинг уфқи тор жойда  
Мард шоирлар туғилар, –

деб ёзади. Хуллас, Анвар Обиджон болалар учун зарур гапларни кулгили йўсинда ҳам, жиддий ва ўйлантирадиган тарзда ҳам бирдай қизиқарли қилиб ёза оладиган адидир. Сиз унинг шеърий эртагини ўқиш жараёнида бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

## ОДИЛ БУРГУТШОҲ ВА «ЗАМБУРУҒ» ЛАҚАБЛИ ЖОСУС ҲАҚИДА ЭРТАК



Матнолди топшириқлар:

1. Ҳайвонлар ҳақида қандай эртаклар биласиз?
2. Эртаклар бизни нимага етаклайди?

### I

Бор эди бир одил Бургутшоҳ,  
Тобе эди унга қири тоғ,  
Яйлов, дала, қисман барханлар,  
Тош қалъалар, шинам қўрғонлар.  
Қарчиғайшоҳ бор эди яна,  
Ёрмон эди унга бошпана.



Далалари нотекис, яйдоқ,  
Ярми ботқоқ, ярми қатқалоқ.  
Бўлиб яхши ишларга ҳозир,  
Бунда Тўти – Бургутга вазир.  
Қарға унда кирдил ишбоши –  
Қарчиғайнинг ўнг қўл сирдоши.  
Бунда Лочин қўшинга раҳбар,  
Шўх Қирғийлар – энг сара лашкар.  
Қўмондондир унда сурбет Сор,  
Оч Қузғунлар ҳамлага тайёр.  
Қизилиштон бунда ясовул,  
Унда эса, Қораялоқ – қул.



## II

Бургутда бор эди қўш фарзанд,  
Бири – асал, иккинчиси – қанд.  
Чақмоқ эди тўнғичин номи,  
Ташна эди мардликка қони.

Қуёш эди кичигин исми,  
Тўлиқ эди меҳрга жисми.  
Ука – ўйчан, акаси – қувноқ,  
Бир-бирига меҳрибон, иноқ.  
Узоқ тунлар хаёл суриб гоҳ,  
Ўз ўлимин ўйлаб қолса шоҳ,  
Таъминлаш-чун халқи баҳтини.  
Раво кўрар эди тахтини  
Зеҳни ўтқир, софдил Қуёшга...  
Ахир, ақл ёшдамас – бошда.  
У биларди, тўнғич фарзанди  
Иродали, жасур ва танти,  
Ўхшар худди туғма аскарга.  
Чақмоқ бошлиқ бўлса лашкарга,  
Ёв бузолмас бу юртнинг тинчин...  
Афсус, қариб боряпти Лочин.



Шоҳ бир куни вазирин йўқлаб,  
Тўрт-беш содик нозирин тўплаб,  
Маълум қилди ушбу фикрини.

### III

Заковатли Тўти вазирнинг,  
Эзгу ишга доим ҳозирнинг  
Бўлар эди ёлғиз бир қизи,  
Исми Шабнам – наҳор юлдузи.  
Оқил эди сулув қиз беҳад,  
Билимдону ҳамда ҳуснихат.  
...У, хориждан келган муаллим –  
Попишакдан оларди таълим.  
Бургутшоҳнинг икки ўғлин ҳам  
Дўст тутганди ёшлиқдан Шабнам.  
Қиласи эди Чақмоқни ҳурмат,  
У ҳам барча қизлардек албат.  
Ботирларга қоларди қойил.  
Аммо кўнгли эди жа мойил  
Ёқимтой ва дилкаш Қуёшга...

### IV

Шайдо эди унга Қуёш ҳам,  
Бироқ қизга йўлиққани дам,  
Айтолмасди юрак сўзларин.  
Мехр билан тикиб кўзларин.  
Ундан аҳвол сўрарди холос.  
...Севиб қолди Чақмоқ ҳам беҳос  
Вазирнинг бу гўзал қизини.  
Дадил тутиб бир кун ўзини.  
Топиб-тутиб сўзлар жўшқинин,  
Изҳор қилди унга ишқини.  
Бўлиб қолди Шабнам бирдан лол.  
Майса узра тиз чўкиб беҳол,  
Гап тополмай, ҳам қилди бошни...



## V

Қарчиғайшоқ чорлаб Қарғани,  
Сүрди бир кун: Гапир-чи, қани,  
«Замбуруғ»нинг ишлари қалай?  
Унга олтин бергандик талай,  
Бўлиб кетди тугал зим-зиё,  
Топган қушинг қаллобими迪 ё?  
Қарға деди: Тортманг ҳеч ташвиш,  
«Замбуруғ»... Эҳ, жуда маккор қуш!  
У Бургутшоқ қасрида ҳозир,  
Унга сирдош уламо, нозир...



## VI

Тагида нақ етти қат тўшак,  
Китоб ўқир Сассиқпопишак.  
Мард Чақмоқнинг ёри Шабнамхон  
Ҳикоятлар тинглар паришон.  
Попишак бас қилиб ўқишни,  
Талабаси – келинчак қушни

Зимдан сергак кузатиб бир зум,  
Деди: Бунча ҳомушсан, қизим?  
...Ахир ёвқур куёвинг Чақмоқ  
Шу ўлкага бўлар бир кун шоҳ.  
Сени ҳамма атар «малика»,  
Эътиборда ёлғизу якка...  
...Дилбар келин хаёлга толди,  
Узоқ-узоқ ўйланиб қолди...  
«Қанча оқил бўлмасин аёл,  
Унга сира келмайди малол  
Бирон юртга малика бўлмоқ», –  
Ўйлаб қўйди Попишак шундоқ.



## VII

Эшитган кун түйнинг дарагин,  
Қуёшжоннинг сокин юрагин-  
Гүё тилиб ўтганди наштар...  
Азоб чекиб кундан-кун баттар,  
Бедор ўтар унинг ҳар туни,  
Кимга айтсин ахир дардини?-  
Унга рақиб – севимли ака,  
Севгилиси – бўлажак янга!

## VIII

Кириб, маълум қилди ясовул:  
– Шунқор шошиб мисоли довул,  
Сўрамоқда қабулга рухсат...  
Бургутшоҳ тез ажратди фурсат.  
Шунқор шоҳни қилгач зиёрат,  
Деди: Гапим шундан иборат,  
Бир жосусни туширдик қўлга  
Ва маҳфий хат олинди ўлжа,  
Босмиш унга Қарчигай тамфа,  
Имзо чекмиш остига Қарға.  
Мактубга зар попук осилган,  
Сизга қарши гаплар ёзилган.

Хатни бунда кутар «Замбуруғ»,  
Тергов қилдик, аммо Булдуруқ  
«Замбуруғ» ким, деган саволга-  
Жавоб бермай, боқар дуволга.  
Воқеадан этилгач огоҳ,  
Вазмин боқиб деди Бургутшоҳ:  
– Бугунча сал зикроқ вақтимиз,  
Қўлда турса агар тахтимиз,  
Эрта тергов қилинар жосус.  
Фармонимиз: Вақтинча маҳбус-



Зиндонда кун кўрмоғи лозим...  
Миршаб Шунқор айлади таъзим.

## IX

Машғулотни тўхтатиб бехос,  
Қовоқ уйиб Попишак устоз,  
Аста деди: Азизам, Шабнам,  
Талабамсан, фарзандимсан ҳам.  
Сендан бошқа суюнчиғим йўқ,  
Бахт ҳамроҳинг бўлса, кўнглим тўқ.  
Бир сирдан мен бўлдиму огоҳ,  
Фашлик чўқди кўнглимга ногоҳ.  
Тишлаб юрдим кўп вақт тилимни,  
Хуфтон қилмай дедим дилингни.  
Сўнг ўйладим: хиёнат ахир,  
Ўз дўстингдан сақламоқлик сир.  
Хуллас, кенгаш қилиб Бургутшоҳ,  
Васиятин ёзdirгани чоқ,  
Мерос қилмиш Қуёшга тожин.  
Истеъфога чиққанда Лочин,  
Лашкарбоши бўлармиш Чақмоқ...  
Устоз сўзин эшитиб Шабнам,  
Жавоб қилди ўйланиб бир дам:  
– Адашмасам, бўлса ҳамки ёш,  
Хоқонликка лойиқдир Қуёш.  
Шоҳнинг амри дейдилар вожиб,  
Буюк зотга қилмайлик гожлик<sup>1</sup>.

## X

Зиндон эди жуда қоронги...  
Тун ярмидан оққани чоги  
Заранг қопқоқ очилди аста,  
Недир тушди гурсиллаб пастга.

<sup>1</sup> Гожлик – зидлик, терслик.



Яқин борди Булдуруқ ҳайрон,  
Күрди – ўлиб ётар зиндоңбон.  
Маҳбус токи ҳушин қилмай жам,  
Пайдо бўлди қотил ўзи ҳам.  
Деди: Калланг соғми, Булдуруқ?  
– Салом бердик, жаноб «Замбуруғ!»  
– Секин! Қани, гапир-чи, ини,  
Хатда нелар дейилганини.  
Захдан ранжиб, йўталиб қуруқ,  
Хат мазмунин айтди Булдуруқ.  
У сўзини тугатган чоғда,  
Қоронғуда қолди-ю доғда,  
Учраб қабиҳ ҳамлага ногоҳ,  
Билолмай не бўйнида гуноҳ,  
Оғзи каррак очилганича  
Бўғзига тиф санчилганича,  
Ағнаб тушди, жон берди фақир...

О, малайнинг қисмати оғир!

## XI

Мехрибони – устоз айтган гап,  
Ўтди Шабнам қалбини тирнаб.  
Дикқат бўлди, чалкашди ўйи,  
Лоҳас сезди ўзин кун бўйи.  
Тунда дарди сиғмай терига,  
Бу ҳақда гап очди эрига.  
Мийигида жилмайди Чакмоқ:  
– Буни ўзим билардим,  
Бироқ сен қаердан эшита қолдинг?  
Сулув Шабнам Чуқур тин олди:  
– Эшитдим-да, нима фарқи бор?  
– Жоним, хафа бўляпсан бекор,  
Нега керак ўзи бизга тож?



...Қўмондон – энг керакли нозир,  
Лашкар турар менга мунтазир.  
Юртни ёвдан сақласам омон,  
Айт-чи, бунинг нимаси ёмон?  
Бу – шарафли, фахрли беҳад,  
Шоҳда эса – қуп-қуруқ шуҳрат.  
Шабнам мамнун боқди ёрига,  
Суянчиғи, ифтихорига.  
Фахрланди юртпарвар эрдан  
Ва кўнгли ҳам ёришди бирдан.

## XII

Эрта тонгда бош миршаб – Шунқор,  
Ранги ўчиб мисоли bemor,  
Кириб келди Тошсаройга суст.  
Ҳам зинданбон, ҳам маккор жосус  
Бир хил тиғдан беланиб қонга,  
Жон берганин шу кеч зинданда  
Баён этди қирганча томок.  
Бир оз сукут қилгач, деди шоҳ:  
– Чала қолди гапинг, чамамда,  
Сен айтмадинг, қайси сур банд  
Бундай ишга қилибди журъат?  
– Шоҳим, Сиздан сўрайман шафқат!  
Биз... қотилни топамиз... – Етар!  
Ҳиқиллама, бошингни кўтар.  
Унутма, сен – Шунқорсан, Шунқор!  
...Қотилни топ, қани энди бор...  
Чиқиб кетгач, Шунқор хонадан,  
Гап ташлади кимдир панадан:  
– Бора олгай соқчига яқин –  
Тунда фақат миршаб... Ҳм, тағин...  
Ким билади... Тангрига яккаш  
Чархнинг иши туюлмас чалкаш.



### XIII

Машғулотни бошлаш-чун устоз,  
Битта-битта босиб мисли ғоз,  
Кўк эшиқдан кирди хонага,  
Мункиллаган буқри энага.  
Маълум қилди: – Шабнамхоним банд,  
У қаҳвага солиб бир жуфт қанд,  
Кириб кетди Қуёш ёнига.  
Қарамасдан сув ва донига,  
Оғир ётган эмиш шаҳзода,  
Малика ва хоқон – азада.  
Попишак тез қайтиб орқага,  
Яқин бориб «кумуш ҳалқа»га,  
Очиб Қуёш эшигин қия,  
Ичкарига бош сукди хуфя.  
Бўртокчада<sup>1</sup> – эшик ёнида  
Ўхшаб қушнинг иссиқ қонига,  
Туар әди қаҳвали идиш.  
Эшитилди ётоқдан товуш:  
– Нима бўлди, азизим, Қуёш?  
– Янга... Шабнам... Тўкмагин кўз ёш.  
«Улар – ошиқ! – деди Попишак, –  
Гар янглишсам, демак, мен эшак».

### XIV

Киприклари бўлиб жиққа нам,  
Чиқди Қуёш ёнидан Шабнам.  
У чиқди-ю, эшитилди дод,  
Уввос солиб кўтарди фарёд  
Оқсоч чумчуқ бўзлаб хонада,  
Зумда нотинч бўлди хонадон.  
Етиб келди шоҳ ва малика,  
Нозирлар жим туришар тикка,

1 Бўртокча – девордаги оқланган токча.



Бемор Қуёш құсар әди қон...  
Қуса-қуса, берди охир жон.  
Табиб Каптар таажжубда әди,  
Ахвол билан танишиб деди:  
– Заҳардан у топибди ўлим...  
Оқсоч деди: – Бормайди тилим!  
Бир зум олдин хонимой Шабнам,  
Бўлиб бунда bemorga ҳамдам,  
Мажбур қилиб, мажбур қилиб, ха! –  
Шаҳзодага ичирди қаҳва...

Ёшга тўлиб Шабнамнинг кўзи,  
Беихтиёр оқариб юзи,  
Чекинаркан, қичқирди: – Ёлғон!!!  
Заҳар солган – ўзингсан, илон!  
Дард-алами сифмай кўксига,  
Тиқилганча фарёд бўғзига,  
Изтиробдан титраб қўллари,  
Юрди Шабнам хонаси сари...

#### XV

Хўнг-хўнг йиғлаб ётаркан Шабнам,  
Кирди Чакмоқ хонага илдам:  
– Сендек маккор хотинга лаънат!  
Лаънат ёғсин менга ҳам абад!  
Бунча калта бўлмаса фаҳмим,  
Нечун идрок этмабди ақлим, –  
Мамлакатга бўлгин дея шоҳ,  
Эрингга баҳт тилаганинг чоқ,  
Қилгандинг-ку укамга ғараз,  
Доғда қолдим, ҳайҳот, мен галварс!  
Жуда яхши ишлабди калланг,  
Тушунибсан, ҳаёт – кураш, жанг.  
Мавжуд экан эрингда ука,  
Бўлолмасдинг ахир малика...



Тұлиб қаҳру ғазабга Чақмоқ,  
Панжаларинг қилди-ю, сиртмоқ,  
Човут солди ёрин бўғзига.  
Даҳшат акси чақнаб кўзида,  
Тўлғанарди келинчак тинсиз...  
Сўнг, гиламга йиқилди унсиз.

## XVI

Энагага бўлганча ҳамроҳ,  
Кўк эшиқдан кириб келди шоҳ.  
Қизи томон отилди вазир,  
Донг қотдилар уламо, нозир  
Сўлган гулдек ётарди Шабнам,  
«Нима бўлди сенга, қизгинам?»  
Дея, урди она Тўти оҳ,  
Муштин қисиб, бош эгди Чақмоқ.  
Чаққон юриб ясовулга хос,  
Қизилиштон кирди-ю, бехос,  
Тиз чўқди: – О, улуғ хоқоним,  
Авф этилса, бир қошиқ қоним,  
Воқиф қилай сизни бир гапдан.  
– Айт! – Кўшқдаги гилам йўлакдан  
Борардим тахт эшиги сари,  
Ясовулни алмаштиргани.  
Яқинлашгач «кумуш халқа»га,  
Тисарилдим бирдан орқага,  
Мен кўрдимки, жаноб Попишак  
Очиб Қуёш эшигин қиттак,  
Ичкарига тумшуғин суқиб,  
Турап әди гапларин уқиб.  
Бир пайт қўйнин пайпаслаб қолди  
Ва кафтига ненидир олди.  
Уй ичига кирди-ю, аста,  
Қайтиб чиқди яна бирпасда.  
Сўнг атрофга боқиб бадгумон,



Йўл олди ўз хонаси томон.  
У йўлакдан бурилган дамда,  
Алланарса тушди гиламга.  
Бориб олдим, қарасам – узук,  
Ўлжа бўлмас бундан ҳам тузук...  
Ким билибди бундай бўлишин?  
Ўйловдим – у жанобнинг иши  
Гап пойлашдан ўтмас нарига...  
Фаҳмим етди кейин барига.

## XVII

Табиб Каптар узукни олиб,  
Уни ёғоч косага солиб  
Ботирган пайт бир қултум сувга,  
Сув шарақлаб айланди буққа.  
Шоҳга табиб юзланди беҳол:  
– Бир кўрибоқ, сезгандим дарҳол,  
Суюқликка солинса агар,  
Бу узукдан тарқалар заҳар.  
Шунқор деди: Хоқони улуғ,  
Попишак бу – ўша «Замбуруғ!»  
Шоҳ ғазабнок сўз қотди: – Аттанг,  
Пича кечроқ ишлади калланг...  
Тезда қўлга олинсин баттол!  
Ясовуллар тарқалди дарҳол.  
Ётар эди Шабнам бегуноҳ,  
Чақмоқ наъра тортди-ю, ногоҳ,  
Деразани пачақлаб бирдан,  
Отди ўзин баланд қасрдан.  
«Ўғлим!!!» – дея қилди шоҳ нидо,  
Пичирлади табиб: – Алвидо!  
Нозирларни босди таҳлика,  
Кўш фарзандсиз қолган малика  
Нолиш билан юлган чоқ юзин,  
Шабнам аста очибди кўзин...



## XVIII

Милтилларди қора жинчироқ,  
Мудрагар эди соқчи Қарқуноқ.  
Товуш келди зиндон ичидан:  
– Ошна, Сенга қийин-да, жуда.  
Менга маълум зиндонбон ҳоли,  
Итникидан ёмон аҳволи...  
– Сеникидан лекин дурустрок! –  
Деб ғудранди соқчи Қарқуноқ.  
Попишакнинг чиқмади жаҳли:  
– Тез кунда мен бўламан баҳтли...  
Сен кўрятсан фақат бугунни,  
Ўйласангчи, эртанги кунни.  
Ўлди Шабнам, Чақмоқ ва Қуёш,  
Ғамдан шоҳ ҳам бўлади адош.  
Қарчиғай шоҳ босиб келар сўнг,  
Мурдалардан ясар катта дўнг.  
Кенг майдонга қалаб арчани,  
Нозир, навкар, соқчи – барчани  
Тириклайнин ёқар гулханда.  
Бўйи тенги сочар зар танга  
Кимки бўлса унга содик қул...  
Вайсар экан Попишак нуқул  
Қамраб олди соқчини ваҳима.  
Худди ўтда тургандек лақма,  
Потирлади: – Мақсадингни айт!  
– Ёғочсарой ичра ушбу пайт  
Қарчиғайшоҳ менга мунтазир.  
Рози бўлсанг, иккимиз ҳозир  
Кунботарга қараб учамиз,  
Эрта-индин манзил қучамиз.  
Сени унда қиласиз тўра,  
Бу, гулханда ёнишдан кўра –  
Анча қулай, тўғрими, ўртоқ?



Үйлаб туриб, деди Қарқуноқ;  
– Бордир ахир, хотиним, болам...  
– Олволамиз икковини ҳам.  
Хуллас, осон сотилди соқчи,  
Ҳар ён боқиб мисли айғоқчи,  
Шартта очди зиндан эшигин.  
Сүнгра пастга тушди-да секин,  
Халос этди «дўстин» арқондан.  
Маҳбус турди қаддин қилиб ғоз...  
Сўнг соқчига ташланиб беҳос,  
Тортиб олди унинг яроғин.  
Ушлаганча лат еган жағин,  
Қичқирган пайт лакма Қарқуноқ,  
Қўқрагига санчилди пичоқ.  
Танлолмади ўзибоп жўра,  
Бўлолмади ёт юртда тўра,  
Булғанди эл унга берган туз,  
Қолиб кетди уйида ёлғиз  
Хотини тул, боласи сағир...

О, сотқиннинг қисмати оғир!

## XIX

Нафас олар қийналиб Чақмоқ,  
Жони танда бўлса ҳам, бироқ,  
Оғир эди аҳволи жуда,  
Шоҳу вазир – қайнона-қуда  
Юришарди бедор, нобардам.  
Табиб Каптар, вафодор Шабнам  
Нари кетмай Чақмоқ қошидан,  
Қонли терни артиб бошидан,  
Томизишар эди лабга сув.  
Тонгга яқин, телбага ўхшаб,  
Гангиб кирди хонага миршаб:  
– Ўлимимга розиман, шоҳим,



Ортиб кетди беҳад гуноҳим...  
Зиндонбоннинг сирли ўлгани,  
«Замбуруғ»нинг гойиб бўлгани,  
Шоҳ дилини тунд қилди баттар:  
– Йўлга чиқсин Қалдирғоч чопар,  
Посбонларни этсин у огох,  
Чегарадан ўтолмасин соғ  
Биронта қуш, биронта чивин!  
Сўнг ўзича шивирлаб секин,  
Деди: – Балки қолгандирмиз кеч...  
Тавба, ақлим етмай қолди ҳеч,  
Тошсаройда нелар бўляпти,  
Лак-лак офат қайдан келяпти?

## XX

Бургутшоҳнинг икки фарзандин,  
Ҳам вазирнинг ёлғиз дилбандин  
Бир кундаёқ тинчитганини,  
Ёвни боплаб инжитганини<sup>1</sup>  
Сўйлаб берди Попишак мағур.  
Қарға деди: – Ишларинг манзур.  
Шу қаторда жонсиз ё носоғ—  
Ётган бўлса эди Бургутшоҳ,  
Унда баҳонг бўларди аъло.  
– Қизилиштон деган бир бало  
Расво қилди ишимни бевақт.  
Ўзи, шоҳга келувди навбат  
– Қарчиғайшоҳ уч кунки, касал,  
Қўрс ва инжиқ бўлиб қолди сал.  
Келганингни айтаман кириб,  
«Замбуруғ»нинг зафарин билиб,  
Кўнгли бирдан ёришса зора.  
Мукофотни қиласиз «арра».

<sup>1</sup> Инжитмоқ – хафа қилмоқ, қийнамоқ.



## XXI

Бериб бўлгач Попишак ҳисоб,  
Қарчиғайшоҳ айлади хитоб:  
– Бургутшоҳ-чи?! – Вақтингча... Тирик.  
Лекин шунча қайғу, кўргулик  
Унинг жонин олиши керак...  
– Ўлишини кутамиз демак?  
Ақлинг бало, маслаҳатинг зўр.  
Сўнг қичқирди: – Ярамас! Нонкўр!  
Хўб совурдинг мўмай маблағни,  
Ўша тождор қари аблажни  
Нечун қила олмадинг гумдон?  
Балки, ширин туюлгандир жон?  
Сен... ботибсан азим гуноҳга,  
Мендек машҳур Қарчиғайшоҳга  
Шартта қурбон бўлмаган саллот–  
Илтифотга лойиқмас... Жаллод!!!  
Тиз чўкиб, дод солди «Замбуруғ»:  
– Кетингизга бўлайин қуйруқ,  
Болангизга бўлай ўйинчоқ,  
Шафқат қилинг, муруватли шоҳ!  
Хоқон унга қилмади шафқат,  
Жирканиб, қўл силтади фақат.  
Пинагини бузмасдан зарра,  
«Мукофот»ни қилмасдан арра,  
Сурлик билан юз бурди вазир...  
О, жосуснинг қисмати оғир!

## XXII

Ёв ниятин қилмоқчидаи пуч,  
Бир ойдан сўнг, йиғиб анча куч,  
Чақмоқ аста турди оёққа.  
Суяномасдан қўлтиқтаёққа  
Тошсаройдан чиқди ташқари,



Унга тирак – вафодор ёри.  
...Таъзим қилмоқ учун Қуёшга,  
Биргалашиб Шабнам ва Чакмок,  
Кўзларидан ёш томиб мунчоқ,  
Сағанага келдилар яқин.  
Бор дегандек ҳаётда ҳаққим,  
Гўё кўкка қиларди нола  
Гўр устидан чиққан ёш лола...  
Симиаркан тонгнинг сабосин,  
Эшитгандек гиёҳ нидосин,  
Кўз қадади лолага Чакмок.  
Чакмок юртга бўлар бир кун шоҳ,  
Қандай кунлар келгай ўшанда?  
Ўт кетмасми ушбу гулшанга?  
Сақланарми тахтда одиллик?  
Авж олмасми қирғин, қотиллик?  
Мўл бўлгайми сандиқларда дон?  
Ўйлолгайми тунлар ёш хоқон  
Элдошларин тақдирин бедор?  
Боқолгайми ёвларга хушёр?  
Юрт тарихин супурмасми ел?  
Ўзлигини сақлолгайми эл?  
Бузилмасми кўҳна қасрлар?  
Топталмасми қутлуғ қабрлар  
Ва ундаги ўйчан лолалар?  
...Эртак тамом.  
Хайр, болалар!



#### Савол ва топшириқлар:

- Г**  
**Ж**  
**Г**

1. Бургутшоҳ ва Қарчиғайшоҳ ҳукмронлик қилган ерлар таърифини “Венн диаграммаси” стратегияси асосида таҳлил қилинг.
2. Асадаги қайси қаҳрамоннинг ташқи ва ички қиёфаси мос эмас деб ўйлайсиз? Қиёсланг.
3. “Сотқинлик” мавзусида дебат ўтказинг (“Тасдиқловчилар”, “Инкор қилувчилар”, “Баҳоловчилар” гурухлари).

**Я**

4. Агар сиз муаллиф ўрнида бўлганингизда асар сюжетига қандай ўзгартириш киритган бўлардингиз?
5. Сиз ўзингизни қайси қаҳрамон ўрнида тасаввур қиласиз?
6. “Соябон” ўйини орқали асардан қандай таассурот олганингизни баён қилинг.
7. Эртакдан парча ёд олинг.

**Г**

## ҲАМИД ОЛИМЖОН

(1909–1944)

Атоқли шоир Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жizzах шаҳрида туғилди. Отаси Олимжон бўлажак шоир гўдак эканида вафот этди. Бобоси Азим бобо сўзни чуқур ҳис этадиган, бахши ва айтимчилар билан дўстлик қиласидиган киши эди. Шоирнинг онаси

Комила ая эртагу қўшиқларга кон аёл эди. 1916 йилда рус босқинчилари зулмига қарши кўтарилиган Жizzах қўзғолони ва унинг шафқатсизлик билан бостирилиши бўлажак шоир хотирасида бир умрга қолди. Онасининг сехрли эртаклари, буюк оқин Фозил Йўлдош ўғлининг ўқтин-ўқтин улар хонадонида достон айтишлари Абдулҳамид хаёлот оламини кенгайтириди, бадиий сўзга бўлган ҳавасини кучайтириди.

Абдулҳамид Жizzах шаҳридаги мактабни тугатиб, Самарқандга ўқишга боради. Дастрраб педагогика билим юртида (1923–1926 йиллар), сўнг Педагогика академиясида (1926–1931 йиллар) ўқыйди. Ана шу йилларда шеърлар ёза бошлаган. У ҳали Педакадемияни тугатмай туриб, 1929 йилдаёқ «Қўклам» номли биринчи шеърлар тўплами чоп этилади.

Ўша йиллари Самарқанд Ўзбекистон Республикасининг пойтахти эди. 1932 йилда пойтахт Тошкент шаҳрига кўчири-



лади. Ҳамид Олимжон ҳам шу йилдан Тошкентга келиб, адабий журналларнинг таҳририятларида, Маданий қурилиш (ҳозирги Тил ва адабиёт) институтида хизмат қиласида. 1938–1939 йилларда эса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб бўлиб ишлайди. Барча туркий халқларнинг буюк шоири Алишер Навоий ҳазратларининг 500 йиллиги муносабати билан тузилган Навоий қўмитасига илмий котиб этиб тайинланади. Ҳамид Олимжон 1939 йилдан то 1944 йилнинг 3 июлигача, яъни автомобил ҳалокати натижасида ҳаётдан бевақт кўз юмганча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди.

Ҳамид Олимжоннинг шеърлари мусиқийлиги, ўйноқилиги, равонлиги билан ажralиб туради. Унинг «Ўзбекистон», «Ўрик гуллаганд», «Холбуки тун», «Куйгай», «Севги» сингари ўнлаб шеърлари, «Зайнаб ва Омон» достони, «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» эртаклари ўқувчилар меҳрини қозонган.

## ОЙГУЛ БИЛАН БАХТИЁР



**Матнолди топшириқлар:**

1. Сиз сеҳрли эртаклар ўқиганмисиз?
2. Сеҳргарлар билан учрашганмисиз?

### I

Болалик қунларимда,  
Уйқусиз тунларимда,  
Кўп эртак эшифтандим,  
Сўйлаб берарди бувим.  
Эсимда ўша дамлар:  
Ўзи учар гиламлар,  
Тоҳир-Зухра, Ёрилтош,  
Ойни уялтирган қош.  
Ўт боғлаган қанотлар,



Беқанот учган отлар.  
Бахтиёр билан Ойгул,  
Киз бўлиб очилган гул.  
Сўйлагувчи деволлар,  
Бола бўп қолган чоллар.  
Бувимнинг ҳар қиссаси,  
Ҳар бир қилган ҳиссаси  
Фикримни тортар эди,  
Ҳавасим ортар эди.  
Тинглар эдим бетиним  
Узун тунлар ётиб жим.  
Сеза олардим кучин,  
Кўпи – ёлғон, кўпи – чин.  
Аммо Ойгул-Бахтиёр  
Эртагини у такрор  
Қиласар эди ҳар кечин.

## II

Жуда қадим замонда,  
Жамбил деган томонда,  
Қуллар исён қилдилар.  
Жангга кириб қўшинлар,  
Урушиб ою кунлар  
Дунёни қон қилдилар.  
Тинчлик тугаб оч элда,  
Мамлакат қолди селда.

Даҳшат ичра ёниб хон,  
Ҳар томон қилди фармон,  
Тўхтамай довул қоқди,  
Майдонларга ўт ёқди.  
Ўз ҳолига қилиб ор,  
Тикиб қатор-қатор дор,  
Кўзларига тўлиб қон,  
Замбараклар бўшатди,



Тани заҳарга ботди.  
Жамбил эли кўп замон  
Тўполон бўлиб ётди.  
Бир ғазаб ичра жони,  
Жамбилнинг золим хони  
Кечар элнинг қонида,  
Қалбида зўр тугунлар.  
Қулларнинг исёнида  
Ўтарди ою кунлар,  
Қонга ғарқ бўлиб тунлар.  
Чайқар оғриқ бошини,  
Очлар тўкиб ёшини,  
Олишарди куну тун.  
Яланғочлар ҳам бутун  
Берарди майдонда жон,  
Талаб қилиб ҳақ ва нон.  
Асло қўрқмай ўлимдан,  
Ўч оларди зулмдан.  
Сира қилмай андиша,  
Чопарди қўлда теша.  
Бирори ушлаб косов,  
Савалайди келса ёв.  
Болтаси бор бирининг –  
Ўлим келмас унга тенг...  
Ўтиб юзлаб-минглаб йил,  
Бундай тарихни Жамбил  
Кўрмаганди умрида.

### III

Исёнчи кекса Дархон  
Қулларга бошлиқ эди.  
Қизи Ойгул ютар қон,  
Қўзлари ёшли эди.  
...Исён бостирилган кун,  
Дархонни қилиб тутқун,



Саройга келтирдилар.  
Ясов тортиб қўшинлар,  
Савлат билан турдилар,  
Сўнг золим хонга улар  
Танитдилар Дархонни:  
«Шу бошлаган исённи»,  
Шудир Дархоннинг ўзи,  
Мана бу Ойгул – қизи».  
Тикиларди золим хон,  
Тикилар эди Дархон.  
Ёндиргудай жаҳонни,  
Кул қилгудай ҳар жонни  
Ўт бор эди кўзида,  
Зўр талваса юзида  
Ва хон ташлаб кўз қирип  
Сўради бирип-сирип:  
«Қани, сўйлагил, Дархон,  
Не фойда берди исён?  
Кимлар ўлди, ким омон?»  
Дархон сўз бошлаб, деди:  
«Мен ва қизимдан бошқа  
Ўлмаган қул қолмади.  
Кириб шунчалик ёшга  
Кўрмовдим шунча қонни,  
Шунча зору фифонни.  
Эл хонумонин<sup>1</sup> буткул  
Сен ўт ёқиб этдинг кул.  
Жамбил эди бир бўстон,  
Қилдинг уни гўристон.  
Сендай қонхўр золимдан  
Қолмасин, деб бирор зот,  
Бош кўтардик, зулмдан  
Бўлмоқчи эдик озод.

<sup>1</sup> Хонумон – бори-йўғи, бутун бойлиги.



Лекин бу гал бўлмади,  
Аммо тилак ўлмади.  
Бир кун сени йикармиз  
Ва қабрга тиқармиз».  
Хон қовоғини уйди,  
Булутлар ёмғир қўйди.  
Яланғочлаб қиличин,  
Қулнинг бўйнига солди.  
Боши кетган қуш каби  
Дархон типирлаб қолди,  
Ерлар қонга бўялди.

#### IV

Имо қилиб золим хон,  
Сарой бўш қолди шу он.  
Қулнинг гўзал қизига  
Яқин келди, юзига –  
Ўлгудайин тикилди.  
Ерга қадар букилди,  
Кўзида ҳийла кулди:  
«Чўри қиз, энди менга  
Хотин бўлурсан», – деди.  
Қиз жимирлаб бадани –  
«Севмайман, – деди, сани.  
Йўқ. Бўлмасман, ўйлама,  
Бундай сўзни сўйлама.  
Сен отамдан айирдинг,  
Қанотимни қайирдинг.  
...Хотин бўлмасман асло,  
Келса бошимга бало,  
Уни сендан кўтарман,  
Доим қарғаб юрарман.  
Тақдирим ёр бўлса-ю,  
Фурсат қулай келса-ю,  
Сени агар ўлдирсан,



Танингга ханжар урсам,  
Дунёда энг бахтиёр  
Одам бўлардим номдор».  
Золим хон кўп тутоқди,  
Фазаб ўтида оқди.  
Қутуриб қаҳри келди,  
Илондай заҳри келди.  
Ундан ўчини олди,  
Қизни зиндонга солди...

## V

Золим хон саройида  
Кекса бир қул бор эди.  
Қуни ўтар қайғуда,  
Ҳар нарсада хор эди.  
Уни дердилар Тарлон,  
Ўлдирилганда Дархон,  
Тоқати ҳеч қолмади,  
Асло чидай олмади.  
...Чунки зиндон тагига  
Ташланган бизнинг Ойгул.  
Фаш солар юрагига,  
Азоблар уни буткул.  
Бу золим хон Ойгулни,  
Ўлдирад, деб, албатта,  
Қайғуси эди катта.  
Ойгулни қутқармоққа  
Қаттиқ қасд қилиб Тарлон,  
Йўл солди зиндон ёққа.



Савол ва топшириқлар

1. Қуллар нима учун исён қилди?
2. Ойгулнинг хонга тик гапирган жойларини қайта ўқинг. Нима сабабдан у хондан кўрқмади?
3. Ҳаётда Тарлон каби кишилар борми? Сиз уларга қандай баҳо берса оласиз?

G



## VI

Борди-ю, арқон солди,  
У зим-зиё чукурдан,  
Қабрдай қўрқинч ўрдан<sup>1</sup>  
Ойгулни тортиб олди.  
Бутун атроф қоп-қора  
Шундай мудҳиш тун ора  
Ойгул билан қул Тарлон  
Бўлдилар йўлга равон.  
Иккови ҳам жим эди,  
Ахири Тарлон деди:  
«Кизим, сени золим хон  
Ўлдиражак беомон.  
Мен сени қутқармоққа  
Олиб келдим бу ёққа.  
Фақат не ҳам қиласардим,  
Нима қила билардим?  
Мен ҳам қулман, қанотим  
Сеникидай қирқилган.  
Менга ҳам ўша золим  
Қиласар ишини қилган.  
Шунинг учун ўч олиб,  
Бу ишини бузаман.  
Сени сандикқа солиб,  
Дарёга оқизаман.  
Агар ўлмасанг, бирор  
Сув бўйида қилиб ов,  
Сенга дуч келиб қолур,  
Сувдан чиқариб олур».  
...Қони қочиб юзидан,  
Кизнинг қора қўзидан  
Ёмғир каби ёш келди.  
Секин тушди сандикқа,

---

<sup>1</sup> Ўрдан – «ўрадан» маъносида.



Сандиқ ҳам тиққа-тиққа  
Бўлиб Ойгулни олди,  
Хипча бели буралди.  
Тарлон яна нон солди,  
Нон демаки, жон солди.  
Атрофга кўз ташлади,  
Сандиқни дарё томон  
Сўнгра судрай бошлади.  
Уйқуда эди ҳар ён,  
Сувга ташлади уни.  
Ойгул ҳам оқиб кетди  
Ва қулнинг юрагини  
Ўт бўлиб ёқиб кетди,  
Бир чақмоқ чақиб кетди.

## VII


Уйқудан уйғониб хон  
Ойгулни сўрамади.  
Зиндонга ташланган жон  
Не бўлди ҳам демади?  
...Тинчлик эди саройда,  
Қиз бўлса катта сойда,  
Сув юзида бетиним,  
Оқиб борар эди жим.  
Ойгул шу ҳолда уч ой  
Муттасил оқиб борди,  
Қанча дара, қанча сой  
Уни узатиб қолди.  
Лекин ҳеч ким тутмади,  
Ҳеч бир савдо ўтмади  
Ва фақат тугаб нони,  
Пича қийналди жони.  
...Ахири Жаржон деган  
Бир юртга етиб борди.



## VIII

Жаржоннинг даласида,  
Дарёning ёқасида,  
Бир чол ўтин терарди,  
Доим шунда юрарди.  
У бир кун жуда ҳорди:  
Озгина тин олгали,  
Бир оз эркин қолгали  
Дарё лабига борди  
Ва шул чоқда қари чол  
Бир нарса кўриб қолди.  
Ховлиқиб, бўлиб хушхол  
Қаққайиб туриб қолди.  
У йўқ эди ўзида,  
Бир сандиқ сув юзида  
Лопиллаб келар эди,  
Тўлқинда елар эди.

Олмайин икки кўзин  
Ечина солиб дарҳол,  
Сандиқ кетидан ўзин  
Дарёга ташлади чол.  
Бир пасда тутиб олди,  
Қирғоқ сари чикарди.  
Сандиқни очмоқ учун  
Сарф этди бутун кучин.  
Сира оча олмади,  
Тоқати ҳеч қолмади.  
Энг сўнгра ўроқ солди,  
Тешди-ю ҳайрон қолди:  
Эски сандиқ ичида  
Бир қиз кўринар эди.  
Унда қийналиб жуда,  
Ҳадеб уринар эди.  
Содданинг тили қотди,  
У ўзини йўқотди.





Оғир бир ўйга ботди:  
«Эҳтимолки, бу қиз бир  
Савдогарнинг қизидир.  
Эҳтимолки, бу – суксур,  
Бир парининг ўзидир.  
Чўкиб балки кемаси,  
Бу қиз кетгандир оқиб,  
Дарё бўйлаб улоқиб.  
Эҳтимол, бир онаси  
Колгандир бағрин ёқиб.  
«Сўйласанг-чи, ҳой, одам,  
Нега ҳеч урмайсан дам?» –  
Дея чол қизга айтди.  
Ойгулдан жавоб қайтди:  
«Агар сандиқни ёрсанг,  
Омон-эсон чиқарсанг,  
Сенинг қизинг бўлурман,  
Жуда ҳам бой қилурман».  
Ташвишга солиб бу ҳол,  
Жуда ҳайрон қолди чол.  
Лекин ҳеч ишонмади,  
Кўнгли гапга қонмади.  
«Эл олдида очай, – деб,  
Ёмон бўлса, қочай», – деб  
Сандиқни кўнгли содда  
Бозорга олиб кетди.  
Кун бўйи терган ҳамма  
Ўтини қолиб кетди.

## IX

Бозорда қари чолни  
Ўғри дея тутдилар.  
Ура-ура шўрликни  
Подшо сари элтдилар.  
Подшо ҳам ғазаб билан



«Бу нима?» – деб сўради.  
Соқчилар бир гап билан  
Атрофини ўради.  
Чолнинг тили тутилди,  
Қўрқди, ўпкаси тўлди.  
Секин: – «Билмайман», – деди,  
Бўздай оқарган эди.  
Сўнг подшо қиличини  
Яланғочлаб бир солди.  
Бечора чолнинг тани  
Шу он бекалла қолди.  
Қўшинлар питирлашиб,  
Сандиқни тез очдилар.  
Жонли бир нарса кўриб,  
Тура-тура қочдилар.  
Сандиқдан бир жонивор  
Қоматини кўтарди.  
Чинордайин бўйи бор,  
Одамга ўхшар эди...



#### Савол ва топшириқлар.



1. Ўтинчи чолга дарё қандай совға тухфа қилди?
2. Қариянинг сандиқни эл олдида очишдан мақсади нима эди?
3. Хон билан подшо орасида қандай ўхшашлик ва фарқли тонлари бор?

#### X

Ойгул туриши билан  
Сарой чараклаб кетди.  
Ҳамма ёқ бўлиб равшан,  
Уйлар ярақлаб кетди.  
Ой деганда юзи бор,  
Кун деганда кўзи бор  
Бир гўзал қиз қаршида,  
Бебаҳо эди жуда.



Қалдирғоч қошларидан  
Түйиб қарашибларидан  
Хаёт сочилар эди,  
Гуллар очилар эди.  
Подшонинг ақли шошди,  
Үт ичида туташди.  
Бундай гүзал юлдузни,  
Бунчалик барно қизни  
Асло кўрмаган эди,  
Ишрат сурмаган эди.  
— «Сен менга теккин», — деди.  
Қиз ундан жирканарди,  
Ичи ўтда ёнарди.  
Подшодан қиласарди ор,  
Ўзини сезарди хор,  
У ишлатиб бир ҳийла,  
Топиб қулай васила<sup>1</sup>,  
Кетмакка қилди қарор:  
«Майли, тегайин сенга,  
Бунинг учун сен менга  
Қирқ кун муҳлат бергайсан,  
Озгина тин бергайсан.  
Жуда ҳам ҳолдан оздим,  
Сандиқда ўлаёздим!»  
Подшо сира кўнмади,  
Қиз дегани унмади<sup>2</sup>.  
Ахийри қиз уч кунга  
Қўй деб ёлворди унга.  
Ҳамон бўлмади рози:  
«Барча тош-у тарози  
Бир кунга чидай олур...»  
Қиз гўё кўнган каби  
Подшога индамади.

<sup>1</sup> Васила – баҳона, сабаб.

<sup>2</sup> Унмади – «унамади» маъносида.



Подшо ҳам қизга энди  
Хеч бир нарса демади.  
Қўшилиб қирқ қизларга  
Ойгул ташқари чиқди.  
Ичидан ёна-ёна,  
Чўмилмоқни баҳона  
Қилиб Ойгул қизларни  
Дарёга олиб борди.  
Кирқ қизлар бирин-бирин  
Ечина бошлар экан,  
Юзи – гул, сочи – сунбул  
Бизнинг қайғули Ойгул  
Бир оз ўйлаб турди-да,  
Қўзини чирт юмди-да,  
Ўзини сувга отди,  
Шу ондаёқ у ботди.  
Ойгулни Жайхун балиқ  
Олди-ю, ютиб кетди.  
Томоғидан қилчалик  
Оп-осон ўтиб кетди.  
Кирқ қизлар саросима,  
Чувиллашиб қолдилар:  
«Нима гап, нима, нима?» –  
Дея шовқин солдилар.  
Ҳаммалари ноилож,  
Баъзилари яланғоч  
Саройга югурдилар  
Ва подшога билдириб,  
Дириллашиб турдилар.  
Подшо ҳам чаппор уриб,  
Зир югуриб ахтарди.  
Лекин унда кимса йўқ,  
Дарё ҳам силлик-силлик  
Ҳар кунгидай бетиним  
Оқиб борар эди жим.



## XI

Гўзал юрт Сусамбильда  
Бир подачи бор эди.  
У машҳур эди элда,  
Номи Бахтиёр эди.  
Гўзал эди ва чинор  
Қоматига эди зор.  
Кўкраклари бутун бир  
Офтобни яширарди.  
Танларида бир умр  
Ўт ловиллаб турарди.  
Қиличдай ўткир эди,  
Рустам каби зўр эди.  
Аммо элда хор эди,  
Қамбағал, ночор эди.  
У доим боқиб пода,  
Юрап эди сахрода.  
Чўлларда яшар эди,  
Қирлардан ошар эди.  
Қалбидা минг турли доғ,  
Кўз ёши булоқ-булоқ.  
Сув ёқалаб бораркан  
Ҳар томонга қааркан,  
Балиқ овлаб дарёда  
Юрганларга йўлиқди.  
«Жиндай нон борми?» – деди.  
Балиқчи танти эди:  
«Йўқдир берар нонимиз,  
Лекин куяр жонимиз.  
Майли, шу сафар тўрга  
Чиққанин ол ўзингга.  
Узун умринг бор бўлсин,  
Бола, баҳтинг ёр бўлсин».  
Рози бўлди Бахтиёр  
Ва толеига шу бор



Жайхун илиниб қолди,  
Улкан балиқни олди.  
Икки хўқизга ортиб,  
Олдидан ўзи тортиб,  
Уйга томон йўл солди...

## XII

«Ота», – деди у, дарҳол  
Хозир бўлди қари чол  
Ва ота-бола икков  
Балиқقا солдилар дов.  
Балиқ қорнин ёргандা,  
Пичоқ белга боргандা,  
Чол бирдан чўчиб қочди,  
Бахтиёр ғазаб сочди.  
Балиқ қорнида шу он  
Тебраниб у ён-бу ён,  
Ойгул кўзини очди  
Ва Бахтиёрни қўрди.  
Бошига қон югурди.  
Қора кўзлари ёниб,  
Бир муҳаббат уйғониб,  
Қалби жизиллаб қолди,  
Қизарди, бегап қолди.  
Танасини қуршаб ўт,  
Қип-қизил мисли ёқут,  
Титрагувчи лаб қолди.  
Ҳайронликда кўп замон  
Жим қолдилар учовлон.  
Охирида қиз туриб,  
Ерга қадар букилиб,  
Уларга таъзим қилди,  
Чолга қараб эгилди.  
Улар яқин келдилар,  
Ким эканин билдилар.



Ойгул: «Нон борми?» – деди,  
Подачи танти эди:  
«Нонимиз йўқдир, билсанг,  
Озгина сабр қиласанг,  
Балиқни пиширармиз,  
Биргалашиб еярмиз».  
Ойгул унга: «Хўп», – деди,  
Чолга гапи кўп эди:  
«Ота, қабул қиласангиз,  
Ўғлингизга тегайин,  
Сиз ҳар нарса десангиз,  
Мен бўйнимни эгайин».  
Чол довдираб ҳангу манг,  
Жавобига қолди танг:  
«Қизим, бизда ҳеч пул йўқ,  
Молу дунё буткул йўқ.  
Қандайин тўй қиласиз?  
Сени нима биласиз?»  
«Мен дунё сўрамайман,  
Бой одамга бормайман.  
Сиз хоҳласангиз агар,  
Бошингизга тўкай зар».  
Чол рози бўлган каби  
Ҳеч бир нарса демади.  
Бахтиёрнинг юраги  
Гупиллаб урар эди.  
Бу ажиб учрашувдан  
Барча хурсанд эдилар.



#### Савол ва топшириқлар.

1. Ойгулнинг кейинги ҳаётини ўз тасавуурингиз билан ифодаланг.
2. Сехрли балиқнинг Бахтиёр ва унинг отасига берган хазинасини баҳоланг.
3. Балиқ билан суҳбат қуришни тасаввур қила оласизми?





### XIII

Кеч ҳам кирди. Дала, чўл  
Туманга ботди буткул.  
Чол дарров чўкиб ётди;  
Бахтиёр билан Ойгул  
Суҳбатида тонг отди.  
Сўзлаб чиқди у узоқ  
Сандиқда оққанини.  
Сўзлади золим хондан,  
Эртак айтди Жаржондан.  
Балиққа ютилганин,  
Тўрларга тутилганин,  
Узоқ элдан келганин  
Сўзлаб ўлтирди Ойгул  
Очилиб мисоли гул.  
Шодлигидан Бахтиёр  
Қаарди такрор-такрор.

### XIV

Ойгул дарёда балиқ  
Корнида ётганида,  
Икки катта ҳалқалик  
Гавҳар топувди унда.  
Қадрини билган эди,  
Эҳтиёт қилган эди.  
Тонгда у йўқлаб чолни,  
Арз этди ушбу ҳолни,  
Чол ўзини унуди,  
Ойгул гавҳарни тутди:  
«Мана бунинг бирини  
Бозорга сотиб келинг.  
Билиб унинг сирини,  
Олтинга ботиб келинг».  
Чол ушлаганча гавҳар



Бозорда юрар экан,  
Харидор сўпар экан,  
Битта катта савдогар  
Хабардор бўлиб қолди,  
Чолга ёпишиб олди,  
Гавҳарга чангаль солди.  
Бир сандик олтин бериб,  
Чолни жўнатиб қолди.  
У ҳам тезгина эриб,  
Сусамбилга йўл олди.  
Лекин уста савдогар  
Деяр эди ҳар сафар:  
«Бахтим ёр бўлиб агар  
Яна битта шундақа  
Тополса эдим ҳалқа,  
Етти иқлимнинг божи,  
Божи билан хирожи  
Қимматига сотардим,  
Бир умр еб ётардим».

#### XV

Яна кунлардан бир кун  
Ойгул чолни чақирди,  
Тағин бир ҳалқа берди.  
Чол ўзида йўқ бутун,  
Бозор томон югурди.  
Дуч келиб у савдогар  
Яна сўради гавҳар.  
Чол: «Бор», – деди, – у-бу бор»,  
Эди жазман харидор.  
Чолни қўймай ҳолига,  
Олиб чиқиб ҳолига<sup>1</sup>,  
Икки сандик олтинни

<sup>1</sup> Холи – овлок, «ҳеч ким йўқ жой» маъносида.



Нақд бериб, олди уни.  
...Олтинларнинг барини  
Тўплаб ёшу қарини  
Чақириб гўзал Ойгул,  
Яшнаб мисоли бир гул,  
Бахтиёри ёнида,  
Оташ ёниб қонида  
Каттакон кенгаш очди,  
Лабларидан дур сочди.  
«...Сусамбилда биз янги  
Бир дунё қурмоқчимиз.  
Ҳар камбағал кўмакчи,  
Бўлсин содик соқчимиз.  
Бундай бир юртни фақат  
Эзилганлар қуурлар.  
Сўнг улар қават-қават  
Соз уйларда туурлар».  
Шу сўз ёшу қарига  
Мос бўлиб тушди жуда.  
Эртаси тўда-тўда,  
Гурас-гурас бўлиб эл,  
Кела берди боғлаб бел.  
Ойгул янги турмушга  
Бошлаб, ошу нон берди,  
Жонсизларга жон берди.  
Етимларга парвариш,  
Есиrlарга ҳақ ва иш.  
Болаларга саройлар,  
Гўзал озода жойлар.  
Ҳар қадамда бир бўстон,  
Ҳар ерда бир гулистон.  
Жиндай фурсат ичида,  
Куннинг эрта-кечида  
Ҳар ёндан ела бериб,  
Эл чуваб кела бериб,



Миллион одам тўпланди,  
Борган сари кўпланди.  
Камбағал ва қулларнинг  
Жонидан севган ери  
Сусамбил жаннатга teng  
Ўлка бўлди охири.  
Озод эди бунда иш:  
Бу ўлкада ҳар емиш  
Оғочларда пишарди.  
Танларга яқин қуёш,  
Болаларга устибош  
Гулзорда етишарди...



### Савол ва топшириқлар.

**Я**

1. Эртак мазмунида нима сабабдан тўқима воқеалар тасвири берилган деб ўйлайсиз?

2. Сизнинг бувижонингиз, онажонингиз қандай эртаклар айтиб беради?

**Г**

3. Асадаги қул Дархон тилагининг асл маъносини “CWOT таҳлил” стратегияси орқали муҳокама қилинг.

**Я**

4. Ўз тасаввурингиздаги Ойгулнинг расмини чизинг.

**Ж**

5. Ойгулга хат ёзинг.

6. Орангизда Бахтиёр каби йигитларни учратиш мумкинми?

«Бахтиёр ким?» мавзусида матн тузинг.

**Ж**

7. Сусамбил сўзининг ҳар бир ҳарфига шу жойни таърифловчи сўз қўйинг.

8. Қуйидаги жадвални тўлдиринг.

<b>Мазмун ва мавзунинг мослиги</b>	Бахтиёр образи қандай тасвирланган?	
<b>Асар тилига оид</b>	Асада қандай бадий тасвир воситаларидан фойдаланилган? Шу воситалар орқали образ қандай ёритилган?	
<b>Баҳолашга оид</b>	Асад ёки унинг қаҳрамонига нисбатан умумий кўзқарашингиз, мустақил баҳо беринг.	



## ГАНС ХРИСТИАН АНДЕРСЕН

(1805–1875)



Дунёдаги эртак ёзадиган адиллар орасида Ганс Христиан Андерсен алоҳида ажралиб туради. Унинг эртаклари кириб бормаган ва севилиб ўқилмаган бирорта мамлакат йўқ дейишмумкин.

Андерсен Даниянинг Оденс деган шаҳрида камбағал оиласида туғилди. У болалигида оғир ҳаёт кечирган бўлса-да, тинмай ўқиди. Йўқчилик уни турли-туман қўчаларга кириб-чиқишига мажбур қилди. Италян қўшиқчидан хонандаликни, бир руҳонийдан лотин тилини, бошқа бир кишидан эса актёрликни ўрганди. Театр санъатига қизиқиб, саҳна асаллари ёзди. Бўлажак эртакчи қийинчиликларга қарамай, эзгу ниятли одамларга талпинди, уларга яқинлашишга уринди. Бастакор Вейзе, Шекспир асаларининг таржимони адмирал Вулф, Копенгагендаги қироллик театрининг директори Коллин сингари маърифатли ва олижаноб кишилар унинг дўстлари эди. Аммо уни тушунган ва интилишларига хайриҳоҳлик билан қараганлар бўлганидек, унга ҳалақит берадиган, масхара қиласиган кимсалар ҳам топилди.

Андерсеннинг Коллин билан учрашуви унинг кейинги ҳаёти ва ижодида, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бўлажак эртакчи бу бағри кенг инсоннинг марҳамати билан гимназияга ўқишига кирди ва стипендия олиб ўқиди. Андерсеннинг ўзига хос истеъдодини сезган Коллин унга хусусий дарс олиб, билимини ошириш ва университетга кириши учун шароит яратиб берди. Тиришқоқ йигит талабалик



йилларида Оврўпонинг турли тилларида яратилган саноқсиз бадиий ва илмий асарларни ўқиб ўрганди.

Университетни тугатгач, Швеция, Англия, Германия, Франция мамлакатлари ва Африка қитъаси бўйлаб саёҳат қилди. Ана шу сафарлари давомида ёзажак асарлари учун зарур бўлган материаллар тўплади, турли халқлар ва мамлакатлар ҳаётига доир ажойиб-гаройиб ҳикояларни, маълумотларни ўзлаштируди.

Болалигидан бошлаб ўта қизиқувчанлиги, таъсирчанлиги билан тенгдошларидан ажралиб турган ёзувчи ўзидағи болалик туйғуларини бутун умр сақлаб қола олди.

Худди шу хислат унинг эртакчи сифатидаги камолотини таъминлади. Оврўпода болалар адабиётининг Шарл Перро, Теодор Гофман, aka-ука Гриммлар сингари ажойиб намояндаларидан кейин эртакчи ёзувчи сифатида ном чиқариш қийин. Лекин Андерсен ўзининг порлоқ истеъдоди, ҳаддан зиёд меҳнатсеварлиги орқасида бу устозларидан ўзиб ҳам кета олди.

Андерсеннинг ўнлаб эртаклари асосида кино асарлари, театр спектакллари ва мультфильмлар яратилган. Сиз ҳам ёзувчи қаламига мансуб айрим эртаклар билан таниш бўлишингиз мумкин.

## БУЛБУЛ



**Матнолди топшириқлар:**

1. Ҳаётда ҳақиқий булбулни кўрганмисиз?
2. Расмини чизиб кўринг-чи.

...Хитой шаҳаншоҳининг саройи дунёдаги энг яхши сарой экан; чиройлиликка чиройли-ю, аммо жуда нозиклигидан бирор ерига қўл текизиб бўлмас экан. Шаҳаншоҳнинг боғида энг анвойи гуллар ўсаркан,





гулларнинг энг яхшиларига кумуш қўнғироқчалар осилган бўлиб, улар шаббода эсганда жаранглаб, сайд этувчиларнинг эътиборини тортиб, баҳри дилини очаркан. Ана шундай ажойиб боғ экан бу! Боғ узок-узоқларга чўзилиб кетганидан охири қаердалигини ҳатто боғбоннинг ўзи ҳам билмас экан. Боғнинг бир томони қалин ўрмонга туташиб кетган бўлиб, ичкарисида чуқур кўллар бор экан ва ўрмон мовий денгиз ёқасигача чўзилган экан. Каттакон дараҳтларнинг сув узра осилиб турган шоҳлари остидан кемалар ўтаркан. Ана шу дараҳтларнинг қалин шоҳлари орасида бир булбул яшаркан. Булбул шу қадар гўзал сайдар эканки, унинг қўшиғини эшитиб ўтирган камбағал балиқчи ўзининг қайғу-ташвишларини ва сувга солган тўрини ҳам унудиб юбораркан. У кутилмагандан: «Ё, парвардигор, ҳаёт нақадар яхши!» – деб узун сўлиш олар экан. Сўнг яна тирикчилиги эсига тушиб, балиқ тутиш билан машғул бўларкан. Эртасига кечқурун балиқчи булбул сайдорини эшитиб, яна: «Ё, парвардигор, ҳаёт нақадар яхши!» – деб юбораркан.

...Хитой шаҳаншоҳи саройига етти иқлимдан сайёҳлар келиб, ҳаммаси ғаройиб чинни саройни, жаннатмакон боғни мақташар экан. Булбул хонишини эшитишганида эса, сайёҳлар: «Бу юртнинг энг яхши ғаройиботи мана шу!» – дейишаркан.

Сайёҳлар ўз юртларига қайтиб боришганида кўрган-кечирганларини одамларга гапириб беришаркан. Олимлар Чин мамлакати шаҳаншоҳининг саройини ва боғини таърифлай туриб, албатта, булбулни ҳам тилга олиб ўтишар, ҳатто у диёрнинг энг яхши ғаройиботи шу, дейишаркан: шоирлар мовий денгиз бўйида, ўрмонда яшовчи қанотли куйчини мадҳ этиб, ажойиб қасидалар ёзишаркан.

Олиму шоирларнинг китоблари жаҳон бўйлаб тарқалибди ва баъзилари Чин шаҳаншоҳигача етиб борибди. Чин шаҳаншоҳи ўзининг олтин тахтида савлат тўкиб, китобларни ўқиб ўтирад, ҳар дақиқа мамнунлик билан бош чайқаб кўярди, ўзининг пойтахтини, саройини, боғини мақташгани



унга ёқар эди-да. «Аммо ҳаммасидан ҳам ғаройиби булбул!» – деган гап бор эди китобларда.

– Нима, нима? – ажабланди шаҳаншоҳ. – Булбул? Нега мен уни билмайман? Бу қанақаси? Ахир менинг боғимда шундай бир қуш яшаса-ю, нима учун мен бундан бехабарман? Ўзимнинг боғимдаги қушни бирорларнинг китобларидан билсам-а?

Шундай деб шаҳаншоҳ хос аъёнларидан бирини ўз ҳузурига чақиртирди. Бу амалдор ўзига шунчалар бино қўярдики, агар бирор одам у билан гаплашишга ва бирон нарсани сўрашга журъат қилса, фақат «уфф» деб жавоб берарди.

– Айтишларича, бизнинг мамлакатимизда бир ажойиб қуш бор экан, унинг оти булбул экан, – деди шаҳаншоҳ. – Ана шу булбулни менинг буюк мамлакатимнинг энг яхши гаройиботи, деб ҳисоблашаркан! Нима учун бу қушнинг борлигини бирор марта менга айтмагансизлар?

– Худо ҳаққи, мен бу тўғрида эшитганим йўқ! – деди бош вазир. – Ҳеч қачон бундай қушни сарой аъёнларига таништирмаганлар!

– Амримиз шуки, булбулни шу бугун кечқуруноқ саройимга келтиринглар! – деди шаҳаншоҳ, – у куйлаб, бизни хушнуд этсин! Менда қандай ажойибот борлигини бутун дунё билса-ю, мен ўзим билмасам!

– Шундай қуш борлигини ҳатто эшитмагандим, – такрорлади бош вазир. – Аммо энди уни, албатта, қидириб топаман!

Қидириб топармиш! Жуда осон экан-да?

Шаҳаншоҳнинг бош вазири зиналардан баландга чиқиб, пастга тушиб, хонама-хона, даҳлизма-даҳлиз югуриб-елиб, учраган ҳар кимсадан булбулни сўраб-суриштирди, лекин ҳеч ким унинг дарагини билмади. Биринчи амалдор шаҳаншоҳ олдига қайтиб келиб: «Булбул деганлари йўқ нарса, уни китоб ёзувчилар тўқиб чиқаришган», – деди.

– Жаноби олийлари китобда нимаики ёзилса, ҳаммасига ишонаверманг!



– Лекин бу китобни менга энг құдратли Япония шаҳаншоҳи совға қилиб юборған, унда ёлғон гап бўлиши мумкин эмас! – эътиroz билдириди Чин шаҳаншоҳи. – Мен булбул навосини тинглашни хоҳлайман! У шу бугун кечқуруноқ ҳузуримда бўлиши керак! Агар айтилган фурсатда булбул шу ерга келтирилмас экан, калтак билан ҳамма сарой аъёнларининг қорнига урдиражакман!

– Уф-ф! – деди бош вазир ва яна зиналардан баландга чиқиб, пастга тушиб, хонама-хона, даҳлизма-даҳлиз югурга бошлади; сарой амалдорларининг кўпчилиги унинг орқасидан эргашиб, югурга бошлашди – ахир ҳеч ким калтак ейишни хоҳламас эди-да! Ҳамманинг тили учиди бир савол: бутун дунё биладиган, лекин саройда бирор жон зоти билмайдиган қанақа қуш экан у?

Ниҳоят, ошхонада ишлайдиган бир қизалоқдан қушнинг дарагини эшитиб қолиши:

– Ё, худойим. Булбулни билмайсизларми? Унинг сайрашини эшитмаганмисиз? Мен бечора касалманд ойижонимга тушлик овқатдан қолган-қутганларни элтиб беришга рухсат олганман. Ойижоним шундокқина денгиз ёқасида яшайди. Мен у ердан қайтаётиб, чарчаб қолсам, ўрмонда майсалар устида ўтириб, маза қилиб булбул хонишини эшитаман! Шундай пайтда кўзларимдан дув-дув ёш оқади, онажоним бағрида ором олаётгандай, севиниб, ичимга сиғмай кетаман!

– Ошпаз қизалоғим! – деди бош вазир. – Агар бизга булбул қаердалигини кўрсатиб берсанг, сени сарой ошхонасидаги яхшигина мансаблардан бирига ўрнаштириб қўяман. Булбул шу бугун оқшом саройга таклиф этилган!

Шундай қилиб, мансабдорлар ошпаз қиз етакчилигига ўрмонга йўл олиши. Саройнинг деярли барча мансабдорлари булбулни излашга тушиши. Анча йўл юришганида далада ўтлаб юрган сигирнинг мў-мўлашини эшитиб қолиши.

– О! Булбул дегани шу экан-да! – дейишиди ёш амалдорлар. – Шундай кичик жониворнинг овози шу қадар кучлилигини қаранглар! Лекин биз бу қушнинг овозини илгаријам эшитгандаймиз!



– Сизлар сигирнинг мў-мўлашини эшитдинглар, – деди қизалоқ. – Хали булбулнинг ошёнига етганимиз йўқ!

Йўлда ҳовуздаги қурбақанинг вақиллашини эшитиб қолишидди.

– Нақадар ажойиб! – деди сарой мансабдори. – Нихоят, булбул овозини эшитдим! Худди ибодатхонамиздаги қўнғироқларнинг товушига ўхшайди-я!

– Йўқ, булар қурбақалар! – деди қизалоқ. – Лекин энди булбулнинг ошёнига етай деб қолдик!

Нихоят, булбул сайраши эшитила бошлади.

– Мана энди булбул сайраяпти, – деди қизалоқ. – Эшитинглар, эшитинглар! Ана, булбулнинг ўзи! – шундай дея қизалоқ дарахт шохида ўтирган миттигина, жимитгина қушчани кўрсатди.

– Наҳотки шу булбул бўлса! – деди шаҳаншоҳнинг бош вазири. – Уни чиройлироқ бир нарса, деб ўйлабман! Афтангори жуда оддий экан-ку! Чамаси, бир йўла шунча донгдор амалдорларни кўрганидан ранги ўчиб кетди шекилли боёқишининг!





– Булбулжон! – деб қичқирди қизалоқ. – Олихиммат шаҳаншоҳимиз қўшиғингни эшитгилари келиб қолибди!

– Жуда яхши, – деди булбул ва шундай ажойиб куйладики, эшитганларни сел қилиб юборди.

– Худди чинни қўнғироқларнинг жарангига ўхшайди! – деди бош вазир. – Шундай жажжи томоқчанинг титрашидан чиққан товушни қаранг-а! Ажабо, унинг қўшиғини илгари эшитмаган эканмиз-а! Бу қуш саройда жуда катта обрў топади!

– Шаҳаншоҳга яна бир марта сайраб берайми? – сўради булбул. У шаҳаншоҳни шу ерда, деб ўйлаган эди.

– Ажойиб-ғаройиб булбулжон, – деди бош вазир. Шу бугунги оқшомда саройда ўтказиладиган байрамга сизни лутфан таклиф этиш вазифаси зиммамга юкланганидан ўзимни баҳтиёр ҳисоблайман! Шак-шубҳа йўқки, сиз ғаройиб қўшиғингиз билан ҳазрати олийларини мафтун этгайсиз!

– Менинг қўшиғимни ям-яшил ўрмонда эшлиши мароқлироқ, – деди булбул, лекин шаҳаншоҳ уни қасрга таклиф этганини билиб, жон-дили билан боришга рози бўлди.

Шаҳаншоҳ саройида байрамга катта тайёргарлик кўрилаётган эди. Чинни деворларда ва оёқ остида сон-саноқсиз олтин фонусларнинг шуълалари жимиirlарди; узун даҳлизларда шохчаларига қўнғироқчалар илинган анвойи гуллар қатор қилиб қўйилганди. Хизматчиларнинг югар-югуридан, тарақ-туруқидан ва фириллаб эсган елвизакдан жаранглаётган қўнғироқчаларнинг товуши одамларнинг овозини босиб кетарди. Каттакон залнинг тўрида, шаҳаншоҳ тахтида ўтирган жойга олтин қўндок ўрнатилган. Амалдорларнинг ҳаммаси жам бўлган; ошпаз қиз ҳам эшик олдида турарди; энди унга сарой ошпази деган унвон берилганди. Безакли либослар кийиб, ясан-тусан қилиб олган ҳамма одамлар жажжи, қорамтири қушдан кўзларини узмасди. Шаҳаншоҳ ана шу жажжи қушга ҳурмат кўрсатиб, бош ирғаб қўярди.

Булбул шундай дилбар бир наво қилдики, шаҳаншоҳнинг кўзидан дув-дув ёш келиб, ёноқларига оқа бошлади; қушнинг



қўшиғи юракларга жиз этиб етиб борарди. Шаҳаншоҳ хурсанд бўлганидан ўзининг олтин кавушини мукофот қилиб, булбулнинг бўйнига осиб қўйишга қарор қилди. Булбул, қўшиғимни эшитганингизнинг ўзи мен учун мукофот, деб олтин кавушдан бош тортди.

– Шаҳаншоҳнинг кўзларидан ёш оққанини кўрдим – бундан ортиқ мукофот бўлмайди, – деди булбул. – Шаҳаншоҳнинг кўз ёшида катта қудрат бор. Худо шоҳид, менга бундан ортиқ мукофот керакмас!

Кунлардан бирида шаҳаншоҳга пакет олиб келиб беришди. Ўрамнинг устига «Булбул» деб ёзилганди.

– Бизнинг машҳур қушимиз тўғрисида яна битта янги китоб чиқаришибди-да, – деди у.



### Савол ва топшириқлар.

**Г**

1. Шаҳаншоҳнинг боджини расм орқали тасвирланг.
2. Амалдорларнинг ақлсизлигини қандай баҳолайсиз?

**Ж**

3. «Ассоциация» стратегияси ёрдамида булбулга таъриф беринг.

Лекин қофозга ўроғлиқ нарса китоб эмас, ғаройиб бир қутича экан. Қутичанинг ичида худди ростакам булбулга ўхшаш, лекин патларию қанотларига дуру гавҳарлар, марваридлар-у бошқа жавоҳирлар қадалган сунъий булбул бор эди. Бу қушнинг мурвати бураб қўйилса, ростакам булбулнинг қўшиқларидан бирини куйлаб, олтин билан кумушдай товланаётган думини ликиллатиб қўярди. Қушнинг бўйнига боғланган лентада «Хитой шаҳаншоҳининг булбули ип эшолмайди» деган ёзув бор эди.

– Нақадар ажойиб қуш! – дейишиди бир оғиздан барча амалдорлар ва шу заҳоти Япония шаҳаншоҳининг элчисини: «Шаҳаншоҳнинг булбуллар етказиб берувчи фавқулодда вакили» деган унвон билан мукофотлашди.

– Энди иккала булбул бирга куйлашсин, ажойиб дуэт<sup>1</sup> бўлади, – дейишиди амалдорлар.

<sup>1</sup> Дуэт – икки киши ижро этадиган қўшиқ ёки куй.



Аммо иш юришмади. Жонли булбул ҳар гал ўзича куйлар, сунъий булбул эса бурама қўғирчоқ шарманкадай фақат бир йўсинда қўшиқ айтар эди.

– Сунъий булбул айбдор эмас, – деди саройнинг бош мусиқа раҳбари. – У сира адашмай бир хил пардада ва мен тузган усулда куйлайди.

Сунъий булбулнинг ўзини қўшиқ айттира бошлиди, у ростакам булбулдан ҳам кўпроқ ёқди амалдорларга, бунинг устига у жуда чиройли, лаълу жавоҳирлари товланиб турарди! Сунъий булбул бир қўшиқни ўттиз уч марта айтса ҳам чарчамади. Даврадагилар шу қўшиқни ўттиз тўртинчи марта ҳам маза қилиб эшитишмоқчи эди, аммо шаҳаншоҳтирик булбулни ҳам айттирайлик, деган истак билдириб қолди. Лекин у ғойиб бўлган эди.

Тирик булбул очиқ деразадан ям-яшил ўрмон сари учиб кетганини ҳеч ким пайқамай қолган эди.

– Бу нимаси? Қандай кўрнамақлик! – хафа бўлди шаҳаншоҳ, шу заҳоти барча амалдорлар булбулни кўрнамак, пасткаш маҳлук, деб аташди.

– Лекин, барибир, қушнинг сараси бизда қолди-ку! – дейишиди улар ва сунъий булбулга бояги қўшиғини ўттиз тўртинчи марта ҳам айтишга тўғри келди. Бироқ сунъий қуш қўшиғининг оҳангини ҳеч ким ёдлаёлмади, чунки ёдда қоладиган оҳанг эмас эди. Саройнинг бош мусиқа раҳбари сунъий қушни кўкка кўтариб мақтар, унинг ялтироқ либоси ва дуру жавоҳирларидан ташқари ички тузилиши ҳам ажойиб эканлигини ҳаммага уқтирас эди.

– Тирик булбулга келсак, ҳазрати олийлари ва сиз, муҳтарам жаноблар, – деди у шаҳаншоҳга ҳамда унинг амалдорларига қараб, – қачон қандай қўшиқ айтишини олдиндан билиб бўлмайди. Сунъий булбулнинг эса қандай қўшиқ айтишини олдиндан биламиш! Ҳатто унинг санъати сирларини ҳам билиш мумкин: бўлакларга ажратиб, ички аъзоларининг тузилишини – филдираклари ва парраклари қандай жойлашганлигини, қандай ишлашини билиб олишимиз мумкин.



– Биз ҳам шу фикрдамиз! – дейишиди саройга йифилганлар. Бош мусиқа раҳбари келаётган дам олиш куни сунъий бул-булни халқ олдида намойиш қилишга рухсат олди.

– Булбулимизни халқ ҳам эшитсин! – деди шаҳаншоҳ.

Халқ сунъий булбулнинг қўшигини эшитиб, кўнгли тўлди. Халқ тўйиб чой ичганида ҳам шундай қониқиши ҳосил қиласди. Ҳамма ҳайратланиб, бир оғиздан: «О!» – дейишиди ва кўрсаткич бармоқларини юқори кўтариб, бошларини лиқиллатиб қўйишиди. Лекин чинакам булбул сайрашини эшитган камбағал балиқчи сунъий булбулдан ҳайратланмади:

– Умуман дуруст, ҳатто ростакам қўшиқقا ҳам ўхшайди, аммо нимасидир яхши эмас. Унинг қўшиғида нимадир етишмайди, нима эканлигини ўзим ҳам билмайман.

Тирик булбулни эса давлатимиз чегараларидан бадарға қилинган деб эълон қилишиди.

Сунъий қуш шаҳаншоҳ махфили<sup>1</sup> олдидаги ипак ёстиқдан ўрин олди. Атрофига эса тирик булбулга ҳадя қилинган барча қимматбаҳо нарсаларни териб қўйишиди. Энди уни: «Шаҳаншоҳнинг тунги дастурхони пайтидаги биринчи чапқўл куйчиси», – деган шарафли унвон билан атай

<sup>1</sup> Махфил – ошён, маскан, ёток.



бошладилар. Негаки, шаҳаншоҳнинг ҳам юраги чап томонда бўлгани учун шу томонни муҳим ҳисоблашди. Бош мусиқа раҳбари сунъий булбул тўғрисида йигирма беш жилдли китоб ёзди, бу китобларда Чин мамлакатига хос олимона, мураккаб, тушунарсиз сўзлар тўлиб-тошиб кетди. Лекин сарой аъёнлари, «Бу китобларнинг ҳаммасини ўқидик ва тушундик», – дер эдилар, чунки шундай дейишмаса, уларни аҳмоққа чиқариб қўйишлари ва қоринларига қалтак билан уришлари турган гап эди-да.

Шундай қилиб, бир йил ўтди: шаҳаншоҳнинг ўзи, саройнинг барча аъёнлари, ҳатто бутун халқ сунъий булбул ашуласининг ҳар бир пардасини ёдлаб олишди. Уларга қўшиқ ёқиб қолганидан, энди сунъий қушга жўр бўлиб куйлай бошлашди. Кўчадаги ўғил болалар: «Вит, вит, вит! Вилик, вилик, вилик!» – деб куйлашарди. Шаҳаншоҳ ҳам худди шундай куйларди. Нақадар соз! Аммо бир куни кечқурун шаҳаншоҳ тўшакда ёнбошлаб ётиб, сунъий булбулнинг қўшиғини эшитаётганида ўйинчоқнинг ичида шириллаган, чийиллаган товушлар пайдо бўлиб, парраклари пириллаб айланиб кетди ва булбулнинг уни ўчиб қолди.

Шаҳаншоҳ ўрнидан сапчиб туриб кетди ва сарой табибини чақириб келишга одам юборди. Лекин бу аснода табибнинг қўлидан нима келарди. Кейин соатсозни чақириб келишди.

Соатсоз уста ўйинчоқ булбулни у ёқ, бу ёғини синчиклаб кўриб, кўп уринишлардан сўнг тузатди ва «Энди бунга жуда эҳтиёт бўлинглар: парракларининг тишлари ейилиб кетибди, янгисини ўрнатган билан аввалгидай қўшиқ айтотмайди», – деб кетди. Фалокатни кўринг! Энди ўйинчоқ қушга фақат йилига бир марта қўшиқ айттирадиган бўлишди. Бу қайғули ҳол бўлса ҳам бош мусиқа раҳбари концерт олдидан қисқа, лекин мураккаб маъноли нутқ сўзлаб: «Булбулимиз аввалгидан ҳам яхши қўшиқ айтяпти», – деб ишонтиришга уринарди. Эҳтимол, шундайдир.

Орадан яна беш йил ўтди, бутун мамлакат ғам-ташвишда қолди. «Халқнинг севимли шаҳаншоҳи ўлим тўшагида», –



деган хунук хабар тарқалди. Аллақачон, ким янги шаҳаншоҳ бўлишини гапира бошлишди. Аммо ҳалқ кўчаларда тўпланиб олиб, биринчи амалдордан: «Қадрдон, аввалги ҳукмдоримизнинг соғлиғи қандай?» – дея сўраб-суриншира бошлишди.

– Уф-ф! – деб жавоб берарди амалдор ва фақат бош чайқарди.

Шаҳаншоҳ ўзининг ҳашаматли маҳфилида ранг-рўйи оқариб, қўл-оёқлари музлаб ётарди; саройнинг барча амалдорлари уни ўлдига чиқариб, янги шаҳаншоҳга таъзимга боришга ошиқарди. Қароллар у ёқдан-бу ёққа югуриб, гап сотишар, чўрилар бўш вақтларида мароқ билан чойхўрлик қилишарди. Барча заллар ва даҳлизларга қалин гилам тўшалган, одамлар товуш чиқармаслик учун оёқ учиди юришарди. Орага совуқ сукунат чўкканди. Лекин шаҳаншоҳ ҳали тирик эди, у барқут пардалар ёпилган ҳашаматли маҳфилида ўлим билан олишиб ётарди. Очик деразадан ой мўралаб, шаҳаншоҳга ва ўйинчоқ булбулга қаради.

Боёқиши шаҳаншоҳнинг нафас олишга ҳам мажоли қолмаганди, назарида, кимдир кўкрагини босиб ўтиргандай эди. У, кўзларини очиб, чиндан ҳам кўкрагида Азроил ўтириб олганини кўрди. Азроил бошига тожини кийиб олган, бир қўлида ҳукмдорнинг олтин қиличи, бир қўлида қимматбаҳо давлат байроғи бор эди. Барқут пардаларнинг ғижимлари орасида кимларнингдир ғалати афт-ангортари кўринарди: бир хиллари ирkit ва разил, бошқалари мулоим ва чиройли эди. Азроил кўкрагига чиқиб олган пайтда шаҳаншоҳнинг яхши ва ёмон ишлари ана шундай қиёфаларга кириб, уни йўқлаб келишганди.

– Мана бу ишинг эсингдами? – деб шивирлашарди улар галма-галдан ва шаҳаншоҳнинг умрида қилган сон-саноқсиз яхши, ёмон ишларини яширмай гапириб беришардики, ҳукмдорнинг манглайидан совуқ тер чиқиб кетар эди.

– Мен бундай бўлишини билмас эдим! – дерди шаҳаншоҳ ва шарпаларни қувишга уринарди. – Мусиқачиларни



чақириңг, мусиқа чалинглар! Қаттағон хитойча ноғораларни олиб келинглар! Мана буларнинг гапларини эшлишига тоқатим йўқ! Лекин арвоҳлар ўз гапларидан қолмас, Азроил эса уларнинг гапларини маъқуллаб, хитойчасига бошини лиқиллатиб ўтиради. – Мусиқачиларни чақириңг! Мусиқа чалинглар! – деб қичқирарди шаҳаншоҳ. –

– Ақалли сен қўшиғингни айт, азиз, ажойиб тилла қушча! Ахир сенга олтин, кумушлар, дуру гавҳарлар ҳадя қилдим, бўйнингга тилла кавушимни осиб қўйдим, куйлаб бер, куйласанг-чи! Лекин ўйинчоқ қуш жим турарди, уни куйлатиш учун мурватини бурашга ҳам бирор одам қолмаган эди. Азроил шаҳаншоҳга ҳамон кўзи ўрнидаги катта-катта чуқурчалари билан қараб ўтиради. Хона сув қуйгандай жимжит эди.

Шу пайт бирдан дераза орқасида ажойиб бир куй янгради. Чинакам булбул шаҳаншоҳнинг оғир касал бўлиб, ўлим билан олишиб ётганлигини эшлитиб, уни овутиш, далда бериш учун учиб келганди. Булбул сайрап, арвоҳлар тобора хиралашар, шаҳаншоҳнинг юрагида тез-тез қон юришар эди. Ҳатто Азроилнинг ўзи булбулнинг ноласига маҳлиё бўлиб: «Куйла, булбулжон, куйла!» – деб ялина бошлади.

– Куйласам, олтин қилични қайтариб берасанми? Қимматбаҳо байроқни-чи? Ҳукмдорнинг тожини-чи? – сўрарди булбул.

Азроил қўшиқ сеҳри билан бояги қимматли нарсаларни бирма-бир қайтариб бера бошлади. Булбул эса ҳамон куйларди. Ниҳоят, у оқ атиргуллар ва гулхайрилар муаттар бўй таратаётган, янги ниш уриб чиқсан майсаларни, тирикларнинг ўлганлар учун тўккан кўз





ёшлари билан суғорилган сокин, фараҳбахш<sup>1</sup> қабристон ҳақида күйлай кетди.

Азроил бу қўшиқни тинглаб, ўзининг сўлим боғига меҳри шундай товланиб кетдики, шу заҳоти оппоқ ва совуқ туманга айланиб, ойнадан учиб чиқиб кетганини аранг сезиб қолишиди.

– Раҳмат сенга, азиз қушча! – деди шаҳаншоҳ. – Сен унutilмайдиган иш қилдинг! Сени давлатимдан бадарға қилиб, ҳайдаб юборган эдим, сен эса менга ҳамла қилган даҳшатли арвоҳларни, ҳатто Ажалнинг ўзини ҳам ҳузуримдан ҳайдаб юбординг. Бу яхшиликларингни қандай қайтарсам экан?

– Сен аллақачон қарзингни узгансан! – деди булбул. – Ҳузурингда биринчи марта сайраганимда кўз ёшларингни кўрдим – буни ҳеч қачон унутмайман. Қуйчининг кўнглини кўтарадиган олий мукофот – ҳаяжонли кўз ёшлари! Лекин энди соғайтирадиган, тетиклаштирадиган уйқуга кетиб, ором ол! Мен бўлсан сени қўшиқ айтиб аллалайман!

Булбул яна сайрашга тушди, шаҳаншоҳ эса соғлом, ҳузурбахш уйқуга кетди.

Шаҳаншоҳ уйғонганида, деразадан қуёш нурлари тушиб турарди. Хизматкорларидан бирортаси хабар олмас, ҳамма уни ўлдига чиқарган эди. Фақат булбулгина дераза рахига<sup>2</sup> қўниб, ҳамон сайраси.

– Булбулжон, энди сени ёнимдан сира кетказмайман! – деди шаҳаншоҳ. – Энди ўзинг истаган пайтингда сайрайсан, ўйинчоқ булбулни эса синдириб, парча-парча қилиб ташлайман!

– Ундей қилма! – деди булбул. – У ҳам қўлидан келганича хизмат қилди. Майли, ўйинчоқ булбул аввалгидаёй ёнингда бўлсин! Мен саройда яшай олмайман, ахир! Фақат ўзим хоҳлаган вактимда ҳузурингга келиб туришга рухсат берсанг бўлди. Ўшанда оқшомлари деразангга қўниб, қўшиқлар

<sup>1</sup> Фараҳбахш – шодлик бағишлиловчи.

<sup>2</sup> Рах – дераза пастидаги кўндаланг қисм.



айтиб бераман. Қўшиқларим сени ҳам севинтиради, ҳам ўйлантиради. Мен сенга атрофингда юрган баҳтли ва баҳтсиз одамлар ҳақида, яхшилик ва ёмонлик ҳақида қўшиқлар айтаман. Жажжигина сайроқи қуш ҳар ерда учиб юради, сендан узоқларда яшайдиган камбағал балиқчи ва деҳқонларнинг кулбаларига ҳам учиб киради. Мен сени бошингдаги тожинг учун эмас, қалбинг учун севаман. Лекин, барибири ҳукмдорлик тожи қандайдир муқаддаслик нурига йўғрилган! Уни пок сақла! Демак, ҳузурингга кейин ҳам келиб тураман!Faқат бир нарсага ваъда бер!..

– Айтганинг бўлсин! – деди шаҳаншоҳ ўзининг бор савлатини намойиш қилиб. Бу орада у ўзининг шаҳаншоҳлик либосларини кийиб, оғир олтин қиличини кўксига босиб турарди.

– Faқат бир нарсани илтимос қиласман! – деди яна булбул. – Фуқароларнинг аҳволи тўғрисида бор хабарларни айтиб турувчи жажжи қушчанинг борлигини ҳеч ким билмасин. Шундай бўлгани яхши!

Булбул шуларни айтиб, учиб кетди.

Хизматкорлар шаҳаншоҳнинг ўлигини кўрамиз, деган ўйда саройга киришар экан, оstonада тўхтаб, ҳангу манг бўлиб қолишиди.

Шаҳаншоҳ эса уларга:

– Салом! – дея пешвоз чиқди...



### Савол ва топшириқлар.

Г

1. Синфи гуруҳларга бўлиб, асарни “Жигсо” стратегияси орқали ўрганинг.

Ж

2. “Кластер” стратегияси орқали асар мазмунига таянган ҳолда “Гўзаллик нимада?” эканлигини ёритинг.

Г

3. Гуруҳда ишлаш:

1-гуруҳ. Сарой амалдорларини таърифлайди.

2-гуруҳ. Хизматкор қиз ва балиқчини таърифлайди.

3-гуруҳ. Шоҳга таъриф беради.

Ж

4. “Т-жадвал” стратегияси. “Сунъий булбул ва табиий булбул”

5. “Сунъийлик ва табиийлик нима?” мавзусида эссе ёзинг.



## МИРКАРИМ ОСИМ

(1907–1984)



Тарихий мавзуда ижод қилган ёзувчилар орасида Миркарим Осимнинг ўз ўрни бор. Туркий халқлар тарихининг катта билимдони бўлган бу адаб бутун ижодини ёш авлодни миллатмизнинг шонли ва бой тарихи билан таниширишга бағишилади. Миркарим Осим 1907 йилда Тошкентда туғилган.

1920 йилларнинг бошларида Навоий номидаги таълим ва тарбия техникумida таҳсил кўрган йилларида миллатпарвар жадидларнинг бўлажак ёзувчига бўлган таъсири кучайди. Миллий тарихни пухта биладиган ва туркий дунё бирлиги учун курашган жадидлар бўлажак ёзувчига халқимиз тарихига улкан қизиқиши пайдо қилдилар.

Тошкентда ўрта таълимни олган Миркарим Осим 1926–1930 йилларда Москвадаги педагогика институтининг тарих-иқтисод факультетини тугатди. Шундан кейин маориф ва маданият билан боғлиқ турли муассасаларда хизмат қилди. Миркарим Осим 30-йилларда Вatan тарихидан қўлланма ва дарсликлар яратишда қатнашди. 1940 йилга келиб эса Алишер Навоийнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Астробод», «Алишер Навоий ва Дарвишали», «Бадарға» сингари ҳикоя ва қиссалар ёзди. Шу вақтдан эътиборан у тарихнавис ёзувчи сифатида танилди.

Миркарим Осим тарихий мавзуда кўплаб асарлар яратган. Унинг «Ўтрор», «Тўмарис», «Темур Малик», «Искандар ва Спитамен», «Карвон қўнғироғи», «Элчилар» сингари асарлари фикримизнинг далилидир. Адаб ижодида Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Ал-Хоразмий, Машраб сингари машҳур боболаримизнинг шонли ҳаёт йўлини тасвиrlашга бағишиланган асарлар кўпчиликни ташкил этади.



## ТҮМАРИС



**Матнолди топшириқлар:**

1. Афсонани сиз қандай тасаввур қиласиз?
2. Қандай афсоналар ўқигансиз? Синфдошларингиз билан ўртоқлашиңг.

### I

Чўл баҳор келинчаги оёғи остига чечаклар билан безалган яшил пояндозини ёйиб ташлаган. Тўрғайлар ҳавода пириллаб кўкламга мадхия ўқимоқда. Ранго-ранг капалаклар чечакларнинг хушбўй ҳидидан маст.

Аллақандай узун оёқли қушлар ўтлар орасида думларини ликиллатиб, катта-катта босиб юради, тошбақалар буришиб кетган хунуқ бўйинларини ўтларга чўзади. Қўнғизлар эса орқаларига қараб юриб, тезакдан ясалган қумалоқларни аллақаёққа юмалатади. Қизғиш қўнғир бир илон ўт орасидан ўрмалаб келиб, атрофни томоша қилаётгандек қаққайиб қолган юмронқозиққа ташланади, қушларга ўхшаб чирқиллаб турган калтакесаклар қўрқиб кетиб, оёқлари билан қумлоқ ерни икки ёnlарига чиқариб, тупроқ остига яширинади. Баъзан овуллар яқинидан кўкраклари оппоқ сайғоқлар гала-гала бўлиб чопиб ўтади, ер гумбурлаб кетади.

Орол денгизининг жанубидаги бу бепоён чўллар соҳиби бўлган кўчманчи массагетлар<sup>1</sup> келин кутмоқда. Уларнинг қароргоҳи байрам тусини олган. Ҳар ер-ҳар ерга гулхан қаланган. Кийик ва қўй гўшти пишаётган қозонлар меҳмонларни сабрсизлик билан кутаётгандек шақир-шақир қайнамоқда. Қабила бошлиғи Тўмарис ўғли Спарангизни шак<sup>2</sup> уруғидан Зарина деган қизга уйлантирмоқда. Массагетлар келинни олиб келадиган меҳмонларни кутиб олиш тараддуудида.

Ёшлар меҳмонларга жой ҳозирламоқда, аёллар овқат пиширмоқда, янгалар ўтов хизматини ўтайдиган узун соябон араваларни безатмоқда. Чарчаб гулхан ёнида ўтирган ёшлар

<sup>1</sup> Массагет – қадимги туркий уруғ номи.

<sup>2</sup> Шак – қадимги туркий уруғ номи.



узоқдан от чоптириб келаётган чопарни кўриб, ўринларидан сакраб туриб кетдилар.

– Келин, келин келаётир, – деб бақирди чопар ҳарсиллаб. – Қариялар олдинда, дарҳол кутиб олинглар. Бутун қароргоҳ оёққа қалқиб, азиз меҳмонларни кутишга ҳозирланди. Орадан кўп ўтмай узоқдан, учи ингичка намат қалпоқ кийган отлиқлар кўринди. Массагет ёшлари шакларга пешвоз чиқиб:

– Хуш келибсизлар, қўноқлар, пойқадамларингизга ҳасанот, – дедилар ва отларини жиловидан ушлаб, эгардан тушишларига ёрдам бердилар.

Шаклар отдан тушиб, массагет қариялари билан кўришганларидан кейин атрофи соябон аравалар билан қуршалган сайҳон жойга, гулдор наматлар устига чордона қуриб ўтирилар. Мезбонлар қўй терисидан қилинган супраларда пиширилган гўшт, мешларда қимиз келтира бошладилар.

Кун ботгандан кейин келин ва унинг дугоналари тушган узун соябон аравалар етиб келди. Ҳар ер-ҳар ерга қаланганд гулханларнинг олови гуриллаб, осмонни ёритиб юборди, ашулашларнинг авжи фалакка кўтарили. Келин билан келган қизлар ва йигитларнинг ялласи, болаларнинг қийчуви хурсандликдан терисига сифмай қолган кишиларнинг шовқинига кўшилиб кетди.

Осмон баравар кўтарилган гулханларнинг ёруғида ўйин-кулги, зиёфат бошланди. Вақт алла-палла бўлганда куёв билан келинни улар учун белгиланган соябон аравага чиқариш олдидан кураштириб кўришди.

Бўйчан, буғдойранг, соchlари тимқора, кўзлари чақнаб турган Зарина ўзининг гўзаллиги билан бошқа аёллардан ажralиб турарди. У гулханлар ёруғида давра қуриб ўтирган йигит-қизларга бир қараб олдида, тўрда обрўли кампирлар ва чоллар қуршовида савлат тўкиб ўтирган Тўмарисга таъзим қилди, сўнгра қаршисида курашга шайланиб турган чўзинчоқ юзли, кўзлари катта-катта Спарангизга тикилди. Қиз соchlарини рўмолча билан маҳкам танғиб, белини камар билан боғлаб олган эди. У бехосдан келиб, йигитни



белидан олди-да, чирпирак қилиб улоқтириб юборди, йигит анча ергача гандираклаб бориб тиззалаб қолди. Қелин томондан келган йигит-қизлар хурсанд бўлиб қийқириб юбордилар. Қуёв билан келин пайт пойлаб, бир-бирларининг атрофида анчагача айланиб юришди. Зарина эпчиллик билан Спарангизга чанг солиб, уни чалиб юборди, йигит ёнбоши билан қаттиқ йиқилди-ю, лекин орқаси ерга тегмади, дарҳол сакраб туриб яна олиша кетди.

Бир-бирларини йиқита олмагандан кейин улар ўзларини совитиш учун айланиб юришди. Спарангиз тўсатдан қизнинг ўнг қўлига ёпишди-ю, бир силтаб тортиб, хипча белидан маҳкам қисганича кўкрагига кўтариб олди. Қиз чап томонга ташлайди, деб мўлжаллаб турган эди, йигит унинг кўнглидаги гапни англагандай тиззаси билан қайириб, ўнг томонга ташлади. Шу маҳалгача нафаслари ичларига тушиб кетган куёв томон йигитлари қийқириб юбордилар. Қизнинг яғрини ерга теккан эди, у қизариб-бўзариб ўрнидан тургач, янгалар: «Яраш-яраш», – деб бақириб, келин билан куёвни аравага чиқариб кўйдилар...

Ўғли билан келинига қараб Тўмариснинг севинчи ичига сифмас эди. Бироқ ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғи, деб бежиз айтишмаган. Баҳт осмонида бир парча қора булут пайдо бўлиб, чўл маликасининг юрагини ғаш қила бошлади. Мамлакат чегарасидан келган чопарлар унинг ҳузурига Эрон шоҳининг элчиси келаётганидан дарак берган эдилар.

Кайхисравнинг<sup>1</sup> элчиси ўз мулоғимлари билан Ўқузнинг<sup>2</sup> ўнг қирғоғига ўтиб, икки кун йўл юргандан кейин Тўмарис ҳузурига етиб келди. У отини секин юргизиб, устига оқ намат қопланган катта соябон арава олдига келиб тўхтади. Шу пайт эгнига ярғоқ<sup>3</sup> теридан камзул кийган, камарига қилич ва ўқ-ёй осган намат қалпоқли бир паҳлавон йигит келиб, отнинг

<sup>1</sup> Кайхисрав – «улуғ шоҳ» маъносида, Кирнинг унвони.

<sup>2</sup> Ўқуз – Амударёнинг қадимги номи.

<sup>3</sup> Ярғоқ – терининг ялтироқ жунсиз томони.



жиловидан ушлади ва элчи эгардан тушгунча бир қўли билан олтин узангини ушлаб турди.

Худди ўша йигитга ўхшаб қуролланган икки аёл арава ёнига шолча солиб, таъзим қилганларича қотиб қолдилар. Ёши қирқларга бориб қолган, чиройликкина бир аёл арава-нинг орқасидаги пардани кўтарди-да, белидаги олтин камарга тақилган қиличини авайлаб ушлаган ҳолда палос устига сакраб тушди. Бу аёл массагетлар маликаси Тўмарис эди.

Ярқироқ мис болта ушлаган икки қиз унинг икки ёнига келиб турди. Элчи Тўмарисни кўргач, икки қўлинин ерга қўйиб, ер ўпди-ю, ўрнидан туриб таъзим қилди:





– Шаҳаншоҳи Эрон аълоҳазратлари сен улуғ маликага беҳад салом ва совғалар бериб юбордилар, – деди у баланд овоз билан. – Сенга соғлиқ, туман бойлик ва узоқ умр тилаб қолдилар.

У тумтароқли сўзлар билан Тўмарисни қутлар экан, мулоғимлари тилладўз чопон ва ҳарир кўйлаклар тугилган зарбоф бўғчани малика оёғи остига қўйдилар.

Тўмарис совғалар учун миннатдорчилик билдириб, Эрон шоҳининг соғлигини сўради ва элчининг йўлда қандай келганини суриштириди, сўнгра шолча устига ташланган йўлбарс терисига ўтиришни таклиф қилди. Элчи ва унинг мулоғимлари ҳам қатор қилиб солинган пўстаклар устига ўтиридилар.

Орадан кўп ўтмай, мезбонлар улар олдига чарм супра ёзиб, пиширилган қўй гўшти, балиқ, ғоз, ўрдак кабоб келтириб қўйдилар. Элчи билан ёнма-ён ўтириб, уни гапга солаётган Тўмарис овқатга манзират қилди.

Элчи овқат еб ўтирас экан, доимий овул ва шаҳарлари бўлмаган массагетларнинг қўй ва йилқилар орасида жуда ибтидоий ҳаёт кечиришига, аёлларнинг эркаклардек қуролланганига, маликанинг оддий одамлар қаторида ўтиришига ҳайрон қолар ва унинг турмушини сернақш кошоналарда, зеб-зийнат ичиди яшовчи Эрон шоҳининг ҳаёти билан солишириарди: «Шуям малика бўлди-ю, – деб ўйларди у, – ўз фуқаролари билан ёнма-ён ўтириб овқат ейди, соchlари ўсиб елкасига тушган йилқичилар қўл чўзиб, унинг олдидан ёғлиқ гўштни олиб ейдилар, на остида олтин тахти бор ва на бошида тожи. Аёлларнинг эркаклар билан ёнма-ён ўтириб, бир-бирларига гап отиб, гўшт чайнашларини қаранг. Бу хотинларнинг эрлари рашқ нима эканини билмасалар керак. Буларда на қул бор ва на хизматкор, ҳаммалари топғанларини ўртада баҳам кўрадилар. Ёввойи халқ-да! Қул бўлишдан бошқа нарсага ярамайди булар!»

Кайхисрав элчисини юбораётганда, унга: «Агар Тўмарисни хотин қилиб олсан, унинг фуқароси ўз-ўзидан менга қарам



бўлиб қолади, урушиб ўтиришга ҳожат қолмайди. Сенинг вазифанг менинг шу режимни рўёбга чиқаришга ёрдам беришдан иборатdir, тушундингми?» – деган эди.

Элчи ҳозир ўз подшоҳининг топшириғини бажариш учун бутун айёрлигини ишга солар, тилёғламалик қилиб, Тўмарисни мақтаб, кўкларга кўтарар эди:

– Оламда шу маҳалгача ҳеч бир заифа шундоғ улуғ мамлакатга ҳукмдор бўлмаган, ер юзи сендеқ адолатли маликани кўрмаган, – дерди у кекирдагини чўзиб. – Офтоб тангриси сенга ҳам ҳусн берибдур, ҳам шон-шавкат. Агар сен ўз тақдирингни бизнинг шаҳаншоҳ тақдири билан боғласанг, дунёда ҳеч подшоҳ бизга бас келолмайдур. Шу зайлдаги тумтароқли гаплардан кейин элчи ўз мақсадини очиқ баён этди:

– Мен ёлғиз элчи эмас, совчи ҳам бўлиб келдим. Шаҳаншоҳи олам сенга ғойибона ошиқ бўлганлар.

Тўмарис овқат ейишдан тўхтаб қолди.

– Не дединг? Совчи бўлиб? – У Эрон шоҳининг қандай ниятда эканини энди тушуниб етган эди.

– Ҳа, совчи бўлиб, – такрорлади элчи бош эгиб.

– Эринг ўлганига бир йилдан ошди, ҳали ёшсан, гўзалсан. Фақат шаҳаншоҳи олам – Кайхисрав каби улуғ ҳукмдорга муносиб қайлиқдурсан.

– Нима, унинг хотинлари ўлиб, ўзи сўққабош бўлиб қолдими?

– Йўқ, хотинларининг ҳаммаси соғ-саломат. У кишига куёвга чиқсанг, сен бош хотин, барча хотинлари сенинг чўринг бўладилар.

Тўмарис қошларини чимириб, ўйга толди. Агар у шоҳнинг совғаларини ва тақлифини қабул қиласа, халқининг бошига қандай кунлар келишини кўз олдига келтириб, даҳшатга тушди.

– Шаҳаншоҳ менга эмас, менинг юртимга, бойлигимга ошиқ бўлгандир, – деди Тўмарис заҳарханда қилиб. – Мен эмас, шу сербарака юртим унга керак бўлиб қолган. Сиз,



элчи жаноблари, ўз тождорингизга бориб айтинг: мен унинг таклифини қатъиян рад этаман. Мен унга қайлиқ бўлишни, ўз элимни унга қул қилиб топширишни истамайман.

– Шаҳаншоҳнинг таклифларига рад жавоб беришдан аввал саркардалар ва улуғ оқсоқолларингнинг маслаҳатини олишинг, ўйлашиб кўришинг керак эди, – деди элчи Тўмариснинг ўнг-сўлида ўтирган намат қалпоқли ярғон теридан камзул кийган кишиларга истеҳзо аралаш назар ташлаб.

– Бу тўғрида ўйлаб бош қотиришнинг ҳожати йўқ, – деди уруғ оқсоқолларидан бири. – Юртимизнинг улуғи рост гапни айтди. Ҳукмдорингга бориб: «Тўмарис сенга хотин, улуси қул бўлишни истамас эмиш», – деб айт. Агар шаҳаншоҳ бизга меҳмон бўлиб келса, яхшилаб зиёфат қиласиз, оёғига қирқ қўчкор сўямиз. Аммо қилич билан келса, бари лашкарларини қириб ташлаб, уларнинг қонини ўзига ичирамиз.

– Улуғ Эрон шаҳаншоҳининг шаънларига ярашмайдиган гап бўлди, – деди элчи бўғриқиб кетиб. У қаттиқроқ бир гап айтмоқчи эди-ю, аммо ғазаб билан тикилиб турган чеҳраларни кўриб, тилини тишлаб қолди.

– Улуғ тождор мени яхши ният билан юборган эдилар. Сизлар улуғ шаҳаншоҳнинг эзгу ниятларини пайқамадингиз. Бунинг оқибати сиз учун хайрли бўлмас.

– Агар элчи бўлмаганингизда, шул гапни айтган оғзингизни қум билан тўлдирап эдим. Қаерда эканлигингизни унутманг жаноб! Орқа-ўнгингизга қараб гапиринг. Шаҳаншоҳи Эроннинг нияти бизга маълум бўлди, – деди ҳамон жаҳлдан тушмаган Тўмарис. – Бошимиздан зар сочганларингда ҳам биз эркинликни қулликка алиштирмаймиз.

Шу пайт узокдан от дупури ва йигит-қизларнинг қийқириғи эшитилиб қолди. Элчи хавотирланиб, чанг-тўзон кўтарилиган томонга қаради.

– Қўрқманг, ўғлим Спарангиз ўз қайлиғи ва дўстлари билан шикордан қайтиб келаётир, деб элчини тинчитди Тўмарис. – Яхшики бояги гапларингизни ўғлим эшитмади, йўқса, терингизга сомон тиққан бўлур эди! Қизиққон, файратли йигит у.



Бир лаҳзадан сўнг чўл шамолидан юзлари бир оз қорайган, кўзлари чақнаган, қора сочли уч чиройли қиз билан уч барваста йигит отларидан сакраб тушдилар ва Тўмариснинг олдига икки оқ қуйруқ кийикни келтириб қўйдилар. Қизларнинг ҳам, йигитларнинг ҳам белларида ўқ-ёй ва садоқларида ўқлари бор эди.

Элчи ўрнидан туриб, юзлари чўзинчоқ, кўзлари катта, новчадан келган Спрангизга таъзим қилди ва ўзининг кимлигини эълон қилиб, унинг соғлиғини сўради. Спрангиз у билан сўрашиб бўлгандан кейин, қайлиғи билан элчининг сўл томонига, йўлбарс териси устига ўтиради. Спрангиз элчининг йўлда қандай келганлигини сўради, элчининг батафсил ҳикоясини тинглагандан кейин такаллуфсизлик билан Эрон шаҳаншоҳининг бойлиги, унинг қанча мулозим ҳамда қуллари, неча хотини борлиги ва ҳоказоларни суриштира бошлади. Элчи хинага бўялган соқолини сийпаб кулимсиаркан, саволларга батафсил жавоб бериб, шоҳнинг саройидаги урф-одатлар билан уни таништирди. Ёшлар Эрон шоҳининг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган зеб-зийнат ичидя яшashi, ичкилик базмлари тўғрисидаги ҳикоясини завқ билан тинглаб ўтирилар.

– Шаҳаншоҳ зиёфатига таклиф этилган зардўз чопонли аъён-амалдорлар, ҳарир кийим кийган меҳмонлар, бегона юрт элчилари аввал олтин тахт устида ўтирган шоҳи оламга таъзим қилиб, ўзларига кўрсатилган ерга ўтирадурлар. Этакларини бар урган эпчил баковуллар ош тортар экан, белларига қирқтадан қўнғироқ тақсан ёш соқийлар уларга олтин пиёлаларда шароб тутадилар. Бир тарафда созандалар...

Элчининг гапига диққат билан қулоқ солиб ўтирган бир йигит унинг сўзини охиригача тинглаб:

– Сиз шароб деган сўзни ишлатдингиз, бу нима, бизга тушиунириб беринг, – деди.

– Шароб узум сувидан тайёрланадиган ажойиб ичимлик, ўзи хуштаъм, бир коса уриб олсангиз, вақтингиз чоғ бўлиб, кулаверасиз.



– Ажойиб нарса экан, – деди бояги йигит сўлакайини оқизиб.

Тўмарис қовоғини солиб ўтирад, ёшлар әлчининг ҳикоясини завқ билан тинглаётганига ғаши келарди. Спрангиз Тўмариснинг авзойига қараб, ўзи йўқлигига онасининг кайфиятини бузган бир гап ўтганини пайқади.

Эртасига у нима бўлганини сўраб-сурештириб билиб олди. У шоҳнинг таклифини онаси қатъяян рад этганини эшишиб, хурсанд бўлган эса-да, бироқ әлчига нисбатан қаттиқ чора кўрилмаганига ҳайрон қолди.

– Элчининг қулоқ-бурнини кесиб жўнатиш керак, – деди у қатъий қилиб.

– Бундай қилиш ярамайди. Элчида айб йўқ. У ўз қулоғига қуийиб қўйилган гапларни гапирди, холос. Яххиси, келтирган совға-саломини қўлига бериб жўнатамиз, шунинг ўзи шоҳга тарсаки бўлиб тушади, – деди Тўмарис.

## II

Орадан кўп ўтмай, Тўмариснинг айғоқчилари Кайхисравнинг катта қўшини Ўкуздан ўтиш тараддуудида, эронийлар ёғоч ва қамишлардан соллар ясамоқдалар, деб дарак топиб келдилар. Тўмарис жанг кўрган доно чоллар, аёлларни чақириб кенгаш ўтказди. Чоллардан бири дарҳол ўқёй билан қуролланган мерганларни дарё бўйига юбориб, кўприк қураётган эронийларни ўқча тутишни, ўнг қирғоқча ўтишларига имкон бермасликни маслаҳат берди. Спрангиз бу таклифга қарши чиқди:

– Бундай қилсак, хоразмийлар, Яксартнинг<sup>1</sup> нарёғидаги шаклар нима дейдилар, биласизми? Массагетлар эронийлар билан тўқнашишдан қўрқиб, уларни дарёдан ўтказмадилар, узоқдан уларни ўқча тутиб кўприкларини, солларини бузиб ташладилар, деб айюҳаннос соладилар. Бундан сўнг биз нима деган одам бўламиз, қандай қилиб бош кўтариб юргаймиз. Яххиси, эронийларга әлчи юбориб биз кўприк қуриб,

<sup>1</sup> Яксарт – Сирдарёнинг қадимги номи.



дарёning бу бетига ўтишингизга тўсқинлик қилмаймиз, ўтиб олганингиздан кейин сиз билан жанг қилишга тайёрмиз, дейишимиз керак.

– Гапнинг ўғил боласи мана бундок бўлади, – деб унинг сўзини қувватлади ёшроқ бир йигит.

Тўмарис ҳам жанговар массагет элининг обрўсини сақлаб қолиш мақсадида ўғлининг гапини маъқуллаб, чолнинг таклифини рад этди. Шундан сўнг Амунинг ўнг қирғоғидаги бепоён чўлистонда биридан бири даҳшатли воқеалар юз бера бошлади. Жанговар йигитларнинг тантилиги уларга жуда қимматга тушиб кетди.

Кайхисрав ўзининг отлиқлари ва оғир қуролли пиёдаларини дарёдан монесиз<sup>1</sup> олиб ўтгач, дарҳол массагетлар устига юриш бошлади, лекин бир ҳафта юрса ҳам уларни учратолмади. Кўчманчиларнинг эронийларни бепоён чўллар ичига олиб кириб, уларни сувсиз, озиқ-овқатсиз қолдириб, тор-мор қилиш ниятида эканликлари маълум бўлиб қолди. Ёз бошланиб қунлар исиб кетган, майсалар қовжираб, сарғайиб қолган эди.

Кайхисрав кенгаш чақириб, тажрибали чолларнинг маслаҳатини эшитмоқчи бўлди.

– Балиқдарёда ўзини қандай сезса, бу лаънати кўчманчилар ҳам сувсиз чўлларда ўзларини шундай сезадилар, – деди кекса жангчилардан бири. – Массагетлар қаерда булоқ, қаерда қудуқ бор, яхши биладилар.

– Хўш, уларни тор-мор қилмоқ учун қандай чоралар кўришни тавсия этасиз? – деди ипак чодирнинг тўрида ўтирган Кайхисрав нохушланиб.

– Уларни тор-мор қилмоқ учун шундай бир найранг ишлатмоқ керак. Қўшинимизни учга бўлиб, бир қисмини орқада қолдирсак ва уларни озиқ-овқат, шароб билан мўлкўл таъмин этсак. Қолган икки қисм билан юришни давом эттирсак.

<sup>1</sup> Монесиз – қаршиликсиз.



Эрон шоҳи кўпни кўрган кекса жангчининг макр-хийлардан иборат бўлган режасини завқ билан тинглаб ўтириди. «Соддадил массагетлар дарёдан ўтишимизга монелик қилмай, мардлик кўрсатди-ю, бизлар ҳийла ишлатиб, номардлик қиласизми?» – деган фикр кўнглининг кўчасига ҳам келмасди... У лашкарнинг учдан икки қисмини бошлаб илгарилаб кетди, орқароқда қолган жангчилари худди зиёфатга тайёрланаётгандай ипак чодирлар қуриб, ерўчоқлар қазий бошладилар.

Ўз айғоқчилари орқали бундан хабар топган Тўмарис асосий қўшиндан ажралиб орқада қолган душман қисмини тор-мор этиш пайига тушди. У аскарларининг учдан бир қисмини ўғли Спарангизга топшириб, буюрди:

– Сен уларни тўзгитиб юборгандан кейин ҳаялламай, дарҳол Кайхисравга орқа томондан от сол, биз манглайидан урамиз. Қуёш тангриси бизни ёрлақаса, шаҳаншоҳи Эрон лашкарлари қуршовда қолган жайронлардай, қочгани жой тополмай қолғайлар. Уқдингми?

...Массагет отлиқ лашкарлари орқада қолдирилган эронийлар қароргоҳига бостириб кирганларида улар энди овқатларини сузиб, шароб тўла мешларни дастурхон ёнига келтириб қўйган эдилар. Қисқа жангдан сўнг эронийлар орқаларига қарамай қочдилар. Уларнинг бир қисми қиличдан ўтказилди, бир қисми қўлга туширилди.

Асири тушган бир эроний сўрок вақтида Спарангизга шундай деди:

– Улуғ саркарда экансиз, бизни ғафлатда қолдириб, устимизга бало-қазодай бостириб келиб қолдингиз. Биз энди базми жамшид бошлаган эдик. У шароб тўла мешларга ва заррин косаларга, овқат сузилган товоқларга ишора қилди. – Булар бизга эмас, сизларга насиб қилган экан.

– Овқатларингиз, шаробларингиз ўзингизга буюрсин, бизнинг зиёфат емоқча вақтимиз йўқ, – деди Спарангиз шароб сузилган косаларга қараб, аммо ўзининг бир totib кўргиси келиб турарди.



– Йигитлар йўл юриб, жанг қилиб чарчади, отлар ҳам толикди, уларга бир оз дам бермоқ керак, – деди ёш сардорнинг йигитларидан бири. – Тамадди қилиб, сўнг дарҳол отланамиз.

– Тўғри, озроқ дам олайлик, тамадди қилайлик, – дейишди қорни очган йигитлар дастурхонлардаги ноз-неъматларга қараб.

Спрангиз иккиланиб қолди, кейин:

– Ҳой, чол, – деди асир эронийга қараб. – Бошинг учун рост сўйла, овқат ва шаробларга заҳар солинган эмасми?

– Ўзимиз емоқчи бўлган овқатга нега заҳар солайлик? Нима, ўзимизга ўзимиз душманмизми? Барча худоларнинг худоси, Ахурамаздани<sup>1</sup> шафе келтириб қасамёд этаманки, биз бу ноз-неъматларга заҳри қотил соганимиз йўқ.

– Сўзларингнинг тўғрилигини исботлаш учун булардан еб-ичиб кўр-чи!

Асир шароб ичиб, товоқдаги гўштдан еб кўрсатди. Қўлга туширилган бошқа эронийларга ҳам шароб ичириб, овқат едириб, уларнинг заҳарланмаганига қаноат ҳосил қилгандан сўнг, йигитлар дастурхонлар ёнига ўтиридилар-да, шаробларни нўш этиб<sup>2</sup>, пишириб қўйилган гўштларни тушира кетдилар.

Ўтқир шароб умрида ичкилик ичмаган ёшларга дарров таъсир қила қолди. Улар ҳиринглашиб, бир-бирлари билан асқия қила бошладилар. Қоровулга қўйилган отлиқлар ҳам бенасиб қолмасинлар, деб, уларга овқат ва май олиб бориб бердилар. Бир оз овқатланиб отланмоқчи бўлган йигитлар оғзиларига ичкилик тегиши билан хурсандчиликка берилиб, қанча вақт ўтганини билмай қолган эдилар.

Кайхисравнинг муддаоси ҳам шу эди. Массагетлардан қочиб қутулган эрон отлиқларидан баъзилари Кайхисрав ҳузурига етиб бориб, қароргоҳда рўй берган ҳодисалардан уни вokiф қилгач, у отининг бошини орқага бурди, анқайиб қолган юмронқозиқ устига ташланган илондек Спрангиз қўшинига бирдан ҳужум қилди.

<sup>1</sup> Ахурамазда – зардуштийларнинг худоси.

<sup>2</sup> Нўш этиш – ичиш.



Коровул бўлиб турган ширакайф лашкарлар эронийларнинг етиб келганларини пайқамай қолдилар. Қисқа жангдан сўнг душман уларни қириб ташлади. Базм қуриб ўтирган йигитларнинг баъзилари жанг суронини эшитгач, ўринларидан тураман, деб гандираклаб йиқилиб тушди, отларига етиб олганлар қиличларини қинидан суғуришга улгуролмадилар. Баъзи ёшлар жанг кўрган лашкарларнинг сўзига кирмай, отларига дам бериш учун айилни бўшатиб қўйишиган эди, шу сабабдан отларига минишлари билан эгар қийшайиб, отларнинг қорнига келиб, ўзлари бошлари билан ерга санчилишди. Хуллас, душманнинг найрангига учиб, ҳушёрликни қўлдан берган Спрангиз ўзининг бир неча йигити билан асир тушиб қолди. Уларнинг оёқларига кишан солиб, қўлларини орқаларига боғлаб, Кайхисравнинг рўпарасига турғизиб қўйишиди. Шоҳ истеҳзоли илжайиб, асиirlарни кўздан кечирди.

– Ҳа, қўлга тушдингми? – деди у Спрангизга бош ирғаб.  
– Ҳолинг шу экан-ку, яна мен билан жанг қилмоқчимидинг, она сути оғзидан кетмаган тирмизак!

Тириклайн қўлга тушмаслик учун душман билан тоза олишиб, у ер-бу ери тирналган ёш сардорнинг мастилиги тарқаб, ҳушёр тортиб қолган эди. У бошини виқор билан кўтариб, шаҳаншоҳга нафрат кўзи билан қаради-да:

– Ҳа, сен билан жанг қилмоқчи эдим, аммо бу баҳт менга мұяссар бўлмади, – деди. – Сен очиқ ерда росмана жанг қилишдан қўрқиб, ҳийла-макр билан бизни қўлга туширдинг. Афсуски, ёшлиқ қилиб, қилич дастасини ушлаган қўлимга манфур шароб косасини олдим ва тузоқقا илиндим. Агар сен номардлардек...

Шоҳни ҳақорат қилишга ўтган Спрангизнинг товушини ўчириш учун лашкарбошилардан бири:

– Бас қил, аҳмоқ! – деб унинг юзига қўлидаги пиёладан сув сепиб юборди. Йигит бехосдан сесканиб кетган эди, унинг гаплари нарёқ-берёғидан ўтиб кетган Кайхисрав кулиб юборди, ёнидаги аъён ва саркардалар ҳам шоҳларига таассуб қилиб, кўзларидан ёш чиққунча хохолаб кулишди.



– Кулинг-а, кулинг, – деди Спрангиз уларга жирканиб қараб, – кўп ўтмай йифлайсиз, қон йифлайсиз. Ҳийла ва макрларингиз энди иш бермайди, арслон терисини ёпинган тулкилар.

Ҳалиги лашкарбоши уни гапиртираслик учун юзига яна сув сепиб юборди. Қайхисрав бу сафар зўрма-зўраки илжайиб қўйди, ёниверидагилар хохолаб кулишга журъат этмай, тиржайиб қўйиши.

– Биз қаҳр-ғазаб қилишни ҳам биламиз, лутфу карам қилишни ҳам, – деди Эрон шоҳи Спрангизга қараб. – Хусусан, биз сен каби болаларга шафқатлимиз.

Спрангиз заҳарга айланган тупугини қулт этиб ютиб, ўйлади: «Қўшинимизнинг учдан бирини мен нобуд қилдим. Сафдошларимнинг қирилиб кетишига мен сабабчи бўлдим. Агар энди бўшатиб юборсалар ҳам ўз элатимга қайтиб кетмайман. Онамнинг олдига қайси юз билан бораман?»

– Қўлимни ечиб қўйинглар, – деб илтимос қилди у.

Қайхисрав бир мулоzимида ишора қилган эди, у югуриб бориб йигитнинг қўлини ечди-да, ўз жойига бориб турди. Шу он Спрангиз қўйнидан кичкинагина ялтироқ пичноқ олиб, ўзининг кўксига санчди-ю, мукка тушиб жон таслим қилди.

### III

Спрангиз ва унинг сафдошлари ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги хабар Тўмарис ва барча аёлларнинг юракларини ўқдек тешиб ўтди. Руҳий азобнинг зўрлигидан уларнинг кўзларига ёш ҳам келмай қолди. Бирмунча вақтдан кейин соябон араваларнинг ичидан хотинларнинг дод-фарёди эшитила бошлади. Хусусан, Спрангизнинг қайлиғи соchlарини юлиб йифлаб, ҳамманинг юрак-бағрини эзиб юборди, аммо Тўмарис қайғусининг зўридан йифлай олмасди. У эси оғиб қолгандек, бир нуқтага тикилганича қотган, лаблари бир нима деб пицирлар эди.

Даҳшатли хабар келган куннинг эртасига Тўмарис тажрибали уруғдошларини тўплаб, кенгаш ўтказди.



– Оталар, оналар, укалар, аҳволимиз танг, фалокат бойқушлари тепамизда учиб юрибдур, – деди. Ёвуз душман навқирон йигитларимизни макр билан қириб ташлади. Биз уларнинг ўчини олмоғимиз, бор кучимизни тўплаб, ёвни юртимиздан ҳайдаб чиқармогимиз керак. Шу тўғрида сизнинг маслаҳатингизни олмоқчимиз.

Тўрда ўтирган оппоқ соқолли, кулча юзи қип-қизил, ўткир қўзли бир чол томоғини қириб гап бошлади:

– Бепарво бўлганимиз, фафлат босиб bemаслаҳат иш қилганимиз учун бизни Михра<sup>1</sup> жазолади. Агар биз юборган қўшинга Спарамгиз эмас, жангларда суяги қотган, эҳтиёткор бир киши бошчилик қилганида навқирон йигитларимиздан ажralиб қолмаган бўлар эдик. Спарамгиз мард бўлса-да, аммо кўп жанг кўрмаган, тажрибасиз йигит эди. Кейинчалик зўр саркарда бўлиб етишарди, афсуски, умри қисқа экан.

– Рост айтасиз, – деб унинг сўзини бўлди Тўмарис. – Мен суяги қотмаган ўғлимни бу қўшинга bemаслаҳат бош қилиб юбордим ва манманликнинг жазосини тортдим.

– Йигитлар орасида қизлар, аёллар бўлганида бу фалокат бошимизга келмас эди, – деди бир кампир тутақиб. – Михра аёлларни куч-қувватга тўлган вақтида, фаҳму фаросат ёрдамида яратган. Спарамгиз қўшинида қизлар бўлганида йигитларнинг қўлидан май косасини уриб туширади.

– Бўлар иш бўлди, отилган ўқни қайтариб бўлмас, – деди бояги чол унинг гапини оғзидан олиб. – Биз энди бундоқ қилсак: барча қария ва болаларни моллар билан орқага юбориб, барча эр-хотин, йигит-қизларни қуроллантирсақ ва душманни чўл ичига алдаб олиб қириб, ўша ерда қириб ташласак.

Кўпни кўрган чол қаергача чекиниш ва душман билан қайси жойда жанг қилиш кераклигини батафсил гапириб берди. Кенгашдагилар унинг режасини маъқулладилар.

Ўша куниёқ Тўмарис, урушга ярамайдиганлар панароқ жойга юборилсин, деб буйруқ берди, кейин отларининг

<sup>1</sup> Михра – куёш худоси Митра.



жиловидан ушлаб саф тортиб турган эркак ва аёлларнинг қурол-яроғлари, уст-бошлари, оёқ кийимларини кўздан кечирди. Уларнинг пухталигига қаноат ҳосил қилгандан кейин бир аргумоқни қурбонликка сўйдирашиб, Қуёш тангрисига илтижо қилиш учун бир тепалик устига чиқди... У нажот сўраб Михрага ёлвораркан, кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетди. Бир лаҳза ерга қараб турди-да, ўзини тутиб олгандан сўнг қилич-қалқонини тақиб олиб, пастга тушди, ўйноқлаб турган оқ отига миниб, қуролланган халқقا мурожаат қилди. Юртнинг бошига тушган фалокат тўғрисида гапириб, сўзининг охирида шундай деди:

– Опа-сингиллар, ака-укалар, қаерга кетаётганингизни ҳаммангиз биласиз. Шу кетганимизча ё ҳаммамиз битта қолгунча қирилиб, ўз қонимиз билан шаънимизга тушган доғни ювиб ташлаймиз ёки душманни қириб ташлаб, ғалаба билан қайтамиз. Ишонаман: орамизда Эрон шоҳи





олдида тиз чўқадиган номард йўқ. Биз, албатта, енгамиз! Шафқатсизликни бизлардан кўрсин Эрон шоҳи!

Офтоб нури Тўмариснинг елкасига тушиб турар, гўё Михра нурли қўллари билан уни сийпаб, олқишилаётгандек бўлар эди... Шу пайт тип-тиниқ осмонда бир бургут қанотларини кенг ёйиб улар устида айлана бошлади. Қуролли йигит-қизлар бошларини кўтариб, унинг парвозини томоша қилдилар. Ҳамма кўзлар чақнаб, юзлар ёришиб кетди, чунки уларнинг эътиқодида бу яхшилик аломати эди.

Тўмарис тиш-тироғигача қуролланган ва ҳали чарчамаган Эрон қўшини билан ҳозир жанг қиласа, оқибати хунук бўлишини яхши биларди. Энг олдин душманни чўлларда сарсон қилиб, унинг тинкасини қуритиш ва қулай жой топиб туриб, жанг қилиши керак эди.


Енгил ғалабадан ҳаволанган Эрон қўшини Тўмариснинг чекинаётганини эшитиб, зудлик билан уни таъқиб эта бошлади. Кайхисрав осонгина зафар қозониб, ўлжа олишга шошилаётган қўшинини тўхтатиб қолишдан ожиз эди. Массагетлар эса бир тепалик остида ўзлари учун қулай жой ишғол қилиб, саф тортиб турдилар. Биринчи сафда ўқ-ёй билан қуролланган енгил аслаҳали мерганлар, улар орқасида оғир қуролли лашкарлар турар эди. Кайхисрав лашкарлари секин-аста яқинлашиб келавердилар.

Массагет мерганлари тўсатдан уларни ўқقا тутдилар, садоқлар бўшаб қолгач, узун дастали мис болталар, калта найзаларни ишга солдилар. Қўшиннинг икки ёни ва орқа томонини ҳимоя қилиб турган отлиқлар сувлиғини чайнаб, тилла ўмилдириқларни<sup>1</sup> офтобда ярқиратиб турган сабрсиз арғумоқларнинг бошини қўйиб юбордилар. Сафлар бир-бирига аралашиб кетди. Қилич ва найзаларнинг бир-бирига тарақлаб тегиши, жангчиларнинг сурони, отларнинг кишинаши, ярадорларнинг инграши бирга қўшилиб, қиёмат бўлиб кетди. Одамлар ғуж бўлиб олиб, бир-бирига найза санчар,

<sup>1</sup> Ўмилдириқ – эгарнинг орқага кетиб қолишига йўл қўймайдиган ва отнинг ўмровидан ўтказиладиган боғич.



болта билан бошига туширад, қилич билан чопар еди. Жанг шу зайлда кечгача давом этди. Ўз ерларини ёвдан тозалаш ва ўч олиш иштиёқи билан ёнган массагетлар жонбозлик кўрсатиб, ёв билан мардларча олишиши, ниҳоят, зафар уларга ёр бўлиб, душманни орқага суро бошлишди. Зарина бошчилигидаги отлик қўшин душманнинг чап қанотини синдириб, орқага ўтиб олди. Бир тепалик устида жангни кузатиб турган Кайхисрав қилич ялангочлаб, ўз навкарлари билан жангга шошилди, бироқ у биринчи тўқнашишдаёқ ҳалок





бўлди. Кайхисравнинг ўлганини билиб, эронийларнинг руҳи тушиб, юракларидағи ўт сўна бошлади. Душманнинг бир қисми чекиниб, яқин ўртадаги тўқайларга яширинмоқчи бўлди. Бироқ Тўмарис бошчилигидаги эркак ва аёл суворийлар уларнинг олдини тўсиб чиқиб, қиличдан ўтказа бошладилар. Массагетлар эронийлар устидан тўла ғалаба қозониб, бир талай асир олишди.

– Кайхисравнинг калласини кесиб, олиб келинглар! – деб буюрди ҳали ҳам нафасини ростлаб ололмаган Тўмарис. Унинг ёнида туриб, душман билан олишган келини Зарина учтўрт аёл жангчи билан шаҳаншоҳ лашкарларининг жасадига тўлган майдонга от сурди. Кўп ўтмай, Зарина Кайхисравнинг жасадини топди ва унинг калласини кесиб олиб, Тўмарисга келтириб берди.

– Энди бир мешга қон тўлдириб келинглар!

Жангчилар дарҳол маликанинг буйруфини бажо келтирдилар.

Тўмарис соч ва соқолига қон ёпишиб қолган, кўзлари юмуқ, даҳшатли каллани қўлига олиб, унга қаради-да:

– Эй Кайхисрав, умр бўйи жанг қилиб одам қонига тўймадинг, мана энди тўйгунингча ич! – деб уни меш ичига солди-да, меш оғзини чилвир билан маҳкам боғлаб қўйди.



### Савол ва топшириқлар.



1. “Видеотопишмоқ” стратегияси. Ўқувчиларга видеолавҳа кўрсатиб, массагетлар ва ҳозирги замон тўйини қиёсланг.
2. Тўмариснинг сабр-бардошлилиги асарнинг қай қисмида аник тасвирланган?
3. Спарангиз аҳволини қандай ҳал қилиш мумкин эди?
4. Қачон ва қай пайт одам бир нуқтага тикилиб қолади? Сизда бундай ҳолат юз берганми?
5. Асадан олган таассуротларингиз асосида эссе ёзинг.
6. Гуруҳда ишлаш:
  - 1-гуруҳ. Эрон шоҳи таърифи;
  - 2-гуруҳ. Тўмарис таърифи;
  - 3-гуруҳ. Юртбошимиз таърифи.





## ШИРОҚ



**Матнолди топшириқлар.**

1. Ватан ҳақида қандай мақоллар биласиз?
2. Ватан учун жон фидо қилған инсонлар ҳақида маңлумоттар келтириңг.

Ёз бошланиб, Яксарт<sup>1</sup> бүйидаги чүлларда ўтлар қовжирай бошлади. Бу ерларда яшовчи шак қабилалари серўт яйловларга күчиш тараддудига тушишди. Янги ерларга күчиш чорвачилар учун бир байрамдек эди.

Улар баҳор мавсумида яшаб ўрганиб қолган ерларини ташлаб кетиши олдиdan бир-бирлариникига қўноқ бўлиб борар, доривор ўтларни еб семирган бияларнинг сутидан тайёрланган ўткир қимизларни ичиб маст бўлган йигитлар қизлар билан лапар айтишар, вақтичоғлик қилишарди. Бироқ бу сафар одамларнинг қўнглига қил сиғмас, ўтовлардан на қўшиқ товуши ва на қизларнинг хушчақчак қулгиси эшитиларди. Баланд бир ерга қурилган катта оқ ўтовни әгниларига яроқ теридан камзул, бошларига учи ингичка, узун қалпоқ кийган қуролли соқчилар қўриқлаб турадилар.

Ўтов ичида эса шак қабилаларининг оқсоқоллари кенгаш қуриб ўтирадилар. Тўрга солинган айиқ териси устида чордона қурган Рустак оқсоқолларга вазиятни тушунтиради:

– Эрон шоҳи Дааявш<sup>2</sup> Ўкуздан кечиб, Сўғдияни босиб олди. Эронийлар эл-юртни талаб, эркакларни қул, хотинларни есир қилиб олиб кетаётирлар. Энди навбат бизга келди. Даракчиларимиз шоҳнинг биз томонга Роносбат бошчилигидаги катта бир қўшинни юбормоқчи бўлганлигидан дарак беряётирлар.

Рустак – соч-соқоли оқарган, бир оз мункайиб, чўкиб қолган суюқдор чол. У бир вақтлар кенг яғринли, баланд бўйли паҳлавон эди. Яккама-якка жангларда шак уругининг душманларидан кўп баҳодирларни ер тишлатган, унинг номи Сўғдияда ҳам, Эронда ҳам машҳур эди.

<sup>1</sup> Яксарт – Сирдарё.

<sup>2</sup> Дааявш – Эрон шоҳи Доро I унвони.



– Қўлидан иш келмайдиган чоллар, кампирлар, болалиқ хотинларни қўй ва йилқилар билан узоқ чўлларга юбориб, қолган эр ва аёлларнинг барини қуроллантирсак ва душман билан бир томчи қонимиз қолгунча жанг қилсак, – деб гап бошлиди уруғ оқсоқолларидан Саксфар. У олтмишга бориб қолган бўлса-да, ёшлардек икки бети қип-қизил, серғайрат ва таваккалчи одам эди.

– Уруш кулфати беномуслик машаққатидан яхшироқ. Золим Эрон шоҳига қул бўлгандан кўра, жанг майдонида ўлган афзал.

Рустак унинг узундан-узоқ гапини сабр билан тинглаб, бошини қуи солганча ўйланиб қолди.

– Жангда мардларча ўлмоқ осон, лекин душманни янчиб, ундан қасос олмоқ бошқа гап. Биз мардлик кўрсатиб, номимизни қолдириш тўғрисида эмас, балки эл-юртимизнинг эркини қандай сақлаб қолиш тўғрисида ўйламофимиз керак, – деди у қизиққон Саксфарга қараб.

Оқсоқоллар оғзиларига толқон солган кишидек, миқ этмай ўтирас эдилар. Қўп мамлакатларни босиб олиб, жанг майдонларида кўп тажриба орттирган, яхши қуролланган Эрон қўшини билан урушмоқ жуда маҳол эканлиги уларга аён эди.

Бошлиқлар бу мушкул муаммони ечиш учун бош қотириб ўтирганларида, ўтов эшиги олдида турган қуролли йигит Широқ деган бир чўпоннинг киришга ижозат сўраётганини билдириди.

– Широқ! – деб қошини чимириди Рустак. – Ким у?

– Широқ бизнинг уруғдан. Бутун умри чўпонлик билан ўтган, – деди Саксфар. – Ўзи жуда фаросатли, доно, достончи чол. Эски чалдиворлардан чаён ушлаб ўзини чақтиради. Оғриқ сезмайди. Айтишларича, ёшлигига илон уни чақиб олганда аллақандай гиёҳларни суртиб тузалиб кетган эмиш. Ўшандан бери илон-чаёндан қўрқмайди.

– Андоғ бўлса, чақир бу ёққа ўша чолни.



### Савол ва топшириқлар.

**Г**

1. Асардаги табиат манзарасини чизинг ҳамда тасвирланган расмга қараб воқеанинг географик ўрнини белгиланг.
2. Рустакнинг эл-юрт эрки ҳақида айтган гапига яна нималар кўшган бўлардингиз?
3. Широқнинг оқсоқоллар даврасига келишидан мақсади нима эди? «Ассоциация» стратегияси асосида тасвирланг.

**Ж**

Эшикдан ёши олтмишдан ошган, тетиккина, барваста бир чол кириб, таъзим қилди.

– Ижозат берсанглар, мен ҳам қаторингизга ўтириб, ўз фикримни айтсам. Нима тўғрида гаплашаётганингизни биламан.

– Ўтириб, ўтириб, гапингга қулоқ соламиз, – деди Рустак.

– Эрон шоҳининг аскарлари Сирдарё остидаги қум доналаридан ҳам кўп, уларни жангга чорлаб, енгиш маҳол. Шундай бир ҳийла топмоқ керакки, душманнинг оёғи тойиб, жарга қулаб тушсин.

– Қани, айт, қандай ҳийла ўйлаб топдинг? – деб сўради Рустак.

– Буни фақат сенга айтаман. Оқсоқоллар ўтовингни тарк этсинлар.

Рустак бу гапни эшитиб, афтлари буришиб кетган оқсоқолларга бир қараб олди-да:

– Нима, сен шу улуғ зотларга инонмайсанми? – деб сўради.

– Инонаман, улар эл ғамини ейдиган ҳалол одамлар, ўлсалар ҳам душманга сир бой бермайдилар. Аммо уларнинг яқин дўстлари, инилари, ўғиллари, хотинлари бор. Мен айтган гапларни беихтиёр уларга айтиб қўйишлари мумкин. У ёғи маълум, эл оғзига әлак тутиб бўлмайдур. Оқсоқоллар мени кечирсинлар.

Оқ ўтовдан нарироқда чўққайиб ўтирган оддий кўчманчилар Широқни яхши танир, унинг қўбиз чалиб айтган достонларини кўп маротаба тинглаган, ўзи ҳам достонларда



мадх этилган шерюрак одамлардан бири эканлигини билар эдилар.

Орадан анча вакт ўтгандан кейин Широқ ўтовдан чиқди. Уни кўргач, кўчманчилар даҳшатга тушиб, ўринларидан сакраб туриб кетдилар. Қекса чўпон кесилган икки қулоғи ва бурнига куйдирилган намат босиб, сизиб оқаётган қонни тўхтатишга ҳаракат қиласарди.

Ранги мурдадек оқариб кетган Широқ ўзини бардам тутишга уринар, уруғдошларининг саволларига жавоб бермасди. Уни бир жойга ўтқизиб, куйдирилган намат билан қонини тўхтатдилар. Чолнинг сахро шамоли ва чўл қуёшидан қорайган юзида ғазаб аломати йўқ эди. У ўзига келгач, ўрнидан турди-да, кун ботиш томонга қараб кетди.

Ҳанг-манг бўлган кишилар унинг орқасидан қараганларича қотиб қолдилар.

Деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланувчи сўғд халқини итоатга келтирган Эрон шоҳи Яксартнинг сўл қирғоғидаги кўчманчилар устига юриш олдидан дам олмоқда эди. У боғ ўртасидаги баланд шийпонда ўз аъёнлари билан май ичиб ўтиради. Мулозимлардан бири шийпон ёнига келиб таъзим қилди-да, қулоқ-бурни йўқ ғалати бир чол шоҳ ҳузурига киришга изн сўраётганини билдириди. Доро суришириб, келган одамнинг шак қабиласидан эканлигини билгач:

– Майли, кирсин, – деди.

Икки қуролли мулозим бошлиб келган Широқ шоҳдан ўн беш қадамча берида тўхтади-да, ер ўпди ва ўрнидан туриб, таъзим қилганича қотиб қолди. Доро баланд бўйли, қушбурун, чиройли одам эди. Унинг понага ўхшаган соқоли кўкрагига тушган ва майин таралган. Доро камон қошларини чимириб, баланд овоз билан:

– Ҳой одам, ўзинг кимсан, отинг нима ва қайси уруғдансан? – деб сўради.

– Отим Широқ, ўзим шак уруғиданман, – жавоб қилди чол.



– Қелиб менинг истироҳатимни бузмоқдан мақсадинг надир?

– Мақсадим мулозамат камарин боғлаб, умримни сиз шаҳаншоҳ хизматида ўтказмоқдир. Жанобларига хайриҳоҳ бўлганим туфайли қабиладошларимдан қаттиқ ситам кўрдим. Аларга мен: «Шоҳи Эрон билан урушаман деб чиранманг, сизларни бир ҳамлада зеру забар қилғай, яхшиси, итоат камарини боғлаб бориб, ул зоти бобаракотнинг этакларидан ўпинг», – дедим. Бу гапдан ҳукмдоримиз Рустак фазабга минди ва менинг қулоқ-бурнимни кестирди. Мен энди сизнинг ёрдамингиз билан ундан ўчимни олмоқчиман. Агар ижозати олий бўлса, енгилмас қўшинингизни ёлғиз подачилар биладиган сўқмоқлар билан шак лашкарларининг орқасидан олиб чиқар эдим, кейин уларни қилич дамидан ўтказмоқ қийин эмас.

Широқнинг гапини эшитиб, Доро ўйга толди. Агар жанговар шак қабилалари шу йўсинда яксон қилинса, Ўкуз билан Яксарт ўртасидаги серунум ерларни босиб олган Эрон лашкарларининг бехатарлиги таъмин этилган бўлади. Аммо бу кекса чўпонни бир синаб кўрмоқ керак.

Широқ шоҳнинг ишончсизлик қўзи билан қараётганини фаҳмлаб, ўз сўзининг тўғрилигини исбот қилишга киришди:

– Ахир, қулоқ-бурнимни яқиндагина кесилгани кўриниб турибди-ку! Бизниkilар бекорга ўз уруғларига бундай ситам етказмайдурлар.

У ўйлаб қўйган далилларини келтириб, узундан-узоқ гапирди ва ўзининг Эрон шоҳига содиклигини, шакларга душман эканлигини исбот қилишга интилди, сўзининг охирида Қуёш тангрисини шафе келтириб онт ичди.

Доро сарқардалари билан маслаҳатлашиб, шаклар устига қўшин юборишга, Широқни эса йўл бошловчи қилиб олишга қарор қилди.

Эрон лашкарлари йўл бошловчининг маслаҳати билан етти қунлик сув, озиқ-овқат ва ем-хашак олиб йўлга чиқди-



лар ва дарёning чап қирғоғидаги қум саҳроларидан бориб, шакларга орқа томондан ҳужум қилмоқчи бўлдилар.

Дастлабки кунларда йўл унча машаққатли бўлмади. Чўл ўтлари энди қовжираб келаётган бўлса-да, онда-сонда булоқлар атрофида кўм-кўк ўтлоқлар учраб турарди. Бора-бора чўл саҳрого айланди, одамлар ва отларнинг сувга эҳтиёжи оша борди. Афсонавий отларнинг тақаларига ўхшаб уюлиб қолган қумтепалардан ошиб ёки четлаб ўтиш осон эмас эди. Қора терга тушиб ҳансираган отлар оёқларини қумдан аранг тортиб олиб, бошларини қуи солганларича битта-битта қадам ташлаб борарди. Саҳро қуёши ёмон ниятда кетаётган бу қуролли одамларнинг бошидан олов селини қуяр, ичларини куйдириб, ташналиқдан лабларини қовжиратар, қумлар устида жимиirlаб турган қайнок ҳаво ўпкаларини ёндиради.

Лашкарбошиларнинг тоқатлари тоқ бўлиб, шаклар лашкаргоҳига қанча масофа қолганини Широқдан суриштира бошладилар. У эса манзилга яқинлашиб қолганликлари ва яна икки кун юриш кераклигини айтиб, бошлиқларни тинчлантиради. Бироқ, сермашаққат сафарнинг еттинчи куни ҳам шаклардан дарак топмадилар. Ҳамма ёқ даштбиёбон, одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куяди. Сув, озиқовқат, ем-хашак тамом бўлган, ориқлаб кетган отлар ер исқаб





сув қидиради, қовжираган лаблари шишиб кетган одамлар бир қултум сув учун бир йиллик умрларидан кечишга тайёрлар!

Широқни ўртага олиб: «Бизни қаерга бошлаб келдинг, аблаҳ!» – деб қисти-бастига олдилар. Лашкарбошилардан бири уни ёқасидан ушлаб силтади ва ҳақорат қила бошлади. Широқ ёқасини унинг қўлидан бўшатиб, намат қалпогини бошидан олди-да, серажин ва кенг пешонасининг терини артди. Унинг қовжираган лаблари истеҳзоли табассумдан ёришиб, қийик кўзларида ўт чақнаб кетди. Атрофини қуршаб олган ғазабли чехраларга мағрур қараб туриб, қалпогини ерга бир урди-да, қаҳ-қаҳлаб қулиб юборди:

– Мен енгдим. Доро қўшинини бир ўзим енгдим! – деди у қичкириб. – Сизларни алдаб саҳронинг қоқ ўртасига олиб келдим, – қўли билан кун чиқиш ва кун ботиш томонини кўрсатди:

– Бу ёғи ҳам етти кунлик йўл, бу ёғи ҳам. Истаган томонингизга бораверинг! Менинг гўрим шу ерда, – деб оёғи остини кўрсатди. У ўз муродига етгани учун муқаддас оташ ва сув худосига шукур қилиб, аллақандай бир дуони ўқиди.

У Рустакнинг хузурига кирганида шундай деган эди:

– Агар менинг бола-чақам ва невараларимни унутмасанг, ўз ширин жонимдан кечиб, юрт бошига келган балони даф этардим. Душманни даф қилмоқ учун бир ҳийла ўйлаб топдим. Умрим охирлаб қолди, ахир бу дунёдан кетмоқ керак. Мен эл-юрт учун ўлимнинг ширин шарбатини ичмоққа қарор қилдим.

Хукмдор унинг гапини охиригача тинглаб фикрини маъқуллаган эди. Шунда у ёнидан ўтқир пичоғини олиб, ўз қулоқ-бурнини кесган ва гўё ўз әлига хиёнат қилган бўлиб, душман орасига кирган эди.

Ғазабдан кўзлари олайиб афт-башараси бужмайиб, хунук бўлиб кетган Эрон аскарлари Широқни ўраб олиб, уни ура бошладилар. Саркарда Роносбат соғ ери қолмаган Широқни улар қўлидан қутқариб, бир четга олиб чиқди-да, сув ичирди, сўнгра чодирга олиб кириб уни яхшиликча йўлга солмоқчи



бўлди. Энди Эрон саркардаси шаклар устига юриш қилиб, уларни тор-мор этишни хаёлидан чиқариб ташлаган, у фақат қўшинини ҳалокатдан қутқариб қолишни ўйларди.

— Агар сен сахро қудуклари ва чашмаларини бизга кўрсатсанг, гуноҳингдан кечиб, Сўғдияда истаган қишлоқлардан бирини сенга инъом қиласардик.

— Ўз элимнинг душманларига ёрдам учун чўзадиган қўлимни кесиб ташлаганим маъқул, — деди у гапни қисқа қилиб. Ҳалокат ёқасида қолган эронийлар аччиқларига чидай олмай, фидокор чўпонни чопиб, қийма-қийма қилиб ташладилар.



#### Савол ва топшириқлар.

- Г** 1. Асаддаги табиат манзарасини чизинг ҳамда тасвирланган расмга қараб воқеанинг географик ўрнини белгиланг.
- Г** 2. “Муаммоли вазият” стратегияси орқали “Широқ ҳийласи”ни муҳокама қилинг.
- Ж** 3. Широққа хос хусусиятларни “Кластер” стратегияси орқали ёритинг.
- Я** 4. Агар Широқнинг ўрнида сиз бўлсангиз, қандай йўл тутган бўлардингиз?
- Г** 5. Широққа хат ёзинг.
- 6. Асар ғоясига мос мақолларни иш дафтарингизга ёзинг.
- 7. Қуйидаги тизимдан фойдаланиб, матнга таянган ҳолда бадиий асар тилини аниқланг.

Ўхшатиш	
Сифатлаш	
Қаршилантириш	
Жонлантириш	

## МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАЛАРИ



### АЛИШЕР НАВОЙ

(1441–1501)

Туркий дунёнинг ифтихори, турк сўзини тирилтириб, адабиёт оламига олиб кирган Алишер Навоий 1441 йил 9 февраль куни Ҳирот шаҳрида туғилган. Ўша пайтда Ҳирот Амир темурийлар салтанатининг илм-фан, адабиёт ва санъат ўчоқларидан эди.

Бўлажак даҳонинг оиласи темурийлар саройига яқин муносабатда бўлган. Шунинг учун ҳам Алишер болалик кезларида Хурросоннинг бўлажак ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро билан бирга ўсган. Фоят зийраклиги, топқирлиги ва тийраклиги билан тенгдошларидан ажралиб турадиган Алишер кичик ёшидан савод чиқариб, қўлига тушган китобни ўқишга ўч эди. У форс адабиётининг улуғ вакили Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» («Қушлар фикри») асарини мурғак болалик кезларида ўқиб чиқди. Бу мураккаб ва рамзларга тўла достон унга шу даражада кучли таъсир этди ва асир қилдики, катта ҳажмли бу асарни тўлиқ ёд олди. Бундан чўчиган отаси китобни ундан тортиб олиб ўқишни таъқиқлаб қўйди.

Алишердаги ана шу фавқулодда катта қобилият туфайли жуда кичиклигидан шеърлар ёд оларди. Унинг икки тоғаси (Кобулий ва Фаридий) таниқли шоирлар бўлишиб, уларнинг фавқулодда истеъодли жиянларига таъсир кўрсатганликлари шубҳасиз эди. Шунинг натижасида бўлса керак, Алишер шеър ёзишга жуда эрта киришди. Ўз даврида «сўз мулкининг подшоси» – «малик ул-калом» деб тан олинган, туркий шеъриятда энг машҳур шоир бўлган мавлоно Лутфий 13–14



ёшли Алишер билан учрашган. Шунда унинг «Оразин ёпғоч күзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш» байти билан бошланувчи ғазалини эши-тиб, қаттиқ таъсирланади. Шу байтга бутун умри мобайнида ёзган шеърларини алмаштиришга розилигини айтади.

Хусайн Бойқаро тахтни эгаллагач, Навоий саройда хизмат қилди ва мамлакат ободлиги, ҳалқ фаровонлиги, санъат ҳамда адабиётнинг ривожига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшди.

Айни дамда, ижодини бир зумга ҳам тўхтатмай, турк адабиётини дунё даражасига олиб чиқди. Миллий шеърият хазинасини ноёб асарлари билан бойитди. Тилимизнинг рақибларига турк тилида ҳам энг мураккаб, энг нозик туйғуларни ифодалаш мумкинлигини исботлади.

Алишер Навоий яратган асарлар орасида энг салмоқлиси беш достондан иборат «Хамса»дир. Буюк шоир «Хамса»га кирган: “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъай сайёр”, “Садди Искандарий” достонларида она тилимизнинг имкониятлари нақадар чексиз эканлигини кўрсатди. Чунки ўша пайтларда туркий тил бу хилдаги йирик ва мураккаб асарларни ёзишга ярамайди, бундай асарлар фақат форс тилидагина ёзилиши мумкин деган қараш ҳукмрон эди. Навоий бобомиз, булардан ташқари, шунчалик кўп лирик асарлар ҳам яратганларки, уларни тўплаб, «Ҳазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») деб аталмиш тўрт девон тузганлар. Бу асарлари билан ҳазрати Алишер Навоий нафақат туркий адабиётни, балки жаҳон адабиётини ҳам бир неча поғонага юксалтириди.

Буюк мутафаккирнинг энг сўнгги асари «Махбуб ул-қулуб» («Қўнгилларнинг севгани») 1500 йилда яратилди. Шоир бу асарда яхшилик ва ёмонлик, дўстлик ва вафо, ёшлик ва кексалик, мардлик ва олижаноблик, сахийлик ва хасислик сингари масалаларга оид ўйларини жозибали тарзда баён этган.

Алишер Навоий 1501 йил 3 январь куни Ҳиротда вафот этди.



## «МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ»

(Парча)



**Матнолди топшириқлар:**

1. Навоийнинг қандай асарларини ўқигансиз?
2. «Маҳбуб ул-қулуб» сўзининг маъносини биласизми?
3. Асарнинг бундай номланишининг сабабини тушунтиринг.

### Тавозе ва одоб тўғрисида

**Тавозе<sup>1</sup>** – кишига халқнинг муҳаббатини жалб қиласиди, одамларни у билан дўстлаштиради. Тавозе – дўстлик гулшанида тоза гуллар очади ва гулшанда ошналик ва улфатчилик базмига хилма-хил гуллар сочади. Тавозе – такаббур<sup>2</sup> мухолифга<sup>3</sup> мулойимлик ва камтарлик йўлини

<sup>1</sup> Тавозе – камтарлик, ўзини паст тутиш.

<sup>2</sup> Такаббур – манман, гердайган.

<sup>3</sup> Мухолиф – рақиб.



кўрсатади; гердайган душман кўнглида инсонийлик завқини қўзғатади. Қайта-қайта кўрсатилган тавозе – ҳаёсиз тақаббурни уят чегарасига томон йўллайди ва ҳаддан ташқари инсофсиз душмани ёмонлик қилишдан қайтаради.

Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча халқлар учун ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан ҳурматлироқдир. Одобли одам ўз тенгдошлари орасида ҳам таҳсинга лойик, ҳеч қандай эҳсон бермай, каттадан-кичик ҳаммани шод қиласиди; ҳеч қанақа ҳадя қилмай, кишиларнинг ғамини тарқатади.

Одоб кичик ёшлиларни катталар дуосига сазовор этади; ёшлар у дуо баракасидан умрбод баҳраманд бўладилар. Одоб – улуғлар кўнглида ёшларга меҳр уйғотади ва у одобли ёшга бўлган муҳаббат кўнгилда абадий қолади. Ёшларни кўзга улуғ қилиб кўрсатадиган феъл-атвор одобдир, одоблиларнинг юриш-туришида халқ улуғворлик кўради.

Одоб кишилар тарафидан қилиниши мумкин бўлган ҳурматсизлик эшигини бекитади ва одамни ҳазил-мазахдан,





камситилишдан сақлайди. Одоб одам табиатига инсонийлик бахш этади ва киши мижозига одамийлик манзилида ором беради.

Одоб ва тавозе меҳр-муҳаббатнинг зеб-зийнатидир; одобизлик дўстликка путур етказади. Одоб ва тавозе дўстлик ойнасига жило беради ва икки орага ёруғлик бағишлиайди.

Тавозе ва одоб эгаларига ҳамма таъзим қилади ва ҳурмат билдиради. Одоб уруғини эккан одамнинг ҳосили жавоҳир бўлади.

Одобли ва гўзал хулқли одамлар кўпаяверса, халқнинг дўстлиги, уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати борган сари ривож топади. Агар киши одоб ва тавозе каби яхши хулққа эга бўлса, ўзи ҳам халқнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлади. Дўстлар орасида шу каби суҳбат ва шу йўсинда ҳамжиҳатлик бўлса, қандай яхши!

Бундай аҳил, иттифоқ, муҳаббатли, одобли бўлиш – дўстлар учун бахтиёрликдир.

## Ҳикоят

Ривоят қилувчи ровийлар шундай ҳикоя қиладиларки, бир ов пайтида елдек от чоптириш даврида Хусрав Парвезнинг шоҳлик тожидан порлоқ гавҳар йўқолади. Ҳамманинг хаёли ов можароси билан банд бўлгани туфайли, буни ҳеч ким сезмай қолди. Овдан кейин Мадойинга қайтадилар. Шундан сўнг, тож гавҳари тушиб қолганини биладилар. Халойиқقا жар соладилар, у ноёб гавҳарни қидира бошладилар. Чунки, подшоҳ тожининг у зийнати мамлакат хирожига<sup>1</sup> teng эди. Шунинг учун уни топиб келтирган кимсага жуда катта инъом ва мукофот ваъда қилинди.

Халқ у биёбонда гавҳарни топиш ва инъомга эга бўлиш орзуси билан овора эди. Иттифоқо, бири ғофил ва бири огоҳ икки ҳамроҳга учрайдилар. Ғофил – жоҳиллиги сабабли гердайган, огоҳ эса, тавозе ва одоб туфайли улуғвор эди.

<sup>1</sup> Хирож – енгилгани учун тўлов, солиқ. Бу ерда «бойлик» маъносида.



Булардан бирининг оти жаҳонгашта Мудбир, иккинчисининг оти йигитлар марди Муқбил эди. Улар шу биёбонни кечиб ўтиб, шаҳарга бориш ниятида даштда кезар эдилар. Булар, ниҳоят, ҳалиги инжу ахтариб юрган одамларга йўлиқдилар ва уларни бошлаб чиққан бошлиқ билан учрашдилар. Мудбир такаббурлик қилиб, у одам билан салом-алик қилмай, гердайиб ўтиб кетди. Муқбил эса инсонийлик юзасидан у одамга одоб ва тавозе билан энгашиб салом берди ва шу онда оёғи остида тушиб ётган гавҳарни кўрди ва дарҳол олиб, ўпиб, ҳурмат билан бошлиққа тақдим этди. У эса, ваъда қилинган мукофотнинг мутасаддиси эди. У Муқбилни ўзи билан олиб шаҳарга қайтди ва бўлиб ўтган воқеани Хусрав қошида баён этди. Хусрав Парvez хушҳол ва шод бўлди. Муқбилга ташаккурлар изҳор қилгани ҳолда, ҳаддан зиёда эҳсон билан уни мукофотлади.

Мудбир такаббурлиги туфайли шаҳар ҳаммомига гўлох<sup>1</sup> бўлди. Муқбил эса одоб ва тавозе шарофатидан мақсад гавҳарини топди, шоҳ гулзоридан ўрин олди.



### Савол ва топшириқлар

1. Яхшилик ёмонликни енгишига ишонасизми?
2. Инсон қандай ҳолларда адашганларни тўғри йўлга солиши мумкин?
3. “Т-жадвали” стратегияси орқали Муқбил ва Мудбирга тавсиф беринг ва хulosалang.



### Саховат ва ҳиммат тўғрисида

*Саховат* инсоният боғининг ҳосилдор дарахти, балки у дарахтнинг фойдали мевасидир. Саховат одамийлик мулкининг мавж уриб турган денгизидир, балки у тўлқинли денгизнинг бебаҳо гавҳаридир. Саховатсиз одам ёғинсиз баҳор булутига ва ҳиди йўқ мушк-анбарга ўхшайди. Мевасиз дарахт ҳам биру ўтин ҳам бир; ёғинсиз булат ҳам биру тутун ҳам бир. Саховатсиз одамдан ичидагавҳари бўлмаган

<sup>1</sup> Гўлох – ўт ёқувчи.



садафнинг фарқи йўқ; дурсиз садаф билан қуриб қолган тошбақа чаноғининг фарқи йўқ. Сахий булутдир: хирмон-хирмон дон ҳосили, балки хазина беради; баҳил чумолидир: дон-дун, машоқ теради. Ҳиммат ахлининг ихтисоси саховатдир; бу улуғсифат покиза кишиларга хосдир. Одам бадан бўлса, ҳиммат унинг жонидир; ҳимматлилардан олам ахли учун юз минг шараф ва шукуҳ етишади. Ҳимматсиз киши эр сонида эмас; жонсиз баданни ҳеч ким тирик демас. Олиҳиммат одам баландпарвоз лочиндир; беҳиммат киши сичқон овловчи калхатдир. Шунқорнинг маскани шоҳнинг билагидир; калхатнинг жойи ўлимтиқнинг сассиқ бадани ва сўнгагидир.

Арслоннинг мақсади овқилиб, оч йиртқичларни тўйғазмоқ; сичқоннинг ҳаракати – дон ўғирлаб, тугун ахтармоқ. Ҳиммат эгаси қашшоқ бўлса ҳам тубанлик қилмас; ҳимматсиз одам хазина топса ҳам буюкларга teng бўлмас. Чинор дараҳти бўш қўлли бўлса-да, унинг юксаклигига нуқсон етмайди; ер тагида яшириниб ётган хазинанинг тупрокқа фойдаси тегмайди. Ҳимматли кишиларнинг даражаси юксакдир; аммо сахийликнинг даражаси бир неча баробар юксакдир.

Исроф қилиш сахийлик эмас; ўринсиз совуришни ақлли одамлар сахийлик демас. Ҳалол молни куйдирганни девона, дейдилар; ёруғ жойда шам ёқканни ақлдан бегона дейдилар. Мақтаниш учун мол бермоқ – ўзини қўз-кўз қилмоқ ва шундай қилиб ўзини «сахий» демоқ – беҳаёлик билан ном чиқармоқ. Кимки халқقا кўрсатиб эҳсон берса, у – пасткаш, сахий эмас. Тилагандан сўнг беришлиқ ҳам саховатдан йироқдир, қисташ натижасида бергандан бермаган яхшироқдир. Битта кулчани икки бўлиб, ярмини оч одамга берганни сахий дўст деб бил.

### Саховат қандай қилинади?

Яхшиликларни топмоқ едирмоқдир; айбларни яширмоқ кийдирмоқдир. Зарур вақтида берилган эски чопон ва бўз тўн –



саховат; бемаҳал ҳадя қилинган зарбоф чопон ярамаслиқдир. Овқатим увол бўлмасин, десанг – едир; либосим эскирмасин, десанг – кийдир.



### Савол ва топшириқлар



1. “Ассоциация” стратегияси асосида саховат сўзини ёритинг.
2. Саховатли инсонларни ҳаётда учратганимисиз? Уларга қандай баҳо берасиз?

## Ҳилм тўғрисида

**Ҳилм**<sup>1</sup> инсон вужудининг хушманзара боғидир ва одамийлик оламининг жавоҳирга бой тоғидир. Юмшоқ кўнгиллилик ҳодисалар тўла денгиздаги кишилик кемасининг лангари, деса бўлади ва инсоният қадрини ўлчайдиган тарозининг тошига тенглаштирса ҳам бўлади.

Ҳилм ахлоқли одамнинг қимматбаҳо либоси ва у кийим турларининг энг чидамли матосидир. У – ёмон нафсни дайди шамол учиршидан асррагувчи ва иккиюзлама мунофиқларнинг беҳуда ҳаракатидан ҳимоя қилувчи. Ҳилм натижасида одам халойикнинг иззат-хурматига сазовор бўлади; ҳилм туфайли катталардан кичикларга илтифот ва марҳамат етишади.

Катта кишилар ёшларни масхара ва кулги қилса, улар қошида ўзи шунча обрўсиз ва бачкана туюлади; ёшлар ҳам катталарга нисбатан ҳазил ва енгилтаклик қилса, унинг қошида уятсиз ва эътиборсиз бўлади.

Давр боғининг хас-ҳашак сингари одамлари, шамолдек бетайин, енгилтак кишилари олдида ҳилм аҳли гўё оғир табиатли ва ёмон феълли, деб камситилади. Уларнинг ўзлари эса, қуюндек тупроқни ҳавога тўзитадилар ва енгил табиатлиликлари билан бошларини гўё кўкка етказадилар. Тоғ жуссасини оёқ ости қилмоқ – одатлари; дала-даштлардаги зарраларни ҳавога совурмоқ – булярнинг салобатлари.

<sup>1</sup> Ҳилм – ҳалимлик, юмшоқлик, мулоимлик.



Бундай одамлар елдек ҳар эшикдан киришга ор қилмайди; ўтдек оташдонни қиздиришдан ўзга ишни билмайди. Ел – гарчи лоланинг тожини учиради, аммо тоғ қоялари камарига қандай таъсир қила олади? Ўт тоғ этагидаги хас-хашакларни куйдириши мумкин, лекин қуёш учқунига қандай тенглаша олади?

Ел, агар кўкка етса ҳам, барибир енгил ва қадрсиз; тоғ агар тупроққа ботса ҳам, салобатлидир. Елнинг орасида ўтга ёқиладиган хас-хашаклар бор; ҳилм мазмунида эса, шоҳ тожига қадалгудек чўғ каби қизил лаъл бор.

### Тил тўғрисида

Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз. Кўп, bemazas сўзлайдиган эзма кечалари тонг отгунча тинмай ҳурадиган итга ўхшайди. Тили ёмон одам халқ кўнглини жароҳатлайди, ўз бошига ҳам офат етказади. Нодоннинг ваҳшийларча бақирмоғи – эшакнинг бемаҳал ҳанграмоғи. Хушсухан одам юмшоқлик билан дўстона сўз айтади; кўнгилга тушиши мумкин бўлган гам унинг сўзи билан даф бўлади.

Бахт бағишловчи тоза руҳ манбаи ҳам тил; ёмонликлар келтирувчи наҳс юлдузининг чиқар жойи ҳам тил. Тилини тиёлган одам – донишманд, оқил; сўзга эрк берган одам – беандиша ва пасткаш. Тил ширин ва ёқимли бўлса яхши; тил билан дил бир бўлса, яна яхши.

Одам тили билан ҳайвонлардан имтиёзлидир. Унинг бошқа одамлардан афзаллиги тили орқали билинади. Тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса, тилнинг оғатидир.



**Савол ва топшириқлар.**

**Г**

- Гуруҳларда муҳокама қилинг: тавозе ва такаббурлик натижаси нимага олиб келади?
  - 1-гуруҳ. Қамтаринлик.
  - 2-гуруҳ. Такаббурлик.
  - 3-гуруҳ. Баҳоловчи.



- Ж** 2. «Ақлий ҳужум»: Муқбил ва Мудбирга хос жиҳатларга янги ўхшатишлар топинг.
- Г** 3. “Ягона давра” стратегияси асосида “Илмли ва илмсизлар” мавзусида фикр юритинг.
- Я** 4. “Саховат” сўзига «Синквейн», яъни беш мисрали шеър стратегиясини қўлланг. (1 - битта от сўз туркуми, 2- иккита сифат сўз туркуми, 3 – учта феъл сўз туркумига хос сўз, 4- тўрт сўздан иборат гап, 5- мавзуга доир бир синоним)
- Г** 5. “Бизнинг саховатпеша инсонлар” мавзусида “Баҳс- мунозара” стратегиясини ўтказинг.
- Ж** 6. «Балиқ скелети» стратегияси орқали инсоннинг ширин-сўзлик ва камтаринлик ҳамда дағалсўзлик ва такаббурлик жиҳатларини таҳлил қилинг.
- Я** 7. Навоий бобомизга мактуб ёзинг.

## САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ

(1184–1292)



Жаҳон адабиётиning буюк намояндаларидан бири Саъдий Шерозий<sup>1</sup> Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларида Шайх Саъдий номи билан шуҳрат қозонгандир. Буюк мутафаккир шоир, ислом динининг чуқур билимдони ҳамда тарғиботчиси Саъдийга нисбатан ҳурмат – эҳтиром юзасидан устоз ва раҳбар маъносида «Шайх» лақаби қўшиб ишлатилган.

Абу Абдуллоҳ Мушрифиддин ибн Муслиҳиддин Саъдий Эроннинг Шероз шаҳрида дунёга келган. Лекин шоирнинг туғилган йили аниқ эмас. Баъзи манбаларда уни 580 ҳижрий (1184 мелодий) йилда туғилган деб кўрсатишади. Айрим ада-

<sup>1</sup> Саъдий ҳаёти ва ижодига доир материаллар адабиётшунос олим Усмонжон Косимов билан биргаликда тайёрланди.



биётчиларнинг тахминига кўра, Саъдий юз йилдан ортиқроқ ҳаёт кечирган. Ана шу умрининг бир қисмида у ўқишиш ўрганиш ва билим олиш билан машғул бўлган, иккинчи бир қисмида дунёниг кўпдан-кўп шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилган ва ниҳоят, умрининг сўнгги – учинчи қисмини илм ва ижодга бағишлигаран. Шу тариқа узоқ ва мазмунли умр кечирган Саъдий ўз она юрти Шерозда 691 ҳижрий (1292 мелодий) йили вафот этди.

Саъдий серқирра истеъдод соҳиби бўлиб, тўрт шеърий девон яратади. Айниқса, жаҳонгашта шоирнинг бой ҳаётий тажрибаси ва теран тафаккурининг самараси бўлган «Бўстон» (1257) ва «Гулистон» (1258) номли панднома асарлари нафақат Шарқ ва Ўрта Осиёда, балки Фарб халқлари ўртасида ҳам кенг тарқалган.

Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» сингари нодир асарлари жаҳоннинг жуда кўп тилларига, шу жумладан, ўзбек тилига ҳам XIV асрда Сайфи Саройи, XIX асрда Огаҳий, XX асрдаFaфур Fулом, Чустий, Шоислом Шомуҳамедов, Рустам Комилов каби адиблар томонидан ўгирилган.

Сиз азиз ўқувчиларга тақдим этилаётган «Гулистон» асаридан парчалар ҳам атоқли шоиримиз Faфур Fулом, таникли шарқшунос олим Шоислом Шомуҳамедов ва Рустам Комилловлар таржимасида бериладики, уларни, албатта, дикқат билан ўқиб ўзингиз учун кўплаб ибратли хулосалар чиқариб оласиз.

Саъдийнинг «Гулистон» асари тарбиявий мазмундаги ҳикоятлар ва шеърий йўл билан битилган ҳикматлар тўпламидир. Бу жиҳатлари билан «Гулистон» Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» ва Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» сингари достонларига ўхшаб кетади.

Шайх Саъдий асарлари чукур мазмуни ва юксак бадиийлиги билан улуғ бобомиз Алишер Навоийни ҳам ўзига мафтун этган. Шу боисдан бўлса керак, ҳазрати Навоий «Ҳайрат ул-аброр» ва «Маҳбуб ул-қулуб» каби асарларини яратишда Шайх Саъдий битикларидан ижодий таъсирланган.



Саъдий асарларида инсонларни етуқ ва комил бўлишга чорлаб, уларнинг бир-бирлари билан ҳамдарду ҳамжиҳат яшашларини орзу этган. Сиз, бунга «Гулистон» асаридан олинган бобларни эътибор билан ўқиб чиққанингиздан сўнг тўла ишонч ҳосил қиласиз.

## ГУЛИСТОН

(Парчалар)



**Матнолди топшириқ.**

*Нафс, қаноат сўзларини қандай тушунасиз?*

Хурросонлик икки дарвеш биргаликда сафар қилишди. Улардан бири заиф эди, чунки кун оралатиб, кечқурун ифтор қиласди. Иккеничиси бақувват эди, чунки кунда уч маҳал овқатланар эди. Тасодифан уларни бир шаҳарда жосусликда айбдор қилдилар, ҳар иккалаларини бир хонага қамаб, эшикни лой билан суваб ташладилар. Орадан икки ҳафта ўтгач, уларнинг гуноҳсиз эканликлари маълум бўлиб, эшикни очганларида бақувват одам ўлиб, заиф тириқ қолганини кўриб, ҳамма бу ҳолатдан ҳайратга тушди. Бир донишманд деди: «Агар аксинча бўлганда, таажжубланишга арзирди, зеро, улардан бири кўп овқат ейишга одатланган эди, очликка бардош бера олмасдан ўлди. Буниси овқатни жуда оз ейишга одатланган эди, ночор сабр этиб, ҳалокатдан халос бўлди».

Одам оз емоқни одат айласа,  
Бошга очлик тушса чидай билади.

Фаровонлик ичра кўпга ўрганганд  
Тангликда қолганда очдан ўлади.



\* \* \*

Мен бир донишманддан: «Энг ашаддий душманинг – икки кифтинг орасидан жой олган нафсингдир» деган ҳадиснинг маъниси нима», – деб сўрадим. Донишманд шундай жавоб берди: «Маъноси шуки, ҳар бир душманга эхсон қилсанг, у сенга дўст бўлади, илло, нафс деган нарсага қанча илтифот қилсанг, адоватини шунча ошираверади».

Маромида овқат еган фаришта бўлур,  
Ҳайвон каби еса тушар оғир тош мисол.

Ким истагин бажо қилсанг, амрингга тобе,  
Нафс айтганин қилдингми, бўйсундирмоқ маҳол.

\* \* \*

Дононинг аҳмоқлар даврасида сукут этишга мажбур бўлиши ажабланарли эмасдир, чунки ҳамиша ногора овози танбур овозини эшиттирмай қўяди ва сассик саримсоқ ҳиди анбар исини босиб кетади.

Донони шарманда қилдим-ку дея,  
Фууруга берилмиш мақтанчоқ нодон.

Билмаски, ногора овози доим  
«Хижоз» куйни босиб кетади осон.

Гавҳар лойга тушса ҳам аввалгидек қимматбаҳо, чанг осмону фалакка кўтарилганда ҳам қадрсиздир.

\* \* \*

Ўзидан заифларга шафқат қилмаган одам ўзидан кучлиларнинг зулмига дучор бўлади.



Куч-қувватга эга қар қандай билак,  
Ожиз қўлин шартта узмас қиличдек.

Солмагин заифлар дилига алам,  
Зўрроқнинг жабрига йўлиқма сен ҳам.

\* \* \*

Оллоҳи таолонинг мададкорлиги билан «Гулистон» китоби тугади. Саъдий сўзларининг аксарияти қувончбахш ва ҳазиломуздир. Лекин ақли донишларга аёндирки (бу сўзлар ҳам ўшаларга қаратса айтилгандир), шифобахш насиҳат инжулари нозик иборалар ипига тизилмиш ва аччиқ маслаҳат дорилари ширин ҳазил-мутойибалар боли билан қориширилмишdir, токи инсоннинг ҳоргинликка мойил таъби уни қабул айламакдан маҳрум қолмағай:

Бу китобга назар ташлаган одам,  
Раҳмат тила менга, кечир ўзинг ҳам.

Нимани фойдали топсанг, танлаб ол,  
Сўнгра китобни ҳам дуо қил бир дам.



#### Савол ва топшириқлар.

**Г**

1. Борига шукур, йўғига қаноат қил, деган нақл сўзга асар мазмунига таяниб мулоҳаза юритинг.

**Ж**

2. Нодон ва донога хос фазилатларни топиб, ҳар бирини бир стикерга ёзиб, гуруҳ бўйича тўпланг ва «Модерация» усулида сараланг.

**Г**

3. Адиб асаридан фойдаланиб, “Олтин қоидамиз”нинг тизимини тўлдиринг.

**Я**

4. “Гулистон”асарини бир боғ деб фараз қилсак, сиз бу боғдан қандай мевалар тера олдингиз?

5. Ўзингиз ёқтирган шеърий парчаларни ёд олинг.



## ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

(1483–1530)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур – шоҳ ва шоир сифатида туркий халқлар маданияти тарихида ҳам, жаҳон тарихи тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутади.

Унинг отаси Умаршайх Мирзо Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳнинг невараси эди. Онаси – Қутлуғ Нигорхоним эса Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи бўлиб, ўн иккинчи аждоди Чингизхонга бориб тақаларди. Умаршайх Мирзо (1455–1494) Фарғона вилоятининг ҳокими бўлиб, Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги Аҳси шаҳрини пойтаҳт деб тайин этганди. 1494 йилда Қутлуғ Нигорхонимнинг акаси Султон Маҳмудхон ва Самарқанд подшоси Умаршайх Мирзонинг оғаси Султон Аҳмад Мирзо бирлашиб, Фарғонага босқин ясайдилар. Ана шундай таҳликали кунларда Аҳси қўрғонида яшаётган Умаршайх Мирзо жар ўпирилиб кетиб, ҳалок бўлади.

Бобур Умаршайхнинг тўнғич ўғли эди. 1483 йилнинг 14 февралида туғилганди. Унга Заҳириддин Муҳаммад деб от қўйишганди. Кейинроқ, шеърий ижод билан шуғуллана бошлагач, Бобур – йўлбарс сўзини тахаллус қилиб олди. Отаси ҳалок бўлган таҳликали кунларда Бобур ўн икки яшар ўсмир эди. Одатга қўра, ҳокимлик унга ўтди ва у шошилинч Андижонга бориб, юрт ҳимоясини уюштирди. Бола ҳукмдорнинг биринчи ҳарбий юриши омадли чиқади: қўшин тортиб келаётган амакиси вафот этади, тоғаси эса жияннинг қаршилигини енголмай, Тошкентга қайтиб кетади.

Бобурга ўз юртида баҳт ҳамиша ҳам кулавермайди. Аммо тадбиркор, ўта иродали, ғоят бақувват ҳамда улкан искеъдодга эга Бобур тақдирдан марҳамат кутиб ўтирамайди.



Қонуний ҳокимиятни олиш, туркий ватанни бирлаштириш, уни четки босқинлардан сақлаш йўлида ҳаракат қиласверади. Самарқанд, Фаргона, Андижон, Ўш ва бошқа шаҳарлар учун тинимсиз жангларда енгилаверган Бобур Мирзо юртдан ташқарига юриш қилиб, аввал, Кобулни, сўнг, Ҳиндистонни босиб олади. 1526 йилда Бобур 12 минг аскари билан Ҳинд султони Иброҳим Лўдининг 100 минглик қўшинини енгиб Ҳиндистонда Буюк темурийлар салтанатига асос солади. Бу салтанат уч юз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Ҳиндистонни бошқарди.

Бобур буюк саркарда, адолатли шоҳ, улкан салтанат асосчиси сифатида ҳам тарихда қолади. Лекин унинг шоирлик даҳоси барча истеъдодларидан устун эди. Шу боис шоҳ шоирнинг битганлари неча асрлардан буён авлодларни қизиқтириб, уларнинг муҳаббатини қозониб келмоқда. Бобурнинг кўрган-билганларини ҳикоя қилувчи «Бобурнома» номли асари дунёнинг жуда кўп тилларига таржима этилган. Унинг дилбар ғазаллари, чуқур маъноли рубийлари ҳанузгача ўқувчиларнинг дилларини қитиқлайди, руҳиятларига таъсир кўрсатади.

## РУБОИЙЛАР



### Матнолди топшириқлар.

1. Яхшилик қилиш деганда нимани тушунасиз?
2. “Бирорга чуқур қазиссанг, ўзинг йиқиласан” мақолини шарҳланг.

Ҳар кимки, вафо қиласа – вафо топқусидур!  
Ҳар кимки, жафо қиласа – жафо топқусидур!  
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз<sup>1</sup>,  
Ҳар кимки, ёмон бўлса – жазо топқусидур!

<sup>1</sup> Ҳаргиз – асло, сира.



\* \* \*

Хижрон қафасида жон қуши рам қиладур<sup>1</sup>,  
Фурбат<sup>2</sup> бу азиз умрни кам қиладур.  
Не навъ<sup>3</sup> битай фироқу<sup>4</sup> ғурбат шарҳин  
Ким, күз ёши номанинг юзин нам қиладур?

\* \* \*

Кўпдин бериким, ёру диёrim йўқтур,  
Бир лаҳза-ю бир нафас қарорим<sup>5</sup> йўқтур.  
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,  
Лекин боруrimда ихтиёрим йўқтур.

\* \* \*

Аҳбоб унутмаса керак аҳди қадим<sup>6</sup>,  
Еткурса керак хабар гаҳи пайки насим<sup>7</sup>.  
Бобур, чу умид ила қилур арзи ниёз<sup>8</sup>,  
Шоядки, қабул айлагай табъи салим<sup>9</sup>.

\* \* \*

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,  
Оlam элидин турфа<sup>10</sup> ситамлар<sup>11</sup> кўрдум,

<sup>1</sup> Рам қилиш – хуркиш, чўчиш.

<sup>2</sup> Фурбат – мусофирилик, ғам.

<sup>3</sup> Не навъ – қандок.

<sup>4</sup> Фироқ – айрилиқ.

<sup>5</sup> Қарор – тинчлик, ором, турғунлик.

<sup>6</sup> Аҳди қадим – эски ваъдалар, келишув.

<sup>7</sup> Пайки насим – хабарчи шамол.

<sup>8</sup> Арзи ниёз – сўраб арз қилиш, ялиниш.

<sup>9</sup> Табъи салим – соғлом дидли, фаросатли.

<sup>10</sup> Турфа – ҳар хил.

<sup>11</sup> Ситам – азоб, жафо.



Хар ким бу «Вақоєъ»ни<sup>1</sup> ўқур, билгайким,  
Не ранжу<sup>2</sup> не меҳнату не фамлар қўрдум.

\* \* \*

Кўнгли тилаган муродға етса киши,  
Ё борча муродларни тарқ этса<sup>3</sup> киши.  
Бу икки иш муюссар ўлмаса<sup>4</sup> оламда,  
Бошини олиб бир сорига<sup>5</sup> кетса киши.

\* \* \*

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатта киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатта<sup>6</sup> киши.  
Кўнглум бу ғариблиқда<sup>7</sup> шод ўлмади, ох,  
Фурбатта севунмас эрмиш, албатта, киши.

\* \* \*

Толеъ йўқи жонимға балолиг бўлди,  
Хар ишники айладим хатолиг бўлди.  
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,  
Ё раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди.

<sup>1</sup> «Вақоєъ» – «Бобурнома».

<sup>2</sup> Ранж – хафалик.

<sup>3</sup> Тарқ этиш – кечиш.

<sup>4</sup> Муюссар ўлмаса – бажарилмаса, амалга ошмаса.

<sup>5</sup> Сори – тараф, сари.

<sup>6</sup> Меҳнат – мاشаққат.

<sup>7</sup> Ғариблиқ – бечора, иложсиз.



### Савол ва топшириқлар.

**Г**

1. Бобур шахсини “Кластер” стратегияси асосида ёритиб беринг.

2. “Агар сиз Бобур ўрнида бўлганингизда халқни қандай бошқарган бўлардингиз?” мавзусида тадқиқот ишини юритинг.

3. Нима учун Бобур шоҳ бўла туриб, она-Ватанини соғиниб кўзидан тинимсиз ёш оқди?

4. Нега келишда ихтиёри билан келди-ю, ортга қайтишга ихтиёри йўқ деб ўйлайсиз?

5. “Инсерт” стратегияси орқали Бобур ҳақида олган билимларни мустаҳкамланг.

**Ж**

**Я**

“V” – билар эдим

“–” – бошқача фикрда эдим

«+» – янги ахборот

«?» – саволлар туғдиради

6. Бобур мирзога мактуб йўлланг.

7. Ватан, она-тупроқ ҳақида мақоллар тўпланг.



### Рубоий ҳақида

**Рубоий** – мусулмон Шарқи адабиётида кенг тарқалган лирик жанрлардан бири. Муаллиф нозик ички туйғуларни, ўйга толдирадиган кечинмаларни, ҳаётнинг мураккаблиги-ю инсоннинг тушунарсизлиги туфайли пайдо бўлган саволларни ифодалайди. «Рубоий» арабча сўз бўлиб, тўртлик маъносини англатади.

У тўрт мисрадангина иборат бўлиб, **а-а-б-а** ёки **а-а-а-а** шаклида қофияланади. Рубоий қофияланишига кўра икки турли бўлади: **а-а-б-а** тарзида қофияланадиган **хос рубоий** ва **а-а-а-а** шаклида қофияланадиган **таронаи рубоий**. Таъкидлаш керакки, ҳар қандай тўртлик ҳам рубоий бўлавермайди. Аруз вазнининг «хазаж» баҳридаги «ахрам» ва «ахраб» тармоқларида яратилган ва юқорида айтилган шаклда қофияланган тўртликларгина рубоий бўлади.



Турк мумтоз адабиётида ҳеч ким Навоий ва Бобур сингари кўп ва яхши рубоийлар ёзмаган. Сиз шоирнинг дарду ҳасратлари, армонлари, ҳаёт ҳақидаги теран кузатишлари акс этган ўнлаб рубоийларидан айримлари билангина танишдингиз. Бобур рубоийлари, гарчи, беш юз йилча олдин ёзилган бўлса-да, на ифодаланаётган туйғулари ва на тасвир йўсини эскирган. Улар гўё яқиндагина биз ҳақимизда ёзилгандай. Шунинг учун бу улуғ шоирнинг кўплаб рубоийларини ёдан билиш, зарур бўлганда ундан фойдаланиш лозим.

## **ЗОКИРЖОН ҲОЛМУҲАММАД ЎҒЛИ ФУРҚАТ**

(1859–1909)



Фурқат (тахаллуси; асл исм-шарифи Зокиржон Мулло Ҳолмуҳаммад ўғли) (1859, Қўқон – 1909, Ёркент) – тараққийпарвар шоир, мутафаккир, публицист. Маҳалласидаги мактабда савод чиқарган, мударрис ва котиблардан хаттотлик, араб тилини ўрганган. 1873–1876 йиллар оралиғида мадрасада ўқиган. Алишер Навоий ижодини, форс адабиёти намояндалари меросини чукур ўрганган, форс тилини мукаммал ўзлаштирган. Фурқат Янги Марғilonда ижодкор сифатида тўла шаклланди, ўз ғазалларига «Фурқат» тахаллусини қўйиб, шуҳрат қозона бошлади. Бу ерда ўтказилган йиллар Фурқатнинг халқчил дунёқарashi, илғор адабий-эстетик тушунчаларининг шаклланишида ҳам муҳим бир босқич бўлди. 80-йилларнинг бошларида Фурқат Қўқонга қайтиб, оила қуради ва, асосан, ижодий иш билан шуғулланади. Муқимий ва Муҳий етакчи




бўлган Завқий, Нодим, Нисбат, Муҳаййир каби ижодкорлар гуруҳи билан бевосита мулоқотда бўлади, улар уюштириб турадиган адабий мажлислар, шеърият кечаларининг фаол иштирокчисига айланади.

Фурқат тахминан 1886–1887 йилларда Марғилонга бориб, у ердаги Масжиди жомеъ ҳужрасида истиқомат қилган, ёру биродарлари кўмагида кичик дўкон очган бўлса-да, асосан, шеърият билан шуғулланган, шаҳарнинг зиёлилари, жумладан, Хўжажон Рожий, Муҳаммад Умар Умидий-Ҳавоий, Мулла Тошболту Ройиқ каби ижодкорлар билан танишиб, адабий сухбатлар қурган. Фурқат илк бор газета билан танишиб, унинг «Тошкент шаҳрида босма бўлғон» лигини шу ерда билади. Янгиликка чанқоқ, тараққийпарвар шоирда ижтимоий ҳаётда юз берган ўзгаришларга, секин-аста ёйила бораётган фан ва техника намуналариiga қизиқиш уйғонади, янгиликлар билан бевосита танишиш, ўз кўзи билан кўриш иштиёқи зўраяди. 1889 йил бошларида Тошкент сафарига чиқади, Хўжандда тўхтаб, Тошхўжа Асирий бошлиқ шоирлар, адабиёт мухлислари билан учрашади, адабий кечаларда иштирок этади. Ниҳоят, 1889 йилнинг июнида Тошкентга келади.

Фурқат Тошкентда рус зиёлилари, европача ҳаёт тарзи билан танишди. Чор маъмурлари шоирнинг театр, гимназияга, турли концертларга киритишни уюштирдилар, кўргазмаларга олиб бордилар. Янги тарихий шароит туфайли юз берган ўзгаришларни мушоҳада этиш натижасида Фурқат дунёқарашида жиддий ўзгариш бўлади ва бу ҳол унинг ижодида ўз бадиий ифодасини топади – маърифатпарварлик, европача илм-маданият, фан-техникага хайриҳоҳлик шоир шеърларининг етакчи гоясига айлана боради. Бу эса Фурқатнинг кўп асрли ўзбек адабиётига янги мавзулар, янги гоялар олиб киришига замин бўлди.

Тошкентда очилган эрлар гимназияси, маориф муассасалари, маданият ва санъат ўчоқларини, тобора кўпроқ кириб келаётган фан-техника янгиликларини кузатиш оқибатида



унинг «Илм хосияти», «Гимназия», «Виставка хусусида», «Акт мажлиси хусусида», «Тошкент шаҳрида бўлғон нағма базми хусусида», «Суворов» ва бошқа асарлари майдонга келди ва уларнинг барчаси 1890 йилларда «Туркистон вилоятининг газети»да чоп қилинди.

Бу туркум асарларида Фурқат янгилик ва тараққиётнинг, илм-фан ва европача маориф-маданиятнинг тарғиботчиси сифатида намоён бўлади; ўз ватандошларини замонавий билимларни пухта эгаллашга ва илғор халқлар қаторидан ўрин олишга даъват этади.

Фурқат ҳақли равища ўзбек публицистикасининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Фурқатнинг публицист сифатидаги фаолияти 1890 йилдан бошланди. «Туркистон вилоятининг газети»га расман ишга кирди, газетани тайёрлашда бевосита катнашди. Бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида Сатторхон каби илғор маърифатпарварлар билан ҳамкорликда ишлаб, газета саҳифаларида ўз мақолаларини эълон қилди. 1891 йил майда Самарқандга борди, асори-атиқалар билан танишди, газетага хабарлар йўллади, кейин Бухорода бўлди. Июлда эса чет эл саёҳатига чиқди. Унинг чет элга саёҳати ҳақида турли тахминлар бор. Айрим маълумотларга қараганда, у атайин қайтиб келмайдиган қилиб ўз юртидан чиқариб юборилган. Хуллас, 1891 йилнинг июлида Марв – Ашхобод – Боку – Батуми орқали Истамбулга борди.

Фурқат Истамбулдан Булғория ва Юнонистонга ўтди. Болқон ярим оролининг қатор шаҳарларида бўлди. 1892 йилнинг марта мартида Истамбулдан Ўрта денгиз орқали Арабистоннинг Макка, Жидда, Мадина шаҳарларига борди. Маккадаги ҳаж зиёрати муносабати билан «Ҳажнома» асарини яратди. Сўнг Бомбайга келди, Ҳиндистоннинг қатор вилоятларига саёҳат қилди. Унинг бу даврда ёзган насрый ва назмий мактубларида тушкунлик, она юрт соғинчи ва изтироблари акс этган. 1893 йил марта Фурқат Кашмир ва Тибет орқали Шарқий Туркистонга бориб, Ёркентда турғун яшаб қолди. Оила қурди. Табиблиқдан хабардор бўлган шоир до-



ривор ўсимликлар билан савдо қилувчи дўкон очди, ижодий иш ва хаттотлик билан шуғулланди. Фурқат доимо Ватанига қайтиш умиди билан яшади. Фурқат ўзбек матбуоти тариҳида фельетон жанрини бошлаб берди («Ҳинд найрангбози Ёркентда», 1905).

Баркамол лирикаси, жозибали насри ва публицистикаси билан XXI аср охири ва XX аср бошларидағи миллый адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган Фурқат она Ватанидан узоқда вафот этди ва Ёркентнинг Донгдор қабристонига кўмилган. 1990 йил шоир қабри устига мақбара қурилган.

## «Илм хосияти»

(*маснавий*)

Дейин сўз илмни(нг) хосиятидин,  
Баён айлаб анинг моҳиятидин.

Бу сўзни гўши бор одам эшитсун,  
Ўзида ҳуши бор одам эшитсун.

Кўпайди илм ила ҳикмат жаҳонда,  
Кўринг ўткан замондин бу замонда.

Скандарким жаҳонга шоҳ эрди,  
Сипоҳ анжум<sup>1</sup>, фалак хиргоҳ<sup>2</sup> эрди.

Наким офоқ<sup>3</sup> ародур баҳр ила бар<sup>4</sup>  
Ҳама ўлмиш эди анга мусаххар<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Анжум – юлдузлар.

<sup>2</sup> Хиргоҳ – чодир.

<sup>3</sup> Офоқ – дунё, ер юзи.

<sup>4</sup> Баҳр ила бар – денгиз билан қуруқлик.

<sup>5</sup> Мусаххар – тобеъ.



Юруб барча ани(нг) ҳукми йўлиға  
Низоми<sup>1</sup> мамлакат олди қўлиға.

Ани(нг) ким лашкари оламға тўлди,  
Низоми забт ҳикмат бирла тўлди.

Бор эрди тўрт минг соҳиб заковат<sup>2</sup>  
Ҳамиша хизматида аҳли ҳикмат.

Алар ҳар қайсиси монанд Арасту<sup>3</sup>  
Хирадда балки Афлотунга қаршу.

Алар ичра эди лекин Фалотун,  
Жамеъ илму ҳикмат бирла афзун<sup>4</sup>.

Қилиб бир неча ҳикмат ошкоро,  
Ажалга қилгудек бўлди мадоро.

Неча илму неча фан андин ижод,  
Ўлуб хосиятидин олам обод.

Скандар амри бирла ҳикматойин,  
Қилиб ойина андоғки жаҳонбин.

Жаҳонда хоҳ баҳр, хоҳ бардур,  
Ўшал ойина ичра жилвагардур.

Агар қилса, жаҳонбинлик таманно.  
Боқиб андин қилур эрди тамошо.

<sup>1</sup> Низоми – тартиб.

<sup>2</sup> Заковат – ўткир ақл.

<sup>3</sup> Арасту – қадим Юононнинг машҳур файласуфи Аристотель (э.о. 384-322).

<sup>4</sup> Афзун – зиёда.



Кўрар эрди қилиб анга назора,  
Вале йўқ эрди сўзлашмоққа чора.

Иложин аҳли ҳикмат қилмади ҳеч,  
Қилурди, лек илмин билмади ҳеч.

Эрур шаҳларға лозим давлатидин,  
Үлур воқиф<sup>1</sup> раийят<sup>2</sup> ҳолатидин.

Хабардор бўлса, доим мамлакатдин,  
Берив нома, олиб сўз ҳар жиҳатдин.

<sup>1</sup> Воқиф – хабардор.

<sup>2</sup> Раийят – фуқаро.



Йироқ ерларга ёзмоқ бўлса мактуб,  
Бориб келгунча ўтмишди замон кўп.

Қолиб шаҳлик иши таъхир<sup>1</sup> андин,  
Бўлур эрди, басе, дилгир андин...

Бўлуб шул аср ҳикмат аҳли ҳадсиз,  
Фатонат<sup>2</sup> аҳли, донишманд ададсиз.

Улуму фанда Афлотундин афзал,  
Камолу ақлу дониш бирла акмал<sup>3</sup>.

Неча иш илм ила бунёд қилди,  
Хусусан, тилгиrom ижод қилди.

Ки бир соатда ул соҳиб ҳунарлар,  
Уч ойлик ердин олғайлар хабарлар.

Агар Мағрибда<sup>4</sup> бўлса, кимса сокин,  
Ани билмоқ эрурубир кунда мумкин.

Низом ўлди сипоҳийлик ишиға,  
Етиб ҳам манфаатлар кўп кишиға.

Хусусан, нархиға аҳли тижорат<sup>5</sup>,  
Йироқ ердин берур анга башорат.

Масалким, Тошкандин олсалар мол,  
Билиш лозимки, Маскавда на минвол<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Таъхир – кечикиш.

<sup>2</sup> Фатонат – ақл, зеҳн.

<sup>3</sup> Акмал – энг етуқ.

<sup>4</sup> Мағриб – Фарбий Европа.

<sup>5</sup> Тижорат – савдо.

<sup>6</sup> Минвол – аҳвол маъносида.



Юбориб ё бориб беҳбуд топса,  
Бу савдосида яъни суд<sup>1</sup> топса.

Бўлурлар тилгиром ила хабардор,  
Билурлар нафъ ёинки зарап бор...

Жаҳон басту кушоди<sup>2</sup> илм бирла,  
Надур дилни(нг) муроди илм бирла.

Кўнгулларни(нг) сурури илмдантур,  
Кўрар кўзларни(нг) нури илмдантур.

Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,  
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор.

Дариғо, Фурқатий, беилм қолдим,  
Ўзимни жаҳл зиндониға солдим<sup>3</sup>...



#### Савол ва топшириқлар.

- Г** 1. “Ассоциация” стратегияси асосида илмли бўлишнинг хосиятини таърифланг.
- Ж** 2. Рус тили орқали кирган сўзларнинг асарда берилишига сабаб нима деб ўйлайсиз?
- Г** 3. “Концептуал жадвал” ни тўлдиринг.

Бугунги кундаги	...йўлининг давомчилари	Касбидан камол топганлар
Кимлар?		



- 4. “Муаллиф ўз халқининг турмушини фаровон қилиш орзусига қандай етди?” мавзусида тадқиқот юритинг.
- 5. Илм ҳақида мақол тўплаб, “Ким топқир?” мусобақасини уюштиринг.
- 6. “Фурқат асаларидан олган таассуротларим” мавзусида эссе ёзинг.



<sup>1</sup> Суд – фойда.

<sup>2</sup> Басту кушод – тугун ва ечим.

<sup>3</sup> Шеър қисқартирилиб берилмоқда.

# БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ОСМОНИ

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

(1894–1938)

Янги ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири Абдулла Қодирий 1894 йилнинг 10 апрелида Тошкентда боғбон оиласида туғилди. Олдин Самарқанд дарвоза маҳалласидаги эски мактабда савод чиқарди. Ўн икки ёшида уни бир бойга югурдакликка берадилар. Хўжайини жиддий, тиришқоқ ва қобилиятли ўсмирни ўрис мактабига ўқишига беради. Шу тариқа бўлажак ёзувчи рус тилини ўрганади. Бу ҳол унга дунё адабиёти билан танишиш имкониятини беради. Бўлажак ёзувчи бир муддат Тошкентдаги Абулқосим мадрасасида ҳам таҳсил кўради. Шу йўсинда у араб ва форс тилларини пухта эгаллайди. Бу тиллар ёрдамида адаб Шарқ адабиёти намуналари билан яқиндан танишади.

Абдулла Қодирий бор-йўғи 44 йил умр кўрди. Унинг бутун онгли ҳаёти ўзбек халқининг озодлиги ва фаровошлиги га бахшида этилди. Шунинг учун ҳам уни шўро ҳукумати ўзига душман деб билди. Биринчи марта 1926 йилда республика бошлиқларини ҳурматсиз қилди деган тухмат билан қамашди. Абдулла Қодирий 1937 йилнинг 31 декабрида қамоққа олинди.

«Менга қўйилган айбларни бошдан оёқ рад этаман. Ҳақиқат йўлида ҳеч қандай жазодан, қийноқдан қўрқмайман. Агар отмоқчи бўлсалар, кўкрагимни кериб тураман...» Аб-





дулла Қодирий 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отилди. Унинг асарлари XX съезддан сўнг, 1956 йилдан бошлаб янгидан нашр этила борди. 1990 йилда Республика президенти Фармони билан А. Қодирий номидаги Республика Давлат мукофоти таъсис этилди.

1991 йилда эса А. Қодирийга Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти берилди. Ўзбек халқини ривожланган ва озод ҳолда кўришни истаган маърифатчи Абдулла Қодирий миллий бадииятимизга дунё адабиёти янгиликларини татбиқ этишга уринади.

Шунинг учун ҳам «Ўтқан кунлар» ва «Мехробдан чаён» асарларини ёзиб, ўзбек романчилигига асос солди. У дастлабки ўзбек драмаларидан бўлган «Бахтсиз куёв»нинг ҳам муаллифидир. Адаб «Обид кетмон» асари билан замонавий ўзбек қиссачилигини бошлаб берган.

Ҳар жиҳатдан бошловчи бўлган Абдулла Қодирий ҳикоячиликнинг ҳам пионерларидан эди. Ёзувчининг ҳикоялари юқори бадиий савияси билан диққатга сазовор. Унинг «Тинч иш», «Калвак Махзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейди?», «Улоқда», «Жинлар базми» асарлари ўзбек ҳикоячилигининг етук намуналаридан саналади.

Қодирийнинг «Улоқда» ҳикояси 1916 йилда босилган. Унда халқимизга хос руҳий хусусиятлар бола нигоҳи орқали акс эттирилган. Ҳамма нарсага қизиқувчан, дунёни ва одамларни эндиғина кашф этиб бораётган болакай назари ҳикоя тасвирининг табиийлигини таъминлаган. Асар ўтган асрнинг бошларидағи ўзбек тили хусусиятларини кўрсатиши билан ҳам аҳамиятлидир.



## УЛОҚДА



**Матнолди топшириқлар.**

1. «Улоқ» деганда нимани тушунасиз?
2. «Күпкари» ўйинини томоша қилғанмисиз?

### I

Кече дадамдан сўраганим учун бу кун акам ҳам: «Керак эмас, борма!» – деган сўзини қилмади. Чойни наридан-бери ичиб, отхонага югурдим. Орқамдан: «Оёғинг олти, қўлинг етти бўлуб қолди-а!» – деб дадам билан ойим кулишуб қолишилар. Қашлоғични олдим-да, қора қашқамни қашлай бошладим. Жонвор типир-типир қиласидир, бош чайқайдир, ер тепинадир, дум силкитадир. Шунинг ила маним кўнглимга: «Худо хоҳласа, келар йилга бирор улоқлар чопайки, ҳамма мани «Турғун чавандоз» деб юрутсунлар, деган тилаклар тушадур.

Катта ҳайитдаги, ҳайитликка олған мўғор эгарча<sup>1</sup> билан ғалатича қилиб тойни эгарладим. Тоғамга ялинуб олдирған ўрус юганни артиб-суртиб солдим-да, ўзим четроқдан туруб кам-қўстини кузатдим: Қуюшқони<sup>2</sup> ҳам ўрнида, эгар ҳам яхши қўнған. Қоринбоги<sup>3</sup> ҳам жифс, югани ҳам тўраларникидак, лекин ўмилдируғининг<sup>4</sup> йўқлиги бир оз кўнгилга ёқмайди.

Анчагина ўйланиб тургандан сўнг акамнинг юган учун сақлаб қўйған тасмаси эсимга тушуб, секингина ертўладан ҳалиги тасмани олуб чиқиб, ўмилдируқ ясадим.

Энди тойчам жуда ҳам гижинглар, худди тўраларникидак бўлуб кеткан эди. У ёқ-бу ёғини тозалаб, устунга қантариб

<sup>1</sup> Мўғор – мўғул.

<sup>2</sup> Қуюшқон – эгар олдинга силжиб кетмаслиги учун орқага тортиб турадиган мослама.

<sup>3</sup> Қоринбок – от жабдуғини тортиб турадиган кенг айил.

<sup>4</sup> Ўмилдириқ – отнинг ўмровидан ўтказилиб, икки учи эгарга боғланадиган ва унинг орқага кетиб қолмаслигини таъминлайдиган безакли қайиш тасма.




қўйдим. Энди қолди: оқ жужунча камзулни, ўрусча шимни, амиркон этукни, духоба тўппини кийиш... Ана шундан кейин отқа минсак, чин тўрача бўламиз.

Ойимнинг бир қизиқ одати бор: янгироқ кийимни кияман, десам, кўзини ола-кула қилуб: «Қақшагур, кир қиласан, тўй-пўйга борғанда киярсан, деб қарғий бошлайдир. Озроқ шайтон йифиси қилмагуnungча иш ўнгиға келмайдир. Бу гал ҳам озроқ ҳалиги йифидан қилуб олғандан сўнг кийимларимни кийуб, шоҳи қийиғча боғлаб олдим. Ойимға билдирамасдан, секингина уйга кириб, дадамнинг кумуш чопқон қамчисини ичимга тиқуб, ташқариға чиқдим.

Хизматчи гўшт келтуриб турган экан, отхонадан қора қашқани қўчага чиқариб туришка буюруб, ўзим гўштни ойимға киргузиб бердим. Ташқариға чиқишимда орқамдан ойим:

– Кийимларингни кир қилма, тойингни қаттиқ чоптирма, улоқчилар орасиға кириб, бирор ҳодисага йўлуқма, ўртоқларинг билан бир чеккада томоша қил! – деб жовраб қолди.





Хизматчидан отни олуб миндим. Тўнимнинг этакларини иифишириуб, бир-икки қамчи бериб эдим, қашқачам шатолоқ отуб кетди. Хизматчининг: «Ҳа, баракалла, чавандоз!» – деган сўзини әшитиб, қаттиқроқ қамчилаб эдим, қашқачам тушкур кўтариб кетаёзди.

## II

Чуқур ариқдан отимни суғориб чиқаётган эдим, бир тўда улоқчи чавандозлар келуб қўшилдилар. Уларнинг баъзиси акамнинг ошналари бўлғани учун ман билан сўрашдилар. Улардан бириси акамни сўраб эди, мен:

– Эрталаб улоқфа кетди, – дедим.

Ул қулуб ошналариға:

– Бизнинг Маҳкамбой улоқфа жуда ҳам ишқибоз-да! – деди.

Яна бирави мандан:

– Йўл бўлсун, бойбачча? – деб сўраған эди, мен уёлин-кираб:

– Улоқфа! – дедим.

Беш-олтиси бирдан: «Баракалла, чавандоз, баракалла, Турғун чавандоз!» – дедилар. Уларнинг «чавандоз» деган сўзлари меним жуда ҳушимга келиб, ичимдан «Отангға раҳмат», – деб қўйдим.

Биз, бир дуркум<sup>1</sup> отлиқ, борамиз. Улар ўткан-кеткандан сўзлашиб борадирлар. Сўз урунуб, яна Маҳкам акам тўғрисига тақалди.

– Шу чоқғача кўб улоқчи қўрдум, лекин Маҳкамдай улоқфа серзавқини кўрмадим.

Собир тегирмончининг ўғли Тўғонбой:

– Маҳкам бойбаччанинг ота-бобоси улоқчи бўлуб келган-да!  
(Мени кўрсатиб.) Ахир, ўн икки яшар укасини кўрмайсизми,  
ҳалитдан улоқ чопмоқчи! – деди.

Бу сўзга маним бутун танам жимирилашиб кетди ва кула-ёздим.

<sup>1</sup> Дуркум – туркум, тўда.



Яна бир мўйлаби шопдек йигит:

– Дадам Маҳкамнинг бобосининг улоқ чопишини гапура берса, киши ҳайрон қоладир: юз-икки юз чавандоз ичидан ёппа-ёлғуз улоқни ажратуб чиқар экан!

Яна бириси:

– Ул вақтнинг одамини улоқнинг пири десангиз-чи! – деди.

Мен бўлсам, бобом мақтовини эшитиб, ғуурлануб бораман. Орқадан от шатолоғини эшитиб, ортқа қайрилуб эдик, олдиға бир ола эчкини ўнгарган, кўкраги очиқ, яхтакчан, саман отлиқ бир йигитни кўрдук. Ул бизга етиб, тўхтади. Тўғон ака кулумсираб:

– Бу ҳафта кўмаклашасиз-да, карвон, – деган эди, у:

Сиздек оғайниларга кўмаклашмасам бўладими! Қани тўхтаманглар, – деди.

Юруб кетдик. Бир оз йўл борғач, ҳалиги йигит тўзимсизлана<sup>1</sup> бошлаб отиға қамчи берди. «Ман тезроқ борай», – деб отини чоптириб кетди. Энди сўз ҳалиги олдиға улоқ ўнгарганинг оти тўғрисида бошланди. Бойбаччалардан бириси:

– Валаднинг<sup>2</sup> оти жуда ҳам чопқурде, улоқчи бўлғанингга яраша шундақанги отинг бўлса! – деди.

Бояғи мўйлаби шопдакнинг:

– Бодирафрафдек<sup>3</sup> учадир, – дейиши ҳамон бирдан бошқалар қулушуб юбордилар.

Кулгига унинг ўзи ҳам биргалашди.

### III

Акамга М... гузарида учрашдик. Акамлар самоварчига жаркоб пишируб қўйиш учун ўртадан пул йиғуб бергач, тағи йўлға тушдик.

<sup>1</sup> Тўзимсизланиш – сабрсизланиш, шошилиш, тоқатсизлик.

<sup>2</sup> Валад – бола.

<sup>3</sup> Бодирафраф – тентак шамол, куюн.



Кўча қишдан бошқа вақтда сув кўрмагани учун икки газ келатурған билқ-билқ турпоқ; эллик-олтмиш улоқчи бирданига йўл босуб, қайси отини чоптуруб, қайси лўкиллатиб боргани учун бутун кўчани тўзон қоплаған. Киши кишини танимаслиқ ҳолига келган эди. Ман уйга қайтиб борғанда, ойимнинг: «Кийимларингни мохов қилубсан!» – деб қарғашидан қўрқуб бораман.

Анчагина йўл борғандан сўғун улоқ чопилатурған ерга етдик; ҳувв... тўрт томони кўз илғамай турған даражада улуғ бир қир экан. Мунда улоқчи отлиқлар ила томошачи яёвларнинг ҳад-ҳисоби йўқ эди.

Катта садақайрағочнинг тагида икки зўр самоворға ўт қалаб қайнатадирлар. Ундан нарироқда бир-икки киши учтўрт қоп бодрингни бир-бирига суяб, «Мирзақирон бодринг, касир-касир бодринг!» – деб мақаташадирлар.

Акамлар саданинг остиға – чойхонага отдан қўнишдилар. Кун қизифида туриш қийин бўлғани учун ман тойчамдан тушмасам-да, садақайрағочларнинг бир бағриға боруб турдим.

Ёнимдағи кишилар тўзимсизланиб, улоқнинг бошланишини кутадирлар. Бириси: «Бу кун улоқ қизимайдир», – деса, иккинчиси: «Йўқ, бу кун улоқ жуда ҳам қизийдир. Салим чавандоз билан Мурод ҳам келар эмиш!», – дейдир. Яна орадан бирав:

- Ҳа-ҳа! Агар улар келса, улоқ қизимай қолмас. Салимнинг оти қозоқи от, қамчи кўтармайдир, «ҳайт», деса, бас!
- Улар уч киши эди, икки йилдан бери бири қўринмай бошлади, ана шунисига тўғри келмас эди!
- Ҳа-ҳа, ман ҳам кўпдан бери кўрмайман: ғирдиғумдан<sup>1</sup> келган қора тўруқ йигит эди-а?
- Бали-бали, отангға раҳмат! Ана, ўша йигит, шунча сўроғласам-да, анигини билмадим!
- Шу йигитинг, тўғриси, анчагина жанжалға-да сабаб бўлди. Бирови: «Ўлиб кеткан!» – деса, иккинчиси: «Ти-

<sup>1</sup> Ғирдиғум – чорпаҳил, кенг елкали.



рик!», – деб қичқирадир, мунга кимдир бириси қарши тушиб: «От боскан, дўхтурхонада ўлган!» – дейдир. Сўфироғи: «Бировга ёмон нафас қилманглар!» – деса, аллаким: «Ўлса-ўлгандир, буни нимаси жанжал?!» – дейдир. Тағи бирор: «Бекор ҳам ўлтуруббиз-да!» – деб куладир.

Тағи «Сираси-сираси!» Тағи шовқун-сурон, тағи: «Ха-ха!», «Йўқ-йўқ!» Бир кишининг: «Ана, улоқ келди!» – деб юбориши билан ҳамма тиб-тинч бўлуб, халқ улоқға қарай бошлади. Тағи бир оздан кейин: «Улоги ёш экан!», «Шуниси тузук, шуниси!» – деган сўзлар бошланған ҳам эди, майдонга икки чавандознинг от ўйнатиб кириши орадағи товишларни ўчирди. Секин-секин: «Салим билан Мурод чавандоз», – деган шивирлашувлар манинг ҳам диққатимни шу икки отлиқға жалб этди. Уларнинг бириси қўй, иккинчиси ола отқа минганди чапани йигитлар эди. Энди томошачилар улоқни тўзумсизланиб кута бошладилар. Халқ ичидан аллаким:

– Ана энди чин улоқ кўрасан! – дейдир.

Тағи бирор:

– Бу кун қиёмат улоги бўладур! – деб боши билан яниб қўядир.

Чавандозлар тўғрисида яна гувур-гувур сўз бошланди:

– Муроднинг отини кўр, худди қаноти борға ўхшайдир!

– Човкарни айтасанми, тўруқними?

– Иккисига ҳам от етмайдир, икави ҳам яхши зот!

– Қулоғи чимирилган от чопқур бўлади!

– Қулоқда гап йўқ, гап зотда!

– Йўқ-йўқ, серкишновда, ўзим синааб кўрдим!...

– Дадам от олганда, туёқига қараб олур эди, гап туёқда!

Бахслашадирлар. Ҳар ким ўз таниши билан талаща.

Мен ҳам шу тўғрида ўйлаб, уларнинг деган нишонларини қора қашқамдан қидириб, топсам суюниб, тополмасам куюниб тураман.

Бизнинг махалладаги улоқчилар ҳам келишдилар. Ўртоқларимдан Нурхон, Ҳайдар соқов, Шокир мишиқилар ҳам бор эди. Улар менинг ёнимга келишдилар.



Нурхон дадасидан ола йўрғасини сўрағанда, қилғон баҳонасини айтиб куладир. Ҳайдар соқов саман отининг йўлда Шокир мишиқининг байталига кишинаганини айтиб, Шокирни масхара қиласидир. Кулишамиз. Шокир мишиқи бурнини торта-торта: «Уялиб кетдим. Мундан сўғун бия минмайман», – деб қизариб-бўзарадир. Отимнинг ўмулдирғига уларнинг ҳаваси келуб, баҳосини сўрашадирлар, ман: «Ўн беш танга», – деб кумуш қамчини ҳам кўрсунлар учун ўйнагансимон эгарнинг қошиға тақ-так уриб қўяман. Улар: «Қани-қани», деб қўлимдан олиб кўрадирлар. Ман секингина бошимни қимирлатуб, ўзимда алланима сезинаман. Уларнинг отлариға – ўзимникига, кийимларига – кийимимга қараб, ўзимни улардан аллақанча юқорида кўраман. Ҳайдар соқов тутила-тутила: «Келинглар, бир чоптирайлук», – деди. Нурхон кўнмаса ҳам юганидан тортуб олиб кетди. Чидаб туриб бўлмас экан: уларнинг кетидан қора қашқамға бирикки аччиғ қамчи беруб юборишим борми, жонвор ўн одумида уларни қолдириб кетди. Анчафина узоқлаб, ортимдаги халқға қараб эдим, кўзлари манда экан, яна қаттиғроқ ҳайдадим. Қирнинг бир чеккасиға бориб отни тўхтатдим. Бир талай вақтдан кейин улар отларини лўкиллатишиб манга етдилар. Бу ерда отларимизнинг чопқурлиғи тўғрисида сўзлашдик. Нурхон отининг чопмаслиғига акасининг иссиқ ҳолда сув берганини сабаб кўрсатадир. Ҳайдар соқов бўлса, Эсон кўкнорининг ўғлини сўка-сўка:

– Бозорға ун учун бораётқанимда, бехос том бошидан гувала ташлаб юборди. Отим шундан бери қамчи бирла юз минг урсанг ҳам, қулоғини чимириб, ҳуркуб турадир! – деб сўкинадир.

Маним отим тўғрисида Ҳайдар айтади: «Санинг, – дейди, отингға ҳеч от боласи етмайди..», – дейди. Нурхон айтади: «Отдан санинг баҳтинг бор экан», – дейди. Шу ерда узоққина сўзлашиб турғандан сўнг яна отни кейинға қараб қўйдик. Тағи улардан ўзиб кетдим. Халқقا яқинлашғач: «Мани ҳам таниб қўйсинлар-чи», – деб тойимни қистаб юборишим билан



шамол-де, шамол... Энди халқ бир ўзимга, бир қора қашқама тикила бошлади. «Мана, энди танийсан», – деб тойимнинг ёлини қамчи сопи билан тараб тура бердим.



### Савол ва топшириқлар.

1. Турғуннинг табиатини унинг қайси хатти-ҳаракатидан билиш мумкин?
2. От анжомларини “Кластер” стратегияси асосида тўпланг.
3. Турғунбойни ҳақиқий чавандоз дейишга бўладими?



## IV

Ёнимиздаги томошачилар:

- Ана-ана, улоқнинг солигини йиғуб ётибди!
- Улоқ ҳозир бошланадир!
- Мурод чавандоз ҳам турди!
- Салим қалпоғини кийди!
- Турсун қассоб улоқни бўғизламоқчи, ана пичогини қайради!
- Бойбаччалар ҳам туришдилар!
- Салим чопонини ешмоқчиға ўхшайдир!
- Ҳаб, баракалла, шоввозлар!

Жувир-жувири бошланди. Ўртоқлар билан биз ҳам тўзимсизланиб, улоқ бошланишини кутамиз.

Чавандозларнинг қайсиси тўнини чечмакда, қайсиси отининг айилини маҳкамламакда ва қай бири улоқга солик бермакда эди. Акам ҳам шоҳи салласи билан беқасам тўнини манга бериб, ўзи ўртага от ўйнатиб кетди. Энди улоқчилар маърақага жам бўла бошлиған бўлсалар ҳам, лекин ҳамон улоқ бошланмаған эди. Бутун томошачилар сабрсизланиб: «Улоқни сўйиб бўлмадими, яхлаб қолдими?» – дейишадилар.

Хув, орадан талай вақт ўткандан сўғун бўғизланған улоқни олдиға ўнгариб, Ориф саркор ва унинг кетидан бояги машҳур чавандозлар ҳам қалпоғни чаккага қия қўюб, эгарга қийшув ўлтуруб, ўртага кирдилар.



Томошачилар улоқни күрган он: «Хаҳ, жонвор, бормисан?» – дейишилар. Ўртадагилардан аллаким:

– Улоқнинг қони яхши ювилдими? – деб сўраган эди, Ориф саркор:

– Хотиржам! – деб улоқни шалп этиб ерга ташлади. Ўзи бизга ёқинроқ келиб:

– Ўртоқлар, бола-чақаларни четка чиқаринглар, от оёғида қолмасунлар, ўзларингиз ҳам эҳтиётроқ жойда туинглар! – деб вағиз<sup>1</sup> қилди.

Ориф саркор фотиҳани олуб, отини югуртириб, тўдага кетди. Томошачилар ўртадаги билиш-танишларига: «Бугун ғайратингларни кўрамиз-да!» – деб бақиришилар.

Энди улоқ бошланди. Бириси оладир, иккинчи бириси тортадир... Иккинчининг ёнига учунчи, тўртинчиси тушиб,

<sup>1</sup> Вағиз – «ваъз» сўзининг бузилгани.



бирдан ҳамма улоқчилар ўртага олуб тортишадирлар... Ҳар ким ўзига олиш ҳаракатида... Бири улоқнинг думидан тутса, иккинчи, учинчилар оёғидан, ёлидан тортадирлар. Шу равишда ярим соат тортишув – эчкини ёқ-ёқдан буйдашув борғандан сўнг қайси бир худо ярлақағани, ўртадан улоқни олуб чиқса, кетидан улоқчилар чуғурчуқдек ёпирилуб, тафи тортиш бошланадир.

Томошачилардан: «Тақимга бос, тақимга!», «Бошини қўй, човига қамчини шигаб<sup>1</sup> бер!», «Бўш келма, маҳкам тут!», «Юганни бўшат, қамчини тишлаб тут; ёнингга алақсима!», «Тутдинг-тутдинг, берма, чапка бурул, чапка!»... деган товушлар ҳалидан-ҳали эшитилиб турадир. Улоқ ерга тушиб-нетиб қолса, томошачилардан қайси бири югуриб боруб, улоқни ердан оладур. Укасими, ўртоғими, ким бўлса ҳам ўз яқинига тутқузмоқчи бўладир. Лекин бошқа улоқчилар улоқни ундан олмоқчи бўлуб устига йигиладирлар. Ул бермайдир. Бошқалар ўртага сиқадирлар...

Анчадан кейин бечора оқсоқлануб ёки қўлини силаб ўртадан чиқадир. Тортган азобини сўзлий-сўзлий бир чекка-га кетадир.

Ота болани, ака укани танимайдир, чанг-тўзон, терланган-пишилган; ҳар ким улоқни тақимга босмоқ қайғусида... Боз ёрилуб, кўз чиқған билан, отдан йиқилуб, қўл синган билан иш йўқ; ишқилуб улоқни тақимга босилса бўлғани!.. Тақимга босиш ўзи нашъалик-да<sup>2</sup>!

Тақимга босмоқ ҳар кимга ҳам муяссар бўлмайдир. Тақимга кўпроқ босғувчилар ҳалиги чавандозлар: азоблануб бўлса ҳам тақимга босғач, отқа қамчи бериб, эллик-олтмиш газ нарига қочуб, бошқалар тарафидан яна тутиладирлар. Яна тортиш...

Улоқ бошланғанига бирор соат вақт ўткан эди. Бирдан улоқчилар сув қуйғандек тинчиб, тортиш ўрнида тўпланишиб қолдилар. Биз отлиқ, яёв томошачилар ҳаммамиз ҳам ўртаға

<sup>1</sup> Шигаб – кетма-кет, такрор.

<sup>2</sup> Нашъалик – завқли, ёқимли.



югуришдиқ; ман кейинроқ борғаним учун отлиқ, яёв халқ ўртани сириб олғанлар ва ман бир чекада қолған эдим. Ўртаға киришнинг эби бўлмағач, кишиларнинг сўзига қулоқ солуб турдум. Лекин улоқчилар орасидағи гап барчага ҳам номаълум бўлуб, ҳар кимнинг юзида таажжуб ва оғзида ёнидағидан: «Нима гап-а?» – деган савол эди.

Бир қанчадан кейин ўртадан «Қимирлатманг-қимирлатманг!» – деган товиш эшитилуб, халқ яна тўзимсизланиб кетди.

- Нари бўлинглар-о-о-ав, – деб ўртадан бирор бақирди.
- Халқ бир четлик бўлуб йўл очди.
- Нима гап? Нима гап?!
- Ҳеч нарса эмас, Эсонбойни от босибдир!
- Қўрқунч эмасми?
- Йўқ.
- Сағал<sup>1</sup>...

Кишилар бир-бировлариға: «фалакат-фалакат» – дейишилар.

«Нари тур, бери тур» билан беш-олти киши отқа босируқ бўлғанни ўртадан олуб чиқдилар ва саданинг тегига келтируб, ётқуздилар.

Дарров бир киши аравага юборилди. Биттаси: «Ўзига келармикан?» – деб, от босқан Эсонбойнинг юзига сув сепуб кўрган эди, қимир этмади.

- Беш-олти отнинг тегида қолди-да, бечора!
- Ўнта отнинг тегида қолса ҳам ҳеч нарса эмас-а: қалтисроқ еридан босқанга ўхшайдир...

Бечора бултур, ҳайитда манга яrim сўм ҳайитлик берган эди. Шунинг учун, илохи, яхши бўлсун, деб кўнгилдан ўтқуздим.

Кечаки мани от қоққан экан<sup>2</sup>. Чунки ўрнимга кириб ётишим билан тарракдек қотуб ухлабман. Эрталаб ойим: «Тур-тур тезрак, даданг келса, урушадир», – деб устимдан қўрпани

<sup>1</sup> Сағал – салгина.

<sup>2</sup> От қоққан экан – от чарчатган экан.



тортуб ташлади. Ман уйқулық кўзим билан: «Дадам бозор кетмадими?» – деб сўраган эдим:

– Эсонбойни жанозасида! – деб жавоб берди.  
Маним уйқум ўчди...



### Савол ва топшириқлар.

**Г**

1. Турғунбой тимсолига “Тўплаштириш” стратегияси орқали тавсиф беринг.

2. “Ўғли овга чиқса, онаси тақимини қисар” мақолини асарга таянган ҳолда изоҳлашга урининг.

3. Воқеа йилнинг қай фаслида бўлаётганини тасвирловчи қисмларни асардан топиб, фикрларингизни исботланг.

**Я**

4. “Маним уйқум ўчди...”деган гапи билан асар қаҳрамони нима демоқчи?

**Ж**

5. Турғуннинг ойисини кўндириш учун: «Озроқ шайтон йифиси қилмагунингча иш ўнгиға келмайдир», – деган фикрига таяниб, унинг табиати ҳақида фикр юритинг.

**Ж**

6. Асарни “Моделлаштириш” стратегияси орқали таҳлил қилинг.

**Я**

7. Асарнинг охирини Сиз қандай якунлаган бўлардингиз?



### Ҳикоя ҳақида

**Ҳикоя** – ҳаёт ҳодисалари, инсон ўйлари ва кўнгил манзаралари ихчам ифода этиладиган насрый асар. Ҳикоя қора сўз (сочма) билан ёзилади. Унда муаллиф эътиборини тортган бир ёки бир неча воқеа ёхуд ҳолат акс этади. Воқеа ёки ҳолатнинг сабаблари, илдизи, оқибатлари кенг ва атрофлича тасвирланмайди. Сиз ҳозиргина танишиб чиққанингиз «Улоқда» ҳикоясида ҳам улоқни ким бераётгани, қандай солимлар қўйилгани, қанча от келгани батафсил кўрсатилмаган.

Боланинг отаси, онаси ҳақида ҳам маълумот берилмаган. Балки умрида биринчи марта ўзи мустақил равишда от миниб кўпкарига борган ўн икки яшар ўсмирнинг ўйлари, қувончи, ғурури, кузатишлари тасвирланган.



Ҳикоя жаҳон адабиётида жуда кенг тарқалган, француз адабиётида Мопассан, америка адабиётида О.Генри, рус адабиётида Чехов сингари ҳикоя усталари мавжуд.

Туркий адабиётларда ҳикоя қадимдан бор бўлиб, «ҳикоят», «ривоят», «ангаме» номлари билан юритилган. Бу жанрнинг замонавий намуналари ўзбек адабиётида XX аср бошларида пайдо бўлди. Абдулла Қодирийнинг «Улоқда», «Жинлар базми», Чўлпоннинг «Ойдин кечаларда», «Новвой қиз» асарлари илк ўзбек ҳикоялари намуналариdir. Фитрат, F.Фулом, Ойбек сингари адиблар ҳам яхши ҳикоялар ёзишган. Абдулла Қаҳҳор эса ўзбек ҳикоячилиги устаси сифатида тан олинган. Сайд Аҳмад, Шукур Холмирзаев, Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул каби ёзувчилар бугунги ўзбек ҳикоячилигининг пешқадам намояндалари саналишади.

## ҲАМЗА ИМОНБЕРДИЕВ

(1954–1997)

Ижоди ўзбек болалар адабиётининг ривожида салмоқли ўрин туттган шоир Ҳамза Имонбердиев Қозоғистон Республикасининг Жанубий Қозоғистон вилоятига қарашли Сўзоқ қишлоғида дунёга келган. Қишлоғидаги ўрта мактабни тугатгач, 1971 йилда Ўзбекистонга келиб, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг (ҳозирги Педагогика университети) ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди ва уни 1975 йилда муваффақиятли битирди.

Ёшлигидан бадиий завқи баланд талантли ва тиришқоқ йигитча болалар шеъриятиning таниқли вакили Турсунбой Адашбоев таъсирида болалар адабиётига кириб келди ва бутун умри давомида бу адабиёт равнақига сидқидилдан хизмат қилди.





Хамза Имонбердиев бор-йўғи қирқ уч йилгина яшади, шундан йигирма уч йилини бадиий ижодга бағишилади. Лекин шу қисқа вақт ичида ўзбек болалар адабиётида мустаҳкам ўрнини топди. У болалар шеъриятига мураккаб тақдирли, туйғулари серқатлам, ўйлайдиган, изланадиган, қийналадиган замондошларимиз тимсолларини олиб кирди. У бола деган мавжудотнинг буюк мўъжиза эканини асарларида акс эттиради. Уни жўнлаштириш, бадиий ижодни қуруқ панд-насиҳат воситасига айлантириш адабиётга хиёнат эканлигини теран ҳис этди. Натижада, ўзбек болалар шеърияти туйғулари ҳам, кечинмалари ҳам табиий бўлган қатор асарлар билан бойиди.

Х. Имонбердиевнинг Сиз ўрганишингиз керак бўлган «Оҳу» ва «Ғанича» сингари шеърлари ўзбек болаларини ёшлигиданоқ ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати билан юзлаштириш, одамлар табиатни борича пардозларсиз кўрсатиш самаралари бўлган асарлардир.

## ОҲУ



### Матнолди тошириқлар

1. Сиз ов ҳақида нима биласиз?
2. Яқинларингиз билан ҳеч овга чиққанмисиз?
3. Овчиларнинг жониворларни овлашга муносабатингизни билдиринг.

Гуруллаган овоз тутар  
Бўздаланинг ҳар ёғин.  
Бир дам Оҳу ҳушёр тортар,  
Динг қилганча қулоғин.  
Улоқчаси ҳам норози  
Тўймай она сутига.  
Қотиб қолди тушгач кўзи  
Жонли «қора қути»га.  
– Мен чалғитиб қайтай хўпми,  
Тура-тургинпанада, –





Дея Оху учди-кетди,  
Онаизор она-да.  
Зумда унинг изларидан  
«Қора қути» елади.  
Улоқ боқар умид билан:  
«Адаштириб келади».  
Ўқ гумбурлар, Оху қулаб,  
Қоришади тупроққа.

Жон-жаҳд билан типирчилаб,  
Уринади турмоққа.  
Зил қўрғошин ерга тортар,  
Қон тўлади оғзига.  
Етиб келган браконьерлар<sup>1</sup>  
Пичоқ тортар бўғзига.  
Улоқчанинг кўзидан ҳар  
Думалаган маржон ёш,  
Қизил рангли Гулга томар,  
Гул кўтараар аста бош:  
– Оҳужоним, қора қўзим,  
Бунча қайноқ ёшгинанг.  
Оҳужоним, тингла сўзим,  
Баланд кўтар бошгинанг.  
Ёвузларни тутгай бу кеч  
Кўз ёшларинг уволи.  
Энди улар таъқибдан ҳеч  
Бўлолмайди тинч, холи.  
Мени тўйиб бир бор ҳидла,  
Дард, ўлимни билмайсан.  
Ажал сочар ўқлар нима,  
Сира парво қилмайсан...  
Оху бир дам ҳушёр тортар,  
Гулга боқар ҳайрона.  
Кўз ўнгидан такрор ўтар:  
Ўт пуркагич... зор она...

<sup>1</sup> Браконьер – қонунсиз ов билан шуғулланувчи киши.



Гулни ҳидлаб, Оҳу шу чоқ  
Қувват сезди ўзида.  
Баданига кириб титроқ,  
Фазаб ёнди кўзида.  
Бир ўч ёқди Оҳу жонин  
Ёвузларга қасдма-қасд.  
Ўч олмоқлик имконини  
Излаб елар басма-бас.  
Жонли «қутин» йўлин кесиб,  
Учиб чиқди панадан.  
Авжга чиқди уни кўриб  
Кий-чув, ур-сур янада.  
Оҳу учиб борар, ногоҳ  
Ўқ гумбурлар устма-уст.  
Унинг кулранг бадани, оҳ,  
Зумда олар алвон тус.  
Ҳамон Оҳу учиб борар,  
Таъқибнинг-чи, чеки йўқ.  
Жик-жиқ терга тушиб борар,  
Ерга тортар зилдай ўқ.  
Бир ўч ёққан Оҳу жонин  
Ёвузларга қасдма-қасд.  
Ўч олмоқлик имконини  
Излаб елар басма-бас.  
Қони қайнар ҳайдовчининг,  
Тишларини қайрайди.  
Машинани ўлжасининг  
Тик устига ҳайдайди.  
Оҳу шиддат билан келиб  
Туман сойдан учади.  
Фарзандини она каби  
Қирғоқ енгил қучади.  
Ўкирганча «қора қути»  
Изма-из келиб тикка,  
Англолмай не бўлганин  
Шўнғиб кетар жарликка...



Бўздаланинг устидан кун  
Нурларини тараарди.  
Шох, буталар орасидан  
Оҳу сузиб борарди.



### Савол ва топшириқлар.

Г

1. “Соябон” ўйини орқали шеър мазмуни ҳақида тушунганларингизни тенгдошларингизга айтиб беринг.

Я

2. Она оҳуга хос қандай жиҳатлар барча оналарга мансуб эканлигини талқин қилиб иш дафтaringизга ёзинг.

Ж

3. Ўзингизни гулнинг ўрнига қўйганингизда яна қандай юратиш сўzlари айтган бўлардингиз?

4. «Т-жадвал» стратегияси. «Қора қути». Жадвални тўлдиринг.

Ўрганилаётган масала	
Афзаллиги	Камчилиги

Я

5. “Табиатни асранг, одамлар!” мавзусида эссе ёзинг.

## ФАНИЧА

– Ана, Санжар! Қочдик, ҳой!  
Бу сўз янграган чоғда,  
Иштонча ҳам кийилмай  
Қолиб кетар қирғоқда.  
Йўқса, Санжар полвоннинг  
Икки бўлмасди сўзи.  
Чўмилтириб қўярди  
Сувга бўқтириб ўзи.  
Фақат бугун қочмоқни  
Эп билмади Фанича.  
Кўп-хўп еди калтакни,  
Сув ютди тўйгунича.  
– Сен қайда-ю, у қайда,  
Ўчакишиб нетасан?  
Кишлоғимиз шефи у,



Майиб бўлиб кетасан!  
Деб ўгит берган «доно»  
Бўлди қанчадан-қанча.  
Бу гапларга бепарво,  
Лоқайд боқар Фанича.

– Бир кун чўпон бўласиз,  
Ўтлашади ўзлари.  
Йўқолса нақ ўласиз,  
Санжарнинг қўзилари!  
Йўқ демоқчи бўлганлар,  
Эҳ-хе, қанча-қанчалар.  
Бироқ қўйдай маъратар  
Қўзғолончини Санжар.  
Биргина бош эгмоқни  
Эп билмади Фанича.  
Кўп-хўп еди калтакни,  
Солишиди тўйгунича.  
– Сен қайда-ю у қайда  
Ўчакишиб нетасан?  
Қарши чиқмоқ бефойда,  
Майиб бўлиб кетасан!  
Деб ўгит берган «доно»  
Яна қанчадан-қанча.  
Бу гаплардан сўнг, аммо  
Ўйлаб қолди Фанича.

Навбатдаги ҳақорат  
Тоши отилган пайти.  
Фанидаги жасорат  
Изига кетди қайтиб...  
«Менга нима олишиб,  
Хеч бири олмас ёним.  
Нима азобга солиб,  
Оғритиб ширин жоним.



Итлигини қўймас у,  
Қанча ёниб-куйинмай...»  
Шу чоқ дилига қўрқув  
Босиб келди қуюндей.  
Фани бир дам тош қотди,  
Борлик рангин йўқотди.  
Оёқ-қўли бўшашиб,  
Туриб қолди караҳтдай.  
Қалқиб кетди, кесилиб  
Кулаётган дараҳтдай.  
Бирдан ҳайқирди: – Йўқ! Йўқ!  
Ва Санжарга ташланди.  
Яна мушту яна дўқ,  
Яна ур-сур бошланди.  
Ха, бу гал ҳам қочмоқни  
Эп билмади Фанича.  
Кўп-хўп еди калтакни,  
Солишиди тўйгунича.  
Ҳар ён кетди рақиблар  
Бир-бирига демай сўз.  
Барча бола жим боқар  
Фаничадан узмай кўз.



#### Савол ва топшириқлар.

**Г**

1. Гуруҳда ишлаш: 1-гуруҳ: “Ор”. 2-гуруҳ: “Номус”. 3-гуруҳ: “Эрк”. Гуруҳ номларига хос бўлган хусусиятларни шеър матнинг таянган ҳолда излаб топинг.

2. “Ақлий ҳужум” стратегияси: Фанича нима учун дўстларининг гапига қулоқ солмади?

**Ж**

3. Фанича ва Санжар тимсолларини Венн диаграммаси асосида қиёсланг.

**Я**

4. Дўстларингиз орасида ҳам Фанича ҳамда Санжар сингари болалар борми? Бор бўлса, уларга қандай маслаҳатлар берардингиз?

**Г**

5. “Ҳаётда қўрқиб яшагингиз келадими ёки курашиб?” мавзусида кичик давра сухбати уюштиринг.

6. Шеърнинг шакл ва мазмуни ҳақида ўйлаб кўринг.



## ҒАФУР ГУЛОМ

(1903–1966)

Ғафур Фулом 1903 йил 10 майда Тошкентда туғилган. Ота-оналари саводхон, адабиётга ихлосманд одамлар бўлишган. Бўлажак ёзувчи 9 ёшида отасидан етим қолиб, болалиги машаққатли ўтган. Ғафур аввал эски мактабда, сўнгра рус-тузем мактабида таълим олди. Ёш боши билан қилмаган хизмати, тутинмаган иши қолмаган. У Октябрь тўнтаришидан кейинги йилларда муаллимлар тайёрлов курсини битириб, янги усулдаги мактабларда ўқитувчилик қилди. 1923 йилдан болалар уйида мудир ва тарбиячи, сўнг журналистика билан шуғулланган. Мунтазам мактаб кўрмаган бўлса-да, улкан истеъоди, ғоят тиришқоқлиги ва ўз устида астойдил ишлаганлиги боис ўзбекнинг дастлабки академикларидан бири даражасигача етган F.Фулом 1966 йил 10 июнда вафот этган.

Ғафур Фулом шоир, носир, адабиётшунос, публицист ҳамда таржимон сифатида танилган. Болаларни жуда ҳам яхши кўрган адаб умри мобайнида болаларга атаб кўплаб асарлар яратган. Унинг иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзган машҳур «Сен етим эмассан» шеъри ҳам ота-оналари фронтда ҳалок бўлган болаларга бағишлиланган эди. Сиз қуйида Ғафур Фуломнинг болалар ҳаётини кўрсатишга бағишлиланган яна бир асари – «Менинг ўғригина болам» ҳикояси билан танишасиз.



## МЕНИНГ ЎҒРИГИНА БОЛАМ

(Воқеий ҳикоя)



**Матнолди топшириқлар.**

1. Кимни ўғри деб тушунасиз?
2. Ўғри ва ўғриликка муносабатингиз?

Отамизнинг ўлганига анчагина йил ўтиб кетди. Бу йил – ўн еттинчи йилнинг кўкламида онамиздан ҳам ажралиб, шум етим бўлиб қолдик. Биз тўрт етимдан хабар олиб туришга катта онам – онамнинг оналари Роқиябиби келиб турибдилар. Бу кишини биз эркалаб «қора буви» деб атаймиз. Оқшомлари бувим бошлиқ ҳаммамиз олди очиқ айвонда увунтўда<sup>1</sup> кўрпа-ёстиқларга ўралиб, биттагина Ўратепанинг кир ип шолчаси устида ухлаймиз.

Сентабрь ойларининг охири, илк куз оқшомларидан бири эди. Ҳаво анчагина салқин. Биз етимлар бир-биrimizning пинжимизга тиқилиб, бир-биrimizни иситиб уйқуга кетганимиз. Қаторда энг сўнгги бўлиб, она чумчуқдай қора бувим ётардилар, у киши саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар. Бу оқшом уч хўroz ўтгандан кейин<sup>2</sup>, етти қароқчи юлдузи тик келганда, ғўнғир-ғўнғир овоздан уйғониб кетдим. Бувим ким биландир анчагина баланд овозда сухбатлашмоқда эдилар. Ҳовлимиз ота-бувадан қолган, анчагина катта бўлиб, тўртбурчак таноби ҳовлилардан эди. Гир атрофи иморат, шимол томонда амакиваччаларимиз туришарди. Лекин улар ёзда боқقا кўчиб кетадилар. Ҳозир улар томон бўш.

Буни қаранг-а, бизнинг уйимизга ўғри кепти. Бизни ҳам одам деб йўқлайдиган кишилар бор экан-да, дунёда. Эртага ўртоқларимга тоза мақтанадиган бўлдим-да. «Бизнигiga ўғри келди». Фурур билан айтилса бўлади. Лекин ишонишармикин?

<sup>1</sup> Увунтўда – эски, жулдур.

<sup>2</sup> Уч хўroz ўтгандан кейин – хўroz уч қичқиргандан сўнг, яъни тонгга яқин.



Ўғри ўша амакиваччаларнинг томидан секин юра келиб, бувимнинг тўғриларига келганда акса уриб юборибди. Бувим эса ёстиқни кўкракларига қўйиб, тил тагидаги нос билан ўйлаб ётар эканлар. Бувим туф деб носни туфлаб, томга қараб:

– Ўғригина болам, ҳой ўғригина болам, ҳойнаҳой бирор тирикликнинг кўйида томга чиққан кўринасан, ахир касбинг нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдими, – дебдилар.

Ўғри томдан туриб:

– Ахир, бувижон, сиз ҳам бироргина кеча тинчингизни олиб ухласангиз бўлмайдими, бизнинг тириклигимизнинг йўлини тўсаверасизми? – дебди.

Мен гап шу ерларга келганда уйғониб кетган бўлсам керак, қолган гапларни эшитганимча қилиб ёзаман.

– Ҳой, айланай ўғригина болам, бошимда шундай мусибат турганда кўзимга уйқу келадими. Мана, олти ой бўлди, бирор соат мижжа қоқиб ухлаганим йўқ. Кундуз кунлар гарангдай довдираб юраман. Бирор ерга ўтиб, мизғигандай қуш уйқуси қиласман. Кечалари хаёл олиб қочиб кетади.

– Нималарни хаёл сурасиз, бувижон? – Бу гапдан кейин устидаги тўнини турмучлаб<sup>1</sup>, бўғотнинг устига ёстиқ қилиб қўйиб, ўғри ҳам ёнбошлаб олди.

– Нималарнинг хаёлини сурардим. Шу тўртта етимнинг эртасини ўйлайман-да, болам. Замонни ўзинг кўриб турибсан, тириклик тошдан қаттиқ, туюнинг кўзидай нон анқога шапиғ<sup>2</sup>. Ҳали буларнинг қўлидан иш келмайди. Сўқ-қабошгина аравакаш тоғаларининг топгани ўзининг рўзғоридан ортиб, буларга қут-лоямут<sup>3</sup> бўлиши қийин. Рўзғорда бўлса, кўз кўриб, қўл тутгудай арзигулик буюм қолгани йўқ. Бир чеккадан сотиб еб турибмиз. «Туриб еганга Турумтоғ чидамас», деганлар. Эҳ-а, бу болалар қачон улғаяди-ю, қачон ўзининг нонини топиб ейдиган бўлади. Чор-ночор хаёл

<sup>1</sup> Турмучламоқ – юмалоқлаш.

<sup>2</sup> «Анқога шафеъ», иборасининг бузилган шакли.

<sup>3</sup> Кут-лоямут – ўлмасликка етарли бойлик.



сурасан, киши. Тағин бу етимларнинг биттагинаси ўғил, учтаси қиз. Энди ўн тўртдан ўн бешга ўтди. Қизлари қурғур қачон бир ерга эллашиб кетади-ю. Ўзи ўраб, ўзи чирмаб оладиган жой чиқмаса, буларга кимнинг ҳам кўзи учиб турибди дейсан. Замон қаттиқ, ўғригина болам, замон қаттиқ!

– Тўғри айтасиз, бувижон, – деди ўғри, – менинг ҳам икки болам, хотиним, битта кампир онам бор, бир товуқقا ҳам дон керак, ҳам сув керак, деганларидек, шуларни боқишим керак. Тўртта чавати нон топиш учун ўзимни ўтга, чўққа, Алининг тифига ураман. Бўлмаса, ишлай десам билагимда қувват бор, ақлу ҳушим жойида. Менга ҳозир шу қилиб турган ўғрилик касби ёқади, дейсизми. Туппа-тузук аёлманд косибининг боласи эдим.

– Бирор бошқа касб қилсанг бўлмайдими, болам, – деди кампир.

– Нима касб қилай? Ҳамма касбларнинг ҳам бозори касод<sup>1</sup>. Ота касбим кавушдўзликни қилайми? Аввало шуки, кавуш тикишга на чарм бор, на сирач, на мих, на лок. Масаллигининг ўзи, битиб чиққан кавушдан уч баравар қиммат. Ҳаммоллик қилай десам, аввалгидек қоплаб ғалла, қоплаб сабзи-шолғом оладиган бадавлатларнинг тухуми қуриган. Тунов куни шу маҳалланинг девкор этикдўзларидан Бувамат ота бутун қолипу, шону<sup>2</sup>, сўзан<sup>3</sup>, бигизларини улгуржисига икки пуд жўхори унга моваза<sup>4</sup> қилди. Яхши қилди.

Унинг этигини киядиган ўзбек, қозоқ, қирғиз деҳқонлари қаёқда дейсиз, қолган эмас. Фақат уларнинг етимларигина шаҳримизни тўлдириб юрибди. Қайси бурчакка, қайси чордеворга бош суқманг, ўн бешта етим ювуқсиз қўлини чўзиб, «амаки нон беринг», дейди. Нон-а, ўзимникига тополмайман-у. Битта ман эмас, буви, маҳалладаги ҳамма косибларнинг аҳволи шунақа. Пичоқчилар ҳам, бўзчилар

<sup>1</sup> Касод – суст, синган.

<sup>2</sup> Шон – этикнинг кўнж, бўрбой қисми қолипи.

<sup>3</sup> Сўзан – этик чокини тикадиган маҳсус игна, жуволдиз.

<sup>4</sup> Моваза – айирбош.





ҳам, кўнчилар ҳам, борингки, мактаб домлалари ҳам, муллаваччаларнинг ҳам ранги пано<sup>1</sup>. Бир қошиқ оби ёвғонга зор. Санқиб юрибди.

– Ҳув, худоё уруши бошига етсин. Қиёмат-қойим дегани шудирда-а, ўғригина болам. Ҳа, майли, шу етимларнинг ҳам пешонасига ёзгани бордир. Хўш, энди ўзингдан сўрай. Ахир, ноиложликданку, шу ҳаром йўлга қадам босибсан, ўзига тўқрок, бадавлатроқ одамларникига борсанг бўлмайдими? Мана, шу маҳаллада Карим қори деган читфуруш бор. Одилхўжабой деган пудратчи бор. Матёқуббой деган кончи бор. Буларнинг давлатику, мил-мил. Бешикдаги боласи ҳам четига байт ёзилган чинни косада ош ичади. Шуларнинг томини тешсанг бўлмайдими?



### Савол ва топшириқлар.



1. Нима сабабдан кампир ухлай олмасди?
2. Қандай шароит ўғрини бу касбга қўл уришга мажбур қилди?
3. Асада акс этган замон ҳақида нима биласиз?

Жавобингизни иш дафтaringизга ёзинг.

– Эй, бувим тушмагур, соддасиз-да, содда, – деди ўғри. – Бойларнинг уйига тушиб бўладими, уларнинг пахсаси саккиз қават, эшиклари темирдан, ҳар биттасининг қўрасида эшакдай-эшакдай иккита, учтадан итлари бор. Бу итлар ҳовли саҳнидан битта капалак ўтса, бир ҳафта вовуллайди. Одилхўжабойнинг ғуломгардишида-чи<sup>2</sup>, милтиқ ушлаган городовой<sup>3</sup> туради. Жонимдан кечибманми, ўлдирмаганда ҳам Сибир қилиб юборади<sup>4</sup>.

– Бу гапинг ҳам тўғри, ўғригина болам. Аммо, лекин эҳтиёт бўл. Эл-юртнинг олдида тағин бадном бўлиб қолмагин, – деди бизнинг кампир.

<sup>1</sup> Ранги пано – ранги сарғайган, ранги чиқмайди.

<sup>2</sup> Ғуломгардиш – ташки ҳовлини ўраб олган йўлак.

<sup>3</sup> Городовой – қўриқчи, миршаб.

<sup>4</sup> Сибир қилиб юборади – «Сибирга сургун килдиради» маъносида.



- Гапингиз тўғри, буви, тунов куни Ориф сассиқнинг отхонасидан тўртта товуқ, битта хўroz ўмарган эдим.
- Товуқ-хўroz дедингми? Ҳа, бу маҳлуқлари қурғур қақақлаб сени шарманда қилмадими?
- Ҳамма ишнинг ҳам ўз мароми бўлар экан, буви, товуқ олгани борганда чўнтағимга бир шишага сув солиб оламан. Кейин қўндоқнинг тагига бориб, оғзимни сувга тўлдириб товуқларга пуркайман. Товуқдай аҳмоқ жонивор оламда йўқ. Ёмғир ёғяпти шекилли деб ўйлаб, бошини ичига тиқиб, хап ётаверади, кейин битта-битта ҳиқилдоғидан тутиб халтага соламан.
- Шунақа дегин,вой товба-еј. Ҳамма ҳунарнинг ҳам ўзининг мурту гардони<sup>1</sup> бўлар экан-да.
- Шундай қилиб десангиз, бувижон, сиримнинг хашаги очилишига оз қолди. Йўқ, элликбошимиз Раҳмонхўжага хўрозни олиб бориб берган эдим, ишни бости-бости қилиб юборди, Раҳмонхўжа мен билан тузук, яхши одам. Бултур уни-буни сотиб, саксон уч сўм пул жамғариб: «Топганимиз шу, элликбоши ота» – деб пора берган эдим, рабочийга кетишдан<sup>2</sup> олиб қолди.
- Ҳа, ишқилиб, бола-чақасининг эгилигини кўрсин. Энди бу ёққа қара, ўғри болам, ҳадемай тонг ҳам ёришиб қолар. Ошхонанинг ёнидаги тутдан сирғалиб пастга туш, ўтинимиз йўқ. Ошхонада бир замонлар боғдан келган бир-иккита ёнғоқ тўнка бор, болтани олиб, шунинг бир чеккасидан озгина учирив бер, қумғон қўяман. Қеча тоғанг бериб кетган зоғорадан иккитасини олиб қўйғанман, биргаллашиб чой ичамиз.
- Йўғ-е, буви, – деди ўғри, – тўнка ёриб-ку берарман, аммо чой ичолмайман, чунки кун ёришиб қолса, мени таниб қоласиз. Жуда ҳам юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан.
- Вой ўлай, қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам. Бир нима олиб кет. Тўхта, нима олиб кетсанг экан, ҳа, дарвоҷе, ошхонада битта яrim пудлик қозон бор. Аллазамонлар

<sup>1</sup> Мурту гардон – мўйлов ва бўйин. Бу ерда «паст-баланди» маъносида.

<sup>2</sup> Рабочийга кетиши – Россияга мардикорликка жўнатиши.



үйимизда одамлар кўп, катта қозонда ош ичардик. Худонинг ғашига тегдик шекилли, шундок катта, гуркираган хонадондан мана шу тўрттагина етим қолиб турибди. Эҳ-а, булар қачон катта қозонни қайнатар эди-ю. Шуни олиб кета қол. Сотиб бир кунингга яратарсан, ўғригина болам.

– Йўқ, йўғ-е, буви, ёмон ният қилманг. Ҳа-ҳув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади. Яна катта оиласлар жам бўлади. Ҳатто, бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсин. Тўйларида ўйнаб-кулиб хизмат қилайлик. Хайр энди буви, мен кетаман, тоғ томон ҳам ёришиб қолди.

– Хайр, ўғригина болам, келиб тур.

– Хўп, она, хўп.

Мен ўша ўғри кишини танир эдим. Ҳалигача ҳеч кимга кимлигини айтган эмасман.



### Савол ва топшириқлар.

**Г**

1. Кампирдаги оналарга хос меҳр-муруватга мисоллар келтиринг.
2. Ўғрида ижобий хислатлар борми?
3. Нима учун бола ўғрини таниса ҳам ҳеч кимга айтмаган?
4. “Адашган воқеалар” стратегияси асосида қўйидаги асар парчаларини тартиби билан жойлаштиринг.

**Г**

1-парча. – Нима касб қилай? Ҳамма касбларнинг ҳам бозори касод. Ота касбим кавушдўзликни қилайми? Аввало шуки, кавуш тикишга на чарм бор, на сирач, на мих, на лок.

2-парча. Биз тўрт етимдан хабар олиб туришга катта онамонамнинг оналари Роқияби келиб турибдилар.

3-парча. Вой ўлай, қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам. Бир нима олиб кет.

4-парча. Ҳой, айланай ўғригина болам, бошимда шундай мусибат турганда кўзимга уйқу келадими. Мана, олти ой бўлди, бирор соат мижжа қоқиб ухлаганим йўқ.

**Г**

5. “Баҳс-мунозара” харитаси орқали ўғри хатти-ҳаракатини муҳокама қилинг. Жадвални тўлдиринг.

Ижобий	Салбий
Далиллар	Далиллар

**Я**

6. Уйига ўғри тушган одам аслида қўрқиши керак. Бу бола нега қувонди?
7. Инсоннинг қўзига қандай пайтларда уйқу келмайди? Фик-рингизни айтинг.
8. Ушбу воқеа содир бўлаётган даврни асар матнига таяниб тасвирланг.
9. “Суд жараёни” стратегияси.

**Г**

Оқловчи ва кампир – бир томон

Қораловчи ва етим бола – иккинчи томон

Сўнгти ечим қабулловчи – суд жаноблари



### Бадиий асарнинг миллийлиги

Бу дунёда одамлар миллатларга бўлинib яшашади. Ҳар бир миллат ўз маконида яшагани учун ҳам бошқа миллатлардан қайсиdir бир жиҳатлари билан ажралиб туради. Шунингдек, ҳар бир одам, катта-кичиклигидан қатъий назар, болалигидан ўзининг бирор миллатга тегишли эканлигини билиб ўсади. Оила ва мактабдаги тарбия туфайли одамда: «Мен – ўзбекман» ёки «Мен – қозоқман», – деган туйғу мавжуд бўлади. Худди ана шу туйғу миллий руҳдир. Миллатларнинг ўзига хослигини тайин этадиган энг катта ва асосий белги бу тилдир. Тилини унутган одамда миллат туйғуси бўлмайди.

Миллийлик – ташқи белги эмас. У ички ҳолатдир. Бирор миллатнинг вакили ўзининг қайси миллатга мансублигини билса ва шу билан фахрланса, унда миллат туйғуси шакланган бўлади.

Кимки бунга бефарқ қараса, унинг ташқи кўриниши, кийими, қошу кўзи қандайлигидан қатъи назар миллий туйғудан маҳрум кишидир. Миллатини танимаслик ва у билан фахрланмаслик улкан бахтсизликдир. Бу ота-онадан юз ўгиришга ўхшайди.

Ота-онани танлаб бўлмайди. Худди шунингдек, миллатни ҳам танламайдилар. Уни борича қабул қилиш, авайлаш, унинг ҳар жиҳатдан юксалишга ҳисса қўшиш лозим бўлади.



Айни шу ҳолатларнинг бадиий адабиётда акс этиши бадиий асарларнинг миллийлиги бўлади. Адабиётда миллийлик бу – асарда ҳалқ, миллат турмуши манзараларини, миллий урф-одатларни, миллат вакилларига хос хусусиятларни кўрсатишдангина иборат эмас. Ҳар қандай асл бадиий асар ўзбек тилида яратилганлигининг ўзи билан миллийdir. Агар унда фақат тил эмас, балки қаҳрамонларнинг табиатини тасвирлаш йўсини ҳам ўзбекча бўлса, у чин миллий асар бўлади.

Кўрдингизки, «Менинг ўғригина болам» ҳикоясидаги Роқияби ҳам, унинг ҳикоячи набираси ҳам соғ ўзбекча гапиради, ўзбекча фикрлайди, ўзбекча иш тутади. Акс ҳолда кампир ўғрига: «Вой ўлай, қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам. Бир нима олиб кет», – демаган бўларди. Ўсмир эса, эртага жўраларимга роса мақтанадиган бўлдим-да, – деб севинмасди. Чунки меҳмондан, уйга одам келганидан севиниш ўзбекнинг қонида азал-азалдан мавжуд бўлган сифатдир. Эҳтимол, «Менинг ўғригина болам» ҳикоясидагига ўхшаш воқеалар бошқа ҳалқлар ҳаётида ҳам учраши мумкиндири. Бирок ўғрини дўстга айлантирган «қора буви» хилидаги момо фақат ўзбеклардагина учрайди, ўзбек кампирларигина айни шу йўсинда фикрлайди, шу тарзда сўзлайди. Асарнинг миллийлиги айни шундай нозик, кўзга ташланавермайдиган жиҳатларни топиб тасвирлаш орқали вужудга келади.

Асарнинг миллийлиги ёзувчи истеъоди, маҳорати даражасини кўрсатувчи ўлчовдир. Шундай ўлчовларга тўғри келадиган асарлар фақат ўзбеклар учун эмас, балки бошқа миллатлар учун ҳам қизиқ туюлади. Чунки бундай асарлар ўзга миллат вакилларига ўзбекларни чуқур билиб олишга восита бўлади. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Ойбекнинг «Қутлуғ қон» сингари романлари, Абдулла Қаҳҳор «Ўғри», «Даҳшат», «Бемор»,Faфур Гуломнинг «Шум бола», «Менинг ўғригина болам», «Афанди ўлмайдиган бўлди», «Ҳасан Кайфий» каби ҳикояларида ўзбеклар турмуши манзаралари, миллатимизга хос бетакрор хусусиятлар ниҳоятда тиник, ҳаққоний, табиий, жонли гавдалантириб берилган.



## ОЙБЕК

(1905–1968)

Ойбек XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакилларидан бири. Унинг асл исми – Мусо, отасининг оти – Тошмуҳаммад. Ойбек 1905 йилнинг 10 январида Тошкент шаҳрида туғилган.

Отаси тирикчилик ўтказиш кўйида умрининг кўп қисмини шаҳар атрофидаги қозоқ қишлоқларида баққолчилик қилиб ўтказган. Бўлажак ёзувчининг тарбияси онаси – Шаҳодат Назар қизи ва бобоси зиммасида бўлган. Ойбекнинг ўша кезлардаги ҳаёти унинг «Болалик» қиссасида акс этган.

Ойбек олдин эски мактабда ўқиди. Сўнг «Намуна» мактабида таҳсил кўрди. 1922–1925 йилларда Навоийномидаги таълим ва тарбия техникумидаги ўқиди. 1930 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг ижтимоий факультетини тугатди. Ойбек шу университетда сиёсий иқтисоддан дарс берди. Катта қора кўзлари дунёга ҳайрат билан қарайдиган, қуюқ жингалак соchlари қўпириб тошган ва олам гўзалликларини, сўз сеҳрини ичдан нозик тудиган шоиртабиат Ойбек домлалик билан узоқ шуғулланмади. У ўзининг ҳаётини тўлиғича бадиий ижодга бағишилади.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида адаб «Қутлуғ қон» романини ёзади. Уруш авж олган бир пайтда эса «Навоий» романини тугатди. Бу икки роман Ойбек номини машҳур қилди.

Ойбек 1951 йилда оғир хасталикка йўлиқиб, умрининг сўнгги 17 йилини мажрухликда ўтказди. Ойбекда улкан истеъдод билан бирга туганмас ғайрат ва кучли ирода ҳам



бор эди. XX аср ўзбек адабиётида Ойбекдан кўпроқ асар ёзган бошқа адиб йўқ. Унинг шоир, ёзувчи, адабиётшунос ва таржимон сифатида яратган асарлари йигирма жилдни ташкил этади.

Ойбек 1968 йилнинг 1 июль куни вафот этган.

## ФОНАРЧИ ОТА



**Матнолди топшириқлар.**

1. Савоб нима?
2. Сиз ўз ҳаётингизда савоб ишларни қилғанмисиз?
3. Кўп савоб ишлар қиласидиган инсонлардан кимларни биласиз?

Тор, қийшиқ кўчанинг ўксиз<sup>1</sup> оқшомини Турсунқул аканинг чуруқ дарвозаси тепасига ўтқизилган бир фонарнинг титрак нурларигина ёритар эди. Уни ҳар куни кечқурун паст бўйли, бурушиқ юзли бир чол келиб, ёқиб кетар эди. Биз уни: «Фонарчи ота», дер эдик. У жуда ювош, индамас киши эди, кичкина нарвончасини чаққон қўйиб, аллақандай усталик билан чиқар, қўлтиғидан кир рўмолчасини олиб, авайлаб фонар ойналарини артарди. Фонарни ёққач, ерга тушиб, обкашдек букилган елкасига нарвончасини қўйиб, бирпасда кўздан йўқолар эди.

Фонар қурилган вақтларда бутун маҳалла қувониб, унга аллақандай меҳр ила қараган бўлсалар-да, фақат бу меҳр узокқа чўзилмаганди. Кейинча ҳар ким унга парвосиз бўла бошлади.

Айниқса, маҳалла болалари ила фонар орасида англашилмас душманлик уйғонди. Тўпланишиб, аввало бир-биrimizning дўппимизни отишар, фонарга дўппи кийгизган ўртоқ мерганлиги ила керилар эди. Кейинча бу ҳам бизни зериқтира бошлади, чунки пистон қадалган ёки ҳар турли ипаклар билан безалган дўппини кийиб олиб, фонар чиройли бир тус олар, бизни хафа қилгандек бўлар эди.

<sup>1</sup> Ўксиз – баҳтсиз, файзсиз, хунук.



Шунинг учун қўлимиизга тош, кесак олиб, фонарга ҳужум қилишни ўргандик. Бунда у жуда кучсиз эди: кичкина бир кесак ёки тош парчаси бечора фонарнинг ойна кўзларини ўпириб туширади. Кейин-кейин Фонарчи ота ҳафтада учтўрт марта унга «янги кўзойнак» тақиб кетишга мажбур бўларди. У кетди, дарров биз янги «кўз»ини ўйиб олардик. Шундай бўлса-да, Фонарчи ота «лом» деб оғиз очмасди. Унинг бу қилиғи бизга сира ёқмас, тутиб олиш учун пойласа, ҳатто биронтамизни тутиб урса экан, дер эдик. Аммо шу тилаклардан биттаси ҳам юзага чиқмасди.

Бир куни, намозшом вақти, кўчада болалар кўп эди. Ичимизда энг қўрқмайдиган, энг баттол Қосим чўлоқ: «Болалар!» – деди. Чангга ботган юзларимиз янги бир нарса кутиб, унинг кўзларига тикилдик.

– Фонарчи ота келадиган вақт яқин. Синдирамиз. Нима қиласар экан? – деди-да, қўлга илинадиган бир нарса қидира бошлади.





Қўлларимиздан ғизиллаб учган тош-кесаклар фонарнинг ҳамма кўзларини тешиб ўтган эди. Узоқдан Фонарчи отанинг букилган кичкина қомати яқинлаша бошлади. Нарвонча елқадан тушиб, таъзим ила деворга сужанди. Фонарчи ота унинг устига чиқди-да, «чирт» этиб, гугуртни ёқди: фонар тўрт тарафдан қулаган уй каби ажава тусда, яна бир томонга қийшайиб туради.

Биз ҳаммамиз керилиб туради. Баъзилар «пик-пик» кулишди. Чол касал одамга ўхшаб, секин-секин пастга тушди. Ўсиқ қошлири тагида қисилиб ётган кўзлари ила ҳаммамизга ялингансимон қаради-да, майин бир товуш билан:

– Тентак болаларим, бу қандай гап? Фонарга тегмасанглар, бир нарса бўладими? У юқорида, сизлар пастда ўйнай беринглар-да.

Болалар жим бўлган эди.

– Сизлар ҳали ёш, кўзларингиз ўткир. Қоронги ҳам, ёруғ ҳам баравар. Хуфтон бўлмасдан оналарингизнинг қучоғида пиш-пиш ухлаб қоласиз ҳаммангиз. Бизга ўхшаш қарикартанглар учун чироғ жудаям керак, – деди.

Болаларнинг кўзи чолда эди.

– Тунов куни кечаси қаттиқ ёмғир ёғиб турган эди. Бу ёққа келсан, кўча қоп-қоронғу. Фонарнинг тешик ойнасидан шамол кириб ўчириб қўйган. Ана у ариқнинг бўйига борганимда бир нима сувни шапиллатарди. Ёпирай, нима экан, деб фанорчамни ариққа тутсам, мендан ҳам қари бир киши ариқдан чиқолмай ётган экан. Дарров қўлидан тортдим, бир амаллаб четга чиқардим, ҳамма ёғи лой, жиқ-жиқ сув.

Болалардан бири:

– Вой, бояқиши, соқолиям, юзиям лойми?  
– Ҳамма ёғи лой бўлган... Кейин етаклаб уйига элтиб қўйдим, – деди чол.

Менинг кўзимга Фонарчи отанинг дегани шундай кўриниб келганди, Қосим чўлоқ:

– Ёлғон-ёлғон! – деб бақирди.



Болалар бирдан:

- Рост! – деб жавоб қайтариши.
- Ким энди синдирса, шуни тутиб берамиз отамга, – деди Ахмад.

Фонарчи ота:

- Ҳа, баракалла, энди синдирмайсизларми? – деди.
- Йўқ-йўқ, – жавоб бердик биз шу замон.

Кичкина нарвонини яна елкасига илиб, чол қоронғиликка кириб йўқолди.

Шундан бери, ҳақиқатан, фонарга ҳеч шикаст тегмади.



**Савол ва топшириқлар.**

**Г**

1. Гуруҳларга бўлиниб асар мазмунини ўзлаштиринг.
2. Болалар нима сабабдан чолни фонарчи ота деб аташарди?
3. Болаларнинг хатти-ҳаракатига ўз фикрингизни билдиринг.
4. Фонарчи ота болаларнинг ўй-фикрини қандай ўзгартира олди?
5. “Ақлий ҳужум”: Нима сабабдан Фонарчи ота болаларни ҳеч қачон койиб бермас эди?
6. Матн устида тадқиқот иши юритинг. Жадвални тўлдиринг.



Матннинг асосий ғоясини топинг.	
---------------------------------	--

Аниқ ва ноаниқ маълумотлар.	
-----------------------------	--

Фикрингизни расм билан тасвирланг.	
------------------------------------	--

Асадан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг.	
----------------------------------	--

Тарбиявий хулоса чиқаринг.	
----------------------------	--

**Я**

7. Фонарчи отага ўхшаш юмшоқ ва озорсиз инсонни ҳаётда учратганмисиз? Ўқиган асаларингизда-чи?
8. Сиз Фонарчи ота каби савоб ишларни қила оласизми?
9. “Мен ҳам савоб ишларни қила оламан” мавзусида кичик иншо ёзинг.
10. Фонарнинг қандай фойдаси бор? Саволга жавобни муҳокама қилиб, модерация асосида сараланг.
11. Фонарчи ота айтиб берган ҳикоя асардаги болаларга қандай таъсир қилди? Сизга-чи?





## НОСИР ФОЗИЛОВ

(1929 йилда тугилган)



Ёзувчи Носир Фозилов 1929 йили Қозоғистоннинг Жанубий Қозоғистон вилоятига қарашли Туркистон туманининг Қорачик қишлоғида дәңқон оиласыда дунёга келди. У Туркистонда ўрта мактабни тугатгач, 1949—1954 йиллар давомида Ўрта Осиё университетининг филология факультетида таълим олди.

Университетни тугатгандан сўнг, 1955 йилдан бошлаб «Гулхан» ойномасида адабий ходим, масъул котиб, «Ёш гвардия» нашриётида бўлим мудири (1960—1963), 1963 йилдан эса «Шарқ юлдузи» ойномасида адабий ходим, сўнгра наср бўлимининг мудири, масъул котиб (1970—1972) сифатида фаоллик кўрсатди. Ёзувчи ва ношир Носир Фозилов 1972—1980 ва 1984—1986 йиллар давомидаFaфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида катта муҳаррир ва наср бўлимининг мудири сифатида ишлаб келди. 1986 йилдан буён «Шарқ юлдузи» ойномасининг масъул котибидир.

1985 йилда унинг «Шум боланинг набиралари» китоби учун Faфур Гулом номидаги мукофот берилди. 1986 йилда эса қозоқ ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржимаси борасидаги фаоллиги учун Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси Бейимбет Майлин номидаги мукофотга сазовор бўлди. Шунингдек, унга 1990 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони ҳамда 1991 йилда «Устозлар даврасида» асари учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофти берилган.

Адабнинг «Оқсой», «Саратон» қиссалари 70-йиллар ўзбек адабиёти, хусусан, болалар насирида катта воқеа бўлди.



Адибнинг биринчи ҳикояси 1953 йили «Ленин учқуни» да босилган. Шундан сўнг унинг «Ирмоқ», «Қорахат», «Қўклам қиссалари», «Саратон», «Шум боланинг набиралари», «Устозлар даврасида», «Болалигим – подшолигим» каби қатор китоблари ўқувчиларга тақдим этилди. Адибнинг яна бир қатор асарлари қозоқ, туркман, рус ва бошқа тилларга таржима қилинган.

## ИНШО



### Матнолди топшириқлар.

1. Носир Фозиловнинг қайси асарини ўқигансиз?
2. Иниш нима?
3. Сиз ҳам иниш ёзганмисиз?
4. Яйловни қандай тасаввур қиласиз?
5. Қўй-қўзиларга қарашиб қийинми?

Кечакан ҳаво булут бўлиб кун бўйи ёмғир ёғди, пешинда мактабдан қайтаётганимиздагина тинди. Ёмғир тингач, уфқ қип-қизил бўлиб кетди. Дадамлар: «Уфқ қизарса, эртага ҳаво яхши бўлади», – дер эдилар. Ҳаво очилгач, севиниб кетдим.

Нега десангиз, булутли-ёмғирли кунда на яйраб ўйнай оласан, на тузукроқ дарс тайёрлай оласан! Ҳаво булут бўлгандан кейин қўлинг ишга бормай, кўнглинг бир хил бўлиб туаркан.

Мана, бугун ҳаво очик. Ўрнимдан туриб далага чиқдим. Эрталабки соф ҳавода роҳат қилиб керишдим. Тоғ ортидан энди ярмиси чиққан қуёшга тик қарай олмадим, кўзимни кафтим билан уқалаб, томорқадаги муздек ариқ сувига ювиндим. «Мана, энди, дарс тайёрлайсанми, ўйнайсанми, ихтиёр ўзингда!...» дедим ўз-ўзимга.

...Кўнглинг бир хил бўлиб туаркан, деганимнинг сабаби – бундан бир ҳафта илгари адабиёт ўқитувчимиз ҳаммамизга бир ҳафта муддат ичидан иншо ёзиб келинглар, деган эди. Ўқитувчимиздан:

– Қанақа мавзуда ёзайлик? – деб сўраганимизда, у:



– Эркин мавзуда; масалан, ўзларинг кўрган-билган нарсаларингни ҳикоя қилиб ёзсанглар ҳам майли, – деган эди.

Кўз очиб юмгунча бир ҳафта ҳам ўтиб кетди. Бугун дам олиш куни. Эртага биринчи кун, индинга иккинчи кун... унинг индинига учинчи кун адабиёт дарси бўлади. Иншони шунгача тугатишим керак. Қизиғи шундаки, ҳали ёзадиган нарсамни ўйлаб олганим йўқ. Нимани ёзсам экан-а? Бугундан қолса ёзолмаслигим аниқ.

Эрталабки чойимни ичиб, кейин хонтахта ёнига ўтиредим. Дафтаримни очиб, қаламимнинг учини тарашладим. Қўлимда ўткир қалам, олдимда тоза дафтар, ўйлаб ўтирибман. Қани энди миямга бирор фикр келса-чи!.. Ўзи каллада ҳеч нарса бўлмагандан кейин ҳаво очиқ бўлса ҳам, булат бўлса ҳам барибири экан, деб ўйладим. Бекорчилик пайтда ўйлаб қўйган яхши-яхши мавзуларим ҳам қўлимга қалам олгандан кейин тумтарақай бўлиб кетди...

Мени бу азобдан Жуман ака қутқармаганда, эҳтимол кечгача қаламимни чайнаб, ўйнаб ўтирашибидим?!

– Бугун менга бир қарашвормайсанми, Отабек? – деди у олдимга кириб.

– Бугун зарур ишим бор-да, – дедим мен, – бўлмаса жон деб борардим.

– Қанақа иш ўзи?

– Ишто. Кўрган-билган нарсаларимни ҳикоя қилиб ёзаман.

– Уни кечқурун ёзсанг ҳам бўлаверади. Бугун қўзи-улоқларни ювмоқчи эдим... Мансури тушмагур шаҳарга тушшиб кетди-да. Бўлмаса...

Кўклам чиқиб ҳали яйловни кўрмаган эдим. Овулимиз яйлов ўртасида бўлса ҳам, мол ёйиладиган яйловнинг ўзига яраша гашти бўлади. Кўрмаган нарсангни кўрасан, айниқса тоза ҳаво, мириқиб ҳордиқ чиқарасан. Ана шундан кейин қанча ишто бўлса ҳам бир ўтиришда ёзиб ташлаш мумкин.

– Майли, – дедим мен Жуман акамга розилик билдириб, – ҳозир кийиниб чиқаман.



Жұман акам хурсанд бўлиб кетди. Мен кийиниб ҳар эҳтимолга қарши чўнтағимга қалам, дафтаримни ҳам солиб олдим. Вақтим бўлса ёзарман, бўлмаса чўнтағимда тураг... Мендан нима кетди, дедим ўзимча.

Қўрага борсам, Жұман акам қўзи-улоқларни чиқариб, мени кутиб турган экан.

– Анави эшакка миниб ол, – деди у менга.

Мен эшакка миндим. Жұман акам бўлса ўзининг тўриқ отига минди. Иккимиз қўзи-улоқларни олдимизга солиб, аста-секин яйловга ҳайдадик. Орқамиздан Олапар ҳам эргашди...

Қўзи-улоқларнинг секин юришига ўрганган эшакнинг бир вазндаги ҳаракати мени зериктира бошлади. Жұман ака бу юришларга роса кўникиб кетган бўлса керак. Ахир у анча йилдан буён «Кўктерак» колхозининг қўзи-улогини боқади! Рост, қанча йил боқди экан-а?

– Жұман ака, – дедим мен аста унга яқинлашиб, – қўзи-улоқ боққанингизга неча йил бўлди?





– Етти йил, – деди у қисқа қилиб.

Жуман акамнинг қизиқ одатлари бор-да. Гапирсанг гапиради, гапирмасанг индамайди. Бироқ баъзан хуши келиб турса, сўзамол бўлиб кетадиган одатлари ҳам бор. Ўзи жуда ювош одам. Эсимни танибманки, у кишининг жаҳли чиққанини ёки бирони сўкканини эслай олмайман. Ёлғон бўлмасин, санқиб, қўзиларни орқасидан эргаштириб кетадиган баъзи бебош улоқларни: «Э, кана боссин сени, кана боскур!» – деб сўкар эди, холос. Бирор нарса сўрасанг, жавобини қисқа қилиб қўя қолади.

Энди мен ҳам индамай келавердим.

Яна назарим беихтиёр Жуман акага оғди: у кун иссиқ бўлса ҳам, устига пахтали сирма чопон кийиб, белини шартта боғлаб олган. Бошида боғичи тепасига боғланган қулоқчин, елкасида қўшофиз милтиқ... Сиртдан қараган кишининг кўзига у қадимий эртаклардаги ботирларга ўхшаб қўринарди.

У ҳам отининг тизгинини тортиб:

– Отабек, бу йил нечанчида ўқийсан? – деб сўраб қолди.

Ҳайрон қолдим. Наҳотки, туғишган амаким бўла туриб нечанчи синфда ўқиётганимни билмаса?!

– Еттинчида.

– Ўхў!

Шу савол-жавобдан кейин узилиб қолган сўзимиз яйловга борганда уланди:

– Энди қўзиларга бир оз қараб ўтира тур, – деди Жуман акам милтиғини елкасидан олиб, ўқ жойлаштирас экан, – мен ҳув қўйчиларга бориб қашлағич олиб келаман. Қўзиларни ювганда керак бўлади. Учраб қолса, баҳтингга йўл-йўлакай қуён-пуён ҳам отиб келаман. Қўзиларни сувотга<sup>1</sup> тушда олиб бориб ювамиз. Унгача бироз ўтласин.. Эшагингни тушовлаб қўйсанг, кетиб қолмай, қўзиларнинг ичиди юради. Эҳтиёт бўл!

– Хўп бўлади, – дедим.

<sup>1</sup> Мол суфориладиган жой.



Жуман акам отига миниб кетди. Олапар ҳам унинг кетидан эргашди. Қўзи-улоқларга бир ўзим қараб қолдим. Қушларнинг сайраши билан чигирткаларнинг чириллаши демаса, яйлов жимжит. Фақат узоқ-узоқларда сурув-сурув қўйлар, подалар ёйилиб юрибди, бир тўп жинғил тагидан ер бағирлаб қочган юмронқозиқ нарироқча бориб кўксига қўлини қўйиб, тик турибди... Ердан икки-уч метр баланд кўтарилган сўфитўрғай қанот қоқиб, жавлон уриб сайраяпти. Атрофда, узоқ-узоқларда жимири-жимири қилиб кумуш нур – сароб балқийди.

Ҳадемай туш бўлиб қолди. Қўзилар кўм-кўк барра ўтдан бош кўтармасди. Жуман акам айтиб кетгандек, эшакни тушовлаб қўйиб, бир жинғилнинг соясига ёнбошладим. Қун исиб кетди. Чўнтағимдан қалам олиб яна хаёлга чўмдим. Барибир ҳеч нарса чиқмади. Эснай бошладим.

...Уйқу босган экан, қўзиларнинг гур этиб ҳуркиганидан уйғониб кетдим. Қарасам, қўзи-улоқлар ҳуркиб эшакнинг атрофига бориб тўпланиб турибди. Эшак бўлса орқасига қараб: «хўрс-хўрс» қиласди. Уларни бир томонга силжитиб, яна жинғил кўланкасига ўтиредим. Соядаги зах қум бирам ёқадики... Бу гал ухлаб қоламан деб, ёнбошламадим. Сояди ўтириб, хаёлга чўмдим: «Мана энди оппа-осон чўпон ҳам бўлиб олдинг, Отабек! Чўпон бўлган кишининг зерикканда овунадиган найи бўларди. Сеники қани? Ашула айтсанг ҳам бўлаверади-ку, бироқ, қойил қила олмайсан-да!..»

Ростини айтсам зерикиб кетдим: илгари Жуман акамларнинг хизматини менсимай юрадим. Энди билдим, оғир экан. Яrim кунга, йўқ-йўқ, уч соатга ҳам чидай олмадим.

Қўзи-улоқлардан баъзилари ҳали ҳам тўп жинғилга қараб-қараб қўяди. Бояги юмронқозиқ ўша томонга кетган эди, шундан ҳурккан бўлса керак, деб ўйладим. Майли, бу ҳеч гап эмас-ку, лекин зерикиб кетдим, нима билан овунсам экан?

Шу маҳалда қилаётган қилиғимни бирор четда кузатиб турган бўлса, менинг еттинчи синф ўқувчиси эканлигимга ишонмасди. Нима қилдинг денг?!



Битта калтакесакни қувлаб, зўрға тутдим. Тутдим-у жинғил чўп билан босиб қолган эдим, биланг-биланг қила бошлади. Бу ҳам бўлса әрмак-да. Томоша қилиб ўтириб, бир маҳал қарасам, мени думи билан алдаб, ўзи қочиб қопти. Жуда алам қилди. Шу кип-кичкина калтакесакка алданганимдан кейин...

Шунда қонжиғасига<sup>1</sup> икки-уч қуён, булдуруқ<sup>2</sup> осиб олган Жуман акам келиб қолдилар.

– Ҳа, Отабек, зерикмадингми? – деди у менга кулиб.

Зерикканимни башарамдан пайқади шекилли, менинг жавобимни кутмасданоқ:

– Қани, эшагингга мин, қўзиларни сувотга ҳайда! – деб буюрди.

Мен хўп деб эшакка миндим-да, таёғимни кўтариб қўзи-улоқларни ҳайдай бошладим.

– Сувот қайси томонда?

– Билмайсанми, илгариги жойда-ку.

– Анави, ўтган йилги, катта тол тагидами? Ширинсой-даги?

– Ҳа ана. Биларкансан-ку. Ҳайда... – Қўс-эй, жонивор, қўс!...



### Савол ва топшириқлар.



1. Жуман ака Отабекка нима таклиф қилди?

2. Отабек нега зерикиб кетди?

3. Яйловни тасвирлаб беринг ва расмини чизинг.

Сал ўтмай Ширинсой бўйидаги катта тол тагига етиб бордик. Чарчаб уйқум келиб турганимгами, қайдам, тол таги бирам чиройли, бирам озода қўриниб кетдики! Сувотни айтмайсизми, ҳар куни тушда қўзи-улоқлар, сигир подалари шу ерга келаркан. Шундай текис, бирам тақир жой бўлиб

<sup>1</sup> Эгардаги ов осадиган чарм тасмалар.

<sup>2</sup> Булдуруқ – чўл қуши, «қорабовур» ҳам дейилади.



кетибдики, нақ ойнадай ялтирайди... Қўзи-улоқлар кела солиб сувга ёпишишди. Мен эшакдан тушиб, Жуман акам олиб келган қашлағични, қуён, булдуруқларни тол тагига олиб бориб қўйдим. Жуман акам отини толнинг нариги томонига олиб ўтиб боғлаб бўлгунча, сигир пода ҳам келиб қолди.

– Хорманглар, – деди подачи.

– Ўзингиз ҳорманг, – деди Жуман акам, – қалай Ирисбек ака, сигирларга сўна тегмаяптими?

– Ҳозирча тинч, яна бир ойдан кейин кўрасан сўна тегишини. Жонини қўярга жой тополмай қолади, жониворлар... – у тол тагига келганда овларни кўриб қолди. – Ўхў, иш катта-ку.

– Бугун «жонингдан шўрва»ни ўзингиз қиласиз. Бизлар бугун бу қўзи-улоқларни бир ювинтириб ташлайлик.

– Э, Отабек мирза келган эканлар-да. Оббо азамат-эй. Бугун нега бунча ишлар катта бўлиб кетди десам... – деди Ирисбек ака, гўё боядан бери кўрмай турган кишидек. – Ҳа, дуруст-дуруст.

Жуман акам таёғи билан қўзи-улоқларни санай бошлади. Назаримда янглишди шекилли, қайта бошдан санади. Яна санади. Қўзи-улоқларни синчиклаб, оралаб ҳам чиқди. Кейин мени олдига чақирди:

– Отабек, бу ёққа кел-чи.

Негадир юрагим шув этиб кетди. Аста юриб олдига бордим.

– Оқ қўзи йўқ-ку?

– Қайдам! – дедим мен ҳайрон бўлиб.

– Қаёққа кетади! – деди у менга тикилиб. – Бир-биридан сира ажралмасди-ку?!

Мен индамадим. Жуман акам қўзи-улоқларга тикилганича ўйланиб қолди.

– Қўзилар ҳеч ҳурқдими? – деб сўради алламаҳал ўтгач.

– Ҳа, – дедим мен.

У менга шундай тикилдики, жаҳли чиққани юзидан билиниб туради.



– Кана боссин сени... – деб қолдилар. Бу сўз аввал менга оддий сўздек эшитилса ҳам, кейин алам қилди. Ахир у қўзиларни, қўйларни шундай деб сўкмасми! Энди мени мол қаторига қўшганими? Ахир мен бу ерга ўз ихтиёrim билан келганим йўқ-ку. Яна... ҳа, майли, индамадим.

– Бор тезроқ, анави отга мин! Сен оғзингни очиб ўтирганингда бўри олиб кетган уни. Бўлмаса қўзилар бекорга ҳуркармиди?

Ўзи тез бориб тол тагидаги милтигини елкасига илди. Қўзи-улоқларни эса Ирисбек акага тайинлаб, эшакка минди.

– Қани, жадалроқ... – деди у эшакни ниқтаб, – сен нариги томондан юр, мен бу ёқдан айланиб, сенинг олдингдан чиқаман.

Мен отни елдириб бояги бир тўп жинғилга етиб бордим. Олапар ҳам менинг орқамдан эргашди. От устида бўлсам ҳам, қўрқа бошладим. Жинғилдан анча нарига ўтдим, олдимдан бир катта сувсиз ариқ чиқиб қолди. Ариқ ёқалаб бир оз юрган эдим, тўсатдан отим ҳуркиб кетди. Сал бўлмаса йиқилиб тушаёздим. Ўзимни ўнглаб олиб, отим ҳурккан томонга қарасам, ариқ ичида уч-тўртта бўри боласи (катталиги мушукдек бор) йўқолган оқ қўзини ўртага олиб, ҳадеб юлқилашяпти. Шу пайт Олапар қулоқларини диккайтириб турди-да, воввуллаб олдинга чопди; таёғимни кўтариб, овозимнинг борича қичқириб ўша томонга отилдим. Бўри болалари тумтарақай қочиб қолиши. Олапар уларни жарлик олдидаги бир тўп қамишзорнинг нариги ёғига қувлаб, қайтиб келди. У оқ қўзига ачингандек, атрофига айланиб думини ликиллатарди. Бечора оқ қўзи мени кўриши билан аянчли маъраб юборди. Отдан ўзимни ташладим. Дарров қўзининг у ёқ-бу ёғига қарадим: хайрият омон экан, фақат икки-уч жойига тиш ботиб, усти ҳўл бўлиб қолибди, холос. Боёқишининг жон-пони чиқиб кетибди. Дир-дир титрайди. Чакқон олдимга ўнгариб олиб, ариқ бўйига кўтарилганимда, олдимдан Жуман акам чиқиб қолди.



– Ҳа, қаёқда экан? Омонми? – деди у ҳаяжон билан олдимдаги қўзини кўтариб, – Нега ҳўл?

Мен унга бўлган воқеани айтиб бердим.

– Қани борайлик-чи, – у эшагини қистаб ариқнинг ичига туша бошлади. – Бўри болалари қайси томонга қочди?

– Ҳув анави, бир тўп қамиш ичига.

Бориб қарасак, ўша бир тўп қамишнинг нариги томонида бўри ини бор экан. Ин унча чуқур әмас, қўл чўзса етадиган кўринади.

Жуман акам эшакдан тушиб, bemalol ин оғзига бориб бир оз турди-да, бир нима деб тўнгиллади. Кейин менга қараб:

– Эгардаги қопни олиб бер, – деди.

Мен қопни олиб унга узатдим. У қопнинг оғзини очиб чўккалаб ўтирди-да, энгашиб инга қўлини тиқди. Баданим жимиirlаб кетди... Қарасам Жуман акам мушукдек бир бўри боласини қопга солди. Кейин иккинчисини, учинчи-сини... Тўртинчиси оғзини очиб, Жуман акамнинг қўлини тишламоқчи бўлган экан, маҳкам бўйнидан ушлаб туриб сўкди: – Кана боссин сени!

Бўри болаларининг тўртталасини ҳам қопга солиб, оғзини маҳкам боғлади-да, эшакнинг устига оғмайдиган қилиб чандиб ташлади.

– Отабек, энди сен эшакни олдингга солиб йўлга туш, – деди Жуман акам милтиғини қўлга олиб, – мен нарироқда – йўл бўйида она бўрини пойлайман. У шу ерда бўлса, албатта, болаларини қидиради.

Мен йўлга тушдим. Орқамда Олапар, олдимда оқ қўзи. Бечора ҳали ҳам ўзини босолмай титрайди. Жуман акамнинг кейин ҳикоя қилиб беришича, бўри ўз болаларини овга ўргатиш учун қўзими ё улоқми – тирик ўғирлаб олиб келиб берар экан. Агар улоқ олиб келса, бақириб маълум қилиб қўяр экан.

Сал ўтмай орқамиздан кетма-кет икки марта милтиқ овози эшитилди. Олапар қулоғини диккайтириб турди-да, бирдан орқага отилди. Мен ҳам эшакни шу ерда қолдириб, орқамга



қайтдим. Борсам Жуман акам бир катта орлон<sup>1</sup> бўрининг устига миниб олиб, терисини шилаётган экан. Болаларининг исини олиб, бизнинг изимизга тушган маҳалда отибди. Ростини айтсам, Жуман акамга қойил қолдим. Ахир бу бўри кўпдан бери қўлга тушмай юрган экан-да.

Бўрининг терисини эшакка юклаб, сувотга жўнаб кетдик. Бизлар келганда Ирисбек ака шўрвани тайёрлаб ўтирган экан. Азбаройи, қорнимнинг очлиги ҳам эсимдан чиқиб кетибди. Товоққа қуйилган иссиқ шўрвани иштаҳа билан ичиб олдим.

Қорнимиз тўйғандан кейингина қўзи-улоқларни ювиш учун ўрнимиздан туриб ечина бошладик. Биринчи бўлиб оқ қўзини сувга олиб тушдим. Жуман акам менга нариги яйловдан олиб келган қашлағични узатди:

– Ма, яхшилаб юв, авайлаб тара!...

Бу маҳалда кун пешиндан оғиб, Ирисбек ака сигирларни яйловга ҳайдаб кетган эди...

\* \* \*

Бир ҳафта ўтди...

Мана, адабиёт дарсида ўтирибмиз. Ўқитувчи болаларнинг дафтарларини қайтиб беряпти: бир маҳал навбат менинг дафтаримга келиб етди...

Дафтарим таниғлиқ турибди – қизил муқовада, ўн икки варақли оддий дафтар. Ўқитувчи менинг дафтаримни қўлига олди. Юрагим дук-дук ура бошлади. «Жуда чўзиб юборибсиз» деб уришмаса эди, деб турибман ичимда.

– Назиров, – деди ўқитувчи менга қараб. Ҷейин дафтаримни варақларкан, – иншонгиз менга ёқди. Сал чўзилиб кетибди-ю, майли, ҳечқиси йўқ. Шу баҳона билан ёзишини ўрганиб оласиз... Ўқитувчини ва у топширган вазифани ҳикояга киритмасангиз ҳам бўлар экан... – деди у ёқимли жилмайиб.

<sup>1</sup> Орлон – «арлон», эркак бўри.



Мен қизариб кетдим. У аста юриб келиб дафтаримни берди. Мен уялганимдан уни варақтай бошладим: фақат бирекки жойга қизил қалам тегибди, холос. Ўқитувчининг назари бошқа болаларга оққанда дафтаримнинг охирги бетини секин очган эдим, чиройли қилиб қизил қалам билан ёзилган «5»ни кўриб қувониб кетдим...

Эсим қурсин, жудаям севиниб кетиб, сизга айтишни унтиб қўйибман: ўша юқорида ўқиган ҳикоянгиз мен ёзган иншо эди...



#### Савол ва топшириқлар.



1. Отабек тимсолига “Тўплаштириш” стратегияси бўйича таъриф беринг. (Асардаги воқеаларни далил сифатида келтирган ҳолда)



2. Сизнинг ҳам Отабекнинг аҳволига тушган ҳолатларингиз бўлганми?



3. Жуман акани кўз олдингизда гавдалантиришга ёрдам берадиган фактлар топинг.



4. Ҳаётда Жуман акага ўхшаган инсонларни учратганмисиз?



5. Отабекнинг беғам ва бепарволиги нимага олиб келди?



6. Асар воқеалари қай маҳал рўй берадиганини фактлар билан исботланг.



7. Отабекнинг иншосига нима учун “5”баҳо қўйилди? Сиз қандай баҳо қўйган бўлардингиз?

# КҮЗ ҚАРОЧИҚЛАРИМДАСАН, ВАТАН!

## ЭРКИН ВОҲИДОВ

(1936–2016)

Замонавий ўзбек шеъриятининг улкан намояндаси Эркин Воҳидов 1936 йилнинг 8 декабрида Олтиариқ туманида ўқитувчи Чўянбой ака оиласида туғилган. Тўққиз ёшида отасидан, бир йилдан сўнг онасидан ажралган. Икки қисқа умрнинг ёлғиз ёдгори бўлиб, Эркин Тошкентда тоғаси Каримбой Сахибоев қўлида қолади. Билимдон тоғасининг хонадонида бўлиб турдиган адабий суҳбатлар унда бадиий сўзга эҳтиром уйғотди, бўлажак шоирни гўзалликни ҳис этишга ўргатди.

Мактабни олтин медаль билан битирган Э. Воҳидов Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олди. Сўнг турли нашриёт ва газета-журналларда ишлади. Республикаиз ёшларининг биринчи журнали «Ёшлиқ»нинг асосчиси (1982) бўлди. Кейинги йилларда Ўзбекистон Олий мажлисининг қўмита раиси вазифасида ишламоқда. Халқ шоири Эркин Воҳидовга 1999 йилда ўзбек халқи бадиий тафаккурини ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди.

Э. Воҳидовнинг биринчи шеъри 14 ёшида, биринчи китоби «Тонг нафаси» (1961) эса 25 ёшида чоп этилди. Шундан сўнг унинг «Қўшиқларим сизга» (1962), «Юрак ва ақл» (1963), «Менинг юлдузим» (1964), «Нидо» (1964), «Лирика» (1965), «Палаткада ёзилган достон» (1966), «Ёшлиқ девони» (1969),





«Чароғбон» (1970), «Қуёш маскани» (1972), «Тириқ сайёralар» (1978), «Шарқий қирғоқ» (1981), «Келажакка мактуб» (1983), «Мұхаббат» (1984), «Хозирги ёшлар» (1986), «Изти-роб» (1991), «Яхшидир аччик ҳақиқат» (1992), «Сайланма» (1999) каби шеърий түпламлари нашр қилинди. Шоир инсон рухиятининг нозик ва илғаш мушкул манзараларини таъсирчан акс эттиради. Одамни комил кўрмоқ истаги унинг шеърлари замирига сингиб кетган. 1999–2002 йилларда бо силган тўрт томлик «Асарлар» ида шоир ижоди намуналари жой олган.

Шоир «Нидо» (1964), «Палаткада ёзилган достон» (1966), «Чароғбон» (1970), «Қўҳинур» (1982) сингари лиро-эпик асарларида қаҳрамонлар рухиятини самимий ва ингичка тасвиrlай олган. «Руҳлар исёни» (1980) достони юксак бадиияти билан ажралиб туради.

Э. Воҳидов «Олтин девор» комедияси ва «Истамбул фожиаси» шеърий драмаси билан инсон мөдиятини театр саҳнасида ҳам кўрсата олиш салоҳиятини намойиш этган. «Шоиру шеъру шуур» номли мақолалар түпламида шоирнинг адабиётшунослик иқтидори яққол кўринади. Э. Воҳидовнинг рус шоири С. Есенин шеърлари ва улуғ олмон шоири Гётенинг икки китобдан иборат «Фауст» фожиасини ўзбекчалаштириши миллий таржимачилигимизнинг улкан ютуғи бўлди.

Ўзбекистон Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов 2016 йили 30 май куни оғир хасталикдан сўнг оламдан ўтди.

«Мана, бир неча ўн йилдирки, биз дилбар бир шеъриятнинг муаттар ҳавосидан баҳраманд бўлиб келаётирмиз. Бу Эркин Воҳидов шеъриятидир. Она тилимизнинг ипакдек майин, камалакдек ранг-баранг шамойили, ғоят нозик лутф, беозор қочиrimлар, гоҳ ҳазин, гоҳ самимий табассум уйғотувчи ташбеҳлар, ўткир хулосалар булар бари улкан шоиримизнинг қаламига мансуб бетакрор фазилатлардир. Мен Эркин Воҳидовни шеъриятда ўзига хос сеҳр соҳиби деб биламан.



Мен Эркин Воҳидовдек улкан шоир билан замондош бўлганим билан фахрланаман», – деган эди халқимизнинг яна бир улуғ шоири Абдулла Орипов.

Азиз ўқувчи, Сизни машҳур шоирнинг оташин бир шеъри билан танишув кутяпти. Суҳбатингиз ширин ўтсин!



### **Матнолди савол-топшириқлар.**

«Ақлий ҳужум» стратегияси

1. Расмда қайси халқнинг миллий нақшлари ўз аксини топган?
2. Бунда кимлар тасвирланган?
3. Расмдаги одамларни қандай қадриятлар боғлайди?



## **ЎЗБЕГИМ**

(Қасида)

Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим,  
Сенга тенгдош Помиру оқсоч Тиёншон, ўзбегим.

Сўйласин Афросиёбу<sup>1</sup> сўйласин Ўрхун хати,  
Кўхна тарих шодасида битта маржон, ўзбегим.

Ал Беруний, Ал Хоразмий, Ал Фороб авлодидан,  
Асли насли балки Ўзлук, балки Тархон, ўзбегим.

<sup>1</sup> Афросиёб – Самарқанд яқинидаги 2500 йиллик қадимий шаҳар қолдиғи.



Ўтдилар шўрлик бошингдан ўйнатиб шамширларин  
Неча қоон<sup>1</sup>, неча султон, неча минг хон, ўзбегим.

Тоғларинг тегрангда гўё бўғма аждар бўлди-ю,  
Икки дарё – икки чашминг<sup>2</sup>, чашми гирён<sup>3</sup>, ўзбегим.

Қайсари Рум<sup>4</sup> найзасидан бағрида доғ узра доғ,  
Чингиз-у Боту тифига кўкси қалқон, ўзбегим.

Ёғди тўрт ёндин асрлар бошингга тийри камон,  
Умри қурбон, мулки толон<sup>5</sup>, юрти вайрон, ўзбегим.



#### Савол ва топшириқлар.

1. Зулм оқибати нимага олиб келди? Фикрингизни асар орқали далилланг.
2. Асарда қайси буюк алломалар номи келтирилган? Улар ҳақида Интернетдан маълумотлар тўпланг.
3. Муқанна, Боту, Чингиз улар қандай тарихий шахслар? Маълумот йигинг.
4. Мирзо Улуғбек ва Мир Алишер кўз олдингизда қандай гавдаланади?



Давр зулмига ва лекин бир умр бош эгмадинг,  
Сен – Муқанна, сарбадор – сен, эркесвар қон, ўзбегим.

Тузди-ю Мирзо Улуғбек Кўрагоний жадвалин,  
Сирли осмон тоқига<sup>6</sup> илк қўйди нарвон, ўзбегим.

Мир Алишер наърасига акс-садо берди жаҳон,  
Шеърият мулкида бўлди шоҳу султон, ўзбегим.

<sup>1</sup> Қоон – хоқон.

<sup>2</sup> Чашм – кўз.

<sup>3</sup> Гирён – йиғлаган, йиғловчи.

<sup>4</sup> Қайсари Рум – Искандар Зулқарнайнинг лақабларидан бири.

<sup>5</sup> Толон – талангани.

<sup>6</sup> Осмон тоқи – осмон усти, тепаси, томи.



Илму шеърда шоҳу султон, лек тақдирига қул,  
Ўз элида чекди ғурбат, зору нолон ўзбегим.

Мирзо Бобур – сен, фигонинг солди олам узра ўт,  
Шоҳ Машраб қони сенда урди туғён, ўзбегим.

Йиғлади фурқатда<sup>1</sup> Фурқат ҳам муқимликда<sup>2</sup> Муқим,  
Нолишингдан Ҳинду Афғон қилди афғон<sup>3</sup>, ўзбегим.

Тарихинг битмакка, халқим,  
мингта Фирдавсий керак,  
Чунки бир бор чеккан оҳинг мингта достон, ўзбегим.

#### Савол ва топшириқлар.



1. Машраб номига изоҳ беринг.
2. Ўзбегимнинг тарихини таърифловчи яна қандай далиллар айта оласиз?



3. Шеър матнининг туғилиш сабаблари ва шоир тасвирини келтиринг.
4. Шеърий мисралардаги «Фурқат», «Муқим», «Афғон» сўзларининг ўз ва адабий маънолари ҳақида ўйлаб кўринг.



Ортда қолди қўхна тарих, ортда қолди дард, ситам,  
Кетди ваҳминг, битди заҳминг, топдинг дармон, ўзбегим.

Бўлди осмонинг чароғон толе хуршиди<sup>4</sup> билан,  
Бўлди асрий тийра<sup>5</sup> шоминг шуъла афшон<sup>6</sup>, ўзбегим.

Фаҳр этарман, она халқим, қўкрагимни тоғ қилиб,  
Қўкрагида тоғ кўтарган танти деҳқон ўзбегим.

<sup>1</sup> Фурқат – айрилиқ.

<sup>2</sup> Муқимлик – турғунлик, бир жойдан қимирамаслик.

<sup>3</sup> Афғон – нола, дод-вой.

<sup>4</sup> Хуршид – қуёш.

<sup>5</sup> Тийра – қоронғи.

<sup>6</sup> Шуъла афшон – шуъла таратувчи.



Ўзбегим деб кенг жаҳонга не учун мадҳ этмайин!  
Ўзлигим билмоққа даврим берди имкон, ўзбегим.

Мен бутун ер ўғлидурман, мен башар фарзандиман,  
Лекин аввал сенга бўлсам содик ўғлон, ўзбегим.

Менга Пушкин бир жаҳону менга Байрон бир жаҳон,  
Лек Навоийдек бобом бор, кўксим осмон, ўзбегим.

Қайга бормай, бошда дўппим, шухратим, қадрим буюк,  
Оlam узра номи кетган Ўзбекистон, ўзбегим.

Бу қасидам сенга, халқим, оқ суту туз ҳурмати,  
Эркин ўғлингман, қабул эт, ўзбегим, жон ўзбегим.



### Савол ва топшириқлар.



- Ёрдамчи манба орқали “Ўзбегим” қасидасига басталанган қўшиқни тингланг. (ўрта муддатли режага ҳавола қилинсин).

**Ж**

2. Навоий, Пушкин ва Байронларнинг ҳаётидаги ўхшаш томонларни Интернет тармоқлари орқали ўрганиб изоҳланг.
3. Ўзбегимнинг илгариги ҳаёти билан ҳозирги аҳволини “Елпифич” стратегияси орқали қиёсланг.
4. Миллатимизнинг довругини куйлаган адабимизга мактуб ёзинг.
5. Шеърни ифодали ёд олинг.
6. «Мен бутун ер ўғлидурман, мен башар фарзандиман, Лекин аввал сенга бўлсам содик ўғлон, ўзбегим» мисралари ҳақида ўз мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.

**Ж**

### Қасида ҳақида

**Қасида** – ўзбек мумтоз адабиётида кўп учрайдиган лирик жанрлардан бири. Қасида муҳим тарихий воқеалар, улуғ шахсларни мадҳ этиш, уларга баҳо бериш учун ёзилади. Одатда, қасида 15-20 байтдан кам бўлмайди. Қасидада шоирнинг Ватан, халқ ҳақидаги фикрлари ифода этилади. Ҳусайн Бойқаронинг ҳокимият тепасига келиши муносабати билан Алишер Навоий томонидан ёзилган «Хилолия», муҳим фалсафий мазмунга эга бўлган «Тухфат ул-афкор» («Фикрлар тухфаси») асарлари қасиданинг етук намуналариданdir.

Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси халқимизнинг узоқ ва шонли тарихини улуғловчи, замондошлиримизнинг дил сўзларини изҳор этувчи баркамол мадҳия бўлиб қолди. Миллатнинг шонли тарихга әгалигидан ғуурланиш, унинг қадимийлигидан фахрланиш туйгуси ёрқин акс этган «Ўзбегим» қасидаси миллат аҳлини фафлат уйқусидан уйғотиш, янги миллий зафарларни эгаллашга сафарбар этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган асар эди. Бу асар ўзбекларнинг ўзлигини танишда муҳим аҳамият касб этди. Миллий тафаккур ва диднинг ўсишида муҳим ўрин тутди.



## ЎТКИР ҲОШИМОВ

(1941–2013)

Ўткир Ҳошимов ҳозирги ўзбек адабиётининг йирик вакилларидан бириди. У 1941 йилнинг 5 августида Тошкентнинг Дўмбиробод даҳасида туғилди.

Ўрта мактабни олтин медаль билан битирган бўлажак ёзувчи ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетининг сиртқи бўлимида ўқиди. Ў. Ҳошимов «Темирийўлчи», «Тошкент оқшоми», «Тошкент ҳақиқати», «Қизил Ўзбекистон» газеталарида турли лавозимларда ишлаган.

1982–1985 йиллардаFaфур Фулом номидаги нашриётда Бош муҳаррир ўринбосари, 1985–2000 йиллар мобайнида «Шарқ юлдузи» журнали Бош муҳаррири бўлиб меҳнат қилди. У Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутати, матбуот ва ахборот қўмитаси раисиdir.

Ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг биринчи китobi 1962 йилда «Пўлат чавандоз» номи билан чоп этилди. Бу китоб публицистик мақолалар тўплами эди. Биринчи ҳикояси – «Тўрт мактуб» 1963 йилда ёзилган. Кейинчалик шу асосда улкан адаб Абдулла Қахҳорнинг мақтоворига сазовор бўлган «Чўл ҳавоси» қиссаси яратилди. Ёзувчининг «Шамол эсаверади», «Баҳор қайтмайди», «Дунёning ишлари», «Икки карра икки – беш» қиссалари унинг номини машҳур қилди. «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» романи адига чинакам шуҳрат келтириди. Адигнинг «Инсон садоқати», «Тўйлар муборак», «Қатағон» сингари саҳна асарлари миллий театримиз ривожида ўзига хос воқеа бўлди.



Машҳур адиб Саид Аҳмад «Ижод ва жасорат» мақоласида Ў. Ҳошимов тўғрисида шундай ёзади: «Ўткир фақат талантли ёзувчигина эмас, ажойиб дилбар инсон ҳамдир. Мен у билан жумхуриятимизнинг ҳамма вилоятларини, туманларини неча марталаб айланиб чиққанман. Қаерга бормайлик, уни одамлар ўраб олади, китобларидан олган таассуротларини тўлиб-тошиб гапириб берадилар ва албатта у билан дўст-қадрдон бўлиб қоладилар. Айниқса, ёш китобхонларнинг шундок машҳур ёзувчи билан суҳбатлашганларидан кўзлари яшнаб кетади».

Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёning ишлари» қиссаси ўзбек китобхонларининг энг севимли асарларидан бирига айланди. У ҳар бир миллатдошимизнинг кўнгил мулкига айланган дейиши мумкин.

Азиз ўқувчи! «Дунёning ишлари» асарини Саид Аҳмад қисса эмас, достон дегандилар. Сизда ҳам Она шарафига битилган ҳақиқий таъсирли достон билан танишиш имконияти бор. Танишувингиз хайрли бўлар деган умиддамиз.

## ДУНЁНИГ ИШЛАРИ

(Қиссадан боблар)



### Матнолди топшириқлари.



1. «Она» қўшигини тингланг (*урта муддатли режага ҳавола қилинсин*).
2. Қўшиқ мазмунига асосланиб ихчам матн ёзинг. Ёзилган матнни синфдошлиарингизга ўқиб беринг.

### Оқ, ойдин кечалар

Болалигимни эсласам, илиқ ёз кечалари кўз олдимга келади. Ҳовлимизда бир туп бодом бўларди. Эрта баҳорда қийғос гулларди-ю, ҳеч мева тугмасди. Онам: «Бодом ёлғиз бўлгани учун мева қилмайди», – деб тушунирарди. Шу



бодом тагида супа бор эди. Кун ботиши билан онам ҳовлига кўлоблатиб сув сепар, кун бўйи офтобда қизиган ер ҳиди супа олдидаги райхонлар исига қўшилиб ажаб бир тароват таратар, атроф жимжит бўлиб қолар эди.

Кейин йирик-йирик юлдузлар билан тўлган осмонга тиллақошдек ингичка ой сузиб чиқарди. Ойим ойга тикилиб туриб оҳиста пицирлар эди:

Оймомахон хулла,  
Қанотлари тилла.  
Субҳон олло сизга,  
Умр берсин бизга.

Шундай деб бошимни силарди. Оймома эса бу сеҳрли қўшиқни яна бир эшитгиси келгандек, муаллақ тўхтаб қолар, юлдузлар ўйчан қўзларини тикиб мулойим боқиб туришар, онам эртак айтар эди.

Тошлар орасига кириб ғойиб бўлган баҳтсиз қизча йиғлаб-йиғлаб қўшиқ айтарди:

Очил-очил, оқ тошлар-а,  
Мен онамни кўрайин-а,  
Дийдорига тўяйин-а...

– Мен осмондан юлдузимни танладим. Қаранг, ойи. Етти оғайни орасидаги энг ёруғ юлдуз – меники.

– Майли, ўғлим. Ўша юлдуз сеники. Анови тўртинчиси – меники.

– Нега, ойи, тўртинчиси энг кичкина юлдуз-ку!

– Шунинг учун ҳам меники. Тўртинчи юлдуз – етимча юлдуз. Кўрдингми, яхши ўсмай қолган. Етимларга раҳм қилиш керак.

Юлдузлар сирли кўз қисишар, ингичка ой сирли мўралар, шабада сирли шивирлар, садарайхон билан тупроқ сирли ҳид таратар, осмон ҳам, ер ҳам сирларга тўла эди. Гоҳо-гоҳо



осмонда бирдан юлдуз учиб қоларди. Ҳозиргина ёниб турган юлдуз тўсатдан лоп этарди-ю, ингичка, нурли из қолдириб ғойиб бўларди. Онам чўчиб тушарди:

– Эсиз. Бир бечоранинг жони узилди-я!..

Юрагим шув етиб, онамнинг пинжига кирадим. Ишқилиб, бошқа юлдуз учмасин!

Болалигимни эсласам, илиқ ёз кечалари кўз олдимга келади. Билмадим, эҳтимол ўша оқ, ойдин кечаларда онам илк бор қўлимга қалам тутқазгандир.

Юлдуз тўла осмонга тикиламан. Эҳтимол, осмондаги энг ёрқин юлдузлар оналарнинг жонидир. Эҳтимол, оналарнинг сўнган юлдузлари бирлашиб қуёшга айлангандир. Офтобни она дейишлари, эҳтимол, шундандир.



#### Савол ва топшириқлар.

1. Гуруҳларга топшириқ:

А-гуруҳ: "Она" сўзига тўплаштириш орқали таъриф беринг.

Б-гуруҳ: Она расмини тасвирланг.

В-гуруҳ: Она ҳақида мақоллар тўпланг.

Г-гуруҳ: Она ҳақида шеър, қўшиқ ёки ривоят тўпланг.

2. Ёлғиз бодомнинг мева солмаслигида яна қандай маъно бор деб ўйлайсиз?

3. Нима учун онаси ўзини энг кичик юлдузга ўхшатди?

4. Онангизнинг қайси насиҳатлари ҳеч қачон унтилмайди?

5. Ўз онажонингиз ҳақида газетага мақола ёзинг.

6. Ўқитувчингиз ёрдамида жозибали асар сирини аниқланг.

Г

Я

Ж





## Гилам пайпоқ



Ҳар йили дам олишга борганимда онамга гилам пайпоқ олиб келаман. Кавказ томонда кўп бўлади. Жуба дейишади, жураби дейишади. Ойим худди ноёб нарсага эга бўлгандек, узунданузоқ дуо қиласди. Шундоқ меҳрибон ўғли борлигини айтиб қўшниларга мақтанади. Унинг оёғи касал. Салқин тушиши билан шишиб кетади, оғрийди.

Қўни-қўшнилар аҳвол сўраса, уларниям, ўзиниям юпатади.

– Ҳа, энди кексачилик-да, ўргилай.

Лекин онамнинг оёқ оғриғи фақат кексаликдан эмас. Буни бошқалар билмаса ҳам, мен биламан. Яхши биламан.

Болалигимда кўп касал бўлардим: қизамиқ, кўк йўтал, безгак. Шунинг учун ошхонадаги михда кўк қарғанинг патидан тортиб, гултожихўрзгача илиғлик турарди. Айниқса, томоқ оғриғи ёмон қийнайди. Оёғим захга тегиши билан томоғим оғришга тушади. Оёқ билан томоқнинг нима алоқаси борлигини ҳалиям тушунолмайман.

Ўшанда неча ёшдалигим эсимда йўқ. Бироқ жуда кичкина эдим. Бир куни акаларим билан яхмалак ўйнаб терлаб кетдим. Терлаб туриб муз едим. Кечқурун иситма кўтарилди. Қувқув йўталаман.

Ойим томоғимни аччиқтош билан чайиб кўрди, бўлмади, туршак қайнатиб сувини ичирди, бўлмади... Охири томоғимни хиппа бўғиб қўйди. Оғриқни сезмайман-у, нафас олишга қийналаман. Ҳушимдан кета бошлаганимни эс-эс биламан. Қулоғим остида онамнинг чирқиллаб йиғлагани, ҳадеб бир гапни қайтараётгани эшитилади:

– Вой, энди нима қиласман! Вой, болам ўлиб қолади!

Кейин мени шоша-пиша кўрпачага ўради. Бир маҳал онамнинг қўлида кетаётганим эсимда бор. Гуппиллатиб қор



ёғаётганини ҳис этиб турардим-у, бироқ юзимга қор тушмас эди. Онамнинг иссиқ нафаси урилиб турар, у сирғаниб-сирғаниб борар, оғир ҳансирап эди.

Хира чироқ мильтираб турган аллақандай уйга кирдик. Кўз ўнгим яна қоронғилашиб кетди. Ойим ҳамон чирқиллайди:

- Ўлиб қолади! Болагинам ўлиб қолади!
- Ваҳима қилманг, пошша, дардни берган худо, давосиниям беради.

Бу Ҳожи бувининг овози эканини ғира-шира идрок этдим.

Ҳожи буви бошимни тиззасига қўйиб чалқанча қилиб ётқизди. Дока ўралган бармоғини оғзимга тиқди. Кўнглим ағдарилиб, типирчилаганча йиғлар, аммо Ҳожи бувининг қўлидан чиқиб кетолмасдим. У томоғимга нимадир қилди. Дод солиб қўлинни тишлаб олдим. Қизик, бирпасдан кейин аҳволим енгиллашди. Кўзимни очсан, Ҳожи буви жилмайиб турибди.

– Нега тишлайсан, кучуквой? – деди бошимни силаб.

Кейин тепамга ойим энгашди. У ҳамон ҳансирап, соchlари тўзғиб кетган, юзи жиққа ҳўл эди.

Бирпасдан кейин қаддимни ростлаб, танчага оёғимни тиқиб ўтиредим. Ҳожи буви аллақандай тахир суюқлик ичирди. Кейин ойимга қаради-ю, бирдан хитоб қилди.

– Вой, пошша-а-а! Нима қилиб қўйдингиз, тамом бўпсиз-ку!

Ойим талмовсираб, гоҳ менга, гоҳ Ҳожи бувига қарап эди.

– Оёғингиздан айрилибсиз-ку! – деди Ҳожи буви бошини чайқаб. – Шу аҳволда қандоқ келдингиз?

Кавшандозда турган ойимнинг калишини энди кўрдим. Калишнинг ичи қорга тўла эди.

– Сарпойчан келавердингизми?! – деди Ҳожи буви ҳамон ўша ваҳимали оҳангда. – Энди нима қиласиз? Қарғанинг миясини чақиб сурмасангиз, чўлоқ бўлиб қоласиз.

Ойим танчадан оёғини чиқарди. Иккала оёғи қип-қизил гўшт бўлиб кетган эди.

– Совуқ егани йўқ, – деди секин. – Қайтага исиб кетди. Қорда ўзи исиб кетаркан.



Хожи буви унинг оёғини уқалаб кўрди.

– Сезяпсизми?

– Нимани? – деди ойим оёғига эмас, менга қараб.

– Қўлимни сезяпсизми?

Ойим индамай бош чайқади-да, пиқиллаб йиғлаб юборди.

Эртасига у ётиб қолди. Узоқ ётди. Дадам бир жойдан қарға отиб келди. Хожи буви қўлидан келганча дори-дармон қилди. Кейин ойим тузалди. Бироқ салқин тушиши билан оёқлари шишиб, азоб берадиган бўлиб қолди.

Хар йили дам олишга борганимда онамга гилам пайпоқ олиб келардим. У худди ноёб нарсага эга бўлгандек, кетимдан узоқ дуо қиласди, бирпаста ҳамма қўшниларга кўз-кўз қилиб чиқади, шундоқ «мехрибон» ўғли борлигини айтиб мақтанади. Шунда қор гупиллаб ёғиб турган мудхиш кечак, онамнинг қип-қизил гўштга айланиб кетган оёқлари кўз ўнгимга келади-ю, индамай чиқиб кетаман.



### Савол ва топшириқлар.

1. Онангизнинг насиҳатларига қулоқ солмай, шўхлик қилган пайтларингизни эсланг.
2. Табибнинг сўроғига онанинг: «...ойим оёғига эмас, менга қараб» жавоб берганлиги сабабини изоҳланг. Онанинг ўзини ўйламаслигини қандай изоҳлайсиз?
3. Фарзандини ўстириб вояга етказгунча онаизорнинг бошидан ўтказадиган қийинчиликларини иш дафтарингизга ёзинг.
4. Матн устида тадқиқот иши юритинг. Жадвални тўлдиринг.



Матннинг асосий гоясини топинг.	
Аниқ ва ноаниқ маълумотлар.	
Фикрингизни расм билан тасвирланг.	
Асар бўйича ҳаётий мулоҳаза юритинг.	
Тарбиявий хулоса чиқаринг.	



5. “Ягона давра” стратегияси: “Биргина гилам пайпоқ билан онасининг дардига даво топиш мумкинми ёки пайпоқнинг бошқа кучи борми?” фикр юритинг.

6. “Айтинг, дўстлар, нима қилдим онам учун?” мавзусида эссе ёзинг.





## МИРПҮЛАТ МИРЗО

(1949 йилда туғилган)

Сизнинг ватандошингиз, замона-  
вий ўзбек адабиётининг ўзига хос ваки-  
ли Мирпўлат Мирзо 1949 йилнинг 20  
августида Жанубий Қозоғистон вилояти Сайрам тумани-  
нинг муқаддас Сайрам қишлоғида дунёга келди. Бўлажак  
шоирнинг болалик йиллари буюқ бобомиз Аҳмад Яссавий  
ҳазратларининг ота-онаси қадами теккан, хоки қўйилган  
қишлоқда кечди. Бу қишлоқ аҳли азалдан ўзига тўқ, тад-  
биркор ва маърифатга ўч бўлгани боис Мирпўлатлар уйида  
ҳам бадиий сўзга эътибор баланд эди.

Шу боис Мирпўлат Мирзо 1966 йилда қишлоғидаги ўрта  
мактабни тугатиб, Тошкент давлат университети (ҳозирги  
Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факуль-  
тетига ўқишига кирди. Уни 1971 йилда муваффақиятли би-  
тириб, «Ёш гвардия» нашриётида меҳнат фаолиятини бош-  
лади. Ноширлик меҳнатининг барча босқичларини ўтаган  
ёш шоир кейинроқ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ада-  
бий маслаҳатчи лавозимида ишлади. 1991 йилда «Ёзувчи»  
нашриётининг бош муҳаррири бўлди. 1993–1995 йилларда  
Ёзувчилар уюшмаси котиби лавозимида хизмат қилди. 1997  
йилдан буён Ўрта Осиёда ягона бўлган «Жаҳон адабиёти» ада-  
бий журналида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишламоқда.

Асримизнинг улкан шоири Абдулла Ориповнинг назари  
тушган ижодкор Мирпўлат Мирзонинг дастлабки шеърлари  
талабалик йилларида нашр этилган. Шу кунгача ўндан ортиқ  
шеърий тўпламлар чоп эттирган. Миллий маданият ривожига  
қўшган катта ҳиссаси учун 1999 йилда «Ўзбекистонда хизмат



кўрсатган маданият ходими» унвони билан тақдирланган. Мирпўлат Мирзо шеърлар ёзибгина қолмай, дунё адабиёти-нинг асл намуналарини ўзбекчага ўгириш билан ҳам жиддий шуғулланади. Таржима борасидаги улкан меҳнати учун 1999 йилда халқаро Борис Пастернак мукофотига сазовор бўлди. 2001 йилда эса, қозоқ адабиёти тарғиботи йўлидаги жонбозлиги туфайли халқаро «Алаш» мукофоти билан тақдирланди.

Мирпўлат Мирзо – инсон руҳияти товланишларини, она табиатнинг жозибасини, ўйчилик кишиларнинг армонлари-ни шеърга соладиган шоир. Унинг шеърларини ўқисангиз, қалбингизга қуёш ҳарорати киргандай бўлади.

\* \* \*

Кўлимдан келсайди – қуёшни шу зум  
Занжирлаб ташлардим осмон тоқига.  
Токи тугамасин энди асло кун,  
Токи кетмасин у йўқлик чоҳига.  
Ер шарин – қўлимдан келсайди агар,  
Тўхтатиб қўярдим жойида бир қур.  
Токи алмашмасин унда фасллар,  
Токи ошиқмасин югурик умр.

Кўлимдан келсайди – қудратли Вақтни  
Олдга силжитмасдим бир сония ҳам.  
Кўрай келажакда мен нечук бахтни,  
Аксинча, дилимга гоҳо тушар ғам.

Йил сайин онамнинг сочи оқарар,  
Бешафқат вақт қаддин дол этиб борар.



Савол ва топшириқлар.



- Шоир ўз шеърида қандай муаммонинг ечимини топишга уриняпти?



2. Тадқиқот иши: Ҳозирги пайтда вақтнинг тез ўтишига нима сабаб деб ўйлайсиз?

3. Вақтни ҳақиқатан бешафқат дея оламизми?

4. ...*Йил сайин онамнинг сочи оқарар,*  
*Бешафқат вақт қаддин дол этиб борар,*

мисралари ҳақида мулоҳаза юритинг. Шоирнинг бадиий маҳорати нимада?

5. “ЕЛПИФИЧ” стратегияси: Ҳаётда вақт билан яна айнан нималарнинг қадрига кўпроқ етишимиз керак?

6. Ҳаёт деб аталмиш қисқагина йўлнинг баҳтли йўловчиси сифатида ортга назар солиб кўрганмисиз? Қандай савобли ишлар қилиб улгурдингиз?

Г

Ж

Я

## ИЛТИЖО

Илтижо қиласман, Севги бер, ҳаёт,  
Бебаҳра айлама ишқ деган баҳтдан.  
Мен мисли яшнаган боғ ичра, ҳайҳот  
Куриб бораётган забун дараҳтман.

Мунғайиб қарайман теварагимга,  
Пойимда мавжланар гуллар, чечаклар.  
Тонг нури эътибор бермайин менга,  
Ғужғон япроқларга сўйлар эртаклар.

Масрур дараҳтларнинг бор вужуди, о,  
Мовий насимларда хушҳол қалтирас.  
Менинг қовжираган шохларим аро  
Эски мезонларнинг тўри ялтирас.

Гарчи шовуллардим дарёдек бир дам,  
Маъсум туйғуларим билмас эди чек,  
Энди термуламан дарёга пурғам,  
Қовжиар юрагим яшин ургандек.



Майли, бўронларнинг бағрига кирай,  
Майли, довуллар ҳеч қилмасин шафқат.  
Майли, изғиринға кўксимни керай,  
Менга тириклик бер – ишқ бергин фақат.

Энди юпатолмас яккаш хотирот,  
Тепамда тиф каби ялтирар ҳилол.  
Севгисиз умрдан зерикдим, ҳаёт,  
Найсон<sup>1</sup> эпкини ҳам келмоқда малол...



### Савол ва топшириқлар.

- Севги, муҳаббатнинг инсон ҳаётида қандай ўрни бор деб ўйлайсиз?
- Муҳаббат сўзини “Оқилнинг олти қалпоғи” ўйини орқали тасвиранг.
- Шеърни ифодали ёд олинг.

## ҲАЛИ ТУҒИЛАЖАК...

Ҳали туғилажак ўша истеъодод,  
Жой-жойига тушиб кетар ҳаммаси.  
Ёруғ орзулардан йўғрилган у зот  
Майдада ҳавасларнинг бўлмас бандаси.

Она юрт дардида ёниб-қоврилиб,  
Тоабад ҳаловат билмагай у жон,  
Яшар ҳақгўйликни эътиқод билиб,  
Ҳеч қачон, ҳеч қачон сўйламас ёлғон.

Илинж-таъмага ёт исёнкор руҳи  
Эрмакларга учмас, мақтовга кўнмас.  
Зилол туйғуларнинг дилбар шукуҳи  
Шаффоғ чашма каби қалбидаги сўнмас.

<sup>1</sup> Найсон – апрель, кўклам.



Унга тенг келолмас ҳеч ким ҳимматда,  
Шеър учун борлигин эта олур сарф.  
Фазлу камолотда, азму шиддатда  
Бирдай ҳавас қилгай унга Шарқу Фарб.

Хасаддан ярадор маҳдуд қалбларга  
Дафъатан нур солгай, ҳайрат солажак.  
Құтариilar улус күзидан парда,  
Бари жой-жойига тушиб қолажак.

Ватанга муҳаббат,ғанимга – нафрат  
Үлмас қўшиқ бўлиб янгра созида.  
Адолат, эзгулик жо бўлур фақат  
Ўқтам шиорида, шеърий розида.

Туғилажак ҳали ўша истеъодод  
Ва овоз беражак жангари, мағур.  
Мўътабар севинчдек балқир ниҳоят  
Бобом Навоийнинг сиймосида нур.



#### Савол ва топшириқлар.

1. Шоирнинг орзуси бўлган зотга хос эзгу сифатларни «Класс-тер» стратегияси асосида ёритинг
2. Матн устида тадқиқот иши юритинг. Жадвални тўлдиринг.

Матннинг асосий тоясини топинг	
Аниқ ва ноаниқ маълумотлар	
Фикрингизни расм билан тасвирланг.	
Асадан ҳаётий хулоса чиқаринг.	
Тарбиявий аҳамияти.	



3. «Ақлий ҳужум»: Ҳақиқатан адид орзусидаги шундай инсон туғилиши мумкин деб ўйлайсизми?
4. Шеърни ёд олинг.



## ЖАВЗО ТУНИ

Фалакда юлдузлар милтирайди тек –  
Токи қўзгамасин нурлари эпкин.  
Ой ҳам нафасини ичга ютгандек –  
Хаёллар сурар-у, сўз қотмас лекин.

Ҳовли адоғида мизғийди боғлар,  
Гуллар шивирлашмас, райҳон уйқуда.  
Шиддатин унуган каби бу чоғлар  
Хилватда сой мудрар караҳт, осуда.

Ухлар капалаклар, ухлар қушлар ҳам –  
Кундуз суронидан қолмас асорат.  
Ёлғиз чирилдоқлар бонг уриб бу дам –  
Қиласкан сукунат мулкин назорат.

Фамлар тун сеҳрига кетар уланиб,  
Сукунатни бузмоқ гуноҳ бу кезлар.  
Қумуш айвонларда зарга беланиб  
Хоргин оққуш каби мудрайди қизлар.



Савол ва топшириқлар.



1. Асар мазмунига таянган ҳолда жавзо туни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.
2. Шеърда ой ҳолати тасвири берилган мисраларни аниқланг. Тасвирнинг нозиклиги ҳақида ўйланг.
3. Шеърда сокинликнинг авж нуқтаси қайси мисраларда тасвирланган? Бунинг тасвирини изоҳланг.
4. Шоир шеърда ўхшатиш, жонлантириш каби бадиий тасвир воситаларидан нима мақсаддат фойдаланган?
5. Шеърни ёд олинг.





## МАҒЖАН ЖУМАБОЕВ

(1893–1938)



Турклик ғоясини чуқур англа-  
ган, умрини улуғ Туронни бутун ҳолда  
кўриш орзусига бағишилаган улкан ис-  
теъдод эгаси, маърифатчи ва туркпарат  
Мағжон Жумабоев 1893 йилда Шимолий Қозоғистон вило-  
ятининг Сассиққўл деган жойида туғилди. Мағжонни ота-  
си овул ўқитувчисига эртароқ бериб саводини чиқартиради.  
1905 йилда Қизилжардаги мадрасага кириб, 1910 йилда уни-  
яхши битиради. Билимга чанқоқ Мағжон 1910–1913 йиллар-  
да Уфадаги мадрасаси Олияда таҳсил кўради. 1913–1917 йил-  
ларда Омби ўқитувчилар семинариясида, 1923–1926 йиллар-  
да Москва адабиёт-санъат институтида ўқииди.

Табиатан ғоят истеъдодли Мағжон етти ёшида  
Рабғузийнинг «Қисас ул-анбиё» асарини ёдлаб олади. Бу ҳол  
унинг илоҳий таълимида ғоят қўл келди. Бўлажак шоир  
туркий дунёning умумий илдизи, умумий тарихи борлигини  
чуқур илмий асосларда билиб олди. Ана шу умумийлик атро-  
фида турк халқларини бирлаштириш учун ҳаракат қилди.

Ҳамманинг эътиборини тортадиган даражада ҳаракатчан  
ва ташкилотчи Мағжон Жумабоев 1925 йилда Москвада ўқиб  
юрган пайтида «Алқа» деган адабий ташкилот тузган эди.  
Москвадаги ўқишилар тугаб, юртига қайтиб тинчгина иш-  
лаётган ва қизғин ижод билан банд бўлган Мағжонни 1929  
йилда «Алқа» ташкилоти инқилобга қарши гуруҳ эди» деган  
туҳмат билан ўн йилга қамаб юборишиди. 1936 йилда қамоқдан  
чиққан М. Жумабоев 1937 йилда қайта қамалади ва 1938 йил-  
нинг 19 марта ташланади. Шундан сўнг ярим асрдан



кўпроқ вақт мобайнида Мағжон Жумабоевнинг асарларини ўқиши, номини тилга олиш мумкин бўлмайди. Мустақиллик шарофати билангида Мағжоннинг ватан муҳаббати билан тўла оловли шеърияти авлодларга қайтарилди. Сиз – ўзбек ўқувчилари Мағжон Жумабоевнинг асарларини биринчи бор ўз тилингизда ўқишига муюссар бўляпсиз.

## СОҲИБҚИРОН СЎЗИ

Жаҳон деган не нарса? –  
Кафтдайгина ердир у.  
Кафтдай ернинг тангриси  
Кўп бўлмоғи – кўп қайғу.

Тангри – кўкнинг тангриси,  
Кунграсин, кўкни бийласин.  
Жаҳон шоҳи – Темурман,  
Бу ерга ҳеч ким тегмасин.

Кўк худоси – Тангрининг  
Уруғи йўқ, зоти йўқ.  
Жаҳон шоҳи – Темурнинг  
Уруғи – турк, зоти – ўт!..



Савол ва топшириқлар.



- 1.Шеърнинг сарлавҳасини яна нима деб ўзгартириш мумкин?
- 2.Соҳибқирон Амир Темурга таъриф беринг(модерация стратегияси асосида).
- 3.Амир Темур бобога хат ёзинг.
- 4.Шеърни ёд олинг.





## СЕВАМАН

Кулдай гунгурт сочи бор,  
Түқсон бешда ёши бор,  
Күзи кетган, сүқир, күр.  
Тасбих санар тикилиб,  
Ерга қараб букилиб,  
Хўрсинар оғир-оғир.  
Менинг қари онам бор,  
Нега экан билмайман –  
Шул онамни севаман!

Кўзинда кўкнинг нури йўқ,  
Оғзинда жаннат сўзи йўқ,  
Оташсиз, сокин қучоғи.  
Жилпангламас илондай,  
Сўзи эмас Қуръондай,  
Билгани – қозон-ўчоғи.  
Ёввойигина ёrim бор,  
Нега экан билмайман –  
Шул ёrimни севаман!

Уйқу босган қовоғин,  
Бостириб кийган тумоғин,  
Ялқовликни ёр кўрган,  
Юрар эски қонун-ла  
Олдидаги моли-ла  
Бирга ўйнаб, бирга ўрган,  
Алаш деган элим бор,  
Нега экан билмайман –  
Шул элимни севаман!

Сувлари сайрон қуради,  
Бўрони увлаб туради,  
Киш – оқ кафанд, ёз –сари.



Шовуллаган ўрмони йўқ,  
Тоғи ҳам йўқ, суви йўқ.  
Бордир сур-сур тошлари.  
Сариорқа деган еrim бор,  
Нега экан билмайман –  
Шул ватанни севаман!



**Савол ва топшириқлар.**

**Г**

1. Гуруҳларга бўлиниб, “Севимли она”, “Суюкли ёр”, “Севимли она халқим”, “Она Ватаним” мавзуларида постер ҳимоя қилинг (расм, сўз, мақол, шеър асосида).
2. Шеърнинг самимийлиги ҳақида мулоҳаза юритинг.
3. Ватанни нимаси учун севадилар деб ўйлайсиз? Сиз нима учун Ватанингизни севасиз?
4. Шеърни ёд олинг.

**Ж**



## ГЛОССАРИЙ

<b>Адашган вокеалар</b>	Асар матнидан олинган парчаларни ўз ўрнига қўйиш.
<b>Ақлий ҳужум</b>	Ушбу стратегия мавзу доирасида маълум қарашларни аниқлаш, уларга муқобил фояларни танлаш учун шароит яратади.
<b>Оқилнинг олти қалпоғи</b>	Эдвард де Бононинг 6 қалпоғи (6 гурӯҳ) асар таҳлилида 6 хил маълумотни тўплашга ёрдам беради: оқ – аниқ маълумотлар, қизил – ички ҳис-туйғу, қора – танқид, сариқ – ижобий томони, яшил – янги фикрлар, кўк – хулоса чиқарувчи.
<b>Балиқ скелети</b>	Ўрганилаётган масалани балиқ расми асосида ёритиш стратегияси. Бунда балиқ боши-мавзу масаласи, устки тармоқлар – асардаги тасвир воситалари, остки тармоқлар – далиллар, қўйруғи – асар ҳақида ўқувчи фикрини билдиради.
<b>Вени диаграм- маси</b>	Икки муаллиф ёки икки масаланинг ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиш стратегияси
<b>Видеотопишмоқ</b>	Видеотасма орқали биронта асарга оид қўшиқ ёки видеолавҳа томоша қилинади. Унинг қайси ёзувчи ёки шоир қаламига мансуб эканлиги топилади.
<b>Дебат</b>	Мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашшиши.



**Жигсо – инглиз-чадан “жим-жимадор арра, машина арра” маъносини англатади**

Ўқувчилар янги ўқув материалини биргаликда қисқача вақт давомида ўзлаштирадилар. М: янги материал бир неча тенг қисмларга бўлинади. Нечта қисмга бўлсангиз, ўқувчилар шунча гуруҳ ҳосил қиласидилар. Ҳар бир иштирокчи материал қисмини олади ва ҳар бир гуруҳдан бир аъзо эксперт ролини бажаради. Ҳар бир гуруҳ ўзларига тақсимланган парчани 10 дақиқа давомида ўрганадилар. Ҳар бир гуруҳдаги эксперталар масала бўйича мавзуга доир гуруҳга тўпланадилар ва ўзлаштирилган материални қандай қилиб бошқа гуруҳ аъзоларига тушунтириб бериш усулларини муҳокама қиласидилар. (конспект, жавоб режаси, хуносалар; 15 дақиқа давомида) Сўнгра бир масала устида ишлаган эксперталар турили гуруҳларга бориб, ахборот алмашадилар. Бу эса «эксперталар учрашуви» деб номланади. Шундан сўнг барчаси ўзларининг дастлабки гуруҳларига қайтадилар ва бошқа гуруҳларда мустақил ўрганган маълумотлари билан ўртоқлашадилар. Сўнгра ўқитувчи текширувчи саволлар орқали янги материал қандай ўзлаштирилганлигини билиб олади, баҳолайди.

**Елпифич**

Ўрганилган мавзуни ёдга олиш, улар юзасидан мантиқий фикрлаш, саволларга мустақил, тўғри жавоб бериш. Ўз-ўзини баҳолаш малакаларини шакллантириш. Бир варақ қофоздан елпифич ясаймиз. Елпифич бўлакчаларининг бир томонига савол ёзамиш ва шеригимизга берамиз. У эса иккинчи томонига жавобини топиб ёзади. Бир варақ қофоздан елпифич ясаймиз. Елпифич бўлакчаларининг бир томонига савол ёзамиш ва шеригимизга берамиз. У эса иккинчи томонига жавобини топиб ёзади.



<b>Инсерт</b>	Ёки “Туртиб чиқиши” стратегияси. Қуйидаги шартли белгилар орқали ўқувчи ўзининг ўрганилаётган асарга бўлган муносабатини билдиради. V – билар эдим «–» – бошқача фикрда эдим «+» – янги ахборот «?» – саволлар туғдиради
<b>Кластер</b>	Бунда илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имконияти яратилади.
<b>Концептуал жадвал</b>	Ўрганилаётган мавзуни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади.
<b>Моделлаштириш</b>	Ўқувчиларда ўзлаштирилган мавзу, масала ёки ҳал қилинган муаммо юзасидан мантиқий фикрлаш, уларнинг умумий моҳиятини шартли белгилар ёрдамида ифодалаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласади.
<b>Муаммоли вазият</b>	Бунда ўқувчиларни ўрганилаётган мавзу бўйича муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиши сабаблари, оқибатларини ўрганиш, ечимларини топишга ундаш орқали уларда муайян кўникма, малакаларни шакллантиришга хизмат қиласади.
<b>СWOT таҳлил</b>	Ўрганилаётган масаланинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга ёрдам беради. Ўқувчилар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни қелтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади. <ul style="list-style-type: none"><li>• Strengths (кучли томонлари),</li><li>• Weaknesses (кучсиз томонлари),</li><li>• Opportunities (имкониятлари),</li><li>• Threats (хавфли томонлари).</li></ul>



<b>Синквейн</b>	Беш мисрали шеър стратегияси 1 – битта от сўз туркуми 2 – иккита сифат сўз туркуми 3 – учта феъл сўз туркумига хос сўз 4 – тўрт сўздан иборат гап 5 – мавзуга доир бир синоним
<b>Соябон</b>	Ўқувчилар ўрнидан туриб қўлларини юқорига кўтариб жуфтлиқда бошларига соябон шаклини келтиришади. Уларнинг ясаган соябони тагидан ўтган дарсда келмаган ёки дарсни яхши тушунмаган ўқувчи ўтади. Ҳар соябондан ўтаётганда соябон эгалари ўтилган дарс ҳақида битта сўзми ёки гапми айтишлари керак. Барча соябондан ўтган ўқувчи ҳамма олдида қандай маълумотни эслаб қолганини баён этади, натижада ўтилган дарс такрорланади ва мустаҳкамланади.
<b>Тадқиқот иши</b>	Асарни ўрганиш давомида ўқувчилар 5 гуруҳга тўпланиб, қуидаги топшириқларни бажарадилар. 1. Матннинг асосий ғоясини топинг 2. Аниқ ва ноаниқ маълумотлар 3. Фикрингизни расм билан тасвиirlанг 4. Асадан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг 5. Тарбиявий хулоса чиқаринг
<b>Т-жадвал</b>	Мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарали ёки самараисизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослади.
<b>Ягона давра</b>	Бунда ўрганилаётган мавзу юзасидан мустақил, мантиқий фикрлаш, бошқалар томондан билдирилаётган фикрларни тинглаш, уларни тўлдириш, шахсий фикрларни асослаш, хулоса чиқаришдир.



## МУНДАРИЖА

Бадиий адабиётнинг хусусиятлари ..... 3

### ОЛИС АФСОНАЛАР САДОСИ

Уч оға-ини ботирлар .....	7
Сусамбил .....	25
Эртаклар ҳақида .....	38
<b>Анвар Обиджон .....</b>	<b>40</b>
Одил Бургутшоҳ ва «Замбуруғ»	
лақабли жосус ҳақида эртак .....	41
<b>Ҳамид Олимжон .....</b>	<b>58</b>
Ойгул билан Бахтиёр .....	59
<b>Ганс Христиан Андерсен .....</b>	<b>79</b>
Булбул .....	80
<b>Миркарим Осим .....</b>	<b>94</b>
Тўмарис .....	95
<b>Широқ .....</b>	<b>114</b>

### МАЊНАВИЯТ ДУРДОНАЛАРИ

<b>Алишер Навоий .....</b>	<b>122</b>
«Маҳбуб ул-қулуб» .....	124
<b>Саъдий Шерозий .....</b>	<b>131</b>
«Гулистон» .....	133
<b>Захириддин Муҳаммад Бобур .....</b>	<b>136</b>
Рубоийлар .....	137
Рубоий ҳақида .....	140
<b>Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат .....</b>	<b>141</b>
«Илм хосияти» .....	144



## БОЛАЛИКНИНГ БЕГУБОР ОСМОНИ

Абдулла Қодирий .....	149
Улоқда.....	151
Ҳикоя ҳақида .....	162
Ҳамза Имонбердиев .....	163
Оҳу.....	164
Ғанича .....	167
Ғафур Ғулом .....	170
Менинг ўғригина болам .....	171
Бадиий асарнинг миллийлиги .....	178
Ойбек .....	180
Фонарчи ота .....	181
Носир Фозилов .....	185
Иншо .....	186

## КЎЗ ҚАРОЧИҚЛАРИМДАСАН, ВАТАН!

Эркин Воҳидов .....	197
Ўзбегим .....	199
Қасида ҳақида .....	203
Ўтқир Ҳошимов .....	204
Дунёнинг ишлари.....	205
Мирпўлат Мирзо .....	211
Шеърлар .....	212
Мағжон Жўмабоев .....	217
Шеърлар .....	218
Глоссарий .....	221



*Учебное издание*

**Наралиева Шахло Джамаловна  
Турдикулов Бегмат Нарматович  
Корганбаева Нюлюфар Абдикаримовна  
Алиақбарова Шахноза Бабажановна**

## **ЎЗБЕК АДАБИЁТИ**

**Умумтаълим мактабларининг  
5-синфи учун дарслик**

*(на узбекском языке)*

Редактор *Ш. Шарафуддинова*  
Художественный редактор *Н. Тазабеков*  
Техн. редактор *З. Бошанова*  
Дизайн и компьютерная верстка: *Д.К. Мансурова, Г. Утенова*



ИБ №7343

Подписано к печати 10.07.2023 г. Формат 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Бумага офсетная. Гарнитура «SchoolBook Kza». Печать офсетная.  
Физ. печ.л. 14,25. Усл. печ.л. 23,94. Усл. кр. от. 95,76.  
Тираж 300 доп. экз. Заказ №



Қазақстан Республикасы “Жазушы” баспасы, 050009.  
Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй.  
E-mail: Zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-580-6

9 786012 005806